

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ
КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**“ТИББИЁТДА САНИТАРИЯ ЭПИДЕМИОЛОГИЯ
НАЗОРАТИ ТИЗИМИ ВА УНИНГ АҲАМИЯТИ”
модули бўйича**

**ЎҚУВ-УСЛУБИЙ
МАЖМУА**

Тошкент-2017

Мазкур ўқув-услубий мажмуда Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2017 йил 24 августидаги 603-сонли буйруги билан тасдиқланган ўқув режса ва дастур асосида тайёрланди.

Тузувчи: Тошкент тиббиёт академияси, умумий ва радиацион гигиена кафедраси мудири, т.ф.д. Саломова Ф.И

Тақризчилар: Германия, Бонн Университети профессори Saravanan S.V.

Тошкент педиатрия тиббиёт институти, Жамоат саломатлиги, соғлиқни сақлашни ташкил этиш ва бошқариш кафедраси мудири т.ф.д., проф. Ш.Т.Искандарова

Тошкент тиббиёт академияси, болалар, усмирлар ва овкатланиш гигиенаси кафедраси мудири т.ф.д. Н.Ж.Эрматов

Ўқув-услубий мажмуда Тошкент тиббиёт академияси Кенгашининг 2017 йил 25 августидаги 1-сонли қарори билан наширга тавсия қилинган.

МУНДАРИЖА

I. Ишчи дастур	4
II. Модулни ўқитишда фойдаланиладиган интерфаол таълим методлари.....	12
III. Назарий материаллар	26
IV. Амалий машғулот материаллари.....	123
V. Кейслар банки.....	151
VI. Мустақил таълим мавзулари.....	169
VII. Глоссарий	170
VIII. Адабиётлар рўйхати	176

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Мамлакатимиз мустақиллиги миллий таълим соҳасида туб ислоҳотларни амалга ошириш учун замин яратди. Республикашимиз Президентининг ташаббуси билан МДҲ давлатларида биринчи бўлиб Ўзбекистон Республикаси таълим соҳасида ислоҳотлар амалга оширила бошланди. “Таълим тўғрисида”ги қонун ва “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”нинг амалга киритилиши янги босқични бошлаб берди. Ўзбекистонда олиб борилаётган ислоҳотлардан асосий мақсад, юртимизда соғлом ва баркамол, билимли, юксак маънавий-аҳлоқий фазилатларга эга бўлган авлодни шакллантиришдан иборат. Айнан ана шу мақсадга эришиш учун Президентимиз раҳнамолигида янги даврда яшайдиган, янгича фикрлайдиган, янги ишлаб чиқариш, ижтимоий шароитларда фаолият кўрсатадиган, замонавий касбий маҳоратга эга бўлган мутахассис кадрлар тайёрлашнинг “Ўзбек модели” хаётга тадбиқ этилмоқда. Таълим соҳасига тегишли қонун ва норматив - меъёрий хужжатларнинг барчасида республикамизда олий ва ўрта-маҳсус таълим тизимини жаҳон стандартларига мос равишда ривожлантириш, таълим сифатини халқаро стандартлар даражасига жавоб берадиган ҳолатга келтириш кўзда тутилган.

Давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони бу борадаги ишларни янги босқичга кўтаришга, олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчиларнинг касб даражаси ва малакасини муттасил ошириб бориш, уларни замонавий талабларга мувофиқ мунтазам қайта тайёрлашнинг такомиллаштирилган тизимини жорий этиш асосида юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан юксалтиришни кўзда тутгани билан ниҳоятда аҳамиятлидир. Фармонда олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштиришнинг муҳим йўналишлари белгилаб берилди. Жумладан, юқори самарали замонавий таълим ва инновация технологиялари, илғор хорижий тажрибани кенг жорий этган ҳолда, олий ўқув юртларининг педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича малака талаблари, ўқув режалари, дастур ҳамда услубларини тубдан янгилашга оид чора-тадбирлар ўз ифодасини топди. Бу, ўз навбатида, олий ўқув юртларида тингловчиларга сабоқ бераётган профессор-ўқитувчиларнинг замон билан ҳамнафас бўлишларига, ўқув жараёнига фанлар бўйича инновациялар, шунингдек, илғор услубларни кенг жорий этишга зарур шарт-шароит яратади, шу билан бирга, касб маҳорати, педагогик ва илмий фаолиятини муттасил ривожлантириб боришини талаб этади. Негаки, бугун вояга етаётган навқирон авлодни интеллектуал салоҳиятли, зукко қилиб тарбиялаш, уларга пухта билим бериш мутахассисларнинг юксак билим даражасига бевосита боғлиқдир.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда тибиёт кадрларини тайёрлашга масъул бўлган профессор – ўқитувчиларининг тиббий профилактика иши йўналиши фанлари бўйича билим, кўникма ва малакаларини ошириш ҳозирги даврнинг долзарб масалаларидан биридир.

Тиббий профилактика иши йўналиши (гигиена) фанлари - одам организмига атроф муҳитдаги омилларнинг таъсирини ўрганиб, олинган натижалар асосида аҳоли учун энг мувофиқ яшаш, меҳнат қилиш шароитларини, овқатланиш тартибларини, сув таъминоти, туарар-жойлар билан таъминлаш масалаларини ишлаб чиқади. Бу мақсадларга эришиш учун гигиена ўз олдига қўйидаги вазифаларни қўяди: атроф муҳит омилларини ўрганиш ва уларни одам организмига таъсир этиш хусусиятларни аниқлаш; олинган натижаларга асосланиб одам организми учун бефарқ бўлган ва узок муддат давомида таъсир этганда ҳам зарарли таъсир кўрсатмайдиган гигиеник меъёрлар ва регламентларни ишлаб чиқиш; ишлаб чиқилган меъёрлар ва регламентларни ҳаётга тадбик қилиш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

Модулни ўқитишдан мақсад - Соғлиқни сақлаш тизимида юқори малакали етук мутахассисларга бўлган эҳтиёжни қондира оладиган, билим, малака ва амалий кўникмаларни керакли ҳажмда эгаллаган педагог кадрларни тайёрлашдан иборат.

Барча тингловчилар ўз амалий ва илмий фаолиятларида тиббий профилактика иши йўналиши (гигиена) фанлари асосий тамойиллари ва компонентларидан кенг фойдаланадилар.

Модулнинг асосий вазифалари:

- тингловчиларда “Тиббий профилактика иши” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини узлуксиз янгилаш ва ривожлантириш;

- тингловчиларда замонавий талабларга мос ҳолда олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган педагогларнинг касбий компетентлик даражасини ошириш;

- тингловчиларда “Тиббий профилактика иши” йўналишида педагог кадрлар томонидан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий адабиёт материалларини самарали ўзлаштирилишини таъминлаш;

- тингловчиларда “Тиббий профилактика иши” йўналишида ўқитишининг инновацион технологиялари ва илфор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш;

- “Тиббий профилактика иши” йўналишида ўқув жараёнини фан ва амалиёт билан самарали интеграциясини таъминлашга қаратилган фаолиятни ташкил этиш.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

“Тиббий профилактика иши” йўналишидаги фанларини ўзлаштириш жараёнида

Тингловчи:

- тиббий профилактика иши йўналиши фанининг назарий ва амалий соҳаларда эришган ютуқлари, муаммолари ва истиқболини;
- тиббий профилактика иши йўналиши фанларининг фундаментал ва амалий жиҳатларини;
- тиббий профилактика иши йўналиши соҳасидаги инновацияларни ва таълим технологияларини ўқув жараёнига татбиқ этишининг назарий ва амалий асосларини;
- тиббий профилактика иши йўналиши соҳасидаги мутахассисларга қўйиладиган замонавий талабларни;
- тиббий профилактика иши йўналиши соҳасидаги санитария ва эпидемиология назорати меъёрларини;
- тиббий профилактика иши йўналиши соҳасидаги қонуний-меърий хужжатларни;
- Юқумли ва юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси ва соғлом турмуш тарзини (СТТ) назарий асосларини **ҳақида тасаввурга эга бўлиши лозим**.

Тингловчи:

- тиббий профилактика иши йўналиши фанларини ўқитиша илғор таълим технологияларидан самарали фойдаланиш;
- замонавий диагностика ва профилактика усулларидан фойдаланиш;
- тиббий профилактик иши йўналиши бўйича касалликларнинг олдини олиш ва уларни бартараф килиш, СТТ тарғиб этиш ҳамда назорат қилиш **кўникмаларига эга бўлиши зарур**;

Тингловчи:

- тиббий профилактика иши йўналиши соҳасидаги замонавий диагностика ва профилактика усулларидан фойдаланиш;
- тиббий профилактика иши йўналишида профилактиканинг замонавий технологияларини қўллаш;
- тегишли ахборотларни излаш, уларга танқидий ёндашиш, уларни ташхислаш, даволаш ва профилактик фаолиятда қўллаш;
- тиббий профилактика иши йўналишидаги фанларни ўқитиша муаммоли педагогик ва инновацион ёндашиш;
- тиббий профилактика иши йўналиши бўйича илғор хорижий тажрибаларни амалиётда қўллаш;
- касалликларни олдини олиш, фавқулотда ҳолатларда санитария ва эпидемияга карши чора-тадбирларни ташкил килиш ва ўтказиш, СТТ тарғиб этиш ҳамда уларни ўқув жараёнига тадбиқ этиш **малакаларига эга бўлиши керак**.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Тиббиётда санитария эпидемиология назорати тизими ва унинг аҳамияти” модули маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилсада, бунда вазиятли машқлар, слайдларни қўрсатиш, алоҳида педагогик вазиятларни шарҳлаш кабилардан фойдаланиш тавсия этилади.

Модулни ўқитиши жараёнида таълимнинг замонавий методлари, ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентация ва электрон-дидактик технологиялардан;

- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс ва тест сўровлари, ақлий хужум, кичик гурухлар билан ишлаш ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Тиббиётда санитария эпидемиология назорати тизими ва унинг аҳамияти” модули мазмунан ўқув режадаги “Олий таълимнинг норматив-хуқуқий асослари”, “Илгор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат”, “Таълим жараёнида ахборот- коммуникация технологияларини қўллаш” каби ўқув модуллари билан узвий боғлиқ бўлиб, педагогик фаолиятни самарали кечишини таъминлаш учун хизмат қиласди.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Тингловчилар модул доирасида узатиладиган маълумотларни таълим-тарбия жараёнига тадбик этиб, мақбул қарор қабул қилишга доир қасбий компетентликка эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат					
		Хаммаси	Аудитория ўқув юкламаси			жумладан	
			Жами	наазарий	Амалий машғулот		
					Кўчма машғулот		
1.	ЎзРда Давлат санитария назорати. Аҳолини санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш.	2	2	2			
2	ЎзРда Санитария эпидемиология хизмати структураси. Республика санитария-эпидемиология хизмати фаолияти ва уни малакали кадрлар	2	2	2			

	билин таъминланиш масалалари						
3.	Инсон организмига атроф мухит омилларининг таъсири, гигиеник меъёрлаштириш ва регламентлаштириш асослари.	10	10	4	3	3	
4.	Аҳолининг тўғри овқатланиш масалалари	8	6	2	2	2	2
5.	Мехнат гигиенаси соҳасидаги мухим гигиеник муаммолари	6	6	2	2	2	
6.	Болалар ва ўсмирлар гигиенасининг ўзига хос муаммолари	8	8	2	3	3	
7.	Соғлом турмуш тарзи ва психогигиенанинг гигиеник асослари	8	6	2	4	2	2
Жами: 44 соат		44	40	16	12	12	4

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу: ЎзРда Давлат санитария назорати. Аҳолини санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш.

Давлат санитария назорати, унинг мазмуни, мақсади, вазифалари ва ташкиллаштирилиши. ЎзРнинг “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги Қонуни. Тиббий профилактика иши, мақсад ва вазифалари. Санитария-эпидемиологик вазият. Санитария-гигиена ва эпидемияга қарши тадбирлар.

2-мавзу: ЎзРда Санитария эпидемиология хизмати структураси. Республика санитария-эпидемиология хизмати фаолияти ва уни малакали кадрлар билан таъминланиш масалалари

Санитария эпидемиология хизмати структураси, мутахассислар ва лавозимдаги шахсларнинг вазифалари. ЎзР ВМнинг “Республика санитария-эпидемиология хизмати фаолиятини ва уни малакали кадрлар билан таъминланиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари” тўғрисидаги Қарори.

3-мавзу: Инсон организмига атроф мухит омилларининг таъсири, гигиеник меъёрлаштириш ва регламентлаштириш асослари.

Инсон организмига атроф мухит омилларининг (хаво, сув, тупрок) таъсири Гигиеник меъёр ва регламентларнинг аҳамияти. Физиковий, кимёвий, биологик омилларни гигиеник меъёрлаштириш ва гигиеник

регламентлаштиришларни ишлаб чиқишининг асослари. Санитария Қоидалари ва Меъёрлари (СанҚ ваМ) ҳамда бошқа турдаги гигиеник меъёрий хужжатлар ҳақида тушунча. Атмосфера ҳавоси, сув, тупроқ омилларини гигиеник регламентлаштиришга бўлган умумий ёндошувлар.

4-мавзу: Аҳолининг тўғри овқатланиш масалалари

Овқатланишнинг ижтимоий-гигиеник муаммо эканлиги. Аҳоли саломатлиги учун овқатланишнинг аҳамияти. Оқилона овқатланиш тушунчаси ва унга бўлган гигиеник талаблар, физиологик овқатланиш меъёрлари. Асосий озуқа моддаларнинг манбалари ва гигиеник истеъмол меъёрлари. Алиментар касалликлар ҳақида тушунча, уларнинг таснифи. **Аҳоли овқатланишида экологик муаммолар.** Овқатдан заҳарланишлар, таснифи. Овқатдан заҳарланишнинг муҳим шаклларини келиб чиқишини олдини олиш.

5-мавзу: Мехнат гигиенаси соҳасидаги муҳим гигиеник муаммолар

Мехнат гигиенаси тушунчаси, меҳнат гигиенаси соҳасидаги замонавий муаммолар. Ишлаб чиқаришга оид заарлар ҳақида тушунча, уларнинг таснифлари. Касб касалликлар, ЎзР учун бу муаммонинг долзарблиги. Саноат корхоналари ишчи ва хизматчиларига тиббий хизмат қўрсатишни ташкил этишнинг асослари. Рухий физиологик омилларга гигиеник таъриф, уларнинг ишчилар организмига заарли таъсирини олдини олиш тадбирлари. Ишлаб чиқариш муҳитидаги биологик омилларнинг гигиеник аҳамияти, касбга оид инфекциялар ҳақида тушунча, уларни олдини олиш тадбирлари.

6-мавзу: Болалар ва ўсмиirlар гигиенасининг ўзиға хос муаммолари

Болалар ва ўсмиirlар гигиенаси. Ўзбекистон аҳолиси болалар контингентининг саломатлик қўрсаткичлари. Аҳоли турмуш шароитининг болаларнинг саломатлик ҳолатини белгиловчи муҳим омил эканлиги. Болаларнинг жисмоний ривожланиши уларни тарбиялаш ва ўқитиши шароитларини мувофиқлаштириш бўйича тадбирлар ишлаб чиқишининг асоси эканлиги. Акселерация, унинг гигиеник аҳамияти, мактабга етуклик тушунчаси. Болалар ва ўсмиirlарга тиббий хизмат қўрсатишни ташкил этишнинг гигиеник асослари.

7-мавзу: Соғлом турмуш тарзи ва психогигиенанинг долзарб муаммолари

Замонавий шахсий гигиена ҳақида тушунча ва унинг соғлом турмуш тарзининг асоси эканлиги. Бадан гигиенаси, баданни чиниқтиришнинг гигиеник асослари. Психогигиена ҳақида тушунча, унинг мақсади ва вазифалари, хозирги замондаги долзарблиги. Психогигиенанинг асосий

бўлимларига умумий таъриф (болалар ва ўсмирлар психогигиенаси, меҳнат психогигиенаси, оила психогигиенаси, гериатрик психогигиена).

АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАЗМУНИ

1-амалий машғулот: Инсон организмига атроф мухит омилларининг таъсири. Хоналарнинг микроиқлим кўрсаткичларини текшириш усуслари.

Ҳаво мухитига гигиеник таъриф. Ҳаво мухитининг физикавий хоссалари (ҳарорат, намлиқ, ҳаво ҳаракатининг тезлиги ва йўналиши, унинг атмосфера босими ва электр ҳолати) текшириш усуслари. Хоналарнинг микроиқлим кўрсаткичларига бўлган гигиеник талаблар. Хоналарнинг табиий ва сунъий ёритилганлик кўрсаткичларини текшириш ва баҳолаш усуслари.

2-амалий машғулот: Аҳолининг тўғри овқатланиш масалалари

Овқат маҳсулотларининг тўла сифатлилигини баҳолаш хақида тушунча. Овқат маҳсулотларидан намуналар олиш ҳақида умумий тушунча. Овқат маҳсулотларини экспертизадан ўтказиш тартиби. Овқат маҳсулотларининг сифатини текшириш усуслари ҳақида тушунча, тез бузилувчи овқат маҳсулотларининг тўла сифатлилигини аниқлаш.

3-амалий машғулот: Меҳнат гигиенаси соҳасидаги мухим гигиеник муаммолар. Ишлаб чиқариш корхоналарида чангланганлик, шовқин-тебраниш даражасини текшириш ва баҳолаш усуслари.

Толикиш ва ўта толикиш ҳақида тушунча, уни олдини олишда меҳнат ва дам олиш тартибининг тутган ўрни. Чангланганлик, шовқин ва тебраниш омилларига гигиеник баҳо бериш. Чангланганлик, шовқин ва тебранишни ўлчашни ташкил қилиш. Чангланганлик, шовқин ва тебранишни текшириш натижаларини тўғри расмийлаштириш, гигиеник баҳолаш.

4-амалий машғулот: Болалар ва ўсмирлар гигиенасининг ўзига хос муаммолари. Болалар ва ўсмирларнинг жисмоний ривожланишини текшириш ва баҳолашнинг методологик асослари.

Болаларнинг жисмоний ривожланганлигини баҳолашнинг умумий асослари. Болалар ва ўсмирларнинг жисмоний ривожланишининг кўрсаткичлари, уларни текшириш усуслари. Жисмоний ривожланишини регрессия шкаласи ва комплекс схема усулида баҳолаш. Болаларнинг жисмоний ривожланишини центил шкаласи бўйича баҳолаш. Мактабларда жисмоний тарбия дарсларини ташкил қилишда жисмоний ривожланганликни хисобга олиш.

5-амалий машғулот: Соғлом турмуш тарзи ва психогигиенанинг долзарб муаммолари. Кийим-бош газламаларининг физикавий ва гигиеник кўрсаткичларини текшириш усувлари.

Кийим-бошларга бўлган гигиеник талаблар, кийимларнинг гигиеник кўрсаткичлари учун газламалар хусусиятининг аҳамияти. Газламаларни текширишга тайёрлаш тартиби, газлама турини аниқлаш. Газламанинг физикавий ва гигиеник кўрсаткичларини аниқлаш.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ:

Мазкур модулнинг назарий материалини ўзлаштиришда қуйидаги:

→ ўқув ишини ташкиллаштиришининг интерфаол шакларидан: бинар-маъруза, савол-жавобли маъруза, сухбат-маърузалар орқали ташкиллаштириш назарда тутилган.

→ ўқув фаолиятини ташкил этиши шаклари сифатида қуйидагилардан фойдаланиши назарда тутилган:

- маъруза машғулотларида оммавий, жуфтлик, индивидул;
- амалий машғулотларда гурухли, жамоавий, жуфтлик, индивидуал.

БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

№	Ўқув-топшириқ турлари	Mаксимал балл	Баҳолаш мезони		
		2,5	“аъло”	“яхши”	“ўрта”
1	Амалий топшириқлар	1,2	2,2-2,5	1,8-2,1	1,4-1,7
2	Кейс топшириқлари	0,5			
3	Мустақил иш топшириқлари	0,8			

Кўчма машғулот ТТА туман ДСЭНМ ўқув модули ҳамда ЎзР ССВ СГКК ИТИ лабораторияларида ўтказилади.


Кўчма машғулот мобайнида туман ДСЭНМ ўқув модули мисолида Давлат санитария эпидемиология назорат марказлари структураси билан таништирилиб, Давлат санитария назоратини ўтказишнинг умумий принциплари билан таништирилади. Шунингдек ЎзР ССВ СГКК ИТИ лабораторияларида ўтказиладиган текширувларни тахлил қилинади.

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

Таълим технологияси аниқ педагогик гоя асосида ишлаб чиқилиб, унинг негизини қуидагилар ташкил этади: муаллифнинг аниқланган методологик, фалсафий йўналиши; педагогик, психологик ва ижтимоий фанлар ҳамда педагогик амалиёт-концептуал асослари.

Таълим тизими бошқа барча ҳорижий мамлакатлар сингари фалсафа, психология ва педагогикада инсонпарварлик йўналишидаги принциплар асосида тузилади. Педагогикада бу йўналишнинг асосий фарқ қиласиган жиҳати шундаки, бунда таълим олувчининг ўзлиги, унинг шахси, мустақил танқидий фикрлашини онгли ривожланишига аниқ йўналтирилган, уларнинг хусусият ва имкониятларини ҳисобга олган ҳар бир таълим олувчининг мустақил билиш фаолиятига эътиборида ҳисобланади.

Замонавий таълим технологиясининг асослари



Интерфаол таълим (Interactive) - сұхбатли. **Интерфаол таълим** бериш - сұхбатли таълим бериш, бунда таълим берувчи ва таълим олувчи, таълим воситаларининг ўзаро ҳаракати амалга оширилади.

Модулни ўқитишида қуидаги интерфаол усуллардан фойдаланилади.

Муаммоли вазиятлар усули

Муаммоли вазиятлар усули – таълим берувчининг муаммоли вазиятларни яратишига ва таълим олувчиларнинг фаол билиш фаолиятларига асосланган. У аниқ вазиятни таҳлил қилиш, баҳолаш ва кейинги қарорни қабул қилишдан тузилган. Усулнинг етакчи вазифалари қуидагилардан иборат:

- ✓ Ўргатувчи – билимларни фаоллаштиришга асосланган;
- ✓ Ривожлантирувчи – таҳлилий тафаккурни, алоҳида ҳодисаларнинг далиллари қонунийликни кўра билишини шакллантириш;
- ✓ Тарбияловчи – фикр алмашиниш кўникмаларни шакллантириш.

Муаммоли вазифалардан фойдаланиш усули бизга, назарияни амалиёт билан боғлаш, имконини беради, бу материални таълим олувчилар учун янада кўп долзарбли қиласи.

Ўқув муаммосининг муҳим белгилари қуидагилардан иборат бўлади:

- ❖ номаълумнинг борлиги, уни топиш янги билимларни шаклланишига олиб келади;
- ❖ номаълумни топиш йўналишида қидиувни амалга ошириш учун таълим олувчиларда маълум даражада билим манбалари борлиги.

Муаммо З таркибий қисмдан ташкил топади:

- Маълум (ушбу берилган вазифадан).
- Номаълум (янги билимларни шаклланишига олиб келади).
- Номаълумни топиш йўналишида қидиувни амалга ошириш учун керак бўлган, аввалги билимлар (таълим олувчилар тажрибаси).

Шундай қилиб, ўқув муаммосини таълим олувчиларга олдиндан номаълум бўлган натижа ёки бажариш усули вазифаси сифатида аниқлаш мумкин. Лекин таълим олувчилар ушбу натижа қидиувини амалга ошириш ёки ҳал этиш йўли учун дастлабкига эгадирлар. Шундай қилиб, таълим олувчилар ҳал этиш йўлини билади, вазифаси ўқув муаммоси бўлмайди. Бошқа томондан, агарда таълим олувчилар у ёки бу вазифани ечиш йўлини билмай уни ечиш қидиуви учун воситага эга бўлмасалар, унда у ҳам ўқув муаммоси бўлиши мумкин эмас.

Муаммоли вазифани мураккаблиги (вазият «ўқув» муаммо) бир қатор далиллар билан аниқланади, бу жумладан таълим олувчилар даражасига мос қилиши керак. Агарда таништирувчи материал жуда ҳам ҳажми катта ёки мураккаб бўлса, улар ҳамма ахборотни қабул қила олмайдилар, ечимини топишни билмайдилар ва ўқув фаолиятида бўлган ҳар қандай қизиқишилардан маҳрум бўладилар.

Муаммоли вазифани ишлаб чиқиши катта меҳнат ва педагогик

маҳоратни талаб этади. Қоидага биноан, вазифани бир неча маротаба тажрибадан ўтказгандан сўнг ўқув гуруҳида омадли вариантини тузишга эга бўлинади. Шунга қарамай, бундай вазифалар назарияни ҳақиқий вазият билан боғлаш имконини беради. Бу таълим олувчилар онгида ўқитишни фаоллаштиришга имкон беради, келажакдаги касбий фаолиятлари учун ўрганилаётган материалнинг амалий фойдасини англаб етишга ёрдам бўлади.

Муаммоли вазиятлар усули қўлланилган ўқув машғулотининг технологик харитаси

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
Тайёргарлик	➤ Таълим берувчи мавзуу, муаммоли (муаммо) вазиятни танлайди,
1 – босқич Муаммога Кириш	➤ Тингловчилар гурухларга бўлинадилар; муаммоли вазиятлар баён қилинган материаллар билан танишадилар
2 - босқич Муаммога кириш	➤ Ушбу муаммони ҳал этишнинг турли имкониятларини гурухларда муҳокама қиласадилар, уларни таҳлил қиласадилар, энг мақбулларини топадилар, ягона фикри ифодалайдилар.
3 - босқич. Натижаларни тақдим этиш	➤ Натижаларни маълум қиласади, бошқа гуруҳ вариантиларини муҳокама қиласадилар
4 - босқич Умумлаштириш, якун ясаш	➤ Баҳосиз ва қисқа равишда муаммони ечишнинг асосий ва ҳал этиш йўлларини санаб ўтади. Муаммоли вазиятни ечиш жараёнида қилинган хулосаларга эътибор қаратади

Лойиҳалар усули

Лойиҳалар усули билим ва малакаларни амалий қўллаш, таҳлил ва баҳолашни назарда тутувчи мажмуали ўқитиш усулини амалга оширади. Таълим олувчилар юқори даражада, бошқа ўқитиш усулларидан фойдаланишга қараганда, режалаштиришда, ташкиллаштиришда, назоратда, таҳлил қилиш ва вазифани бажариш натижаларини баҳолашда иштирок этадилар. Лойиҳа фанлараро, бир фан ёки фан ташқарисида бўлиши мумкин.

Лойиҳа усулининг амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
Тайёргарлик	<ul style="list-style-type: none"> ➤ Ўқитувчи лойиҳа мавзулари ва мақсадини аниқлайди. Таълим олувчиларни лойиҳалаш ёндашуви моҳияти билан таништиради. Бир қанча мавзулар таклиф этади, лойиҳа мазмуни тӯғрисида маълумот беради, улар доирасини шакллантиради, иш турлари, уларнинг натижалари ва баҳолаш мезонларини санаб ўтади.
1 - босқич Режалаштириш	<ul style="list-style-type: none"> ➤ Ўқитувчи ғояларни таклиф этади, таклифларни айтади. ➤ Ахборот манбай ва унинг йиғиш усуллари ва таҳлилини тавсия этади. ➤ Иш тартиби ва оралиқ босқичларни баҳолаш мезонлари ва умуман жараённи белгилайди.
2 - босқич Тадқиқ қилиш	<ul style="list-style-type: none"> ➤ Тингловчилар тадқиқотни бажарадилар. Ахборот тўплайдилар, оралиқ вазифаларни ечадилар.
3 - босқич Ахборот таҳлили. Хулосаларни шакллантириш.	<ul style="list-style-type: none"> ➤ Тингловчилар олинган ахборотни таҳлил қиласидилар, хулосаларни шакллантирадилар
4 - босқич Тақдимот босқичи	<ul style="list-style-type: none"> ➤ Тингловчилар олинган натижалар бўйича тақдимотга тайёрланадилар. Иш натижаларини намойиш тадилар.
5 - босқич Жараён ва натижаларни баҳолаш.	<ul style="list-style-type: none"> ➤ Тингловчилар жамоавий муҳокама орқали иш натижалари ва унинг бориши, шу жумладан муаммони ечишнинг тўлиқлик даражаси ва ҳаракат стратегиясини химоя қиласидилар, ўқитувчи уларни баҳолайди

“Кейс-стади” усули

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очиқ ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қўйидагиларни камраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижা (What).

“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш Босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш; ✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда); ✓ ахборотни умумлаштириш; ✓ ахборот таҳлили; ✓ муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	✓ индивидуал ва гурӯҳда ишлаш; ✓ муаммоларни долзарблиқ иерархиясини аниқлаш; ✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш ўйларини ишлаб чиқиш	✓ индивидуал ва гурӯҳда ишлаш; ✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш; ✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; ✓ муқобил ечимларни танлаш
4-босқич: Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	✓ якка ва гурӯҳда ишлаш; ✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ✓ ижодий-лойиха тақдимотини тайёрлаш; ✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш

Шунингдек, модулни ўқитишда ҳамкорликдаги ўқиши ташкил этиш усулларидан «Арра» ёки илон изи, «Биргаликда ўқиймиз», техникаларидан фойдаланамиз.




Ҳамкорликда ўзаро ўқиши: тамойил ва қоидалари

- 1) гурухга битта топшириқ;
- 2) битта рағбат: гурух барча иштирокчилари ҳамкорликдаги иш баҳоси (умумий натижага эришиш учун барча гурух аъзолари сарфлайдиган кучи баҳоланади) ва академик натижалари йифиндисидан ташкил топган битта баҳо олади, яъни гурух (команда) муваффакияти ҳар бир иштирокчининг хиссасига боғлиқ;
- 3) ҳар бирининг ўз муваффакияти ва гурухнинг бошқа аъзолари муваффакияти учун шахсий масъулиятлиги;
- 4) ҳамкорликдаги фаолият: гурухий музокара, ҳамкорлик, ўзаро ёрдам бериш каби ўзаро ҳаракат усуллари асосида ташкил топади;
- 5) муваффакиятга эришишда teng имкониятлар: ҳар бир ўқиётган ўз шахсий ютуғини такомиллаштиришга, шахсий имкониятлари, қобилияtlаридан келиб чиқсан ҳолда ўқишига берилган бўлиши зарур, чунки у бошқалар билан teng баҳоланади.

“Илон изи” (“appa”) техникасини ўтказиш босқичлари

Иш босқич-лар	Фаолият шакли
1 –босқич Кириш.	<ul style="list-style-type: none"> ➤ Ўқитувчи лавҳаларнинг мураккаблиги ва ҳажми бўйича тенг бўлинган ўқув материали устида ишлаш учун 3-4 кишидан иборат бўлган гурухларни шакллантиради.
2 Гурухларда ишлаш.	<ul style="list-style-type: none"> ➤ Ҳар бир гурух аъзоси эксперт варағига мос равиша ўқув материалидан керакли маълумотни топади. ➤ Мутахисслир учрашуви-ҳар хил гурухларда фақат бир материални ўрганаётганлар билан учрашадилар ва экспертлар сифатида ахборотлар билан алмашиладилар, ўзларининг саволларини ишлайдилар, дастлабки ўзларининг гурух аъзоларига ушбу ахборотни самаралироқ баён этишини биргаликда режалаштирадилар. ➤ Мутахисслир ўзларининг дастлабки гурухларига қайтадилар ва бошқаларга ўзлари билиб олган барча янгиликларни ўргатадилар: ҳар бири ўзининг топширигининг қисми тўғрисида маъруза қиласи(худди арранинг бир тишидай). ➤ Умумий мавзу бўйича бир-бирларига саволлар берадилар ва билимларни баҳолайдилар ёки таълим берувчи томонидан барча мавзулар бўйича тестларни бажарадилар.
3- Якуний босқич.	<ul style="list-style-type: none"> ➤ Ўқитувчи иш якунидан сўнг гурухлардаги ҳоҳлаган таълим олувчига мавзу бўйича ҳоҳлаган саволга жавоб беришиши таклиф этади. Тингловчилар саволларга жавоб берадилар

“Илон изи”, “Арпа” техникаси



“Биргаликда ўрганамиз” (“кооп-кооп”) усули ва унинг босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли
1. Гуруҳларни шакллантиш	➤ Ўқитувчи ўқиганлик даражаси бўйича 3-5 кишидан иборат бўлган ҳар хил гуруҳларни шакллантиради
2. Гуруҳли иш босқичига кириш	➤ Ҳар бир гуруҳга умумий мавзунинг қисмини - бир топшириқ беради, бу бўйича барча ўкув гуруҳлари ишлайди. ➤ Гуруҳ ичидаги умумий топшириқ бўлинади.
3. Гуруҳларда ишлаш.	➤ Ўқитувчи топшириқни бажариш муваффақиятини, муомала маданиятини назорат қиласди. ➤ Ҳамма алоҳида топшириқни бажарадилар ва барча мавзулар бўйича мустақил ишлайдилар. ➤ Гуруҳ аъзоларини кичик-маърузаларни тинглайдилар. Умумий маърузани ифодалайдилар.
4. Тақдимот ўтказиш	➤ Гуруҳ сардорлари ёки ҳамма гуруҳ иш якуни тақдимотини ўтказадилар.
5. Баҳолаш.	➤ Ўқитувчи гуруҳ натижаларининг таҳлили ва баҳолашини ўтказади, ғолиб-гуруҳни аниқлади.



Графикли органайзерлардан маълумотларни таркиблаштириш ва таркибий бўлиб чиқиш, ўрганилаётган тушунчалар (ҳодисалар, воқеалар, мавзулар ва шу кабилар) ўртасида алоқа ва алоқадорликни ўрнатишнинг йўли ва воситаларидан “Инсерт” усули, “Блиц-ўйин” усулидан фойдаланилади.

“Инсерт” усули

Методнинг мақсади: Мазкур метод ўқувчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билмларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод ўқувчилар учун хотира машки вазифасини ҳам ўтайди.

Методни амалга ошириш тартиби:

- ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмунни ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;
- янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим оловчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;
- таълим оловчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини маҳсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда тингловчилар ёки қатнашчиларга қуйидаги маҳсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

Белгилар	1-матн	2-матн	3-матн
“V” – таниш маълумот.			
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.			
“+” бу маълумот мен учун янгилик.			
“-” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?			

Белгиланган вақт якунлангач, таълим оловчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.

“Блиц-ўйин” усули

Усланинг мақсади: ўқувчиларда тезлик, ахборотлар тизмини таҳлил қилиш, режалаштириш, прогнозлаш кўнилмаларини шакллантиришдан иборат. Мазкур методни баҳолаш ва мустаҳкамлаш максадида қўллаш самарали натижаларни беради.

Услани амалга ошириш босқичлари:

1. Дастреб иштирокчиларга белгиланган мавзу юзасидан тайёрланган топшириқ, яъни тарқатма материалларни алоҳида-алоҳида берилади ва улардан материални синчиклаб ўрганиш талаб этилади. Шундан сўнг, иштирокчиларга тўғри жавоблар тарқатмадаги «якка баҳо» колонкасига белгилаш кераклиги тушунтирилади. Бу босқичда вазифа якка тартибда бажарилади.

2. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи иштирокчиларга уч кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштиради ва гуруҳ аъзоларини ўз фикрлари билан гуруҳдошларини танишириб, баҳслашиб, бир-бирига таъсир ўтказиб, ўз фикрларига ишонтириш, келишган ҳолда бир тўхтамга келиб, жавобларини «гуруҳ баҳоси» бўлимига рақамлар билан белгилаб чиқишни топширади. Бу вазифа учун 15 дақика вақт берилади.

3. Барча кичик гуруҳлар ўз ишларини тугатгач, тўғри ҳаракатлар кетмакетлиги тренер-ўқитувчи томонидан ўқиб эшиттирилади, ва ўқувчилардан бу жавобларни «тўғри жавоб» бўлимига ёзиш сўралади.

4. «Тўғри жавоб» бўлимида берилган рақамлардан «якка баҳо» бўлимида берилган рақамлар таққосланиб, фарқ булса «0», мос келса «1» балл қуийш сўралади. Шундан сўнг «якка хато» бўлимидағи фарқлар юқоридан пастга қараб қўшиб чиқилиб, умумий йиғинди ҳисобланади.

5. Худди шу тартибда «тўғри жавоб» ва «гуруҳ баҳоси» ўртасидаги фарқ чиқарилади ва баллар «гуруҳ хатоси» бўлимига ёзиб, юқоридан пастга қараб қўшилади ва умумий йиғинди келтириб чиқарилади.

6. Тренер-ўқитувчи якка ва гуруҳ хатоларини тўпланган умумий йиғинди бўйича алоҳида-алоҳида шарҳлаб беради.

7. Иштирокчиларга олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари аниқланади.

Графикли органайзерлардан маълумотларни таҳлил қилиш, солишириш ва таққослашнинг йўл ва воситаларидан “SWOT-таҳлил” усули, Венна диаграммаси усулидан фойдаланилади.

“SWOT-таҳлил” усули

Методнинг мақсади: мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, тақрорлаш, баҳолашга, мустакил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қиласи.




Венна Диаграммаси усули



Усулнинг мақсади: Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали кўриб чиқиши, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

Усулни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштириладилар ва уларга кўриб чиқилаётган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиш таклиф этилади;
- навбатдаги босқичда иштирокчилар тўрт кишидан иборат кичик гурухларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гуруҳ аъзоларини таништирадилар;
- жуфтликларнинг таҳлили эшистилгач, улар биргаланиб, кўриб чиқилаётган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштирадилар ва доирачаларнинг кесишган қисмига ёзадилар.



Графикли органайзерлардан муаммони аниқлаш, таҳлил қилиш ва уни ҳал этишни режалаштиришнинг йўллари ва воситаларидан Ишикава диаграмасидан фойдаланилади.



**Балиқ скелети, Ишикава ёки
Илдиз сабаблар таҳлили диаграммаси.**

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1-мавзу: ЎзРда Давлат санитария назорати. Аҳолини санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш.

Режа:

- 1. Тиббий профилактика иши, мақсад ва вазифалари.*
- 2. Давлат санитария назорати, унинг мазмуни, мақсади, вазифалари ва ташкиллаштирилиши.*
- 3. ЎзРнинг “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги түғрисида”ги Конуни.*

Таянч иборалар:

тиббий профилактика иши, врач умумий гигиенист эпидемиолог, давлат санитария назорати, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги, санитария-гигиена тадбирлари ва эпидемияга қарши тадбирлар, санитария-эпидемиологик вазият

Ўзбекистон Республикаси президенти И.А.Каримов Республикада экологик ҳолатни яхшилаш ва эпидемиологик барқарорликни таъминлаш мақсадида **“Аҳоли, айниқса болаларни юқумли касалликлар ва эпидемиялардан ишончли ҳимоя қилишни таъминлайдиган санитария-эпидемиология хизмати тизимини янада мустаҳкамлаш, ҳамда унинг самарадорлигини ошириш лозим”** – деб таъкидлаганлар. Бу ишларни амалга оширувчи юқори малакали мутахассисларни ТТА тиббий профилактика факультети ҳамда унинг Фарғона филиали ва ТошПМИнинг Нукус филиали тайёлраб беради.

Атроф-муҳитни асраш, инсон саломатлигига салбий таъсир этувчи омилларни бартараф қилиш ва турли касалликларни олдини олиш тиббий профилактика йўналиши фанларининг асосий вазифаси ҳисобланади. Тиббий профилактика иши йўналишидаги шифокорларнинг меҳнати туфайли Республикаизда вабо, ўлат, безгак, куйдирги, полиомиелит каби ўта оғир юқумли касалликлар бартараф этилди. Ҳозирги кунда республикаизда санитар-гигиеник, эпидемиологик ва радиацион ҳавфсизлик барқарор бўлиб бошқа давлатлардан ўта ҳавфли юқумли касалликларнинг кириб келишига йўл қўйилмаяпти.

Тиббий профилактика иши таълим йўналишининг ривожланиш тарихига қисқача тўхталиб ўтамиз. 1920 йилда Туркистон давлат университети ташкил этилган бўлиб унинг таркибида тиббиёт факультети бўлган. 1931 йилда факультет Ўрта Осиё тиббиёт институти номи билан университетдан ажralиб чиқади ва 1935 йилда Тошкент тиббиёт институти деб қайта номланади. Институт таркибида даволаш-профилактика, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, санитария-профилактика ва стоматология

факультетлари бўлган. 1933 йилдан санитария-профилактика факультети санитария-гигиена факультети деб қайта номланган. 1992 йилдан ҳозирги вақтгача тиббий профилактика факультети деб юритилади.

ТТАНИНГ тиббий-профилактика факультети санитария эпидемиология соҳасидаги юқори малакали мутахассисларни тайёрлайдиган Ҳамдўстлик давлатларидағи ЗЗта факультетлар орасида нуфузли ўринга эга бўлган бири бўлиб, республикамизда таянч факультет ҳисобланади. Факультет 6 йиллик ўқиш муддатида врач умумий гигиенист эпидемиолог мутахассисларини тайёрлайди. Тиббиёт соҳасида ўтказилган ислоҳатлар аҳолига кўрсатиладиган тиббий ёрдам ва санитария хизматини юқори поғонага кўтарди. ДСЭНМ янги асбоб-ускуналар, лаборатория анжомлари, замонавий информацион технологиялар билан таъминланмоқда. Бу эса тингловчиларимиздан соҳага оид билим ва кўникмаларни пухта эгаллашини талаб этади.

Врач умумий гигиенист эпидемиолог - етарли билим ва кўникмаларга эга, кенг омма ва алоҳида гурӯхлар орасида аҳоли саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш, касалланишни олдини олиш бўйича давлат санитария ва эпидемиология назоратини ўтказиш, касбий вазифаси доирасида ҳолатни таҳлил қилиш, чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга оширишга қодир юқори малакали врач.

Факультет битирувчиларининг асосий функционал вазифалари куйидагилардан иборат:

- Аҳолининг эпидемиологик барқарорлигини таъминлаш;
- Истеъмол бозорида истеъмолчиларнинг хуқуки ҳимоялашини назорат қилиш;
- Профилактик, гигиеник ва эпидемияга қарши чора-тадбирларни ташкиллаштириш ва уларни ўтказишида иштирок этиш;
- Инсон ҳаёти фаолиятидаги экологик муаммоларни ечиш ва башорат қилиш;
- Аҳолининг саломатлик ҳолатини ўрганиш, ташқи муҳит омиллари ҳамда ишлаб чиқариш муҳитининг аҳоли саломатлигига салбий таъсирини ўрганиш, соғломлаштирувчи чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, ташкиллаштириш ва уларнинг самарадорлигини гигиеник баҳолаш.

Врач умумий гигиенист эпидемиологнинг иш ўрни

- Республика, вилоят ва туманларнинг ДСЭНМлари;
- Республика карантин ва ўта ҳавфли касалликлар профилактикаси илмий маркази ва унинг филиаллари, дезинфекцияловчи ва санитар назорати пунктлари;
- Тиббий санитария қисмлари, кўп тармоқли шифохоналар, поликлиникалар ва бошқалар;
- ОИТСга қарши кураш маркази ва унинг филиаллари;

- Илмий текшириш институтлари;
- Ўзбекистон ҳаво йўллари ва темир йўллари тизимидағи ДСЭНМлари;
- Тиббиёт санитария қисмлари (Ички ишлар вазирлиги; Миллий ҳавфсизлик хизмати; Мудофаа вазирлиги).

Давлат санитария назорати – бу санитария қонунларини бузилишини олдини олиш, аниқлаш ва уларга чек қўйишга қаратилган санитария – эпидемиология хизматининг фаолиятидир. ДСН ЎзРнинг «Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида»ги қонуни асосида амалга оширилади. Ушбу Конуннинг мақсади аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида»ги қонуни

Ушбу Конун қонунчилик палатаси томонидан 2015 йил 15 июлда қабул қилинган, сенат томонидан 2015 йил 6 августда маъқулланган (ЎзР қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 34-сон, 451-модда). «Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида»ги Конуни (кейинги ўринларда “Конун” деб келтирилади) 6 боб, 42 моддадан иборат: 1-боб. Умумий қоидалар (Зта модда), 2-боб. Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасини давлат томонидан тартибга солиш (11та модда), 3-боб. Юридик ва жисмоний шахсларнинг аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги ҳукуқ ва мажбуриятлари, (Зта модда), 4-боб. Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлашга доир талаблар, (12та модда), 5-боб. Санитария-гигиена тадбирларини ва эпидемияга қарши тадбирларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш, (7та модда), 6-боб. Якунловчи қоидалар (6та модда)

Ушбу Конунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги — аҳоли соғлигининг ҳолати бўлиб, бунда инсонга яшаш муҳити омилларининг зарарли таъсири мавжуд бўлмайди ва унинг ҳаёт фаолияти учун қулай шартшароитлар таъминланади;

давлат санитария назорати — аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишларининг олдини олишга, уларни аниқлаш ва бартараф этишга доир фаолият;

инсоннинг яшаш муҳити — инсоннинг ҳаёт фаолияти шартшароитларини белгилайдиган обьектлар, ҳодисалар ва атроф-муҳит омиллари мажмуи;

санитария-гигиена тадбирлари ва эпидемияга қарши тадбирлар — юкумли ва паразитар касалликлар пайдо бўлишининг ҳамда

тарқалишининг олдини олишга ва уларни бартараф этишга қаратилган ташкилий, маъмурий, муҳандислик-техник, тиббий-санитария чоратадбирлари ҳамда бошқа чора-тадбирлар;

санитария-эпидемиологик вазият — аҳоли яшаётган мухитининг ва соғлигининг муайян худуддаги, кўрсатилган аниқ вақтдаги ҳолати;

санитария-эпидемиология хизмати — аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги фаолиятни амалга оширувчи давлат санитария-эпидемиология назорати марказларини, ортирилган иммунитет танқислиги синдромига (ОИТСга) қарши курашиб марказларини, дезинфекция станцияларини, ўлат, карантин ва ўта хавфли инфекцияларни профилактика қилиш марказларини, илмий-тадқиқот муассасаларини ўз ичига олган ягона тизим;

чекловчи тадбирлар (карантин) — юқумли ва паразитар касалликлар тарқалишининг олдини олишга қаратилган, хўжалик фаолияти ва бошқа фаолиятнинг алоҳида тартибини, аҳоли, транспорт воситалари, юклар ва (ёки) товарлар ҳаракатланишининг чекланишини назарда тутадиган маъмурий, тиббий-санитария чора-тадбирлари ва бошқа чора-тадбирлар;

юқумли ва паразитар касалликлар — инсонга у яшаётган мухитнинг биологик омиллари таъсир кўрсатиши ҳамда касалликка чалинган инсондан ёки ҳайвондан соғлом инсонга касаллик юқиши мумкинлиги сабабли пайдо бўладиган ва тарқаладиган инсон касалликлари.

Ушбу Қонуннинг **4-моддасида** аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуидагилардан иборат деб кўрсатилган: санитария-гигиена тадбирларини ва эпидемияга қарши тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш; давлат томонидан санитария-эпидемиология нормаларининг жорий этилиши; аҳолининг санитария маданияти даражасини ошириш; давлат санитария назоратини амалга ошириш; халқаро ҳамкорликни амалга ошириш.

Ушбу Қонуннинг **5-моддасида**. Санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари, **6-моддасида** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги ваколатлари, **7-моддасида** Маҳаллий давлат ҳокимиияти органларининг аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги ваколатлари, **8-моддасида** Давлат санитария назоратини амалга оширувчи органлар, **9-моддасида** Давлат санитария назоратини амалга оширувчи мансабдор шахслар, **10-моддасида** Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария врачининг ваколатлари, **11-моддасида** Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар бош давлат санитария врачларининг ваколатлари, **12-моддасида** Давлат санитария назоратини амалга оширувчи мансабдор шахсларнинг ҳукуқлари, **13-моддасида** Давлат санитария назоратини амалга оширувчи мансабдор

шахсларнинг мажбуриятлари, 14-моддасида Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлашда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг иштирок этиши, 15-моддасида Юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларнинг аҳолининг санитария- эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги ҳуқуқлари, 16-моддасида Юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларнинг аҳолининг санитария- эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги мажбуриятлари, 17-моддасида Фуқароларнинг аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари, 18-моддасида Норматив-техник хужжатларни ишлаб чиқишига доир талаблар, 19-моддасида Объектларни режалаштириш, лойиҳалаштириш ва қуришга, корхоналарни техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга ҳамда ишга туширишига доир талаблар, 20-моддасида Худудларни, иншоотларни, биноларни сақлашга, ускуналар ва транспорт воситаларидан фойдаланишига доир талаблар, 21-моддасида Кимёвий моддаларни, биологик воситаларни ва материалларни ташиш, сақлаш, қўллаш, заарсизлантириш, утилизация қилиш ҳамда кўмиб ташлаш пайтидаги талаблар, 22-моддасида Радиоактив моддалар ва бошқа ионлаштирувчи нурланиш манбалари билан ишлаш пайтидаги талаблар, 23-моддасида Турар жойларга кўчиги киришига ва улардан фойдаланишига доир талаблар, 24-моддасида Озиқ-овқат хом ашёсига, озиқ-овқат маҳсулотларига, уларни ишлаб чиқаришига, ташишига, сақлашга ва реализация қилишига доир талаблар, 25-моддасида Хориждан олиб кириладиган маҳсулотни етказиб бериш ва реализация қилиш пайтидаги талаблар, 26-моддасида Хўжалик ва ичимлик суви билан таъминлашшига доир талаблар, 27-моддасида Таълим шарт-шароитларини тартибга солувчи санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига риоя этилишига доир талаблар, 28-моддасида Меҳнат шароитларига доир талаблар, 29-моддасида Махсус экспертизалар ўтказиш, 5-бобида Санитария-гигиена тадбирларини ва эпидемияга қарши тадбирларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш, 30-модда. Санитария-гигиена тадбирлари ва эпидемияга қарши тадбирлар, 31-моддасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг санитария муҳофазаси, 32-моддасида Юқумли ва паразитар касалликлар ўчоқларида ўтказиладиган чора-тадбирлар, 33-моддасида Профилактик эмлашлар ўтказиш, 34-моддасида Дезинфекция тадбирлари, 35-моддасида Мажбурий тиббий кўриклар, 36-моддасида Фуқароларни гигиеник ўқитиши ва тарбиялаш, 37-моддасида Давлат санитария назоратини амалга ошириш бўйича фаолиятга аралashiшга йўл қўйилмаслиги, 38-моддасида Низоларни ҳал этиш, 39-моддасида Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисидаги қонун хужжатларини бузганлик учун жавобгарлик, 40-моддасида Айрим қонун хужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш 41-моддасида Конун хужжатларини ушбу Конунга мувофиқлаштириш, 42-моддасида Ушбу Конуннинг кучга кириши тўғрисида маълумотлар келтирилган.

6-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасида ягона давлат сиёсатининг амалга оширилишини таъминлайди;

аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги давлат дастурларини тасдиқлайди ва амалга оширади;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириб боради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

7-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги ваколатлари

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари:

аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги давлат дастурларини амалга оширишда ўз ваколатлари доирасида иштирок этади;

аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги худудий дастурларни тасдиқлайди ва амалга оширади;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари тегишли худудий бўлинмаларининг аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириб боради;

худудларнинг санитария-эпидемиологик ҳолатини яхшилашга ва тозалигини сақлашга, аҳолининг санитария маданияти даражасини оширишга доир чора-тадбирларни амалга оширади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

8-модда. Давлат санитария назоратини амалга оширувчи органлар

Давлат санитария назорати:

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Давлат санитария-эпидемиология назорати республика маркази, Қорақалпоғистон

Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ҳамда шаҳарлар давлат санитария-эпидемиология назорати марказлари томонидан;

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг, Ички ишлар вазирлигининг, Миллий хавфсизлик хизматининг, «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятининг тегишли таркибий бўлинмалари томонидан амалга оширилади.

Давлат санитария назорати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган бошқа вазирликлар ва идораларнинг тегишли таркибий бўлинмалари томонидан амалга оширилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Давлат санитария-эпидемиология назорати республика маркази, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат санитария-эпидемиология назорати марказлари ушбу модданинг биринчи қисми [учинчи хатбоҳисида](#) ҳамда [иккинчи қисмида](#) кўрсатилган таркибий бўлинмаларнинг фаолиятига услубий раҳбарлик қилинишини, бу фаолият мувофиқлаштириб борилишини таъминлайди.

9-модда. Давлат санитария назоратини амалга оширувчи мансабдор шахслар

Давлат санитария назоратини ташкил этиш ва амалга ошириш:

Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария врачининг, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар, шаҳарлар бош давлат санитария врачларининг, улар ўринbosарларининг;

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг, Ички ишлар вазирлигининг, Миллий хавфсизлик хизматининг, «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятининг тегишли таркибий бўлинмалари раҳбарларининг;

қонун хужжатларига мувофиқ бошқа мансабдор шахсларнинг зиммасига юклатилади.

14-модда. Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлашда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг иштирок этиши

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари:

аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги давлат дастурларини, ҳудудий ва бошқа дастурларни амалга оширишда иштирок этади;

санитария-гигиена тадбирлари ва эпидемияга қарши тадбирларни амалга оширишда кўмаклашади;

тегишли худудда аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги тадбирларнинг амалга оширилиши, ҳовли ва уй атрофи худудларидағи қурилишлар ҳамда ҳовли ва уй атрофи худудларини сақлаш қоидаларига риоя этилиши юзасидан жамоатчилик назоратини амалга оширади;

ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларида тегишли худудда яшовчиларнинг ихтиёрий асосда иштирок этишини ташкил этади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа тадбирларда ҳам иштирок этиши мумкин.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлашда иштирок этувчи давлат органлари ва бошқа органларга кўмаклашиши ҳамда зарур ёрдам кўрсатиши мумкин.

3-боб. Юридик ва жисмоний шахсларнинг аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари

15-модда. Юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларнинг аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги ҳуқуқлари

Юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар:

давлат бошқаруви органларидан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан, шунингдек давлат санитария назоратини амалга оширувчи органлардан санитария-эпидемиологик вазият ҳамда инсоннинг яшаш муҳити ҳолати тўғрисида ахборот олиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан санитария-гигиена тадбирлари ва эпидемияга қарши тадбирларни ишлаб чиқиша иштирок этиш;

аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини яхшилаш бўйича таклифлар киритиш;

фуқаролар, юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилиши оқибатида, шунингдек санитария-гигиена тадбирлари ва эпидемияга қарши тадбирларни амалга ошириш пайтида ўзларининг мол-мулкига етказилган заарарнинг ўрни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўлиқ ҳажмда қопланиши;

давлат санитария назоратини амалга оширувчи органларнинг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан бўйсунув тартибида юқори турувчи органларга ёки мансабдор шахсларга ёхуд судга белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

Юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

16-модда. Юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларнинг аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги мажбуриятлари

Юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар:

аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, шунингдек давлат санитария назоратини амалга оширувчи мансабдор шахсларнинг қарорлари ва кўрсатмалари талабларини бажариши;

юқумли ва паразитар касалликлар пайдо бўлган тақдирда уларни бартараф этиш мақсадида санитария-гигиена тадбирларини ва эпидемияга қарши тадбирларни ишлаб чиқиши ҳамда амалга ошириши;

ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш ҳамда аҳолига реализация қилиш пайтида маҳсулотнинг, шунингдек бажарилаётган ишлар ва кўрсатилаётган хизматларнинг хавфсизлигини таъминлаши;

маҳсулотни ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш ва аҳолига реализация қилиш, ишларни бажариш ҳамда хизматларни кўрсатиш пайтида санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига риоя этиши;

аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги таҳдид солувчи авария вазиятлари, технологик жараёнларнинг бузилишлари тўғрисида маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, давлат санитария назоратини амалга оширувчи органларга ишончли ахборот тақдим этиши шарт.

Юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

17-модда. Фуқароларнинг аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Фуқаролар:

қулай яшаш муҳити;

давлат бошқаруви органларидан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан, шунингдек давлат санитария назоратини амалга оширувчи органлардан санитария-эпидемиологик вазият ва инсоннинг яшаш муҳити ҳолати тўғрисида ахборот олиш;

юридик шахслардан ва якка тартибдаги тадбиркорлардан маҳсулотнинг, шунингдек бажарилаётган ишлар ва кўрсатилаётган хизматларнинг хавфсизлиги ҳамда сифати тўғрисида ахборот олиш;

аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини яхшилаш бўйича таклифлар киритиш;

аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишлари оқибатида ўз соғлиғига етказилган зарарнинг ўрни қопланиши ҳуқуқига эга.

Фуқаролар аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиши ҳамда бошқа фуқароларнинг соғлиқни сақлаш ва қулай яшаш муҳитига бўлган ҳуқуқлари бузилишига сабаб бўлувчи ҳаракатларга йўл қўймаслиги шарт.

Фуқаролар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши ва уларнинг зиммасида ўзга мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

Аҳолининг турли қатламлари орасида юқумли ва соматик касалликларни камайтириш ва республикада эпидемиологик ва экологик барқарорликни таъминлаш барча тиббиёт Олий ўкув юртларида, жумладан Тошкент Тиббиёт Академиясининг тиббий-профилактика факультетида тайёрланаётган мутахассисларнинг савияси, билими ва маҳоратига боғлиқ. Шу сабабли барча мутахассислик кафедраларида ўқув, ўқув-услубий ишларни қайтадан кўриб чиқиб, ўқитишининг янги педагогик технологиясини ўқитишининг коммуникацион информацион технологиясини ўқув жараёнига тадбиқ этишни, педагог ходимларнинг малакасини узлуксиз ошириш талаб қиласди.

Назорат саволлари:

1. *Тиббий профилактика иши, мақсад ва вазифалари нималардан иборат?*
2. *Давлат санитария назоратининг мазмуни ва мақсади нималардан иборат?*
3. *ДСНинг вазифалари нималардан иборат?.*
4. *ЎзРнинг “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги Қонуни тўғрисида умумий маълумот беринг.*

Фойдаланилган адабиётлар:

1. ЎзРнинг “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги Қонуни, (ЎзР қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 34-сон, 451-модда) -18б.
2. Румянцев Г.И., Прохоров Н.И., Новиков С.М. ва б. “Гигиена” Учебник для ВУЗов, М., 2009.- 608б.

**2-мавзу: ЎзРда Санитария эпидемиология хизмати структураси.
Республика санитария-эпидемиология хизмати фаолияти ва уни
малакали кадрлар билан таъминланиш масалалари**

Режа:

1. Санитария эпидемиология хизмати структураси, мутахассислар ва лавозимдаги шахсларнинг вазифалари.
2. ЎзР ВМнинг “Республика санитария-эпидемиология хизмати фаолиятини ва уни малакали кадрлар билан таъминланиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари” тўғрисидаги Қарори

Таянч иборалар:

санитария-эпидемиология хизмати, чекловчи тадбирлар (карантин), юқумли ва паразитар касалликлар, санитария-эпидемиологик вазият, санитария-гигиена тадбирлари ва эпидемияга қарши тадбирлар, инсоннинг яшаш муҳити

**2.1. Санитария эпидемиология хизмати структураси,
мутахассислар ва лавозимдаги шахсларнинг вазифалари.**

Тарихга назар соладиган бўлсак, санитария эпидемиология хизматининг асосий муассасаси – санитария эпидемиология станцияси биринчи бўлиб 1891йилда Москвада гигиенист – олим Ф.Ф. Эрисман томонидан ташкил этилган. Ушбу станциянинг асосий вазифаси Москва ва унинг атрофидаги ҳудудларда эпидемиологик вазиятни ўрганиш бўлган.

Санитария ташкилотларини ташкил қилиш ўтган асрнинг 19-20-йилларида, яъни ҳалқ хўжалиги вайронага учраган ва фуқаролар уруши даврида бошланган. Бу йиллар аҳолининг турмуш даражасининг ёмонлашганлиги ва шу сабабли аҳолининг касалланиши ва ўлим даражасининг ошганлиги билан таърифланади. 1922 йилда Россия Федерациясининг Халқ комиссарлари Совети "Республика санитария ташкилотлари ҳақида"ги декретини тайёрлаган бўлиб, санитария ташкилотларининг таркиби ўша даврга нисбатан жуда уникал таркибга эга бўлган ва шакллантирилган. 1923 йилда СССР Халқ комиссарлари Советининг Давлат Санитария Инспекциясини яратиш ҳақидаги Қарори чиқкан. Бундай ташкилотнинг шу кунгача дунё миқёсида бўлмаганлигига қарамасдан, бир неча йил мобайнида СССР да санитария органлари тармоғи фаолият кўрсатабошлаган. Бу ташкилотларнинг асосий вазифалари аҳоли яшаш жойларини соғломлаштириш, аҳолининг умумий овқатланиш шароитини назорат қилиш, юқумли касалликларни олдини олишга доир профилактик тадбирларни амалга оширишдан иборат бўлган. Санитария органларининг фаолияти аста-секинлик билан кенгайиб борган, назорат функциялари ортиб борган, ҳамда назоратларни ўтказиш ҳуқуки тўлиқ таъминланган. Натижада, 20-30-йилларга давомида Иттифоқда етарлича


кудратли марказлашган давлат муассасаси яратилган бўлиб, унинг асосий вазифаси ахолига энг мувофиқ яшаш шароитларини яратиш бўйича кенг кўламли соғломлаштириш ишларини амалга оширишдан иборат бўлган.

Яратилган санитария ташкилотлари ишининг ҳақиқийлиги тўғрисида қуидаги фактни келтириш мумкин. 1941-45- йиллардаги Улуғ Ватан уруши йиллари даврида мамлакатда биронта ҳам юқумли касалликларга доир эпидемия ёки юқумсиз касалликларнинг оммавий кўтарилиши қайд қилинмаган. 1939йилда Соғлиқни сақлаш томонида ”Санитария эпидемиология станцияси ҳақида Низом” тасдиқланган. 1939йилда Соғлиқни сақлаш томонида ”Санитария эпидемиология станцияси ҳақида Низом” тасдиқланган. Урушдан кейинги даврда санитария қонунчилиги янада такомиллашган, дифференциялашган, санитария органларининг алоҳида муаммолари ўзаро мувофиқлаштирилган бўлиб, уларнинг асосий звеноси ягона тармоқдаги туманлар, шаҳарлар, вилоятлар ва республика санитария-эпидемиология станциялари (СЭС) ҳисобланган, ҳамда бу ташкилотлар собиқ Иттифоқ парчаланиб кетгунча фаолият кўрсатган.


СССР парчаланиб кетгандан сўнг, 1991 йилдан эътиборан собиқ Иттифоқ таркибидан ажралиб чиққан мустақил давлатларда Давлат Санитария муассасаларининг амалдаги таркиби тўлиқлигича сақланиб, кейинчалик уларнинг асосий вазифалари сақланиб қолган ҳолда, қайта ташкил қилиниш ҳолатлари, таркибий қисмларда айрим ўзгаришлар содир бўлабошлади.

ЎзР даги Давлат Санитария Назорати органларининг умуний таркиби.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги



Туман Давлат санитария-эпидемиология назорати марказларининг тузилмаси



Санитария эпидемиология назоратининг асосий муассасаси ДСЭНМ ҳисобланиб, улар табақалаштирилмайди ва приватизация қилинмайди. Ўз функцияси бўйича ДСЭНМ фақат ўзидан юқори Давлат санитария назорати органларига, маъмурий йўналиш бўйича эса - Вазирлар Маҳкамасига (IIIдаражали), ҳокимият ва маҳаллий соғлиқни сақлаш ташкилотларига (II даражали ДСЭНМ) бўйсунади.

ДСЭНМ таркиби ва штатлари ўзининг даражасига мувофиқ ва ЎзР ССВ нинг маҳсус буйруқларига асосан белгиланади, аммо ДСЭНМ энг типик таркиби туман ДСЭНМ ҳисобланади.

ДСЭНМ ларнинг асосий вазифалари:

- 1.Огоҳлантирувчи ва жорий санитария назоратлари (ОСН ва ЖСН) қайси ташкилотга ёки хусусий шахсга тегишли эканлигидан қатъий назар назорат остида бўладиган ҳамма обьектларда ўтказилади.
- 2.Инсонларнинг яшаш мұхитларини (овқатланиш, сув таъминоти, меҳнат шароити, яшаш шароити, ўқитиш ва тарбиялаш шароитлари ва б.к.) яхшилаш бўйича санитар-гиgienик ва эпидемияларга қарши тадбирларни ишлаб чиқиш ва ўтказиш.
- 3.Юқумли ва юқумли бўлмаган касалликларни олдини олиш бўйича тадбирларни ўтказиш.
- 4.Аҳолининг радиацион хавфсизлигини таъминланишини назорат қилиш
- 5.Аҳолининг санитар маданиятини ошириш ва соғлом турмуш тарзининг асосларини шакллантириш бўйича тадбирларнинг ўтказилишини назорат қилиш
- 6.Олий ва ўрта звенодаги мутахассисларни тайёрлаш учун (ўқув базаси сифатида) шароитларни яратиб бериш.

ОСН ва ЖСН ҳақида тушунчалар.

ОСН ва ЖСН ДСЭНМ энг асосий вазифалари ҳисобланади. Иккала ҳолда ҳам Давлат санитария назоратининг асосий вазифаси ишлаб чиқилган ва тасдиқланган санитария меъёрлари, қоидалари, регламентларнинг бажарилишини назорат қилиш ҳисобланади, аммо ўзининг мазмуни бўйича ОСН ва ЖСН турличадир.

ОСН у ёки бу обьектни фойдаланишга топширишгача бўлган даврда ўтказиладиган назоратдан иборатдир. Мас., қурилиш соҳасида ОСН нинг вазифасига турли обьектларни лойиҳалаштириш ва қурилиши жараёнида гигиеник меъёрлар, қоидалар ва регламентларнинг бажарилишини назорат қиласи. Бу ҳолатда ОСН қуидагиларни ўз таркибига олади: қурилиш учун жой танлашда ДСЭНМ ходимлари қатнашади, қуриладиган обьектнинг лойиҳасини экспертизадан ўтказади, қурилишнинг кетишини ва уни

фойдаланишга топширишга қабул қилувчи комиссия таркибида иштирок этади. Бу босқичларнинг ҳар бири бажарилганда шунга мувофиқ хужжатлар расмийлаштирилади: ер жойни танлашдаги баённома, лойиҳани экспертизадан ўтказиб бўлингандаги хulosса баённомаси, объектни фойдаланишга топшириш ҳақидаги баённома.

ОСН озиқ-овқат маҳсулотлари, уй-хўжалик буюмлари, полимер материаллар, асбоблар, мебеллар, санитар-техник жиҳозларини ишлаб чиқаришда ҳам зарурдир. Бундай ОСН лари асосида меъёрий-техник хужжатлар тайёрланади ва унда у ёки бу объектга бўлган гигиеник талаблар ўз ифодасини топиши керак.

Кундалик ёки ЖСН фаолият кўрсатадиган объектларда ўтказилади. Унинг вазифасига объектнинг фаолияти давомида гигиеник меъёрлар, қоидалар, регламентларнинг бажарилишини назорат қилишдир. Назорат қилиш режали, бир мақсадга йўналтирилган ёки назорат текширишлари кўринишида бўлиши мумкин. ЖСН қоида бўйича объектни фақатгина санитар кузатувчи ва тавсифлашдан иборат бўлмай, балки чиқариладиган хulosаларни асослаш учун лаборатория ва инструментал текширишларни ҳам ўз ичига олади.

Текширишдан ўтказиладиган объектнинг табиатига кўра ЖСН турлича бўлиши мумкин. Мас., агар корхонадаги ишчиларнинг меҳнат шароитларини текширишда асосий диққат-эътибор ишлаб чиқариш муҳитининг ишчилар организмига негатив таъсир этиши мумкинлиги ва шу муҳитни соғломлаштиришга доир тадбирларни ишлаб чиқишга қаратилса, аҳолининг сув таъминотини назорат қилишда асосий эътибор сувнинг сифатини назорат қилиш ва аҳолини миқдор бўйича эҳтиёжи қандай қондирилаётганлигига қаратилади.

ЖСН нинг натижалари бир қатор хужжатларни расмийлаштириш билан якунланади: санитария текшируви далолатномаси (ф.315-у), санитария қоидаларининг бузилиши ҳақидаги баённома (ф.309-у), жавобгар шахсга жарима солиғи ҳақида қарор (ф.310-у), корхона фаолиятини тўхтатиш ҳақидаги қарор (ф.306-у).

ЖСН режа-топшириқ асосида амалга оширилади ва бу режани тузишда назоратдаги регионнинг амалдаги санитария оид вазияти ва аҳолининг ёки унинг айрим гуруҳининг саломатлик ҳолати инобатга олинади.

ОСН ва ЖСН маҳаллий бошқарув органлари ходимлари, хуқук-тарғибот органлари, табиатни муҳофаза қилиш органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Республика санитария-эпидемиология хизмати фаолиятини ва уни малакали кадрлар билан таъминланиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари”

тўғрисидаги 2015 йил 26 июндаги 170-сонли Қарори ҳамда “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 26 августдаги 393 сонли Қонуни республикамизда санитария - эпидемиологик хизматни такомиллаштириш бўйича ислоҳатларни амалга ошириш учун дастуриламал бўлмоқда. Шунинг учун бизнинг республикамизда санитария-эпидемиология хизматининг юқори даражада ташкиллаштирилганлиги ҳисобига, Ўзбекистонда истиқомат қилиб келаётган 31,5 миллиондан ортиқ аҳолининг санитар-гигиеник ва эпидемиологик барқарорлигини юқори даражада таъминланганлигини кўрсатади.

ЎзРнинг “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги Қонунининг 10-моддасида **Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария врачининг ваколатлари** келтирилган. Унга кўра Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария врачи:

санитария-эпидемиология хизматига раҳбарлик қилади, давлат санитария назоратининг асосий вазифаларини ва уни амалга оширишнинг устувор йўналишларини белгилайди;

санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларини тасдиқлайди;

атроф-муҳит омилларининг инсон организмига таъсирини аниқлашга доир норматив-техник ҳужжатларни тасдиқлайди;

Профилактик эмлашларнинг миллий тақвимини ва эпидемик кўрсаткичлар бўйича профилактик эмлашлар ўtkазиш тартибини тасдиқлайди;

одамларнинг ҳаёти ва соғлиғи учун хавфли бўлган, аҳолининг яшashi ва хўжалик фаолияти билан шуғулланиш тақиқланадиган ҳудудларни белгилайди;

юқумли ва паразитар касалликларнинг кириб келиши ҳамда тарқалишидан ҳудудларни санитария жихатидан муҳофаза қилишга доир тадбирларни мувофиқлаштириб боради;

атрофдагилар учун хавф туғдирувчи юқумли ва паразитар касалликлар пайдо бўлиши ҳамда тарқалиши хавфи бўлган тақдирда тегишли санитария-гигиена тадбирлари ва эпидемияга қарши тадбирлар ўtkазиш тўғрисида қарорлар чиқаради;

янги озиқ-овқат қўшимчаларини, маҳсус қўшиладиган биологик фаол моддаларни, кимёвий моддаларни, биологик воситалар ва материалларни, полимер ва пластик массаларни, атири-упа ва пардоз маҳсулотларини токсикология-гигиена жихатидан баҳолаш асосида уларнинг Ўзбекистон

Республикасига олиб кирилиши ва ишлаб чиқарилиши учун рухсатномалар беради;

республика ва маҳаллий эпидемия фондларидан ҳамда санитария-гигиена тадбирлари ва эпидемияга қарши тадбирлар учун ажратиладиган моддий-техника ресурсларидан мақсадли фойдаланилиши устидан назоратни амалга оширади;

санитария-эпидемиология хизмати муассасаларининг қарорларига, шунингдек уларнинг мансабдор шахслари ҳаракатларига (ҳаракатсизлигига) доир шикоятларни кўриб чиқади;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бош давлат санитария врачларини тайинлайди.

Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария врачи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош давлат санитария врачи Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади.

11-модда. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар бош давлат санитария врачларининг ваколатлари

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар бош давлат санитария врачлари:

ўз бўйсунувидаги санитария-эпидемиология хизмати муассасаларига раҳбарлик қиласди;

объектларни қуриш ва реконструкция қилиш лойиҳалари бўйича хулосалар беради;

одамларнинг ҳаёти ва соғлиғи учун хавфли бўлган, аҳолининг яшashi ва хўжалик фаолияти билан шуғулланиш тақиқланадиган ҳудудларни белгилайди;

юқумли ва паразитар касалликларининг кириб келиши ҳамда тарқалишидан тегишли ҳудудни санитария жиҳатидан муҳофаза қилишга доир тадбирларни ўтказади;

авария ҳолатларини ҳамда юқумли ва паразитар касалликлар авж олишини бартараф этиш пайтида санитария-гигиена тадбирларини ва эпидемияга қарши тадбирларни амалга оширади, шу жумладан манфаатдор вазирликлар ҳамда идоралар билан биргаликда амалга оширади;

қонун ҳужжатларининг йўл қўйилган бузилишларини бартараф этиш юзасидан давлат органлари ва бошқа органлар, юридик ва жисмоний шахслар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар беради.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бош давлат санитария врачлари Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария врачи билан келишган ҳолда туманлар ва шаҳарлар бош давлат санитария врачларини тайинлайди.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар бош давлат санитария врачлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

12-модда. Давлат санитария назоратини амалга оширувчи мансабдор шахсларнинг ҳуқуқлари

Давлат санитария назоратини амалга оширувчи мансабдор шахсларга ўз ваколатлари доирасида қуйидаги ҳуқуқлар берилади:

а) санитария қоидаларининг, нормаларининг ва гигиена нормативларининг йўл қўйилган бузилишларини бартараф этиш юзасидан кўрсатмалар берган ҳолда, давлат органларидан ва бошқа органлардан, юридик ва жисмоний шахслардан уларнинг бартараф этилишини талаб қилиш;

б) обьектларни қуриш ва реконструкция қилиш лойиҳаларида санитария қоидаларига, нормаларига ва гигиена нормативларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш;

в) белгиланган тартибда давлат органларига ва бошқа органларга, юридик ва жисмоний шахсларга:

аҳоли пунктларини режалаштириш ва қуриш лойиҳалари ҳамда обьектларни жойлаштириш бўйича истиқбол режалари, шунингдек корхоналарни, биноларни ва иншоотларни қуриш, реконструкция қилиш лойиҳалари юзасидан;

қурилиш учун ер участкалари бериш, хўжалик ва майший мақсадларда сувдан фойдаланиш жойларини ҳамда оқова сувлар тозаланганидан кейин уларни тушириб юбориш шартларини аниқлаш, заҳарли, кимёвий, радиоактив моддаларни ва бошқа моддаларни утилизация қилиш ҳамда кўмиб ташлаш масалалари бўйича;

иншоотларнинг, турар жойларнинг, даволаш-профилактика, таълим, маданият, спорт муассасаларининг ва бошқа муассасаларнинг, ишлаб чиқариш бинолари ҳамда санитария-майший биноларнинг, шунингдек ускуналарнинг, транспорт воситаларининг санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мувофиқлиги тўғрисида;

таълим муассасаларида таълим олувчиларнинг ўқув юкламаси ва машғулотларининг намунавий тартиби тўғрисида тақдим этиладиган таклифлар бўйича хulosалар бериш;

г) санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари бажарилишини назорат қилиш мақсадида юридик шахсларнинг ва якка тартибдаги тадбиркорларнинг объектларига қонун хужжатларида белгиланган тартибда кириш;

д) иш берувчилардан:

санитария қоидаларини, нормаларини ва гигиена нормативларини, эпидемияга қарши тартибни мунтазам равишда бажармаётган ҳамда юқумли ва паразитар касалликлар тарқалиши хавфини туғдирувчи шахсларни ишлаб чиқаришнинг ўзига хос хусусиятларини ва бажариладиган ишларнинг хусусиятини ҳисобга олган ҳолда ишдан четлаштиришни;

санитария-гигиена тадбирлари ва эпидемияга қарши тадбирлар ўтказилишини талаб қилиш;

е) озиқ-овқат маҳсулотларини, буюмлар, предметлар ва материалларни санитария-гигиена экспертизаси, лаборатория текширувлари учун олиш, бевосита объектларнинг ўзида зарур лаборатория ва жиҳозлар воситасида текширувлар ўтказиш;

ж) давлат санитария назоратини амалга оширишга вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг мутахассисларини, шунингдек жамоатчилик вакилларини белгиланган тартибда жалб этиш.

2.2.“Республика санитария-эпидемиология хизмати фаолиятини ва уни малакали кадрлар билан таъминланиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари” тўғрисидаги Қарори

Республикада соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш тадбирлари изчил амалга оширилиши натижасида аҳоли соғлигини сақлаш ва мустаҳкамлашга йўналтирилган қонунчилик базаси шакллантирилди. Қишлоқ врачлик пунктларидан тортиб республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказларигача барча даражаларни қамраб олувчи аҳолига тиббий-профилактик ёрдам беришнинг яхлит ташкилий тузилмаси ташкил этилди.

Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисидаги қонун хужжатлари бузилган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария врачига, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар, шаҳарлар бош давлат санитария врачларига, уларнинг ўринbosарларига, ушбу Қонун 8-моддаси биринчи қисмининг учинчи хатбошисида ва иккинчи қисмида кўрсатилган таркибий бўлинмаларнинг раҳбарларига ўз ваколатлари доирасида қуйидаги хуқуқлар берилади:

санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари талабларига жавоб бермайдиган ер участкалари ажратиш, уй-жой, жамоат, ишлаб чиқариш объектларини ва бошқа объектларни қуриш, реконструкция қилиш, кенгайтиришга доир лойихаолди ҳамда лойиха ҳужжатларини рад этиш;

санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари бузилишлари бартараф этилгунига қадар, ишлаб турган иншоотлардан, тураг жойлардан, ишлаб чиқариш объектларидан, маданий-маиший бинолардан фойдаланишини, умумий овқатланиш ва савдо корхоналарининг, таълим, даволаш-профилактика, санаторий-курорт муассасаларининг ва бошқа муассасаларнинг фаолиятини тўхтатиб туриш, ускуналарни, асбобларни ишлатишни, транспорт воситаларидан фойдаланишини тақиқлаш;

санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари бузилган ҳолларда ахоли пунктлари, бинолар ва иншоотлар қурилишини, реконструкция қилинишини ҳамда мазкур объектларда ишларнинг айrim турлари бажарилишини тўхтатиб туриш;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига рўйхатдан ўтказилмаган ёки одамларнинг ҳаёти ва соғлиги учун хавфли деб топилган янги хом ашё турлари, кимёвий воситалар, технология ускуналари, жараёнлари ҳамда асбоблари, озиқ-овқат хом ашёси ва озиқ-овқат маҳсулотлари, саноат буюмлари, қурилиш материаллари, ионлаштирувчи нурланиш манбалари, биологик воситалар, озиқ-овқат хом ашёсига, озиқ-овқат маҳсулотларига ҳамда дори воситаларига ишлатиладиган идишлар, пластик, полимер материаллар ва бошқа материаллар, улардан тайёрланган буюмлар ҳамда бошқа халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқарилишини, қўлланилишини ва реализация қилинишини тақиқлаш;

одамларнинг соғлиғига заарли таъсир пайдо бўлган тақдирда, хўжалик ва ичимлик суви билан таъминлаш амалиётида, озиқ-овқат маҳсулотлари, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳамда чорванинг ривожини тезлаштирувчи ва тартибга солувчи воситаларни, пестициidlар, атир-упа ҳамда пардоз маҳсулотларини ишлаб чиқиш ва уларни қайта ишлашда фойдаланиладиган кимёвий моддалар, восита ва усуllарнинг, бу моддалар, восита ва усуllарнинг хавфсизлиги тўғрисида ишлаб чиқувчи илмий жиҳатдан асосланган маълумотлар тақдим этгунига қадар, қўлланилишини тақиқлаш;

хўжалик ва ичимлик суви таъминоти учун қўллашга яроқсиз деб топилган сувдан фойдаланишини тақиқлаш;

юқумли ва паразитар касалликлар манбаи бўлган, шунингдек тиббий кўриклардан ўз вақтида ўтмаган шахсларни вақтинча ишдан четлаштириш тўғрисида иш берувчиларга таклифлар киритиш;

фавқулодда вазиятларнинг, эпидемияларнинг ҳамда аҳоли ҳаётига ва соғлиғига бошқа ҳақиқий хавфнинг олдини олиш мақсадида тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини ўн иш қунидан кўп бўлмаган муддатга чеклаш, тўхтатиб туриш ва тақиқлаш.

Давлат санитария назоратини амалга оширувчи мансабдор шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳукуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

13-модда. Давлат санитария назоратини амалга оширувчи мансабдор шахсларнинг мажбуриятлари

Давлат санитария назоратини амалга оширувчи мансабдор шахслар:

давлат органлари ва бошқа органлар, юридик ва жисмоний шахслар томонидан аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги таъминланиши устидан белгиланган тартибда назорат олиб бориши;

аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишларининг олдини олиши, уларни аниқлаши ва бартараф этиши;

аниқланган хавфлар тўғрисида аҳолини ўз вақтида хабардор қилиши;

юқумли касалликларнинг ва юқумли бўлмаган оммавий касалликларнинг пайдо бўлиши, тарқалиши сабаблари ҳамда шартшароитларини аниқлаши;

жисмоний ва юридик шахсларнинг аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги масалалари бўйича мурожаатларини кўриб чиқиши ҳамда тегишли чора-тадбирлар кўриши;

санитария-эпидемиологик вазият ҳамда аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида юридик ва жисмоний шахсларни хабардор қилиши шарт.

Давлат санитария назоратини амалга оширувчи мансабдор шахсларнинг зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

Санитария-эпидемиология масалаларида аҳолининг хотиржамлигини таъминлаш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида республикада алоҳида ўта хавфли юқумли касалликлар четдан кириб келишининг олди олинди, чақалоқларнинг полиомиелит, дифтерия, қизилча, қоқшол касалликлари қайд этилмаяпти. Болаларни режали эмлаш билан қамраб олиш 98,3 фоизни ташкил этди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Давлат санитария-эпидемиология хизмати, шунингдек уларнинг худудий бўлинмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлклари томонидан «**Фуқароларнинг соғлигини сақлаш тўғрисида**» ва «**Давлат санитария назорати тўғрисида**»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари талаблари тўлиқ ҳажмда бажарилиши таъминланмаяпти.

Раҳбарлик усулларини такомиллаштириш, санитария-эпидемиология хизмати фаолиятини мувофиқлаштириш, унинг моддий-техника базасини назорат қилиш ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлашнинг аҳволи, шунингдек санитария-эпидемиология масалаларида аҳолининг хотиржамлигини таъминлаш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар ўсиб бораётган замонавий талабларга жавоб бермайди.

Санитария-эпидемиология назорати марказларининг моддий-техника базасини таҳлили маҳсус лабораторияларнинг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланганлиги 60 — 70 фоизни ташкил этишини кўрсатди.

Санитария-эпидемиология хизмати раҳбар кадрларини танлаш тизимида, биринчи навбатда уларнинг малакаси етарлича эмаслиги ва қўйиладиган талабларга номувофиқлиги билан боғлиқ жиддий камчиликлар ва нуқсонлар мавжуд. Санитария-эпидемиология хизматининг врач кадрлар билан таъминланганлиги 84,4 фоизни ташкил этади. Врачлар умумий сонининг 45 фоизи малака тоифасига эга эмас, шу жумладан раҳбар ходимлар орасида ушбу кўрсаткич 30 фоизни ташкил этади. Лавозим мавқеини суиистеъмол қилиш ва ўз касби билан боғлиқ вазифаларга совуқконлик билан қараш каби салбий ҳолатлар бартараф этилмаган.

Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чукурлаштириш, санитария-эпидемиология масалаларида аҳолининг хотиржамлигини таъминлаш, бошқарувнинг илғор шакллари ва усулларини жорий этиш, юксак касбий ва маънавий-ахлоқий фазилатларга эга бўлган, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини эгаллаган, замонавий талабларга жавоб берадиган юқори малакали кадрларни танлаш ва улар билан тўлиқ таъминлаш масалаларида давлат санитария-эпидемиология назорати марказлари фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

иш берувчилар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар давлат санитария-эпидемиология назорати марказларининг бош врачлари билан 5 йилдан ортиқ бўлмаган муддатга меҳнат шартномаси тузадилар;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар давлат санитария-эпидемиология назорати марказларининг бош врачлари 3 йилда бир марта даврийликда аттестациядан ўтишлари керак;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар давлат санитария-эпидемиология назорати марказларининг бош врачлари эгаллаб турган лавозимида муваффақиятли ишлашнинг беш йиллик муддати тамом бўлгандан кейин эгаллаб турган лавозимидан паст бўлмаган лавозимга янги иш жойига ўтказилиши керак. Ишда жиддий камчиликлар мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартли муддат сезиларли даражада қисқартирилиши мумкин;

давлат санитария-эпидемиология хизмати органлари тизимининг раҳбар ва бошқарув кадрлари янги иш жойига ўтказилганда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хизмат турар жойи ёки у ижарага олинганлиги учун компенсация тўлови билан таъминланадилар.

2. Қўйидагилар давлат санитария-эпидемиология назорати марказлари фаолиятининг энг муҳим йўналишлари этиб белгилансин:

республикада санитария-эпидемиологик аҳвол ва радиация ҳолати мониторингини олиб бориши, келгусида аҳоли соғлиғини мустаҳкамлашга, яшаш мухити омилларининг инсонга заарли таъсирини бартараф этишга, атмосфера ҳавоси, тупроқ, озиқ-овқат маҳсулотлари ва ичимлик сув таъминоти манбалари ифлосланишининг олдини олишга қаратилган комплекс санитария-гигиена, эпидемияга қарши ва ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш;

энг аввало, ўта ҳавфли юқумли касалликлар профилактикаси, уларнинг ўчоқларини бартараф этиш ва тарқалиб кетишининг олдини олишга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш ҳисобига аҳолини вирусли ва юқумли касалликлардан ҳимоя қилиш тизимининг самарадорлиги ва ишончлилигини ошириш;

бинолар ва иншоотларни, сув таъминоти, канализация, оқова сувларни тозалаш, гидротехника иншоотлари тизимларини ва бошқа обьектларни

лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция қилишда, хом ашёнинг янги турларини, озиқ-овқат махсулотлари, саноат буюмлари, қурилиш материаллари, ионлаштирувчи нурланиш манбалари, кимёвий моддалар, биология воситалари, тиббий ва иммунобиологик препаратларни ишлаб чиқариш ва қўллашда санитария нормалари, қоидаларига ва гигиена нормативларига риоя қилиниши устидан назоратни таъминлаш;

аҳоли пунктлари ва худудларни сақлаш, саноат, қишлоқ хўжалиги ва хўжалик-маиший чиқиндиларни, шу жумладан радиоактив ва зарарли моддаларни тўплаш, сақлаш, ташиш ва утилизация қилиш устидан зарур санитария-эпидемиологик назоратни таъминлаш;

аварияли вазиятларни тугатишда санитария-гигиена ва эпидемияга қарши тадбирларни амалга ошириш, манфаатдор вазирликлар ва идораларнинг тегишли бўлинмаларини жалб этган ҳолда юқумли ва паразитар касалликларни аниқлаш;

оилада тиббий маданиятни ошириш, санитария нормалари ва қоидаларига риоя қилиниши, шунингдек санитария-эпидемиология масалаларида хотиржамликни таъминлаш бўйича аҳоли орасида кенг тушунтириш ишлари олиб борилишини ташкил этиш.

3. Давлат санитария-эпидемиология хизмати органлари раҳбар кадрларини танлаш, аттестациядан ўтказиш ва ротация қилиш бўйича Республика комиссиясининг таркиби (кейинги ўринларда Республика комиссияси деб аталади) **иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

Республика комиссияси:

Давлат санитария-эпидемиология хизмати органлари тизимининг раҳбар ва бошқарув кадрларини аттестациядан ўтказиш тўғрисидаги низомни ҳамда Давлат санитария-эпидемиология хизмати органлари тизимининг раҳбар ва бошқарув кадрларини танлаш, уларни ротация қилиш тартиби тўғрисидаги низомни бир ой муддатда тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

давлат санитария-эпидемиология назорати марказларини малакали, замонавий фикрлайдиган, юксак касбий ва маънавий-ахлоқий фазилатларга эга бўлган, ахборот-коммуникация технологияларини эгаллаб олган, етарлича бошқарув кўникмаси ва тажрибага эга бўлган кадрлар билан таъминласин.

4. Давлат санитария-эпидемиология хизмати органлари тизимининг раҳбар ва бошқарув кадрлари лавозимларига тавсия этиладиган юкланган вазифалар ва мажбуриятларни самарали бажаришни таъминлашга қодир бўлган номзодлар танланиши бўйича шахсий масъулият Соғлиқни сақлаш вазири, Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария врачи, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари зиммасига юклансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари билан биргаликда икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига:

Ўзбекистон Республикаси Давлат санитария-эпидемиология хизматининг бошқарув тузилмасини янада такомиллаштириш;

ўкув режалари ва дастурларни қайта кўриб чиқиш ва янгилашга алоҳида эътибор қаратган ҳолда давлат санитария-эпидемиология хизмати органлари тизимининг бошқарув кадрлари ва мутахассисларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;

санитария-эпидемиология хизмати муассасаларининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ва модернизациялаш бўйича таклифлар киритсинлар.

6. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда:

ушбу қарор талаблари ҳисобга олинган ҳолда «Санитария-эпидемиология масалаларида аҳолининг хотиржамлиги тўғрисида»ги қонун лойихаси пухта ишланиши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилишини таъминласин;

Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 8 апрелдаги 147-сон қарори билан тасдиқланган амалдаги Санитария қонунларини бузганлик учун жазо жарималаридан тушадиган маблағлардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги **НИЗОМНИ** қайта кўриб чиқсин, бунда давлат санитария-эпидемиология хизмати органлари тизимининг раҳбар ва бошқарув кадрлари Республика комиссиясининг қарори билан янги иш жойига ўtkazilганда хизмат турад жойи ёки у ижарага олинганлиги учун компенсация тўлови билан таъминланишини назарда тутсин;

Назорат саволлари:

1. Санитария эпидемиология хизмати структурасига таъриф беринг.
2. ДСЭНМ мутахассислари ва лавозимдаги шахсларнинг вазифалари нимадан иборат?
3. ОСН ва ЖСНга таъриф беринг
4. ОСН ва ЖСН вазифалари нимадан иборат?

Фойдаланилган адабиётлар:

- 1.“Аҳолининг санитария-эпидемиологик осоийшталиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 26 августдаги 393 сонли Қонуни (ЎзР қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 34-сон, 451-модда) -18б.
- 2.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг “Республика санитария-эпидемиология хизмати фаолиятини ва уни малакали кадрлар билан таъминланиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари” тўғрисидаги 2015 йил 26 июндаги 170-сонли Қарори.
- 3.Румянцев Г.И., Прохоров Н.И., Новиков С.М. ва б. “Гигиена” Учебник для ВУЗов, М., 2009.- 608б.
4. Umumiy gigiyena bilan ekologiya. Amaliy mashg`ulotlar uchun o`quv qo`llanma. L.A.Ponomareva, E.K. Kazakov, L.K. Abduqodirova, B.E.Tuhtarov, I.K.Dravskix, S.A.Sharipova, X.A.Sadullaeva. - T.,2011.
5. Environmental health Dade W. Moeller Third Edition Harvard University Press Cambridge, Massachusetts London, England, 2005, 1-2 р

З-мавзу: Инсон организмига атроф мухит омилларининг таъсири, гигиеник меъёrlастириши ва регламентластириши асослари.

Режа:

- 3.1.Гигиеник меъёrlарнинг аҳамияти, гигиеник меъёrlар, қоидалар ва регламентлар ҳақида тушунча
- 3.2.ЎзР даги гигиеник меъёrlар
- 3.3.Гигиеник меъёrlарни ишлаб чиқишнинг асосий принциплари
- 3.4.Гигиеник меъёр ва регламентларни ишлаб чиқишга бўлган умумий ёндошишлар.

Таянч иборалар:

Гигиеник меъёrlар, гигиеник қоидалар, гигиеник регламентлар, СанКваМ

3.1. Гигиеник меъёрларнинг аҳамияти. Гигиеник меъёрлар, қоидалар ва регламентлар ҳақида тушунча.

Инсоният бугунги кунда жуда катта миқдорлардаги физикавий, кимёвий, биологик ва ижтимоий-гигиеник омиллар таъсирида яшамокда, Бу омилларнинг табиати ва таъсир этиш даражаси у ёки бу кўринишдаги патологиянинг келиб чикишини белгилаб беради.

Мас., Бутун Дунё Соғлиқни сақлаш Ташкилотининг берган маълумотига кўра 80% касалликларнинг келиб чиқиши сифатсиз ичимлик сувини истеъмол қилиш билан боғлиқdir. Шунинг учун айтиш лозим-ки, кўпчилик касалликларни олдини олишда атроф мухит омиллари инсон организми учун мувофиқ ёки жуда бўлмаса бефарқ бўлиши лозим. Атроф мухитнинг шундай параметрлари гигиеник меъёрлар, қоидалар, регламентлари ҳисобланади, уларни кўпинча "гигиеник нормативлар" деб номланади.

Аммо шуни ҳисобга олиш керак-ки, келтириб ўтилган барча гигиеник нормативлар учун ўзининг хусусиятлари мавжуддир.

Гигиеник меъёрлар, қоида бўйича доимо фаолият кўрсатувчи ва инсон учун керакли омиллар ҳисобланади. Мас., овқатланишнинг гигиеник меъёрлари, микроиқлим меъёрлари, сув истеъмоли меъёрлари мавжуд (жадвалларни кўрсатиш лозим).

Гигиеник (санитар) қоидалар - табиатда бор бўлган у ёки бу омилга бўлган гигиеник талабларнинг оғзаки таърифи ҳисобланади. Мас., санитария қоидаларига сув манбани танлашга бўлган талаблар ёки сув манба атрофига ўрнатиладиган санитария ҳимоя зоналарини айтиш мумкин.

Санитария қоидалари кўпинча уларнинг таркибига муайян гигиеник меъёрларни ёки регламентларни киритилишини тақозо қиласди. Шундан келиб чиқиб, энг мухим гигиеник нормативлардан бири бўлган СанҚ ва М (санитария қоидалари ва меъёрлари) номини айтиш мумкин.

Гигиеник регламентлар деганда одам организмига негатив таъсир кўрсатувчи омилларга нисбатан ўрнатиладиган меъёрларни назарда тутади. Бу омилнинг таъсир кўрсатиш табиатига кўра улар қуидагиларга бўлинади: РЭК (ПДК) - рухсат этиладиган концентрация (мисол, ҳаво, сув, озиқ-овқат маҳсулотлари таркибида бўладиган кимёвий моддаларга ўрнатилган РЭКлар), РЭД (ПДУ) - рухсат этиладиган даража (мисол, шовқин, тебраниш ва радиоактив ифлосланишларнинг РЭД лари), РЭД (ПДД) - рухсат этиладиган доза (мас., ионлантирувчи нурларнинг РЭД). Ҳар қандай ҳолатда ҳам рухсат этиладиган деган сўз шу маънени беради-ки, шу миқдордан ошиб кетган шароитда бу омиллар шу одамнинг ўзигагина эмас, балки унинг келгуси авлоди учун ҳам хавфли ҳисобланади.

Гигиеник нормативлар санитария-эпидемиология назорати фаолиятининг асоси ҳисобланади, чунки ДСЭНМ нинг асосий вазифалари огохлантирувчи

ва жорий санитария назоратида гигиеник нормативларнинг бажарилишини назорат қилишдир.

ЎзР даги гигиеник нормативлар.

Бугунги кунда ЎзР да 100 дан ортиқ гигиеник норматив хужжатлари тасдиқланган ва амалиётда қўллаш учун тавсия қилинган бўлиб, уларнинг асосийлари СанҚвАМ ҳисобланади. Бу хужжатларнинг аксарият қисми олдин ўрнатилган нормативлар бўлиб, уларга айрим янгилик ва қўшимчалар киритилган бўлиб, бунда Ўзбекистоннинг географик-иқлим шароитларининг ўзига хослиги, ренспублика иқтисодиётининг хусусиятлари, ҳамда жамиятда юз бераётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар инобатга олингандир. Бу хужжатларнинг бир қисми қўпинча гигиеник регламент қўриниши (мас., атмосфера ҳавосидаги кимёвий моддаларнинг РЭК, шовқин ва тебранишнинг РЭД) табиатига эгадир, аммо бу хужжатларнинг кўпчилик қисми ўз таркибиға санитария қоидалари ва меъёрларини ёки санитария қоидалари ва регламентларини олади (5,6 та СанҚ ва М намойиш этилади).

СанҚ ва М дан ташкари ЎзР да норматив хужжатлар қаторига услубий тавсияномалар, услубий қўрсатмалар, инструктив хатлар, текшириш усуллари кириб, илмий изланиш натижалари асосида тайёрланган, ҳамда кўп босқичли кўриб чиқилиши ва муҳокама қилиниши шарт бўлган шароитларда ишлаб чиқилиб, ЎзР ССВ томонидан тасдиқлангандир.

Гигиеник нормативларнинг ишлаб чиқишининг асосий босқичлари.

Гигиеник нормативларнинг яратилиш жараёни -кўп босқичли мураккаб илмий изланиш натижалари ва ташкилий таркибиға эгадир. Аммо, ҳар қандай ҳолатда ҳам гигиеник меъёрлаштириш ва регламентлаш қуйидаги асос бўлувчи принципларга ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши керак:

1. Гигиеник нормативларнинг давлат характерига эга эканлиги. ЎзР да санитария назорати давлат характерига эга, шунинг учун барча гигиеник нормативлар ҳам давлат характерига эгадир. Ишлаб чиқилган ҳар бир норматив кўп босқичли текширишлардан (экспертиза) ўтказилади, ЎзР ССВ томонидан тасдиқланади ва ЎзР даги Давлат Санитария Назорати ҳақидаги Конун (1992) га мувофиқ қонуний кучга эгадир.

2. Текширилган омилни амалиётда қўллашдан олдин шу омилга нисбатан илмий асосланган регламент ишлаб чиқилиши шарт. Бу принципни ҳар қандай кимёвий модда учун ишлаб чиқиладиган РЭК мисолида кўрсатиш мумкин: янгидан синтезланган кимёвий модданинг ҳеч бири, инсоннинг у ёки бу турдаги фаолиятида олдиндан гигиено-токсикологик текширишларисиз ва шунга мувофиқ гигиеник норматив ишлаб чиқмасдан тадбик қилиниши мумкин эмас.

3. Хавфсизлик принципи (ёки омилнинг тиббий-биологик кўрсаткичлари):

Гигиеник нормативларни ишлаб чиқишда биринчи навбатда шу омилнинг тирик организм учун таъсир кўрсатиш аҳамияти, ундан кейин эса унинг иқтисодий самарадорлиги, технологияларнинг янгиланиши инобатга олиниши лозим.

4. Атроф муҳит объектларни бўлиш принципи: гигиеник меъёрлаштириш ҳамма омиллар ва атроф муҳитдаги объектлар учун бир хил бўлмаслиги керак. Мас., Кимёвий модда учун ишлаб чиқиладиган РЭК ҳаво, сув, тупрок, озиқ-овқат маҳсулотларининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда алоҳида бўлиши зарур.

5. Текширилаётган омилнинг келтириб чиқариши мумкин бўлган номувофиқ самараларининг мажмуасини ҳисобга олиш принципи. Мас., дисперсли моддани атмосфера ҳавоси учун меъёрлаштиришда унинг фақат одам организми учун заарли таъсир этиши мумкинлигини эмас, балки умумсанитар шароитларнинг ёмонлашиши, қуёш радиацияси таркибидаги ультрабионафша нурларнинг жадаллигини пасайтириш кабилар ҳисобга олинади.

6. Заарнинг чекловчи кўрсаткичидан фойдаланиш принципи: гигиеник регламентни ўрнатишида ўрганилаётган омилнинг таъсирига текшириш жараёнида энг сезгир бўлган кўрсаткичга асосланиш лозим.

7. "Доза-самара", "вақт-доза", "доза-вақт-самара"нинг боғликлигини ҳисобга олиш. Мазкур принцип гигиеник регламентни ишлаб чиқишига асос бўлувчи ҳисобланади, чунки омилнинг миқдорий таърифини, унинг таъсир этиши муддатини ва келтириб чиқарган самарасини ҳисобга олмай туриб, регламент ўрнатиш мумкин эмас.

8. Эксперимент шароитида омилнинг таъсирини моделлаштириш принципи. Кўп ҳолларда гигиеник меъёр ёки регламентни ишлаб чиқиши шу омилнинг таъсир кўрсатиш шароитини моделлаштирумасдан мумкин эмас. Мас., кимёвий модданинг ҳавзадаги сувнинг санитар тартибига таъсир этиши мумкинлигини аниқлаш учун шундай шароитни лаборатория шароитида сунъий яратиш орқали, кимёвий модданинг озиқ-овқат маҳсулотининг органолептик кўрсаткичларига таъсирини ўрганиш учун моделли шароитда дегустация текширишларини ўтказиш талаб этилади.

9. Таъсир шароитини қаттиқлаштириш принципи. Гигиеник меъёр ва регламентни ишлаб чиқишида шу омилнинг реал шароитда таъсир этиши ва шу шароитни қаттиқ назоратда бўлишини яратиш лозим. Мас., у ёки бу хонанинг ёритишга бўлган гигиеник меъёрни ишлаб чиқишида иш жараёнида фарқланадиган объектларнинг энг кам миқдорлари, кичик контрастли фон ва ёритилганликни кўриш органига максимал узоқ муддатларда таъсир кўрсатиш шароитини яратиш керак.

10. Гигиеник регламентлаш бўйича текшириш босқичлари. Гигиеник нормативларнинг кўп қисми кўп босқичли текшириш натижалари ҳисобланади, уларнинг табиати эса меъёрлаштирилувчи омилнинг табиатига боғлиқ. Mac., кимёвий омилни гигиеник регламентлашда гигиено-токсикологик текширишлар 4-6 босқичдан иборат бўлади ва бу хақдаги маълумот кейинроқ баён қилинади.

11. Иқлим - географик шароитларни ҳисобга олиш. Мазкур принцип жуда кўп гигиеник нормативлар учун муҳимдир, чунки муайян худуднинг иқлим-географик шароити атроф муҳитдаги омилнинг организмга таъсир кўрсатиш даражаси ва табиатини сезиларли даражада ўзгартириши мумкин. Mac., Россия шароитида сув истемолининг физиолого-гигиеник меъёрлари бир одам учун 2,5 л/кунни ташкил этса, ЎзР нинг иссиқ иқлими шароитида ёз кунлари бу меъёр 4-5 л/кунгача кўтарилиб кетади.

12. Меъёрлаштиришга эколого-гигиеник ёндошиш. Хозирги вактда атроф муҳитнинг экологик шароитини ёмонлашиши билан боғлиқ ҳолда шундай савол қўйилаяпти, гигиеник нормативлар шу омилнинг инсон организмига фақат негатив таъсирини олдини олишга қаратилмай, балки инсоннинг яшаш муҳитини таназзулга учрашини олдини олишга қаратилиши лозимлигини талаб қиласди.

13. Гигиеник нормативларнинг нисбийлиги. Ишлаб чиқилаётган ҳамма гигиеник нормативлар бир умрга эмас, балки вакти-вақти билан қайта кўриб чиқилиши лозимлигини талаб қиласди. Чунки у ёки бу омилнинг организмга таъсири ҳақидаги янги маълумотлар юзага келмоқда, текшириш усуллари такомиллашяпти, ижтимоий-иқтисодий шароитлар ўзгарайяпти - буларнинг ҳаммаси гигиеник нормативларда ўз аксини топмасдан иложи йўқ. Шунга боғлиқ ҳолда гигиеник меъёрлашнинг лозимлиги, гигиеник меъёрлар, қоидалар ва регламентларни янгидан аниқлаш ва такомиллаштиришни доимо амалга оширишни талаб этади.

Гигиеник меъёр ва регламентларни ишлаб чиқишга бўлган умумий ёндошишлар.

Гигиеник меъёр ва регламентларни ўрнатиш тартиби муайян мисолларда кўриб чиқилиши керак.

Mac., Яшаш хоналарининг микроиқлими ёки унинг ёритилишига доир гигиеник меъёрлар табиий текширишлар асосида ишлаб чиқилиши ва текшириш жараёнида текширилаётган омилнинг турли шароитларда одам организмнинг функционал ҳолатига таъсири баҳоланиши керак, мас., (микроиқлим учун - иссиқликни бошқарилиш, юрак-томир системаси, нафас олиш органлари функцияси, ёритилганлик учун - кўриш органи ва МНС функцияси). Бунда текширилаётган омилнинг шундай параметрлари гигиеник меъёр қилиб олиниши керак-ки, у организмнинг оптималь функционал ҳолатини таъминласин.

Аҳолининг энг оптимал сув истеъмоли меъёрларини ўрнатиш учун аҳолининг кўпчилик қисмидан анкета-сўровлар ўтказилиб, кейинчалик турар-жойларнинг коммунал ободонлаштирилганлигига боғлиқ ҳолда сув сарфи қийматлари ҳисоблаб топилади.

Айrim омилларни меъёрлаштиришда табақалашган меъёрлаштириш принципи қўлланади ва бунда омилнинг юқори, оптимал ва қуи даражалари ўрнатилади. Шундай принцип бўйича, жумладан ишлаб чиқариш хоналарининг рухсат этиладиган ва оптимал микроиқлим қийматлари ва ичимлик суви таркибидаги фторнинг рухсат этиладиган миқдорий чегарали белгиланган ва б.к.

Гигиеник меъёрлардан фарқли ўлароқ, гигиеник регламентларни ўрнатиш, қоида бўйича табиий шароитда эмас, балки тажриба (эксперимент) шароитида олиб борилади.

Омилларнинг гигиеник регламентацияси атроф муҳитдаги турли омилларнинг бўсағали таъсир концепциясига асосланади.

Гигиеник регламентларни ўрнатиш - бу мураккаб ва етарлича узок давом этадиган жараёндир. У меъёрлаштириладиган омилнинг сифат ва миқдорий таърифлаш билан бирга физикавий, кимёвий, биологик, статистик текшириш усулларидан фойдаланишни, омилни тирик организмга таъсирини ўрганиш билан кейинчалик олинган маълумотларни математик таҳлил қилиш ва шунга мувофиқ регламент ишлаб чиқиши тақозо этади.

Кўп сонли гигиеник регламентлар қаторига кимёвий моддаларга рухсат этиладиган концентрациялар (РЭК) ни киритиш мумкин.

Таҳминий гигиеник регламент бўлиб, моддаларнинг таҳминий таъсир этиш даражалари (ОБУВ), таҳминий рухсат этиладиган даражалари (ОДУ), максимал рухсат этиладиган даража (МДУ) лар ҳисобланиб, улар ҳисоблаш усуллари орқали аникланади.

РЭК ишлаб чиқиш ўз олдига бир қатор вазифаларни ҳал қилишни мақсад қилиб қўяди ва у атроф муҳитнинг қандай объекти учун РЭК ишлаб чиқилишига боғлиқ (1, 2, 3, 4 жадваллар).

1 жадвал

Атмосфера	хавосидаги	кимёвий	моддаларни
регламентлаш	<u>атмосфера</u>	<u>хавоси</u>	<u>модданинг</u>
		таҳминий	
		хавфсиз	РЭК
	ишлиб чиқиш		

Ҳисоблаш усуллари

Бир марталик максимал ўртача кунлик

Ўрганиш асослари:

- Резорбтив күрсаткичлар (тажриба хайвонлари организмига захарли таъсири)
- Рефлектор күрсаткичлар (хиди, ҳохловчиларда ўтказиш)
- Рефлектор-резорбтив күрсаткичлар
- Санитар-гигиеник күрсаткичлар

Таҳлил, натижаларни математик ишловдан ўтказиш,
РЭК ҳисоблаб топиш.

2 жадвал

Кимёвий моддани ҳавзалардаги сувда

регламентлаш

Сув ҳавзалари

ОДУ ишлаб чиқиши

рэк ишлаб чиқиши

Ҳисоблаш усуллари

Ўрганиш - асослари

- Органолептик күрсаткичлар
- Ҳавзалардаги сувнинг санитар тартиби
- Санитар-токсикологик күрсаткичлар

Таҳлил, натижаларни математик ишловдан
ўтказиш, РЭК ҳисоблаш

3 жадвал

Кимёвий моддаларни тупроқда регламентлаш

тупроқ

рэк ишлаб чиқиши

Ўрганиш асослари:

- Тупроқ мұхитида барқарорлиги
- Транслокацияланиш күрсаткичлари
- Токсикологик күрсаткичлар
- Үмумсанитар күрсаткичлар

Таҳлил, натижаларни математик ишловдан ўтказиш,

4 жадвал

**Кимёвий моддаларни озиқ-овқат маҳсулотларида регламентлаш
овқат маҳсулотлари**

Максимал рухсат этилган

дараҷа (мду)

рэк ишлаб чиқиши

Хисоблаш усууллари

Үрганиш асослари

- Токсикологик күрсаткичлар
- Органолептик күрсаткичлар
- Умумгиеник күрсаткичлар
- Технологик күрсаткичлар

Таҳлил, натижаларни математик ишловдан

үтказиш, РЭК хисоблаш.

Гигиеник регламентлаштиришда гигиена-токсикологик текширишлар қуидаги босқичларда умумий кўринишга эга бўлади:

1. Модданинг физико-кимёвий хоссаларини ўрганиш (агрегет ҳолати, ташқи кўриниши, ранги, ҳиди. Солишима оғирлиги, турли мухитларда эриш хусусияти, барқарорлиги, буғланиш хусусияти ва б.

2. Захарлилик хоссасини баҳолаш мақсадида токсикологик текширишларни ўтказиш керак, бунда организмга заҳарли таъсир кўрсатиш табиати, маҳсус таъсир хусусиятларига эга эканлиги аниқланади. Токсиколого-гигиеник текширишларнинг асосий вазифаси - ўткир ва сурункали таъсир этиш бўсағаларини - Lim_{ac} ва Lim_{chr} аниқлашдир (тушунтириб бериш). Токсикологик текширишлар лабораторияларда экспериментал хайвонлар организмида синаш орқали ўтказилади (оқ сичқонлар, оқ каламушлар, қуёнлар ёки бошқа ҳайвонлар) ва у бир неча вариантларда амалга оширилади:

а) ўткир тажрибалар. Асосий вазифа - қуидаги токсикологик параметрларни аниқлаш - LD_{50} , LD_{16} , LD_{84} , CL_{50} (тушунтириб бериш), ҳамда ўткир захарланишдаги клиник белгилар аниқланади.

б) Оралиқ тажриба. Асосий мақсади - лаборатория хайвонлари организмига кўп марталик юборгандаги қумулятивлик хоссасини аниқлаш $1/5-1/10 LD_{50}$

в) сурункали токсикологик текшириш. Тажриба ёки Lim_{chr} ни ўрнатиш мақсадида, ёки модданинг маҳсус таъсир этиш хусусиятини аниқлаш мақсадида ўтказилади. Lim_{chr} ни аниқлаш ЛД₅₀ нинг 1/20 - 1/100 марталик нисбатларида узоқ муддат таъсир эттириш (4-6 ой) орқали ўтказилади ва маълум муддатларда хайвонлар организмидаги функционал, морфологик ва биокимёвий ўзгаришлар аниқланади. Текшириш натижасида шундай доза аниқланади-ки, у хайвонлар организмидаги физиологик меъёрлардан ташқари минимал ўзгаришларни келтириб чиқариши керак.

3. Ўтказилган текширишларнинг натижалари асосида текширилган модданинг заҳарлилик синфи ўрнатилади ва талаб этиладиган гигиеник регламентлар ҳисоблаб топилади (РЭК).

Гигиено-токсикологик текширишларнинг аниқ вазифалари билан СИЗ амалий машғулотларда танишасиз.

Ишлаб чиқилган гигиеник меъёр ва регламентларнинг самарадорлиги аҳолининг саломатлик ҳолатларини ўрганиш асосида баҳоланади ёки ишлаб чиқилган гигиеник нормативнинг вазифасига мувофиқ аҳолининг айrim гурухларида баҳоланади.

Шундай қилиб, гигиеник меъёрлаштириш ва регламентлаштириш атроф муҳитдаги омилларнинг барчасини ўзида акс эттириши билан бирга ишлаб чиқиладиган барча профилактик ва соғломлаштириш тадбирлари учун асос бўлади.

Назорат саволлари:

1. Инсон организмига атроф муҳит омилларининг (ҳаво, сув, тупрок) таъсири қандай?
2. Физикавий омилларни гигиеник меъёрлаштириш нимага асосланади?
3. Кимёвий омилларни гигиеник меъёрлаштириш нимага асосланади?
4. Биологик омилларни гигиеник меъёрлаштириш нимага асосланади?
5. Амалдаги СанҚ ваМни кўрсатинг

Фойдаланилган адабиётлар:

- 1.“Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 26 августдаги 393 сонли Қонуни (ЎзР қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 34-сон, 451-модда) -186.
- 2.Румянцев Г.И., Прохоров Н.И., Новиков С.М. ва б. “Гигиена” Учебник для ВУЗов, М., 2009.- 608б.
3. Umumiy gigiyena bilan ekologiya. Amaliy mashg`ulotlar uchun o`quv qo`llanma. L.A.Ponomareva, E.K. Kazakov, L.K. Abduqodirova, B.E.Tuhtarov, I.K.Dravskix, S.A.Sharipova, X.A.Sadullaeva. - T.,2011.
- 4.Environmental health Dade W. Moeller Third Edition Harvard University Press Cambridge, Massachusetts London, England, 2005, 1-2, 102, 111p

5.ЎзР СанҚвам лари (2005 - 2015 йиллар)

4-мавзу: Аҳолининг тўғри овқатланиш масалалари

Режа:

- 4.1. Овқатланиш муаммосини ижтимоий-гигиеник муаммо эканлиги, унинг ЎзР учун ўзига хослиги
- 4.2. Оқилона овқатланиш хақида тушинча, овқатланишнинг физиологик меъёрлари.
- 4.3. Алиментар касалликлар хақида тушинча
- 4.4. Асосий озукли моддаларга гигиеник таъриф ва уларнинг физиологик меъёрлари
- 4.5.Овқатдан захарланишлар хақида тушунча

Таянч иборалар:

Овқат рациони, оқилона овқатланиш, овқатланишнинг физиологик меъёрлари, алиментар касалликлар.

БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти ҳамда ЖССТИ маълумотига (2015) кура дунёда 840 миллиондан ортиқ киши (ҳар саккиз одамнинг бири) тўйиб овқатланмаяпти, сайёрамиз аҳолисининг 30 %дан зиёди тўлақонли овқатланмаслик (микроэлемент ва витаминлар етишмаслиги) муаммосини бошидан кечирмоқда. Шу туфайли 160 миллиондан ортиқ бола бўйининг ўсиши, жисмоний ва интеллектуал ривожланишига доир камчиликлардан азият чекмоқда.

24 йилда ғалла етиштириш ҳажми 1 миллион тоннадан 7,8 миллион тоннага ортди ва Ўзбекистон ғалла экспорт қиладиган мамлакатлар қаторидан жой эгаллади (2015).

Жон бошига тўғри келадиган гўшт истеъмоли 1,3 баробарга, сут ва сут махсулотлари- 1,6, картошка -1,7, сабзавотлар – 2 ва мевалар истеъмоли қарийб 4 баробарга ошди.

«Мамлакатимизда ҳар йили 16 миллион тоннага яқин мева ва сабзавот етиштирилмоқда. Аҳоли жон бошига қарийб 300 килограмм сабзавот, 75 килограмм картошка ва 44 килограмм узум тўғри келмоқда (N-дан Змарта кўп). И.А.Каримов (2014)

ЎзР ВМ 2015 йил 25 апрелидаги “Ўзбекистон республикаси аҳолисининг соғлом овқатланиш соҳасида амалга оширилаётган чора-тадбирларни янада такомиллаштириш” тўғрисидаги қарори асосида ТТА қошида Диетология ўқув-илмий маркази ташкил этилмокда ва “Соғлом овқатланиш-саломатлик мезони” илмий оммабоп рисола Ш.И.Каримов тахрири остида тайёрланган.

4.1. Овқатланиш муаммосининг ижтимой-гигиеник роли, унинг ЎзР учун ўзига хослиги.

Овқатланиш саломатлик ҳолатини белгиловчи муҳим омиллардан бири бўлиб, у ҳар бир шахснинг ва умуман олганда бутун аҳолининг саломатлик кўрсаткичи хисобланади. Ҳар қандай тирик организмда доимий тарзда ассисмиляция ва диссимиляция жараёнлари кузатилади, ва агар организмда озуқли кимевий моддаларнинг овқат орқали истеъмол қилинмаслиги ҳамда оксидланиш - қайтарилиш жараёнлари кузатилмаса ассимиляция жараёни издан чиқади. Натижада организмни энергия билан таъминлаш ва организмда руй берадиган барча ҳаётий жараёнларни таъминловчи асосий озуқли моддалар - оқсиллар, ёғлар, карбонсувлар, витаминлар ва минерал тузларга бўлган танқислик юзага келади. Шунинг учун инсон организми мунтазам тарзда сифатли овқатланиб туриши зарур. Инсоннинг яшаш умри давомида (ўратча 70 йиллик умр мобайнида) одам ўрта хисобда 2,5 тонна оқсил, 3 тонна ёғ маҳсулотлари, 10 тонна углевод ва 250 кг ош тузини истеъмол қиласди. Одам организмига озуқли моддаларнинг тушиб туриши унинг ҳаётий фаолиятини таъминлабгина қолмай, балки сезиларли даражада одамнинг саломатлимгини ҳам белгилаб беради. Маълумки, аҳолининг саломатлик кўрсаткичлари уларнинг овқатланиш тарзи билдан чамбарчас боғлиқдир. Овқатланиш сифатига айниқса болалар ва ўсмирларнинг жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари, меҳнатга лаёқатли аҳолининг меҳнат қобилияти, ташқи муҳитнинг салбий таасуротларига қарши курашиш қобилияти, аҳолининг умумий касалланиш даражаси, ўратача умр кўриш давомийлиги бевосита боғлиқдир. Нотўғри овқатланиш натижасида кўпгина касалликларнинг кечиши оғирроқ шаклда ўтади, уларнинг сурункали шаклга ўтиши тезлашади, соғайиш муддати узайиб кетади.

Аҳолини овқатланиш муаммоси факат гигиеник муаммо бўлиб қолмай, балки кўпроқ даражада ижтимоий муаммодир, чунки аҳолини овқатланиш сифати ҳар бир давлатнинг ривожланганлик даражаси, озиқ-овқатлар учун ажратиладиган маблағ микдори билан белгиланади. Овқатланиш муаммоси ҳар бир давлатнинг иқтисодий ҳолати ва бошқа давлатлар билан қиласиган иқтисодий муносабатлари, ҳар бир давлатнинг ижтимоий сиёсати, меҳнат ресурслари ва меҳнат қилувчи потенциалига боғлиқдир.

Аҳолини овқатлантириш муаммоси жуда кўп давлатларда аҳоли сонига боғлиқ тарзда ташкил қилинади. Аҳолининг сони бўйича овқатланиш

муаммоларини ҳал этувчи халқаро конференцияда (Кохира, 1994 йил) таъкидланганидек, аҳолини бошқариб бўлмайдиган даражада ўсиб бориши аҳоли ўртасида ижтимоий танглик, ижтимоий муносабатларнинг таранглашувига, шу жумладан аҳоли ўртасида овқатланиш муаммоси билан боғлиқ бўлган муносабатларнинг кескинлашувига сабабчи бўлиши мумкин.

Собиқ Иттифоқ худудидаги аҳолининг ижтимоий таркиби ва улар ўртасидаги сиёсий муносабатларнинг кескинлашуви Иттифоқнинг парчаланиб кетиши вақтидан бошланган бўлиб, аҳолининг кундалик турмушидаги турли кўринишларда ва айниқса овқатланиш сифатидаги ўзгаришларда кўпроқ даражада ўз аксини топди.

Озиқ - овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, иқтисодий алоқаларнинг узилиши, янги иқтисодий муносабатларнинг шаклланиши билан боғлиқ бўлган ва шак - шубҳасиз юзага келиши мумкин бўлган иқтисодий танглик Бирлашган Ҳамдўстлик Давлатларида жуда кўп аҳолининг турмуш даражасини ёмонлашишига олиб келди, бунинг натижасида 1993 йилнинг ўзидаек тадқиқотчиларнинг олган маълумотларига кўра оқилона овқатланмаслик натижасида аҳолининг саломатлик кўрсаткичлари ва ёшлар ўртасидаги жисмоний ривожланиш кўрсаткичларида негатив ўзгаришлар юзага келганлиги ҳақидаги маълумотлар берила бошланди. Мас., Россиянинг айrim худудларида истиқомат қилувчи аҳолини овқатланиш ҳолатини текшириб, В.Спиричев (1993) оммавий авитаминознинг кескин ошганлигини маълум қилди, шу билан бирга гиповитаминон ҳолати аҳолининг ҳамма категорияси ўртасида бирдек кўтарилганлиги ва йилнинг барча фаслларида кузатилишини, ҳамда айниқса полигиповитаминон ҳолатининг ўзига хос шаклларини юзага келганлигини айтади.

Бизнинг Республикада аҳолининг овқатланиш муаммолари ўзига хос хусусиятларига эгадир. Аҳолининг овқатланишига доир масалалар бўйича билимдонлик даражаси жуда паст ҳолатда, оқилона ва тўғри овқатланишга доир элементларни кўпчилик билган тақдирда ҳам унга эътибор қаратмайди. Аҳолининг кўпчилик қисми сифатли овқат маҳсулотлари билан тўлиқ таъминланиш имкониятига эга эмас, бундай имкониятга эга бўлган аҳоли ҳам тўғри овқатланиш талабларини тўлиқ бажармайди. Бугунги кунга келиб овқат маҳсулотларининг сифат кўрсаткичларини гигиеник назорати сезиларли даражада пасайган. (Бойкулов А.А.2003). Яъна шуни айтиш лозимки, хозирги кунда чекка қишлоқларда яшовчи аҳолининг овқатланиш ҳолатини ҳам қўнгилдагидек деб бўлмайди, бунинг сабаби овқат ассартиментларининг камлиги, овқатланиш сифатининг пастлигидир.

Юқорида айтиб ўтилган камчиликлар хисобига эса, Ўзбекистон Республикасида яшовчи аҳоли ўртасида, айниқса аёллар ўртасида (90 фоиздан ортиқ ҳолатларда) темир танқислиги анемияси, аҳолининг 60-73 % да йод танқислик ҳолатлари, қишлоқ шароитида яшовчи болаларнинг деярли

35% да гипотрофия ва рахит касалликлари, ҳамда жуда кўп ҳолатларда сил касалликларини ўсиб бораётганлиги ачинарли ҳолдир.

Ушбу муаммоларни ечишда албатта Республикаиздаги мавжуд иқтисодий кризисларни ҳал этиш билан ахвол яхшиланиб қолади деб айтолмаймиз. Бунинг учун ахоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришимиз лозим, яъни тўғри овқатланиш, вақтида овқатланиш, сифатли овқатланишга эътибор бериш билан бир қаторда, ўзимизда ҳамда чет давлатларда чиқарилаётган озиқ-овқат маҳсулотлар сифатини мутассади ташкилотлар томонидан тўлиқ ва сифатли текширилишини, озиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо қилинадиган бозорларда, расталардаги тозаликка ва гигиеник тартибларга риоя қилинишини қаттиқ назорат қилиниши лозим.

4.2. Оқилона овқатланиш ҳақида тушинча, овқатланишнинг физиологик меъёрлари

Овқат рациони - бу овқат маҳсулотларининг таркиби ва миқдори бўлиб, у кундалик овқат рационига киритилиши шарт. Кундалик овқат рационига қуидаги гигиеник талаблар қўйилиб, у овқатланишнинг оқилона эканлигини таъминлайди:

1. Овқат рационининг энергетик қиймати - овқат таркибига кирувчи озуқли моддаларнинг организмнинг физиологик эҳтиёжига мувофиқ ҳолда тутишидир. Организмнинг овқатли моддаларга бўлган физиологик эҳтиёжи эса ҳар бир шахснинг жинси, ёши, тана тузилиши, бажарадиган меҳнат тури, иқлим шароитлари ва организмнинг физиологик ҳолатига (аёллар учун физиологик ҳолат-ойлик хайз кўриш) боғлиқдир.

2. Овқат рационига киритилган овқатли моддалар ўзоро мувозанатлашган ҳолда бўлиши зарур. Мас., асосий озуқли моддалар (оксил, ёғ, карбонсув) мувозанатлаштирилган овқатланишда 1:1,2:4,6 нисбатда бўлиши керак.

3. Кунлик овқатланишдаги овқат маҳсулотлари турли-туман яъни ҳилмачил бўлиши ва юқори даражадаги органолептик кўрсаткичларга эга бўлмоғи лозим яъни уларнинг ташқи кўриниши, ҳиди, таъми, қуюқ-суюқлиги, харорати кабилар. Чунки бу кўрсаткичлар фақатгина шахснинг иштаҳасини очибгина қолмай, балки истеъмол қилинган овқатларни тўлиқ хазм бўлишини қам таъминлайди.

4. Истеъмол қилинган овқатлар одамда тўйиниш сезгисини чақираолсин, бу эса истемол қилинадиган овқатнинг ҳажмигагина боғлиқ бўлмай, балки унинг таркибига ва ишлов берилиш турига ҳам боғлиқдир.

5. Ахолини оқилона овқатланишини ташкил этишгда йилнинг фаслини, миллий ананаларни ва урф-одатларни инобатга олиниши зарур хисобланади.

6. Овқат кун давомида тўғри тақсимланиши зарур. Мас., йилнинг совук фаслида 3 марталик овқатланганда кунлик энергиянинг 30-35% нонуштага.

40-45% тушликка ва 25-30% кечки овқатга ажратилиши керак. Йилнинг иссиқ фаслида эса тушлик овқатнинг энергетик қиймати бироз камайтирилди ва нонушта ҳамда кечки овқатнинг энергия қиймати кўпайтирилди.

7. Овқат маҳсулотлари организм учун заарсиз бўлмоғи керак. Санитар-эпидемиологик нуқтаи-назардан овқат таркибида патоген микроблар ва улар ишлаб чиқарадиган маҳсулотлар ва ёки бошқа кўринишдаги захарли таъсир кўрсатувчи кимёвий бирикмалар бўлмаслиги керак.

Оқилона овқатланишнинг асоси бўлиб физиологик овқатланиш меъёрлари хисобланади. Физиологик овқатланиш меъёрлари нутрициология мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, аҳолининг турли гурухлари учун мўлжалланган (жадвалларни кўрсатиш). Бу физиологик овқатланиш меъёрлари тавсия мақсадида таклиф этилади. Организмнинг овқатли моддаларга ва энергияга бўлган физиологик эҳтиёжи доимий яъни ўзгармас миқдор эмас, балки мунтазам ўзгартириш киритилишга муҳтождир, чунки илмий янгиликлар ва аҳолининг турмуш тарзини ўзгариши бу кўрсаткичларни ўзгартириб туришни тақозо этади. Овқатланишнинг физиологик меъёрлари - бу овқатли моддалар ва энергия миқдорилари бўлиб, организмнинг ёши, жинси, меҳнат фаолиятининг турига мувофиқ организмнинг физиологик эҳтиёжини қондириш учун белгиланган меъёрлардир. Овқатланишнинг физиологик меъёрлари қуйидаги аҳоли гурухлари учун ишлаб чиқилган:

1.18 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирлар. Улар 9 ёш гуруҳига бўлинган бўлиб, 11 ёшдан сўнг уларнинг жинси ҳам инобатга олинади. Кундалик овқат рационининг энергетик қиймати уларнинг ёш кўрсаткичларига мувофиқ 1540 ккал-дан (1-3 ёшли)3000 ккал-гача (14-17 ёшли ўсмирлар) дир.

Меҳатга қобилияти бўлган 18 ёшдан 60 ёшгача бўлган аҳли. Улар бажарадиган меҳатнинг жадаллилиги бўйича жинси хисобга олган ҳлда 5 та касбий гуруҳа бўлинадилар. Ҳр бир меҳат гуруҳнинг ўзи аҳлини ёш кўрсаткичлари бўйича яна 3 та гуруҳга -18-29 ёш, 30 -39 ёш ва 40-60 ёшдаги аҳоли гуруҳига бўлинадилар;

1 гурӯҳ; деярли ақлий меҳнат билан шуғулланувчилар (корхона ва муассаса раҳбарлари, педагоглар, илмий ҳодимлар, айrim турдаги тиббий ҳодимлар)

2 гурӯҳ; енгил жисмоний меҳнат билан шуғулланувчилар (инженер-техник ҳодимлар, автоматлаштирилган корхона ишчилари, тикувчилар, алоқа ҳодимлари, хамширалар, санитаркалар ва б.к.)

3 гурӯҳ; ўртача оғирликдаги жисмоний меҳнат билан шуғулланувчилар (станокларда ишловчилар, слесарлар, кимёвий корхона ишчилари, тўқимачилик корхоналари ишчилари, хайдовчилар, жаррохлар, озиқ-овқат дўконлари сотувчилари)

4 гурух; оғир жисмоний меҳнат билан шуғулланувчилар (қурувчилар, қишлоқ хўжалигидағи ишчи ва хизматчилар, механизаторлар, нефт ва газ саноати корхоналари ишчилари, металлурглар)

5 гурух; факат эркаклар учун бўлиб, ўта оғир жисмоний меҳнат билан шуғулланувчиларни ўз ичига олади (ер ости конларида ишловчилар, ғишт терувчилар, юқ ташувчилар, бетон қуювчилар, ер қазувчилар ва ҳ.к)

Меҳнатга қобилиятли эркаклар учун овқатланишнинг кунлик энергетик қиймати 2100 ккал-дан (1гурух: 40-59 ёшлилар) 4200 ккал гачадир. Аёллар учун эса 1800 ккал дан (1 гуруҳдаги 40-59 ёшлилар) 3050 ккал (4 гуруҳдаги 18-29 ёшлилар)\ гачадир.

Ҳомиладор аёллар учун овқат рационининг энергетик қийматига қўшимча тарзда 350 ккал қўшиш ва эмизувчи аёллар учун эса асосий овқат рационига қўшимча тарзда 450-500 ккал қўшиш тавсия этилган.

Кексалар учун агар уларнинг ёши 60-75 атрофида бўлса кунлик овқат рационининг энергетик қийматини 5% га камайтириш, 75 ёшдан ўтганлар учун 10-15% га пасайтириш тавсия этилади.

Хозирги кунда ЎзР-да 2001 йилдаги \СанҚвам-0105-01\ "Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг меҳнат фаолияти ва ёшига мувофиқ бир кунлик овқатланишнинг физиологик меъёрлари" асосида иш юритилмоқда. Ушбу меъёрий хужжат аҳолини рационал овқатланишига бўлган гигиеник таъминотини белгилаб беради. СанҚвам-0105-01 хужжатда : ишга лаёқатсиз бўлган аҳоли (болалар ва ўсмирлар гурухи, улар ўз навбатида 4 та кичик гуруҳларга бўлинади, ишга лаёқатсиз эркаклар ва ҳомиладор ҳамда эмизикли аёллар, нафақахўрлар);

4.3. Алиментар касалликлар ҳақида тушинча

Овқатланишнинг физиологик меъёрларини бажармаслик, ҳамда бошқа гигиеник талабларга риоя қиласлик аҳоли ўртасида жуда кенг тарқалган ва овқатланиш сифатига бевосита ва билвосита боғлиқ бўлган АЛИМЕНТАР касалликларни юзага келишига сабабчи бўлади. Бутун дунё Соғлиқни Сақлаш Ташкилотининг тавсиясига қўра қуйидаги алиментар касалликлар гуруҳларини ажратиш мумкин (жадвал).

1. Жуда юқори қийматли рационга боғлиқ бўлган касалликлар - алиментар семириш касаллиги;

2. Ортиқча овқатланиш - қуйида келтириладиган касалликларнинг шаклланишида ҳавфли омил вазифасини ўташи мумкин- юракнинг ишемик касалликлари, атеросклероз, гипертония подагра, қандли диабет, буйрак тош касалликлари, ўт пуфаги тоши касалликлари.

П. Етарлича овқатланмаслик билан боғлиқ бўлган касалликлар.

Энергия танқислиги билан боғлиқ бўлган касалликлар - алиментар дистрофия, алиментар маразм (алиментар кам қувватлик).

Овқатларнинг тўла қийматли эмаслиги билан боғлиқ бўлган касалликлар : ОЭТ -оқсил энергия танқислиги (БЭН), Квашиоркор -овқат таркибида тўла қийматли оқсилларнинг бўлмаслиги туфайли келиб чиқадиган касаллик тури ёки ёғларнинг танқислигидан келиб чиқадиган касаллик, гипо- ваavitaminozlar.

Ш. Овқат маҳсулотларининг сифатсизлиги билан боғлиқ бўлган касалликлар -овқатдан захарланишлар.

Алиментар касалликларни олдини олишдаги муҳим тадбирлардан бири организмнинг энг зарурий озукли моддаларга бўлган физиологик эҳтиёжларини таъминлашга имкон берадиган овқат маҳсулотларини тўғри танланиши хисобланади (жадваллар)

4.4. Асосий озукли моддаларга гигиеник таъриф ва уларнинг физиологик меъёрлари

Овқатланишдаги энг муҳим озукли модда бўлиб оқсиллар хисобланади, чунки улар организмда бир қатор муҳим биологик вазифаларни бажаради (хужайраларнинг тикланишида пластик функция, энергетик, гармонал, катализитик, воситачилик ва маҳсус вазифалар). Бунда оқсилларнинг энергетик вазифаси организмдаги кунлик энергия сарфининг факат 13% гина қоплади (1 гр оқсил ёнганда 4,1 ккал энергия хосил қиласди), шунинг учун оқсиллар энергетик нуқтаи-назардан асосий манба эмас деб баҳоланади. Келтирилган бошқа функцияларни тўлиқ адо этилиши учун оқсиллар таркибида бўладиган барча зарурий аминокислоталар олмошлириб бўлмайдиган ва алмаштиrsa бўладиган аминокислоталарнинг бўлиши шартдир. Ўз таркибида зарурий аминокислоталар тўпламини тутувчи оқсиллар тўла қийматли оқсиллар ва ўз таркибида деярли алмаштиrsa бўладиган аминокислоталар тўпламини тутувчи оқсилларни эса тўла қийматли бўлмаган оқсиллар деб аталади. Алмаштириб бўлмайдиган аминокислоталарни эссенциал аминокислоталар деб аталиб, улар одам организмида синтезланмайди (метионин, лизин, триптофан, фенилаланин, лейцин, изолейцин, треонин, валин). Бундай аминокислоталар хайрон маҳсулотлари таркибида бўлади (гўшт, сут ва сут маҳсулотлари, тухум, балиқ, парранда гўшти). Тўла қийматли аминокислоталар дуккакли ўсимлик донларида анча-мунча миқдорда бор - мош, ловия, нўхот, соя кабилар. Донлар таркибида уларнинг миқдори жуда кам ёки бўлса хам улар мувозанатлашмаган ҳолдадир, аммо бу маҳсулотларда алмаштиrsa бўладиган аминокислоталар етарли миқдорларда бор, шунинг учун дон маҳсулотлари таркибида бўладиган оқсиллар тўла қийматли бўлмаган оқсиллар қаторига киритилади. Кунлик овқат рациони таркибидаги оқсилларнинг физиологик меъёри кенг диапозонда тебраниши мумкин бўлиб, уларнинг ўртача миқдори кунига 90-100 граммни ташкил

қиласи. Ўсуви организмнинг оқсилларга бўлган эҳтиёжи, ҳамда ҳомиладор ва эмизувчи аёлларнинг оқсилларга бўлган физиологик эҳтиёжи юқорироқдир. Оқсилларнинг ўртача физиологик меъёрларини жадвал бўйича аниқлаш мумкин, мас., ўсуви организмнинг ҳар бир кг вазни учун ўртача 2,0 грамм, ўрта ёшли одамнинг 1 кг вазни учун 1,5 грамм, ҳомиладор ва эмизувчи аёлларнинг 1 кг вазнлари учун 2,5 грамм тўғри келиши керак.

ЁҒЛАР хам худди оқсиллар каби асосий озукли моддалар қаторига киради ва у овқатланишининг асосий компоненти хисобланади. Ёғларнинг организмда бажарадиган вазифалари ҳилма-хилдир. Ёғлар кунлик энергия сарфининг 27-33% ни қоплаб туради, шу билан бир қаторда ёғлар ҳар бир хужайра таркибига киради, организмда иссиқликнинг бошқарилишида фаол иштирок этади, организмга ёғда эрийдиган витаминаларни етказиб беради, организмда холестерин алмашинувини бошқариб туради, гармонларнинг синтезланишида, сафро таркибидаги кислоталар ва простогландинларнинг синтезланишида қатнашади ҳамда овқатга таъм бериш вазифасини бажаради. Ёғларнинг организмда бажарадиган вазифалари уларнинг хусусиятлари ва хоссаларига боғлиқ ва у асосан ёғ кислоталарининг таркибига боғлиқдир. Ёғлар таркибида бўладиган ёғ кислоталари тўйинган ва тўйинмаган ёғ кислоталарига бўлинади.

Биологик нуқтаи-назардан тўйинмаган ёғ кислоталари анча фаол хисобланади, айниқса ЎТЕК- ўта тўйинмаган ёғ кислоталари. Шунинг учун ҳам ўта тўйинмаган ёғ кислоталарини айrim ҳолларда витаминалар қаторига кўшиб баҳоланади.

Айнан ЎТЕК (линол, линолен, арахидон) лари хужайра таркибини шаклланишида иштирок этади, юқори фаоликка эга бўлган биологик моддаларнинг синтезланишида қатнашади, холестерин ва "В" гурухига кирувчи витаминаларнинг алмашинувини бошқаришда фаол иштирок этади.

ЎТЕК-нинг фаол вакили бўлган арахидон кислотаси болалар организмини ўстирувчи омили хисобланадив ва болаларнинг кунлик овқат рационида унинг етишмаслиги (кунига 5-6 гр.дан кам бўлса) кузатилса, болаларда ўсиш жараёни секинлашади ва унинг ривожланишида айrim нуқсонлар пайдо бўлиши мумкин. ЎТЕК асосан ўсимлик ёғлари таркибида бўлади ва боланинг кунлик овқат рационига 25-30 гр ўсимлик ёғи қўшилса бола организмининг ЎТЕК-ларига бўлган эҳтиёж тўлиқ қондирилади.

Холестерин алмашинувининг бошқарилиши фосфолипидлар томонидан амалга оширилади (ЎТЕК таркибида фосфолипидлар бор) ва ана шу фософир кислотаси одам организмидан ЎТЕК-дан синтезланади. Фосфолипидларнинг ўтмишдошлари яъни унга яқин бўлган моддалар ўсимлик ёғлари таркибида кўп миқдорда учрайди. Шу нарсани доим ёдда сақлаш керак-ки, ўсимлик ёғларига қўшимча ишлов бериш ва кўпинча термик ишловдан ўтказиш фосфолипидларнинг парчаланишига сабабчи бўлади натижада ёғларнинг

биологик қиймати йўқолади. Бу айниқса пахта ёғига кўпроқ таалуқлидир, чунки ишлов берилмаган ёки қўшимча ишловдан ўтказилмаган пахта ёғи таркибида захарли модда - ГОССИПОЛ мовжуд бўлиб, ана шу моддани парчалаш мақсадида пахта ёғини оладиган ёғ-экстракт заводларида пахта ёғига термик ишлов берилади. Шунинг учун пахта ёғига термик ишлов беришдан олдин унинг таркибидаги фосфолипидларни экстракция қилиб ажратиб олинади ва ишлов берилгандан сўнг қайта қўшилади. Озиқ-овқат саноатида фосфолипидларнинг концентратлари кўпроқ ишлатилади, бу моддалар рафинадлаштирилган ўсимлик ёғлари ва маргарин таркибини бойитиш мақсадида қўшилади. Аммо, ўсимлик ёғлари ва маргарин таркибига қўшиладиган фосфотидларнинг микдори жуда кўпайиб кетса улар жуда тезлик билан оксидланади ва ёғ тахирлашиб қолади.

Овқат таркибидаги ўсимлик ва хайвон ёғларининг оптимал нисбати 1:3 ёки 2:3 бўлиши керак, ёши ўтган кишилар учун 1:1 нисбатда бўлгани яхши.

Мехнатга қобилиятли ўрта ёшли одамнинг ёғларга бўлган физиологик эҳтиёжи шахснинг жинси, ёши ва меҳнат фаолиятининг турига қараб ўзгариши мумкин яъни 80 граммдан 169 граммгача, бироқ ҳар бир шахс учун ҳам алоҳида хисоблаш усули орқали эҳтиёжни топиш мумкин., бунинг учун шу организмнинг оқсилларга бўлган эҳтиёжидан келиб чиқсан ҳолда (1 гр оқсилга 1,2 гр ёғ хисобида) хисоблаб топиш мумкин.

Кунлик овқат рационининг асосий қисми карбонсувлардан иборат бўлиб, улар асосан энергетик вазифани бажаради. Бундан ташқари карбонсувлар палстик жараёнларда ҳам иштирок этади, уларнинг айрим турлари эса нозик специфик таъсир хусусиятига ҳам эгадир (аскорбин кислота, гепарин, гетерополисахаридлар бўлиб улар қон гуруҳини белгилаб беради).

Полисахаридлардан клетчатка ичак функциясини бошқариб боради (ичак перисталтикасини оширади), пектин моддаси эса ичакдаги чиритувчи микробларнинг кўпайишига тўскенилик қиласи ва ичакдаги захарли табиатга эга бўлган моддаларни ўзига адсорбция қилиб олади ва организмдан чиқариб юборади.

Карбонсувларнинг энергетик мақсадларда қўплаб ишлатилишини хисобга олиб, овқат маҳсулотлари билан уларни доимий равишда ичакка тушиб туришини таъминлаш мақсадга мувофиқдир. Шу билан бир қаторда агар организмга ортиқча микдорда карбонсувлар истеъмол қилинса, улар ёғларга айланиб ёғ деполарида тўпланиши мумкин.

Карбонсувларнинг организмда ўзлаштирилиши уларнинг таркибига қараб ўзгариши мумкин. Мас., моносахаридлар организмда тўлиқ ўзлаштирилади, дисахаридлар эса -96-98% га ва полисахаридлар -85-86% га ўзлаштирилади.

Карбонсувларга бой бўлган овқат маҳсулоти таркибида кўп миқдорда клетчатка моддаси бўлса, улар камроқ ўзлаштирилади ва уларнинг ортиқча миқдори организмдан тезликда чиқарилиб юборилади. Таркибида 0,4% дан ортиқ клетчатка тутган карбонсувлар "ҳимояланган" карбонсувлар деб аталади ва бундай маҳсулотлар ортиқча вазни ва ёши ўтган кишилар учун кўпроқ тавсия этилади.

Карбонсувларнинг физиологик меъёрлари жадвал бўйича 1 гр оқсил миқдорига қараб хисобланганда 4-4,5 гр миқдорида олиниши мумкин, шу билан бир қаторда карбонсувларининг синфига мувофиқ оптималь нисбати қуидагича бўлиши мақсадга мувофиқ хисобланади: полисахаридлар (шу жумладан клетчатка-2%) 80-90%, моно- ва дисахаридлар 10-20%. Моносахаридлар учун асосий манба бўлган маҳсулотлар- асал ва мевалардир. Полисахаридларнинг манбай эса, сабзовотлар ва донли маҳсулотлар хисобланади.

Овқат рационининг муҳим муҳим элементларидан бири витаминлардир. Витаминалар қуи молекулали органик табиатга эга бўлган ва юқори фаоликка эга бўлган кичик дозалардаги бирикмалардир. Одам организмида витаминалар қисман синтезланиши мумкин, аммо Д, К, В-12 витаминаларининг эндоген синтезланиши организмнинг шу витаминаларга бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондира оладими ёки йўқми деган саволга аниқлик киритиш талаб этилади. Бу витаминаларнинг асосий қисми овқат маҳсулотлари таркибида бўлиб, овқат орқали организмга қабул қилинади. Овқат маҳсулотлари таркибидаги витаминаларнинг миқдори ва уларнинг характеристи туричадир. Мас., ёгда эрувчи "А" витамини организм учун тайёр ҳолда сут, сут маҳсулотлари, тухум, сариёғ, жигар орқали истемол қилинади. Организмнинг "А" витаминига бўлган эҳтиёжини қондириш учун (1000 мг) сувда эрувчи провитамин "А" яъни каротиннинг аҳамияти катта. Каротин қизил сабзи, болгар помидориси, қовоқ маҳсулотларида кўп миқдорларда бор. Ичак ва жигарда каротиндан "А" витамини синтезланади.

Д витамини бадан терисининг эпидермисида 7-дегидрохолестирииндан ультрабинафша нур таъсирида синтезланади. Д витамини оддий шароитда организмдаги фосфор ва кальций алмашинувини бошқариши учун етарли деб хисобланади, аммо ўсуви организм учун ва қуёш нури етарли бўлмаган шароитларда ишлаганда организмда синтезланётган "Д" витамини етарлича бўлмайди, шунинг учун бундай шароитда организмга "Д" витамини ташқаридан яъни овқат маҳсулотлари орқали истеъмол қилиниши лозим. Ўз таркибида "Д" витамини кўп тутувчи маҳсулотлар қаторига балиқ мойи, тухум, сут ва сут маҳсулотларини киритиш мумкин. Болалар организми учун кунлик истеъмол меъёри (3 ёшгача бўлган болалар учун) 400 МЕ- халқоро бирлик ёки 0,25 мкг, ўрта ёшли одамлар учун - 100МЕ, хомиладор ва эмизувчи аёллар организми учун 500МЕ га tengdir.

"Е" витамини ёғда эрувчи витаминлар қаторига кириб, ўрта ёшли одам организмни учун кунлик истеъмол меъёри 12-15 мг ни ташкил қиласди. "Е" витаминини ўзида кўп тутувчи овқат маҳсулотлари қаторига ўсимлик ёғлари, кўкатлар, мевалар, ёрма маҳсулотлари, тухумни киритиш мумкин.

"К" витамини ҳам ёғда эрувчи витаминлар қаторига кириб, унинг кунлик эҳтиёж меъёри 0,2-0,3 мг га tengdir."К" витамини ичак флораси иштирокида қисман синтезланади, шунинг учун бирламчи гиповитаминоз ёки авитаминоз ҳолатлари кузатилмайди. Иккиласми "К" авитаминози жигар касалликлари ва ичак касалликларига учраган одамлар учраши мумкин, шунинг учун бундай вазиятларда шундай кишиларга организмнинг эҳтиёжини қондириш мақсадида ўзида "К" витаминини кўпроқ тутувчи маҳсулотлардан сабзи, томатлар, кўк нўхот, жигар, наъматак, қорағат донлари ёки уларнинг дамламаларини бериш тавсия этилади.

Сувда эрувчи витаминлар ўз таркибига кўп витаминларни олади ва уларнинг асосийлари "В" гурухига киравчи витаминлардир, бундан ташқари "С" витамини ва бошқа биофлавиноидлардир.

"В" гурухига киравчи витаминларга нисбатан организмнинг кунлик истеъмол меъёри, этишмагандан келиб чиқиши мумкин бўлган касалликлар ва ўзида витаминларни кўп тутувчи маҳсулотлар ҳақидаги маълумотлар қўйида келтирилади.

"В -1" ёки Тиамин витамини организмда этишмагандан "бери-бери" гиповитаминози юзага келади. Организмнинг кунлик эҳтиёжи 1,1-2,1мг га tengdir. В-1 витаминини ўзида тутувчи маҳсулотлар қаторига дон маҳсулотлари (уларнинг қобиқлари), ачитқи (дрожжи), жигар хисобланади.

"В-2" ёки Рибофлавин - организмда этишмагандан хейлоз, стоматит, глоссит, анемия келиб чиқади. Организмнинг кунлик эҳтиёжи 1,5-2,4 мг. Манбаи - сут, нон, ачитқи, нўхот.

"РР" ёки никотин кислотаси - организмда этишмагандан пеллагра касаллиги шаклланади, организмнинг бу витаминга бўлган кунлик эҳтиёжи 14-28 мг га teng. Ёрмалар, нон маҳсулотлари, ачитқи, нўхот таркибида кўплаб учрайди.

"В-3" ёки Пантотен кислотаси - кунлик овқат таркибида унинг миқдори камайиб ёки бўлмай қолган шароитларда инсонлар организмида ҳеч қандай касаллик белгиларини номоен этмайди. Аммо хайвонлар организмида касаллик белгилари юзага келиши мумкин. Бу витамин деярли ҳар қандай овқат маҳсулотлари таркибида борлиги билан аҳамиятлидир.

"В-6" ёки Пиридоксин витамини организмга этишмай қолганда жуда кўп кўринишдаги касаллик белгиларини намоён қиласди. Организмнинг кунлик эҳтиёж меъёри 1,8-2,0 мг атрофида. В-6 витаминини ўзида тутувчи маҳсулотлар қаторига жигар, нўхот, балиқ, болгар қалампири, дуражаларни киритиш мумкин.

Биотин – Н - витамины - организму кам миқдорда түшганды чешүйкали дерматит касаллиги белгиларини номоен қылады, унинг күнлик истемол меңдери 0,15-0,3мг га тенг. Биотин деярли ҳамма овқат маҳсулотлари таркибида учрайди.

Фолиев кислотаси \ В-9\ витамины - организму кам миқдорларда истемол қылинганды анемияни келтириб чиқарады ва охирги илмий маълумотларга күра юрак-томир касалликлари- жумладан атеросклероз, юракнинг ишемик касалликларини олдини олишда иштирок этади. Ўзида фолиев кислотасини кўплаб тутувчи маҳсулотлар қаторига дуражага, жигар, қўк сабзовотлар, гўшт ва гўшт маҳсулотларини киритиш мумкин.

Витамин "B-12" ёки Цианкобаламин- бу витаминга нисбатан организмда танқислик кузатилса, организмда пернициоз камқонлик касаллиги ривожланиши мумкин. В-1" витаминини ўзида кўп тутувчи маҳсулотлар - жигар, буйрак, гўшт, балиқ, тухум.

Жадвал -1

«В» гурӯхига мансуб бўлган витаминларга бўлган гигиеник талаб

Витамин	Физиологик эҳтиёж(мг)	Етишмаслиги	Манбалар
Тиамин (В-1)	1,1-2,1	Бери-бери	Донли маҳсулотлар, жигар, хамиртуруш
Рибофловин (В-2)	1,5-2,4	Хейлоз, стоматит, глоссит, анемия	Сут, нўхат, нон, хамиртуриш
Никотин кислота РР	14-28	Пеллагра	Ёрмалар,нўхат, нон, хамиртуриш
Понтатен кислота В-3	5-10	урганилмаган	Кўпгина озиқ-овқат маҳсулотларида
Пиродаксин В-6	1,8-2	Полисимптомлар	Хамиртуриш,жигар, нўхот, балгар қалампири, балиқ
Биотин Н	0,15-0,3	дерматит	Кўпгина озиқ-овқат маҳсулотларида
Фоливая кислота В-9	200 мкг	Анемия	Хамиртуриш, жигар, полиз маҳсулотлари, гўшт

Циокобаламин В-12	3 мкг	анемия	Жигар, буйрак, гүшт, балиқ, тухум
-------------------	-------	--------	-----------------------------------

Сувда эрувчи витаминларнингн энг типик вакили "C" витамини ёки АСКОРБИН кислотасидир. Бу витамиnga бўлган кунлик эҳтиёж унинг биологик таъсиридан келиб чиқади. Организмга "C" витамини кам миқдорда истеъмол қилинса гиповитаминоз ва тушмай қолган тақдирда "Цинга" касаллиги келиб чиқади. Бундай касаллик ҳолатини олдини олиш учун одам кунлик овқат маҳсулотлари орқали ўртacha 30 мг аскорбин кислотасини истеъмол қилса кифоя деб қаралади, аммо организмнинг умумий тонусини ошириш мақсадида кунига 60-100 мг "C" витаминини истеъмол килиш тавсия этилади. Фармакологик таъсирга эришиш учун эса кунига 200-600 мг миқдорда истемол қилиш керак бўлади. Одам организмида "C" витамини хосил бўлмайди, шунинг учун унинг асосий манбаи овқат маҳсулотлари хисобланади. "C" витаминини ўз таркибида кўп миқдорда наъматак, қорағат, цитрус мевалари, карам, картошка, кўкатлар-сельдери, укроп, петрушка, шовул кабилардир. "C" витаминининг биологик фаоллигини хисобга олиб, уюшган жамоаларда - болалар муассасалари, касалхоналар, санаториялар, туғуруқхоналар, ногиронлар уйи, қариялар уйи кабиларда овқатларни витаминлаштириш тавсия этилади, жумладан сутни витаминлаштириш ёки учинчи овқат хисобида мева шарбатларини бериш тавсия этилади. Одам организмининг биофлавиноидлар ва витаминсимон моддаларга бўлган кунлик эҳтиёжи жадвал-2 да келтирилган.

Жадвал -2

Витамин	Бир кунлик Физиологик эҳтиёж	Маҳсулот манбалари
Биофлавинлар витамин –Р	50 мг	Хўл мевалар, полиз маҳсулотлари, гречка, чой
Липоат кислота	0,5 мг	Жуда кўп маҳсулотлар
Орат кислота- Вит.В-13	0,5-1,5 мг	жигар, дуражা, сут
Пангам кис-си Вит.B-15	2,0 мг	дон маҳсулотлари
Парааминонензой кис-	аникланмаган	ҳамма овқат маҳсулотлари

си		
Холин Вит.В-4	1,5-3,0 мг	сут, гүшт, нон
Инозит-Вит.В-8	1,0-1,5 мг	ҳамма овқатларда
Карнитин	аникланмаган	Гүшт
Метилметнонин Витамин И	аникланмаган	Полиз маҳсулотлари, хўл мевалар

Кўпгина биофлавиноидлар ва витаминсимон моддалар терапевтик таъсир хусусиятига эга бўлганлиги сабабли даволаш амалиётида доривор моддалар сифатида қўлланади.

Инсоннинг овқати таркибидаги муҳим элементлардан бири - минерал моддалар бўлиб, улар организм тўқималари, хужайралари, органларини шакланиши, организмнинг кислотали-ишқорий мувозанатини ушлаб туришда, туз ва сув алмошинувини бошқарилишида ва яна кўп ферментатив жараёнларда қатнашади.

Организм таркибига кирувчи моддалар катта миқдорларда (макроэлементлар) ва кичик миқдорларда (микроэлементлар) иштирок этишлари мумкин. Минерал моддалар икки гурӯхга бўлинади: ишқорий ва кислотали таъсир кўрсатувчилар. Ишқорий таъсир этиш хусуситига - кальций, магний, калий, натрий; кислотали таъсир кўрсатувчилари қаторига- фосфор, олтингугурт, хлор элементларини киритиш мумкин. Биоэлементлар қаторига 64 та кимёвий элементни киритиш мумкин, уларнинг энг муҳимлари - темир, мис, кобальт, фтор, рух, марганец кабилар хисобланади.

Организмнинг муҳим кимёвий элементларга бўлган кунлик эҳтиёжи ва уларнинг манбаларини қўйида келтирилади:

Элемент	Кунлик эҳтиёж	Манбаи
Кальций	800-1200 мг	Сут ва сут маҳсулотлари
Магний	400 мг	Дон маҳсулотлари

Калий	3-5 гр	қуритилган мева, дуккакли мевалар
Натрий	4-6 гр	ОШ тузи
Фосфор	1200-1800 мг	Сут, сут маҳсулотлари, балиқ, гүшт
Олтингугурт	1,0 гр	Гүшт, балиқ, сут маҳсулотлари
Хлор	5-7 гр	ош тузи
Темир	10-30 мг	жигар, тухум, нон, сарёғ, гречиха
Мис	0,4-2,0 мг	ҳамма маҳсулотлар
Йод	150-200 мкг	Биогеокимёвий фондаги маҳсулотлар
Кобальт	200 мг	Хайвон маҳсулотларида кўпроқ

Беморларни оқилона овқатлантиришнинг гигиеник асослари.

Беморлар учун тўғри ташкил этилган овқатлантириш тартиби уларни комплекс даволашдаги муҳим элементлардан биридир. Бундай овқатланишнинг асоси қилиб 2 та принцип олиниши мумкин:

Беморларнинг овқати физиологик тўла қийматли бўлиши керак

Бемордаги патологиянинг табиатига кўра уларнинг овқатлантирилиши терапевтик хусусиятга эга бўлиши керак.

ДПМ-да бирхил тизимдаги рақамли пархезли овқатлантириш қабул қилинган бўлиб, у энг асосий касаллик турларини ўз ичига олган. Пархезли таомлар таркибига киритиладиган маҳсулотларларнинг таркиби ва таъсир этиш хусусиятлари бир-биридан тубдан фарқ қиласди. Шу билан бир қаторда ҳар бир пархезли таомга кулинария ишловини бериш, таомларнинг кимёвий таркиби, энергетик қиймати, овқатлантириш тартиби ҳам бир-биридан фарқ қиласди.

Беморларни овқатлантириш таомнома асосида ташкил этилиб, улар физиологик овқатланиш меъёрлари ҳамда пархезнинг турига қараб тузилади. Хозирги кунда 16 та пархезли овқат турлари ишлаб чиқилган ва улар даволаш муассасаларида кенг қўлланмоқда.

Пархез рақами	Қандай bemorga мўлжалланган
---------------	-----------------------------

"О" \Суюқ овқат\ Ошқозон-ичак йўли операциясидан сўнг

№ 1	ошқозон ва 12 бармоқли ичак яраси, гастритлар
№ 2	Секретор функцияси етишмаслиги, гастритлари
№ 3	Оддий тартибдаги қабзиятнинг бузилиши
№ 4	Ичак касалликлари
№ 5	Жигар касалликлари
№ 6	Подагра-сийдик кислотасига оид касаллик
№ 7	Буйрак касалликлари
№ 8	Семириш касаллиги
№ 9	Қандли диабет касаллиги
№ 10	юрак-томир касалликлари
№ 11	Сил касаллиги
№ 12	Қон касаллиги белгилари
№ 13	Үткір юқумли касалликлар
№ 14	Фосфатурия касаллиги
№ 15	_____ Умумий стол

Пархезли рационларнинг кимёвий таркиби ва уларнинг энергетик қийматлари физиологик мөйерлардан 5% га фарқ қилишига рухсат этилади. Беморларни кам деганда кунига 4 марта овқатлантириш талаб этилади: нонушта-25-30%, тушлик-40% ва кечки овқат 20-25%, иккинчи кечки овқат-5-10%.

4.5. Овқатдан захарланишлар ва уларни олдини олиш тадбирлари

Овқатдан захарланиш - кўп ҳолларда үткір ва айрим ҳолларда сурункали кўринишда бўлиб, санитария нуктаи-назардан сифатсиз бўлган овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш натижасида келиб чиқади. Бунда овқат маҳсулотлари таркибида айрим турдаги микроорганизмлар ёки улар ишлаб чиқарган токсинлар ёки бошқа табиатга эга бўлган кимёвий моддалар бўлиши мумкин. Овқатдан захарланиш кўпинча жамоа шаклида овқатланишда кузатилади, аммо якка тартибда кузатладиган ҳолатлар ҳам учраб туради.

Овқатдан захарланишларни таснифлаш асосида уларнинг этиологик ва патогенетик принципи етади. Кўйида овқатдан захарланиш турлари ва уларни олдини тадбирлари қисқача тарзда келтирилган.

Микробларга таалуқли овқатдан захарланиш

А. Токсикоинфекциялар- уларни келтириб чиқарувчи маҳсулотлар қаторига гүшт ва гүшт маҳсулотлари, полуфабрикатлар, парранда маҳсулотлари, сут ва сут маҳсулотлари сабабчи бўлади. Касалликларни олдини олиш тадбирларига чорвачиликда ветеринария назорати, молларни сўйишдан тортиб тики тайёр маҳсулот ҳолига келтиришдаги ҳамма босқичларда қатъиян санитария назоратини ўрнатиш, маҳсулотларни сақлаш, ташиш, овқат тайерлаш, тайёр овқатларни тарқатиш жараёнида етарлича термик ишловлардан ўтказиш.

Б; Интоксикациялар - бу гурӯхдаги токсикозларнинг энг типик вакили ботулизм хисобланиб, улар консерваланган маҳсулотлар, сурланган ва дудланган балиқ ва гүшт маҳсулотларини ботулизм қўзғатувчиси билан ифлосланиши орқали келиб чиқади. Касалликни олдини олиш учун маҳсулотларни консервалашдан олдин тўғри ишловдан ўтказиш, кислотали муҳит ёки шўр муҳитни яратиш, истеъмолдан олдин пухта термик ишловдан ўтказиш хисобланади. Иккинчи ўринда стафилококкли токсикозлар бўлиб, уларни келиб чиқишида ифлосланган сут ва сут маҳсулотлари, қандолатчилик маҳсулотлари, ёғли балиқ консервалари кўпинча сабабчи бўлади. Касалликни олдини олиш учун ўзини соғлом деб хисобловчи, аммо микроб ташувчилик ролини ўтовчи шахсларни аниқлаш ва уларни соғломлаштириш, маҳсулотларни истеъмол қилишдан олдин пухта термик ишловдан ўтказиш, маҳсулотларни сақлаш ва реализация қилиш муддатларига риоя қилиш хисобланади.

В; Микотоксикозлар- ёнгоқ, дон маҳсулотлари, дуккакли дон маҳсулотлари, сут маҳсулотлари ва тухум орқали тарқалиши мумкин. Касалликни олдини олиш учун агротехник тадбирлар, маҳсулотларни сақлаш қоидаларига риоя қилиш керак.

П.Микроларга таалуқли бўлмаган захарланишлар.

Табиати бўйича захарли бўлган маҳсулотлар орқали захарланишлар:

А. Захарли қўзиқоринлар- оқ поганка, строчок, мухомор, оқ салла, сарғаювчи шампинонлар келтириб чиқаради. Касалликни келиб чиқмаслигини олдини олиш мақсадида қўзиқоринларни териш қоидаларини билиш ва унга қатъиян риоя қилиш, саралаш, сотиш ва сотиб олишда истеъмол учун яроқсиз бўлганларини фарқлашни аҳолига ўргатиш лозим.

Б. Захарли ўсимликлар орқали захарланишлар - гелиотроп, триходесма, бандидевона, мингдевона, белладон кабилар. Олдини олиш чораларига агротехник тадбирлар, аҳолини санитар билимдонлигини ошириш асосий хисобланади.

В.Хайвонлар ва балиқларнинг захарли органлари- маринка балиғининг икраси, усаҷ балиғининг тухумлари, буйрак усти бези, ошқозон ости бези

кабилар. Тадбирлар қаторига аҳолини санитар билимдонлигшини ошириш тадбирларини киритиш лозим.

2.Айрим шароитларда захарлилик хусуситяларини номоён қилувчи маҳсулотлар орқали захарланишларни келиб чиқишига пишиб етилмаган нўхатлар, нотўғри сақланиш натижасида айниб қолган данак мағизлари, картошкаларнинг ўсиб кетиши кабилар(картошка салонини).

Кимёвий захарли моддалар орқали захарланишлар кўпинча овқат маҳсулотлари таркибида бўладиган захарли табиатга эга бўлган моддалар сабабчи бўлади. Захарли кимёвий моддалар маҳсулотларга қишлоқ хўжалиги экинларини пестицидлар билан ишловдан ўтказиш жараёнида, овқатларга қўшиладиган қўшимчаларнинг назоратсиз қўлланишидан уларнинг кўп микдорларда қўшиш орқали ёки тайёр овқат маҳсулотларини сақлаш ва ташиш қоидаларига риоя қилинмаган ҳолларда келиб чиқиши мумкин.

Ш.Этиологияси аниқ бўлмаган захарланишлар. Бу гурӯхга Гафф касаллиги, Уров касаллиги ва алиментар токсик алейкия касалликларини киритиш мумкин

Овқатдан захарланиш ҳолатлари аниқланиши билан врач беморга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиши шарт, кейин овқатдан захарланиш сабабларини ва вазиятни баҳолайди, овқатдан захарланишни келтириб чиқаришга шубҳали бўлган маҳсулотларни истеъмолдан четлаштиради. Туман ДСЭНМ ҳодимларига шошилинч хабар жўнатади (шошилинч хабарда аҳоли яшаш пунктининг номи, манзили, захарланиш қайд қилинган сана, вақти, шубҳали бўлган маҳсулот номи, касалликка чалингандар сони кўрсатилади). Бундан ташқари врач 14 ёшгача бўлган болалар, касалхонага ёткизилганлар сони, касалликнинг оғир-енгиллиги, ўлганлар ҳақидаги маълумотларни ёзилиб врач ўз исми шарифи ва имзосини қўяди. Ундан сўнг врач ДСЭНМ лабораториясига шубҳали овқатлардан намуна, захарланганларнинг қусуқларидан намуна, ошқозон ювилган бўлса ювиндидан намуна, ҳамда bemorларнинг қони ва нажасларидан намуналар олиб лабораторияга жўнатади.

Назорат саволлари:

- 1.Оқилона овқатланиш ҳақида тушунча беринг
- 2.Оқилона овқатланишга бўлган асосий гигиеник талаблар канака
- 3.Озуқли моддалар ва энергиянинг физиологик меъёрлари оқилона овқатланишнинг асоси эканлигини тушуниринг

- 4.Турли тоифадагиаҳолигурухлари учун физиологик овқатланиш меъёрларига таъриф беринг
- 5.Алиментар касалликлар, тушунчаси, алиментар касалликлар гурухларига таъриф беринг

Фойдаланилган адабиётлар:

- 1.“Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 26 августдаги 393 сонли Қонуни (ЎзР қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 34-сон, 451-модда) -18б.
- 2.Румянцев Г.И., Прохоров Н.И., Новиков С.М. ва б. “Гигиена” Учебник для ВУЗов, М., 2009.- 608б.
3. Umumiy gigiyena bilan ekologiya. Amaliy mashg`ulotlar uchun o`quv qo`llanma. L.A.Ponomareva, E.K. Kazakov, L.K. Abduqodirova, B.E.Tuhtarov, I.K.Dravskix, S.A.Sharipova, X.A.Sadullaeva. - Т.,2011.
4. Environmental health Dade W. Moeller Third Edition Harvard University Press Cambridge, Massachusetts London, England, 2005,129-132, 142-143p
5. WHO, FOOD SAFETY, FACT SHEET №399, DECEMBER 2015
- 6.ЎзР СанҚвам лари (2005 - 2015 йиллар)

5-мавзу: Мехнат гигиенаси соҳасидаги муҳим гигиеник муаммолар Режа:

- 5.1. Мехнат гигиенасининг предмети ва вазифалари, бу масаланинг хозирги кундаги долзарблиги.
- 5.2. Саноат корхоналари ишчи ва хизматчиларига тиббий-санитария хизмати кўрсатишнинг асослари. ЎзР учун унинг долзарблиги ва мехнат гигиенаси соҳасида ДСЭНМнинг вазифалари.
- 5.3. Ишлаб чиқариш омилларига гигиеник тавсиф
- 5.4. Ишлаб чиқариш муҳитидаги биологик омилларга гигиеник таъриф, касбий инфекцияларни олдини олиш тадбирлари

Таянч иборалар:

Мехнат гигиенаси, тиббий-санитария кисми, ишлаб чиқариш муҳитидаги омиллар, касб касалликлари

5.1. Мехнат гигиенасининг предмети ва вазифалари, бу масаланинг хозирги кундаги долзарбилиги.

Хозирги даврда Республика аҳолисининг меҳнатга лаёқатли қисми умумий аҳоли сонининг 39%ини, яъни 10млн.га яқинини ташкил этади. Шулардан 3,1миллионга яқини қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари, 1,3миллиони эса саноат корхоналари ишчилари, қолганлари эса бошқа соҳа хизматчилаи ҳисобланади. Қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари ва саноат корхоналари ишчилари ўртасида ҳар йили 150 дан 160 тагача янги касалланиш ҳолатлари қайд қилинмоқда, бу эса ишлаб чиқариш омилларининг номувофиқ таъсири билан боғлиқдир, ишлаб чиқаришда ва қишлоқ хўжалигига эса иш шароитлари меҳнаткашларга салбий таъсир этувчи номувофиқ параметрлар билан тавсифланади.

Илмий-техника тараккиёти (ИТТ), XX асрнинг ўзига хос энг асосий хусусиятларидан бири ҳисобланади. ИТТ инсоннинг барча фаолиятлари доирасига ўз таъсирини ўтказади. Айниска, бу таъсир меҳнат жараёнларида кўпроқ ўз ифодасини топади, чунки айнан одамнинг меҳнат фаолияти замонавий илмий ютуқлар, янгиликлар ва ихтиrolарни биринчи ўринда синовдан ўтказади ва амалиётга тавсия қиласди. ИТТ шароитида кўпинча меҳнат фаолияти жарёнининг ўзи ҳам тубдан ўзгариши табиийдир, чунки замонавий корхоналар учун юкори даражадаги механизация, автоматлаштириш, кўпгина корхоналарда эса меҳнат жараёнларини компьютерлаштириш ва роботлаштириш жуда характерли ҳисобланади. Шу билан бирга, илм ва фандаги янгиликлар, ихтиrolарнинг ишлаб чиқаришга кулланиши меҳнат жараёнларини кескин жадаллашишига сабабчи бўлади, кундан-кунга янги - янги корхоналар бунёд этилмоқда, уларда анъанавий бўлмаган хом-ашёлар қўлланилмоқда ва янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. ИТТ ишлаб чиқаришдаги меҳнат шароитларига тубдан таъсир кўрсатиб, ишчиларнинг иш шароитларини ўзгартиради, меҳнатга бўлган муносабатларга ўз таъсирини ўтказади. Бу йуналишдаги ИТТ ишлаб чиқариш корхоналари ишчи ва хизматчилари организмига ва меҳнат шароитларига ҳам ижобий ва ҳам салбий таъсир кўрсатиши аниқланмоқда.

Масалан, ишлаб чиқариш корхоналарини автоматлаштириш, механизациялаштириш, роботлаштириш ишчиларни оғир жисмоний меҳнатдан холос этади, жуда кўп микдордаги ишчиларни заарли омиллар билан бўладиган алоқасини камайтиради, меҳнат жадаллиги ва унумдорлигини оширади ва маҳсулотнинг сифатини яхшилашга имкон яратади. Шу билан бирга ишлаб чиқариш жараёнининг ўзгариши ишчиларда рухий-асаб зўриқишларни кескин оширади, меҳнат жараёнларини бошқариш билан боғлиқ бўлган меҳнат ишчиларининг ҳаракат доираларини чеклаб қўяди, гиподинамияни юзага келтиради.

Замонавий корхоналардаги ИТТ меҳнат шароитларини яхшилашдаги энг замонавий усулларни қўллашга имкон беради. Аммо, корхонанинг ишлаб чиқариш қудратини кескин кўтарилиши, шу муҳитдаги заарли омилларнинг умумий хажмини ортишига сабабчи бўлади, бу ўз ўрнида ишчи организмига уларнинг таъсир қўламини оширади. Янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи корхоналар ишчиларнинг талаблари ва истакларини тўлиқ қондирибгина қолмай, балки улар организмига янги омилларнинг таъсирини ҳам юзага келтиради. Чунки корхоналарда янги турдаги хом-ашёларни қўллаш ва янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш табиий-ки, янги омилларни келиб чикиши учун шароит яратади.

Юкорида келтирилганлардан кўриниб турибди-ки, меҳнат шароитларини яхшилаш масалалари замонавий корхоналарда ўтмишдаги корхоналардагидан кам эмаслиги кўриниб турибди ва шунинг учун ҳам нафақат ишлаб чикариладиган маҳсулотнинг хажми, балки ишчиларнинг саломатлик ҳолатлари ҳам ана шу жараёнлар билан чамбарчас боғлиқдир.

Бу муаммоларнинг ҳаммаси тиббиёт билан хусусан меҳнат тиббиёти билан чамбарchas боғлиқ, чунки саноат корхоналари ишчи ва хизматчиларига тиббий хизмат кўрсатиш тиббиётнинг асосий вазифасидир.

Халқаро уюшма меҳнат тиббиёти масалаларига катта эътибор қаратади. Ҳозирги вақтда Халқаро меҳнат ташкилоти томонидан меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат тиббиёти бўйича 30га яқин конвенциялар қабул қилинган. Улардан энг муҳимлари қаторига иш жойларида ҳавонинг ифлосланиши, шовқин ва тебранишлар орқали касбий ҳавфдан ишчиларни ҳимоялаш бўйича конвенция, меҳнат гигиенаси ва ҳавфсизлиги ва ишлаб чиқариш муҳити ҳавфсизлиги конвенцияси киради. Шу билан бирга меҳнат тиббиётининг асосий принциплари ишлаб чиқилган: ишда ишчиларнинг саломатлигини ҳавфлардан муҳофaza қилиш, иш шароити ва ишлаб чиқариш муҳитини ишчилар имкониятларига мослаштириш, физикавий, ақлий ва ижтимоий фаровонлигини ошириш, касбий ва касбий боғлиқ бўлган оқибатларни камайтириш, ишчиларга ва уларнинг оиласларига иш жойида ёки ундан узоқ бўлмаган жойларда тиббий хизмат қилишни ташкил этиш. Бу принципларни қўллаш ёки реализация қилиш имкониятлари турли давлатларда турличадир – бу давлатнинг тутган ўрнига боғлиқ ҳамда маъмуриятнинг, хусусий тадбиркорларнинг ишчиларнинг саломатлигига муносабатига боғлиқ ҳамда қўп ҳолларда умуман соғлиқни сақлаш органларининг позицияси ва фаолиятига хусусан ҳар бир врачга боғлиқдир. Шунинг учун УАШ тиббий меҳнат и принципларини яхши билиши ва уларни амалиётга тадбиқ этиш имкониятларини билиши керак.

Тиббий меҳнатнинг асосий қисми меҳнат гигиенаси ҳисобланади. Бу соҳанинг асосий вазифаси ишлаб чиқариш муҳитида бўладиган заарли омилларнинг ишчилар организмига таъсир этиш хусусиятларини ўрганиб, унинг асосида ишчилар ўртасида кузатиладиган касалликларнинг олдини

олишга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқади ва ҳаётга тадбиқ қиласди. Бу тадбирларнинг барчаси ишчилар организмида келиб чикадиган толикиш, ўта толикиш, касб касалликларини бартараф қилиш, ишлаб чиқариш муҳитини соғломлаштиришга йўналтирилган бўлиб, оқибат натижада ишлаб чиқариш кўламини ортишига олиб келади. Мехнат гигиенасининг кўрсатиб ўтилган мақсадлари фақатгина ижтимоий йўналишга эга бўлмай, балки иқтисодий йўналишга ҳам эга. Шунинг учун меҳнат гигиенаси ишлаб чиқсан амалий тадбирларни амалга ошириш факат тиббий ходимларни эмас, балки саноатчиларнинг ўзларини, тадбиркорларни, корхона маъмуриятини кизиқтириши керак.

Мехнат гигиенасининг предмети фақатгина ишлаётган одамлар эмас, балки шу корхона, шу корхонадаги ишлаб чиқариш технологияси ҳисобланади, шунинг учун ҳам меҳнат гигиенасининг асосий вазифалари қуидагилардан иборат:

- технологик жараёнларни ўрганиш ва ишчилар организмига заарли таъсир кўрсатувчи омилларни аниклаш;
- корхонадаги заарли омилларни одам ва хайвон организмига таъсир этиш хусусиятларини ўрганиш ва бу омилларнинг энг оптималь бўлган параметрларини аниклаш, заарли омиллар учун эса - одам организми учун бефарқ бўлган параметрларини аниклашдир;
- текширилган корхонадаги заарли омилларга нисбатан ишлаб чиқилган гигиеник меъёрлар ва регламентларни ишлаб чиқариш жараёнига тадбиқ қилиш;

Ишлаб чиқариш муҳитида бор бўлган жуда кўп омиллар учун бугунги кунда гигиеник меъёрлар ва регламентлар ишлаб чиқилган, аммо саноат корхоналарида юз бераётган технологик ўзгаришларнинг давом этаётганлиги меҳнат гигиенаси олдига янги-янги вазифаларни қўяди. Бундай вазифалар каторига такомиллаштирилаётган корхоналарда ишлаб чиқариш муҳитини гигиеник нуқтаи-назардан баҳолаш, янги технологияларнинг хусусиятларини ўрганиш, автоматлаштирилаётган, компьютерлаштирилаётган, роботлаштирилаётган технологик жараёнларни ўз вақтида ўзлаштириш, ҳамда бу ердаги янги омилларга ўз вақтида гигиеник баҳолар бериш ҳисобланади. Замонавий корхонадаги энг муҳим бўлган гигиеник вазифалардан бири шундан иборат-ки, такомиллаштирилган технологияларни одам организмига мослаштирилганлигини гигиена нуқтаи-назардан асослашдир. Замонавий технологияга одам-ишини эмас, балки бу технологияни ишчи организмига мослаштирилганлиги муҳимдир.

5.2. Саноат корхоналари ишчи ва хизматчиларига тиббий-санитария хизмати кўрсатишнинг асослари. ЎзР учун унинг долзарблиги

Меҳнат гигиенаси шифокорни тайёрлашдаги муҳим бир босқич ҳисобланади ва у ишчи-хизматчиларга тиббий хизмат кўрсатишни амалга оширишни таъминлайди. Бизнинг республикамизда собиқ иттифоқ даврида ўрнатилган тиббий хизмат курсатиш тизими фаолият кўрсатишни давом эттироқда. Ишчиларнинг сони 4000 дан ортиқ бўлган йирик саноат корхоналари ўз таркибида тиббий-санитария қисмларига (ТСҚ) эгадир. Аммо бир қатор корхоналар (тоғ-кон саноати, кимёвий заводлар, нефт ва газни қайта ишлаш корхоналари)да ишчиларнинг сони 2000дан ошган тақдирда ҳам ТСҚ ташкил этилади. Кичик корхоналарнинг ишчиларига махаллий поликлиника врачлари хизмат кўрсатади, корхонанинг ўзида эса врачлик ёки фельдшерлик пунктлари фаолият кўрсатади.

ТСҚ - тиббий муассасалар мажмуаси бўлиб, унинг таркибида поликлиника, стационар, санаторий-профилакторий, ҳамда физиотерапевтик кабинетлар мавжуд (фотарий, ингаляторий ва б.к.). ТСҚ лар икки турда бўлиши мумкин: очиқ ва ёпиқ турдаги тиббий-санитария қисмлари. Ёпиқ турдаги ТСҚ факат ана шу корхона ишчи ва хизматчиларига тиббий хизмат кўрсатади, очиқ ТСҚ эса, корхона ишчилар ва шу атрофдаги аҳолига ҳам тиббий-санитария хизматини кўрсатиш учун мўлжалланган.

ТСҚ -ларнинг асосий вазифалари - ишчи ва хизматчиларга малакали ва ихтисослаштирилган тиббий-хизмат кўрсатиш, ҳамда профилактик тадбирларни амалга оширишdir, шунинг учун ДСЭНМнинг меҳнат гигиенаси бўлими ТСҚ билан доимий мулоқатда ишлаши керак. Хусусан, бу ишлар корхоналарда санитар-гигиеник ва эпидемияларга қарши тадбирларни амалга оширишга таалуқлидир.

Бу гурухга кирувчи тадбирлар ишлаб чиқариш корхоналаридаги асосий соғломлаштирувчи ишлар ҳисобланади. Унинг сифатли бажарилиши корхонада фақатгина касбга оид касалликларнинг камайишини эмас, балки ишчилар ўртасидаги умумий касалланиш даражасига, меҳнат унумдорлигига таъсир кўрсатади. Бу гурух тадбирларга куйидагилар киради:

А.ишчиларнинг иш шароитларини назорат қилиш

- иш жойларидаги заарли омилларни аниқлаш мақсадида технологик жараёнларни ўрганиш, уларни ишчи организмига таъсир этиш мумкинлиги ҳакидаги хulosаларни чиқариш;

-санитария-эпидемиология назорати органлари билан ҳамкорликда ишлаб чиқариш муҳитидаги айrim омилларнинг таъсир этиш жадаллигини текшириш ва уларни гигиеник меъёrlар билан таққослаб баҳо бериш;

-санитария-эпидемиология назорати маркази билан ҳамкорликда соғломлаштириш тадбирларини ишлаб чиқиш, ДСЭНМ томонидан белгиланган тадбирларнинг корхона маъмурияти томонидан бажарилишини назорат қилиш;

-шу участкада ишлайдиган ишчилар ўртасида санитария фаолларини танлаб, уларни меҳнат шароитини ўрганиш ва текширишга ўқитиш ва тайёрлаш;

Б. корхона худудидаги умумий овқатланиш корхоналарини назорат қилиш

- овқатланиш объектларининг санитар ҳолати, озиқ-овқат маҳсулотларининг сақланиш ҳолати, овқатларни тайёрлаш, уларни тарқатиш, тайёрланган овқатларнинг сифатини назорат қилиш;

-ДСЭНМ билан ҳамкорликда овқатдан заҳарланиш ҳолатлари кайд килингандан зарурый текширишларни ўтказиш;

В. атроф мұхитни ифлосланишдан мұхофаза қилишга қаратилған тадбирларни амалға ошириш, жумладан:

-иш режасини тузиш жараёнида бу вазифани инобаттаға олиш;

-ДСЭНМ билан ҳамкорликда атроф мұхитга чикариладиган ҳар қандай ифлосликларни чиқариш манбаларини аниқ ҳисобға олиш;

-чиқындиларни тозалаш иншоотларининг ишини мунтазам назорат қилиш;

-маъмурият олдига чиқындисиз технологияни яратиш ва ўрнатиш масалаларини қўйиш;

Г. эпидемияларга қарши тадбирлар:

-овқатланиш объектларидаги санитария ҳолатларини ва бу объектда ишловчиларни тиббий кўрикдан ўтказилишини назорат қилиш;

-корхонадаги сув таъминотини назорат қилиш;

-юқумли касалликларга чалингандарни аниқлаш ва уларни тезлик билан бошқалардан ажратиш (изоляция қилиш);

-режали ва шошилинч вакцинацияларни амалға ошириш;

-корхона худудида дезинфекция, дезинсекция ва дератизацияга доир тадбирларнинг қўлланиши ва ўтказилишини назорат қилиш.

Кейинчалик иш жараёнида корхонадаги ишчилар корхонанинг заарлилик хусусиятига кўра ва ЎзР ССВ нинг 200- буйруғига мувофиқ тегишли муддатларда тиббий кўриклардан ўтиб туришлари шарт. Бу кўрикнинг асосий мақсади, касб касалликларининг дастлабки шаклларини аниқлашдан иборатdir. Даврий тиббий кўрик натижаларини таҳлил қилиш орқали меҳнат шароитларининг мувофиқ ташкил этилганлиги ёки йўқлиги ва олиб бориладиган соғломлаштириш тадбирларининг самарадорлигини баҳолаш имконига эга бўлинади.

Тиббий кўрикларни ўтказишнинг ҳуқукий асослари бўлиб, ЎзР ССВ-нинг 2012 йилдаги 200- сонли "Ишга қабул қилишдаги дастлабки ва кейинчалик

даврий тиббий кўрикларни ўтказиш ҳақидаги" буйруғи ҳисобланади. Ушбу буйруқда тиббий кўрикларни ташкил қилиш ва ўтказишга доир умумий ҳолатлардан ташқари, тиббий кўрикни ташкил қилиш ва ўтказишда иштирок этадиган лавозимли тиббий ходимларнинг функционал вазифалари, тиббий кўрикларни ўтказиш муддатлари, тиббий комиссиянинг таркиби, тиббий кўрик давомида ўтказилиши шарт бўлган лаборатория ва функционал текширишлар руйхати, ҳамда заарли омилларнинг турига қўра қандай одамлар учун шу касбда ишлаш мумкин эмаслиги ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Буйруқда тўлдирилиши керак бўлган тиббий хужжатлар, шу жумладан якуний далолатноманинг нусхалари берилган. Бундан ташкари шу буйруқка касб касалликларининг тўлиқ рўйхати ва уни келтириб чиқариши мумкин бўлган омиллар, ҳамда шундай касб касалликлари энг долзарб ҳисобланган корхоналар ва у ердаги касблар келтирилган (7 та касб касалликлари гурӯҳи, шунга доир 29 та кичик касб касалликлари гурӯҳи берилган)

5.3. Ишлаб чиқаришга доир заарлар ва касб касалликлари хақида тушунча

Ҳар қандай корхона ёки муассасадаги меҳнат шароити ишлаб чиқаришга доир омиллар йиғиндиси ҳисобланиб, улар ишчилар организми учун бефарқ бўлиши ҳам, салбий таъсир кўрсатиш хусусиятига эга бўлиши ҳам мумкин. Ана шу заарли таъсир курсатиш хусусиятига эга бўлган омиллар гурӯхига "ишлаб чиқаришга доир заарлар" дейилади. Улар икки гурӯхга бўлинниб, "хавфли ишлаб чиқариш омиллари" ва "заарли ишлаб чиқариш омиллари" деб юритилади. "Хавфли ишлаб чиқариш омиллари" таъсирида ишчилар организмида турли табиатга эга бўлган жароҳатланишларни ёки ишчилар саломатлигининг кескин ёмонлашишига сабабчи бўлади ва "заарли ишлаб чиқариш омиллари" айrim вақтда иш қобилиятининг пасайишига ва касалликни юзага келишига сабабчи бўлади.

Хавфли ва заарли ишлаб чиқариш омиллари қўйидагича таснифларга бўлинади (жадвал):

1. Физикавий омиллар

- ҳаракатланувчи машиналар, механизмлар, ускуналар ва б.к.
- ҳавонинг юқори даражада чангланганлиги
- номувофиқ микроиклим шароитлари
- шовқин
- тебраниш
- инфра ва ультра товушлар
- юқори ёки паст атмосфера босими

- хавонинг юкори ёки паст даражада ионлашганлиги
- юқори даражадаги ионлантирувчи нурланишлар
- статик электрланганлик
- ўта юқори частотали электр майдони
- ёритилганликнинг яхши ташкил этилмаганлиги
- ультрабинафша ва инфрақизил нурлар
- иш жойларининг ер сатҳидан жуда юқори жойлашганлиги

2. Кимёвий омиллар

а) организмга таъсир этиш табиати бўйича:

- умумзахарли таъсир этувчи моддалар
- тери-резорбтив таъсир кўрсатувчи моддлар
- махаллий-кўзғатувчи таъсир кўрсатувчи моддалар
- махсус таъсир кўрсатувчи моддалар

в) организмга кириш йўллари бўйича:

- нафас олиш йўли орқали кирувчи моддалар
- ошкозон-ичак йўли орқали кирувчи моддалар
- бадан териси ва шиллиқ қаватлар орқали кирувчи моддалар

3. Биологик омиллар

- микроорганизмлар ва уларнинг ишлаб чиқарадиган маҳсулотлари
- макроорганизмлар
- биологик препаратлар, антибиотиклар, витамин препаратлари

3. Руҳий-физиологик омиллар

- жисмоний зўриқишлиар (статик ва динамик)
- асаб-рухий зўриқишлиар (ақлий зўрикиш, анализаторларнинг зўриқиши, эмоционал зўрикиш).

Кўрсатиб ўтилган омиллар таъсирида келиб чиқадиган касалликларга касб касалликлари деб аталади. Бу омилларнинг ишчилар организмига таъсири турли касбларда ишлайдиганларда ва ҳар турли корхоналарда мавжуддир, аммо бу таъсир окибатида барча касалликлар юзага келади деган сўз эмас. Касб касалликлари шу корхонада бор бўлган қандай ишлаб чиқаришга доир омил бўлишидан катъий назар, агар унинг миқдори ёки даражаси рухсат

етилган қийматлардан катта бўлган тақдирдагина кузатилиши мумкин. Шунинг учун патологияларнинг ҳаммасини специфик ва носпецифик патология турларига бўлиш мақсадга мувофиқдир. Специфик патологиялар учун ишлаб чиқаришга оид омил этиологик омил бўлиб хизмат қиласди (мас., шовқин таъсирида кохлеар неврит, чанглар учун пневмокониозлар ва х.к.).

Носпецифик патологиялар учун ишлаб чиқариш омиллари шароит яратиб берувчи омил бўлиб хизмат қиласди (мас., бронхитлар учун чанг, конъюнктивит ва йирингли тери касалликлари учун чанг кабилар).

ЎзР ССВ -нинг 200-сонли буйруғига мувофиқ касб касалликлари рўйхатига қуидаги касалликлар киритилган:

1.Кимёвий омиллар келтириб чикарадиган касб касалликлари (ўткир, сурункали заҳарланишлар ва уларнинг оқибатлари, тери касалликлари - 7 та номдаги касалликлар; металларга оид лихорадка) - 3 гурӯхча.

2.Саноат аэрозоллари таъсирида келиб чиқадиган касалликлар (пневмокониозлар, сурункали бронхит, сурункали ринофаринголарингит)-

3 гурӯхдаги касалликлар.

3.Физикавий омиллар таъсирида келиб чиқадиган касалликлар - (ионлантирувчи нурланишлар, ионлантирмайдиган нурлар, лазер нурлари, шовқин, тебраниш, ультратовуш, нурланиш энергиялари - инфрақизил нурланишлар, ўта юқори частотали электромагнит майдонлари, ульрабинафша нурлар, юқори атмосфера босимлари номувофиқ микроиклим) - 12 гурӯхдаги касалликлар.

4.Жисмоний зўриқишлиар яъни оғир юкларни кўтариш ёки айрим органларнинг зўриқиши - 2-3 гурӯхдаги касалликлар.

5.Биологик омиллар таъсирида келиб чиқадиган касалликлар - 2 гурӯхдаги касалликлар

6.Аллергик касалликлар

7.Хавфли ўсма касалликлари (7 та нозологик шаклдаги касалликлар).

Бундан ташқари касб касалликлар рўйхатига касб касалликларининг келиб чиқишида этиологик омил бўлиб ҳисобланган хавфли ва зарарли омилларнинг номлари ҳам киритилган.

5.4. Ишлаб чиқариш зарарларига гигиеник тавсиф

Қоида буйича, турли корхоналарда маъмурият ходимлари ва тиббий ходимларнинг асосий дикқат-эътиборлари физикавий ва кимёвий омилларга қаратилган бўлади. Бу албатта қонуний бир ҳол, чунки бу омилларнинг таъсири кўзга кўринарли таъсир самараларини келтириб чиқаради. Аммо,

хозирги замонавий саноат корхоналарида, янги турдаги ўрта ва кичик корхоналарда кундан кунга меҳнат жараёни омиларининг тутган ўрни ҳам ортиб бормокда, ваҳоланки, бу корхоналарда технологик нуктаи-назардан унчалик такомиллашмаган технологиялар фаолият кўрсатмокда. Шунинг учун барча корхоналарда меҳнат шариотларини соғломлаштириш тадбирларини амалга оширишда биринчи навбатда руҳий-физиологик омилларга эътибор қаратиш лозим.

Жумладан, жисмоний ишларни бажариш ёки тик турган ҳолатда ишларни бажариш таянч органларидаги мушаклар, бўғин бойламларида статик ва динамик зўриқишлиарни келиб чикиши кузатилади. Бундай ҳолатларда асосий оғирлик оёқ мушакларига тушади, иккинчи навбатда чанок ва корин мушаклари зўриқади (оғир юкларни ташувчилар, сотувчилар, официантлар, милиционерлар, почтальонлар, станокларда ишловчилар каби).

Узок муддатли статик зўриқиши оқибатида оёклардаги вена кон томирларининг варикоз кенгайиши, ясситовонлик келиб чиқади. Аёлларда эса, оғир юкларни кўтариш, юкларни кўзғатиш жараёнида бачадоннинг пастга силжиши, бачадон бўйни ва қин деворларининг чиқиб кетиши ҳолатлари кузатилади. Таянч органлари - оёклардаги носспецифик ўзгаришларни олдини олиш тадбирлари каторига ишчиларга иш жараёнида иш ҳолатларини ўзгартириб туриш (ўтириб дам олиш соатларига эътибор бериш), иш кунининг охирида толиққан оёқ мушакларини массаж килиш ва илиқ ванналар белгилаш, иш куни давомида тугри танланган оёқ кийимларини кийиш - ясси бўлмаган оёқ кийимлари, оёқ кийимининг пошнаси 2 - 3 см атрофида бўлишига эътибор берилиши керак.

Ҳаракат таянч органларининг жисмоний зўриқиши кўпинча оғир юкларни кўтариш ва ташиш жараёнида кузатилади (юк ташувчилар). Бундай ишчиларда вақт ўтиши билан қориннинг оқ чизиғи соҳасида чурраларнинг пайдо булиши кузатилади. Касалликни олдини олиш мақсадида иш жараёнларини механизациялаштириш ва жисмоний тарбия машқларини бажариб туриш тавсия этилади.

Гиподинамия - ҳолати кун давомида ўтириб ишловчиларда ёки автоматлаштирилган жараёнларни ўтириб бошқарувчиларда кўпроқ қайд қилинади. Ўтириб ишлаш ҳолати аксарият ҳолларда кичик чанок соҳасидаги органларда босимнинг ортиб кетишига сабабчи бўлади. Натижада бундай касбдагиларда бавосил (геморрой), аёлларда эса менструал циклнинг ўзгариш ҳолатларни юзага келади. Бундан ташқари ўтириб ишлаш жараёнида юрак-томир касалликларини келиб чиқишига шароит яратилади. Бундай номувофиқ оқибатларни олдини олиш тадбирларига ишлаб чиқариш гимнастикалари билан шуғулланиш, жисмоний тарбия ва спорт турларининг бири билан шуғулланиш, ишчи ҳолатларини оқилона бўлишини таъминлаш кабилар киради.

Айрим органларнинг физиологик зўриқиши. Бу гуруҳдаги омиллар бир қатор касбдагиларда - қўлда сут соғувчилар, машинисткалар, пианино чалувчилар, компьютерларга дастур тузувчилар, ҳарф терувчиларда кузатилиб, ана шу зўриқсан органларда ёки кичик мушак гурухларида ўзгаришлар келиб чиқади. Шундай касбларда узоқ муддат давомида ишлаш оқибатида тендовагинитлар, миозитлар, қўл мушаклари ва бўғинларида оғриклар пайдо бўлади. Бундай касбдаги ишчиларга касбий патологиянинг специфик шакли КООРДИНАТОР НЕВРОЗ хисобланади.

Бундай ўзгаришларни олдини олиш учун бажариладиган ишларни ўзгартириб туриш, қўлда сут соғувчиларнинг ишини механизациялаштириш лозим. Иш вақти тугагандан сўнг толиқсан мушак гурухларини массаж қилиш, иссик ванналар белгилаш мақсадга мувофиқ.

Саноат корхоналарида жуда кўп турдаги касб ишчилари кўз анализаторининг зўриқиб ишлаши ҳолатига дучор бўладилар (соатсозлик корхоналари, компьютерларни, радио ва телевизион аппаратларни ишлаб чиқариш корхоналари, электрон корхоналари, картографлар ва б.к.). бу касбдаги ишчиларда иш кунининг охирига келиб кўриш органининг толиқиши, кўриш ўткирлигининг пасайиши кузатилади. Бундай касбларда узоқ муддат давомида ишлаш жараёнида ривожланувчи миопия касаллиги шаклланади. Бундан ташқари иш жойларининг яхши ёритилмаслиги шароитида конъюнктивит касаллиги тез-тез кайд килиниши мумкин. Бундай ҳолатларни олдини олишдаги энг муҳим тадбирлар қаторига иш жойларининг окилона ёритилганлиги муҳимдир. Бундан ташқари иш жойларининг ёритилиш даражаси бажариладиган ишларнинг тури ва табиатига караб ўзгариши мумкин. Бундай касбда ишлаш учун ишчиларни ишга қабул қилишда кўриш анализаторининг функционал ҳолати ва кўриш ўткирлигини аникланиши шарт.

Микдори бўйича катта гуруҳдаги касалланиш ҳолатига тушувчи ишчи ва хизматчилар бор-ки, улар саноат корхоналаридаги заарли омиллар таъсирига эмас, балки касбнинг ўзига хос хусусиятларига кўра патологиялар ривожланиши мумкин. Мас. олий ўқув юрти ўқитувчилари, ашулачиларда овоз бойламларининг зўриқиши натижасида сурункали ларингит, фарингит, бронхит касалликлари кўпроқ кайд қилинади. Патологиянинг специфик кўриниши қаторига овоз бойламларининг йўғонлашиши ва овоз бойламларида тугунчаларнинг пайдо бўлиши кузатилади. Касалликни олдини олиш тадбирлари қаторига иш вақтларини регламентлаш, ёғли ва ишқорий ингаляцияларни белгилаш, маъruzалар ўқиш жараёнида овоз кучайтиргичлардан фойдаланиш тавсия этилади.

Бу гуруҳдаги омилларга таъриф бериш билан бир қаторда ўпканинг узоқ муддатли экспирацияси туфайли ундаги патологик ўзгаришларнинг шаклланишини ҳам алоҳида эслатиш ўринлидир. Бундай ҳолатлар нафас чиқариш орқали чалинадиган асбобларда чалувчилар, шишадамгирларда

кўпроқ кузатилиб, катта иш стажига эга бўлганларда ўпка эмфиземаси келиб чиқади, касалликнинг ёрқин белгилалари фақат иш стажи билан боғлиқдир. Бу патологияларни олдини олиш учун иш соатларини регламентлаш катта аҳамиятга эгадир.

Руҳий-физиологик омилларнинг яна бир муҳим тури юқори даражадаги асаб-руҳий зўриқишилар ҳисобланади ва бу турдаги зўриқишиларни замонавий юқори механизациялаштирилган ва автоматлаштирилган корхоналар, хамда у ёки бу кўринишдаги технологик жараёнларни бошқариш билан боғлиқдир (мас. аэропорт диспетчерлари). Бундай омиллар таъсирида ишчи ва хизматчилар организмида ақлий толиқиши келиб чиқади ва иш жараёнида йўл қўйиладиган хатолар сони ошиб боради. Маълумки бундай соҳадаги ходимлар кичик хатога ҳам йўл қўймасликлар лозим, шундай экан, иш давомида улардаги жавобгарлик хиссиёти уларнинг асабларини янада таранглаштиради. Бундай категориядаги ишчилар ўртасида тез-тез руҳий-психологик силжишилар қайд қилиниб турилади. Бундан ташқари юқори даражадаги асаб-руҳий зўриқишилар юрак-томир системаси патологияларининг келиб чиқишидаги хавфли (risk) омил бўлиб хизмат қиласи. Шунинг учун бундай касбдагилар ўртасида гипертония касаллиги, юракнинг ишемик касалликлари қўпроқ учрайди. Бу касалликларни олдини олиш мақсадида иш ва дам олиш соатларини тўғри ташкил қилиш, шу билан бирга иш куни давомида руҳий тинчлантириш хоналарида организмнинг релаксацияси учун имкониятлар яратиш зарур. Бундан ташқари бундай касбдагилар учун дам олиш муддатлари бошка касбдагиларнидан узайтирилган бўлмоғи керак. Шу билан бирга иш жойларининг оқилона ташкил этилганлиги, ишлаб чиқаришга доир дизайн яъни безатиш, хонага мунтазам тоза ҳаво бериб туриш, интенсив шовқинларнинг таъсирини бартараф қилиш, иш жойларининг яхши ёритилганлигини таъминлаш керак.

Иш куни тугагандан сўнг ходимлар фаол дам олишлари, жисмоний тарбия ва спорт турлари билан шуғулланишилари тавсия этилади. Яна бир бор таъкидлаш лозим-ки, жуда кўп касбдаги ишчи ва ходимлари кенг спектрдаги асаб зўриқишиларга дучор буладилар, шунинг учун уларнинг меҳнат шароитларини баҳолаганда бундай таъсир хусусиятига алоҳида эътиборни қаратиш талаб этилади.

5.5. Ишлаб чиқариш мухитидаги биологик омиллар гигеник таъриф, касбий инфекцияларни олдини олиш тадбирлари.

Ишлаб чиқаришга доир биологик омилларга биологик обьектлар ёки уларнинг ҳаётий фаолиятлари маҳсулотлари хисобланиб, иш вақтида ишчилар улар билан алоқада бўладилар. Бу йўналишда энг кўп аҳамиятга эга бўлган омиллар макро- ва микроорганизмлар бўлиб, улар билан алоқада бўладиган ишчиларда касбга оид инфекциялар ёки инвазиялардир. Бундай ишлар қаторига юқумли касалликка чалинган bemорлар билан мулоқатда бўлиш, касалланган қишлоқ хўжалиги хайвонлари билан мулоқатда бўлиш,

айрим турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш билан алоқада бўладиган ишлар (сут, гўшт, мол терилари яъни жун), инфекция билан ифлосланган материаллар билан ишлаш (баклаборатория), ҳамда инфекцияни ташувчилар билан алоқада бўлиш мумкинлигига боғлиқ иш шароитлари (каналар) киради. Юқумли касаллик касбий бўлиши мумкин качон-ки, ишчи иш жараёнида шу номдаги инфекция манбаи билан бевосита алоқада бўлган бўлса, лекин бунда бошқа жойда заарланган бўлишини ҳам инобатга олиш керак (инкубацион даврни, контактда бўлмаганлик ва б.к.). Энг аҳамиятли касбий инфекциялар қаторига - сил касаллиги, бруцеллэз, сап, куйдирги (сибир яраси), канали энцефаоит, орнитоз, "сут соғувчилар тугунчаси", микозлар киради. Келтирилган касалликлар одамга касалланган хайвонлардан юқиши мумкин, шунинг учун уларни касбий зоонозлар дейилади. Аммо касаллик бемор одамлардан ҳам юқиши мумкин ёки касалланган одамнинг қони, балғами, сийдиги, ахлатини текшириш жараёнида касаллик ўтади. Бундай ҳолатларда келиб чиқадиган касалликка антропоноз касаллик дейилади (гепатит, ич терлама, ичбуруғ, СПИД).

Касбий инфекцияларнинг олдини олиш тадбирларига биринчи навбатда шахсий гигиена қоидаларига оғишмай риоя қилишни киритиш мумкин, бундан ташқари, куйидаги тадбирлар катта аҳамиятга эгадир:

- касалланган одам ёки хайвонларни аниқлаш, хисобга олиш, изоляция қилиш ва даволаш;
- профилактик эмлаш тадбирларини ўтказиш;
- касаллик тарқалган жойларни соғломлаштири, жумладан, касалланган кемирувчиларни тутиш ва йўқотиш;
- касалхоналар, чорвачилик комплекслари, гўшт комбинатлари, сут ва терини қайта ишлаш заводлари, баклабораторияларни гигиеник талаб асосида куриш, жиҳозлаш ва улардан тўғри фойдаланиш;
- юқорида кўрсатилган объектларда санитар-эпидемиологик тартибга риоя қилиш;
- кўрсатилган объектлардаги ҳодимларни гигиеник қоидаларга ўқитиш, ишчиларни маҳсус кийимлар билан таъминлаш;
- ишчиларни тиббий кўриклардан ўтказиб туриш

Назарда тутиш лозим-ки, куйидаги биологик омилар, чунончи антибиотиклар, мўгорлар, оқсил-витамин комплекслари (концентратлари), ачитқилар билан мулоқатда бўлиш микробиологик, фармацевтик корхоналарда бўлиши мумкин, корхоналарда биотехнологияларни қўллашда кузатилиб, ишчиларда дисбактериозларни, кандидомикозларни, аллергик касалликларни келтириб чиқариши мумкин.

Бундай ҳолларда профилактик тадбирлар биринчи навбатда кўрсатилган омилларнинг микдорини ишлаб чиқариш муҳитида камайтиришга қаратилган бўлиши керак.

Назорат саволлари:

- 1.Мехнат гигиенасининг предмети ва вазифалари, бу масаланинг хозирги кундаги долзарблигини асосланг
2. Саноат корхоналари ишчи ва хизматчиларига тиббий-санитария хизмати кўрсатишнинг асослари. ЎзР учун унинг долзарблиги ва меҳнат гигиенаси соҳасида ДСЭНМнинг вазифаларини санаб беринг
3. Ишлаб чиқаришга доир заарлар ва касб касалликлари хақида тушунча
4. Ишлаб чиқариш омилларига гигиеник тавсиф беринг
5. Ишлаб чиқариш муҳитидаги биологик омилларга гигиеник таъриф, касбий инфекцияларни олдини олиш тадбирлари нималардан иборат?

Фойдаланилган адабиётлар:

- 1.“Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 26 августдаги 393 сонли Қонуни (ЎзР қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 34-сон, 451-модда) -186.
- 2.Румянцев Г.И., Прохоров Н.И., Новиков С.М. ва б. “Гигиена” Учебник для ВУЗов, М., 2009.- 608б.
3. Umumiy gigiyena bilan ekologiya. Amaliy mashg`ulotlar uchun o`quv qo`llanma. L.A.Ponomareva, E.K. Kazakov, L.K. Abduqodirova, B.E.Tuhtarov, I.K.Dravskix, S.A.Sharipova, X.A.Sadullaeva. - Т.,2011.
- 4.Environmental health Dade W. Moeller Third Edition Harvard University Press Cambridge, Massachusetts London, England, 2005,The work place 71-72, 75, 79, 81-82, 98p.
5. WHO, Protecting workers' health, Fact sheet №389 April 2014

6-мавзу: Болалар ва ўсмирлар гигиенасининг ўзига хос муаммолари

Режа:

6.1.Болалар ва ўсмирларнинг соғлигини сақлаш ва уни мустаҳкамлашда гигиена фанининг аҳамияти. БЎГ ҳақида тушунча

6.2.Болалар ва ўсмирларнинг жисмоний ривожланиши, ўқитиш ва тарбиялаш шароитларини яратишнинг гигиеник аҳамияти

3.3.Акселерация, унинг сабаблари ва унинг гигиеник муаммолари

4.4.Болалар ва ўсмирларга тиббий хизмат кўрсатиш. Болалар жамоаларидаги врачлар фаолиятининг мазмуни

Таянч иборалар: Болалар ва ўсмирлар гигиенаси, жисмоний ривожланиш, акселерация

6.1.Болалар ва ўсмирларнинг соғлигини сақлаш ва уни мустаҳкамлашда гигиена фанининг аҳамияти. БЎГ фани ва унинг мазмуни.

1991 йилда мамлакатимиз аҳолиси 20 миллион 500 минг киши эди. Мустақиллик йилларида халқимиз 1,5 карра ўси – 31 миллиондан ошди.Оналар ўлими 3,1 баробар камайди, болалар ўлими 3,2 баробар камайди, одамларимизнинг ўртача умр кўриш даражаси 67 ёшдан 73,5 ёшга узайди, аёллар – 75 ёшга.

Таълим-тарбия ва тиббиёт муассасаларини янада ривожлантириш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва бугунги қун талаблари асосида жиҳозлаш даражасини ошириш, ижтимоий инфратузилма обьектларини жадал ривожлантириш, *аҳолини сифатли ичимлик суви ва замонавий санитария тозалаш* тизимлари билан таъминлаш биз учун устивор йўналиш ҳисобланади.

Ушбу мақсадлар учун 2015 йилда давлат бюджети жами харажатларининг қарийб 60 фоизи йўналтирилади. Бу ўтган йилга нисбатан 4 триллион 100 миллион сўм ёки 22,5 фоиз кўп демакдир. Жумладан, таълим ва илм-фан соҳасини ривожлантиришга 34,3 фоиз, *соғлиқни сақлаши тизимига 14,2 фоиз маблағ* сарфланади.

Бизнинг республикамиизда болалар ва ўсмирлар контингенти аҳолининг асосий қисмини ташкил этади. Мас., Ўзбекистоннинг қишлоқ аҳоли яшаш жойларида болалар ва ўсмирлар контингенти бутун аҳолининг 37-48% ни ташкил қиласа, туғилиш даражаси ҳар 1000 аҳолига 20 ни ташкил этади. (2015й). Аҳолининг бу категориясига кирувчиларининг саломатлик ҳолати ва жисмоний ривожланиш кўрсаткичларини қониқарли деб бўлмайди, чунки уларнинг бу кўрсаткичлари бошқа давлатлардаги кўрсаткичлардан сезиларли даражада ёмонроқдир. Бундан ташқари, болалар катталарга қараганда юқумсиз табиатга эга бўлган касалликлар билан деярли 1,5 марта кўпроқ

касалланади. Бунинг асосий сабабларидан бири номувофиқ ижтимоий-гигиеник шароит хисобланади.. Мас., республикамизда мактаб ёшигача бўлган болалар учун хизмат кўрсатадиган муассасалар 30% дан камни ташкил қиласди, бор бўлганлари эса, қоида бўйича санитар-гигиеник талабларга жавоб бермайди. Агар бошқа регионларда болалар ва ўсминалар ўртасида учрайдиган касалликларнинг таркибини асосан нафас олиш органлари касалликлари, турли табиатга эга бўлган жарохатланишлар, овқат хазм қилиш органлари касалликлари ташкил этадиган бўлса, Ўзбекистонда эса, нафас олиш органларидан кейин иккинчи ўринда юкумли касалликлар эгаллайди, шу билан бирга бунинг асосий сабабларидан бири аҳоли яшаш жойларидаги коммунал ободонлаштирилганликнинг паст даражада эканлиги, шу жумладан мактабгача ва мактаб муассасаларидаги номувофиқ гигиеник шароитлар хисобланади. Эрта болалиқдаги ўлим даражаси (1 ёшгача бўлган болалар) республикамиздаги болалар ўртасида ҳар 100 та туғилган болага 33 тани ташкил қиласди ва бу кўрсаткич энг ёмон кўрсаткичdir (Белорусия ва Болтик бўйи республикаларида бу кўрсаткич 10-11 тани ташкил қиласди, Японияда эса ҳар 1000 та туғилган болага 4 тани ташкил этади). Бу ҳолатда ҳам энг муҳим сабалардан бири қониқарсиз ижтимоий-гигиеник шароит хисобланади, шу жумладан, тиббий хизмат кўрсатишнинг паст даражада эканлиги, мактаб ва мактабгача болалар муассасаларининг камлиги ва гигиеник талабларга мувофиқ келмаслиги, болалар касалхоналари, айниқса оналик ва болаликни муҳофаза қилиш муассасалари ва уй-жой ҳамда, яшаш шароитларининг гигиеник талаблар даражасида эмаслиги хисобланади. Шу билан бирга, ўсуви болалар организмининг ўзига хос хусусиятлари, зарарли таъсуротларга жуда тез берилувчанлиги ва сезирлиги, турмуш шароитларининг гигиеник талабларга юқори даражада жавоб бериши лозимлигини тақозо этади. Кўрсатиб ўтилганларнинг ҳаммасини қўшиб баҳолаганда бу талабларни таъминлаш болалар ва ўсминаларнинг жисмоний ривожланиш кўрсаткичларини яхшилашда, касалланиш даражасини пасайтириш учун зарур бўлган муҳим омиллар хисобланади.

Бу муаммоларни ижобий ҳал қилиш учун бевосита фаолият кўрсатадиган тиббиёт фанларидан бири болалар ва ўсминалар гигиенаси фанидир. Гигиена фанининг бу бўлими ўсуви организмга атроф муҳитда бор бўлган турли омилларнинг таъсирини ўрганиш ва олинган маълумотлар асосида болалар ва ўсминалар организмига мослаштирилган ҳолда илмий асосланган гигиеник нормативларни, тавсияларни ишлаб чиқиш ва шунга мувофиқ соғломлаштириш тадбирларини ишлаб чиқиб ҳаётга тадбиқ қилиш вазифасини бажариши лозим. Болалар ва ўсминалар гигиенаси фанининг асосий вазифалари қаторига:

1. Ўсуви организмнинг ўзига хос морфологик ва функционал хусусиятларини ҳисобга олиб, гигиеник меёrlар ишлаб чиқиш ва бунда ҳарбир ёш даврларини инобатга олиш вазифалари;

-болалар ва ўсмирларни тарбиялаш ва ўқитиши шароитларини рационал ташкил қилиш ва мувофиқлаштириш;

-болалар ва ўсмирлар фаолиятини регламентлаш;

-болалар ва ўсмирларнинг овқатланишини мувофиқлаштириш;

-болалар ва ўсмирларнинг шахсий гигиенаси

2. Болалар ва ўсмирларга тиббий хизмат кўрсатишни такомиллаштириш, жумладан:

-болалар ва ўсмирларнинг жисмоний ривожланишини сифатли назорат қилишни таъминлаш;

-болалар ва ўсмирларнинг саломатлик ҳолатларини назорат қилиш ва диспансеризацияни амалга ошириш;

-соғломлаштириш тадбирларини амалга ошириш;

6.2. Болалар ва ўсмирларнинг жисмоний ривожланиши гигиеник тадбирларнинг асоси эканлиги.

Юқорида айтиб ўтилганидек, гигиеник тадбирларнинг асосини турли ёш даврларидағи болалар ва ўсмирлар организмидаги анатомо-физиологик хусусиятларни хисобга олиш ҳисобланади.

Болалар ва ўсмирларнинг жисмоний ривожланишини В.Н.Кардашенконинг таърифи бўйича асосий қонуниятлари қўйидагилардан иборат:

1. Бола организми қанчалик кичик бўлса, ўсиш ва ривожланиш жараёни шунчалик жадал кетади;
2. Ўсиш ва ривожланиш болаларда бир текисда кетмайди, ҳарбир ёш даври учун ўзининг анатомо-физиологик хусусиятлари мавжуд
3. Ўсиш ва ривожланиш давомида жинсий белгилардаги фарқлар ҳам астасекинлик билан намоён бўла бошлайди.

Халқаро таснифга мувофиқ қўйидаги ёшга доир даврларни ажратиш мумкин:

1. Янги туғилган давр - туғилган вақтдан 10 кунгача бўлган даврни ўз ичига олади.

2. Кўкрак ёши даври - 10 кундан 1 йилгacha

3. Илк болалик даври - 1-3 ёш

4. Биринчи болалик - 4-7 ёш

5. Иккинчи болалик: қизлар -8-11 ёш, ўғил болалар 8-12 ёш

6. Ўсмирлик даври - қизлар- 11-15 ёш, ўғил болалар - 13-16 ёш

7. Ўспиринлик даври: қизлар -16-20 ёш, ўғил болалар - 17-21 ёш.

Соғлиқни сақлаш амалиётида кўпинча қисқартирилган схемадан фойдаланиб, ёшга доир 5 даврда баҳоланади.

1. Янги туғилган давр

2. Кўкрак ёши даври

3. Илк мактабгача бўлган ёш даври (1-3)

4. Мактабгача бўлган ёш даври - 3-7 ёш

5. Мактаб ёши даври (кичик, ўрта ва катта мактаб ёши)

Турлича ёш даврларидағи болалар организмида анатомо-физиологик хусусиятларнинг асосийларини таърифлаш ва ҳарбир ёш гуруҳи учун муҳим бўлган гигиеник тадбирларни таърифлашга ўтамиз.

Янги туғилган даврда чақалоқ боланинг организми морфологик ва функционал жиҳатдан яхши такомиллашмаган бўлади. Бу даврда бола организми, унга умуман бегона бўлган муҳит, янги шароитга мослашиш билан боради. Бола организмидаги асосий органлар ва системаларнинг яхши такомиллашмаганлиги туфайли атроф муҳитнинг номувофиқ таъсиrotларига жуда сезгирчан бўлади. Янги туғилган даврда ва 30 кунгача бўлган муддатда болалар ўртасида кузатиладиган ўлим даражаси боланинг 1ёшгача бўлган ҳамма ойларидагига қараганда 2-3 марта кўп кузатилади. Бу даврда қайд қилинадиган касалликлар ичидан энг асосийлари қаторига - нафас йўллари касалликлари, пневмония ва йирингли-септик касалликлар хисобланади. Бу даврда учрайдиган касалликлар даражасини камайтириш учун энг муҳим бўлган тадбирлар қаторига - туғруқхона ҳодимлари томонидан шахсий гигиена қоидаларига риоя қилиниши, болани парвариш қилишда асептик шароитларни яратган ҳолда бажариш, болани эмизишдан олдин она кўкрагини илиқ сув билан ювиш, бола баданини тоза бўлишига эътибор қаратиш, чақалоқ ётган хонадаги харорат-намлик тартибини оқилона бўлишини таъминлаш, (хона ҳавосининг харорати 24-26°C), чақалоқни тўғри овқатлантириш, чақалоқ учун энг мувофиқ кийимларни танлаш муҳим аҳамиятга эгадир.

Кўкрак ёшининг бутун муддати давомида бола организмида жадал тарзда ўсиш ва ривожланиш жараёни кузатилиб, у эндокрин безларнинг таъсирида бўлади (қалқонсимон, бўқоқ, буйрак усти безлари), асосий модда алмашинувининг ортиб бориши, биринчи сигнал системасининг шаклланиши кузатилади. Шу билан бирга бола организмидаги органлар ва системаларнинг тўлиқ такомиллашмаганлиги туфайли унинг организми турли касалликларга нисбатан жуда сезгир ва тез бу касалликларга тез

берилиувчан бўлади, бунинг натижасида атроф муҳитдаги номувофик омиллар таъсирида куйидаги касалликлар тез-тез қайд қилиниб турилади:

Пневмония, отитлар, инфекцион-токсик касалликлар, ошқозон-ичак фаолиятининг бузилиши касалликлари. Бу ёшдаги болаларнинг касалланишини олдини олиш тадбирлари қаторига - она томонидан шахсий гигиена қоидаларига риоя қилиниши, болани тўғри парваришлаш, бола организми учун мувофиқ микроиқлоим шароитларини яратиш, болани тўғри овқатлантириш, ўз вақтида ухлатиш, тоза ҳавода уйнатиш, чиниктирувчи тадбирлардан унумли фойдаланиш, пассив гимнастика, болани кунда чўмилтириш, қуёш нуридан баҳраманд қилиш кабилар жуда муҳимdir.

1-3 ёшлик ва 3-7 ёшлик болалар организмida ўсиш ва ривожланиш жараёнлари бироз секинлашади, бола организмидаги диспропорция ханузгача сақланади, аммо шу шароитда ички органларнинг морфологик структураси такомиллашаборади, иккинчи сигнал системаси ҳам шаклланабошлайди.

Боланинг МНС ҳам кучли ривожланиш кузатилиб, унинг онги ортaborади, атроф муҳитда бўлаётган ходисалар ва болаликка нисбатан тафакурлаш қобилияти пайдо бўлабошлайди, болада сўзлаш қобилияти кун сайин ортaborади. Болаларнинг бу ёш даврларида харакат фаолияти жуда кучли тараққий этади ва онгли фаолият тез тараққий этади, бунинг натижасида бу ёшдаги болаларда турли ҳилдаги шикастланишлар, тасодифан юзага келадиган ходисалар учраб туради, чунки бола беихтиёр равишда қўлига тушган буюмларни оғзига олиб боради. 4 ёшдан ўтган болалардаги энг кўп кузатиладиган касалликлар қаторига болалар инфекциялари ва инвазион касалликлар жуда кўплаб қайд қилинади. Шунинг учун бу ёшдаги болаларни гигиеник тарбиялаш ва улар организмини чиниктириш жуда муҳим аҳамиятга эгадир. Бу тадбирлар фақатгина профилактик тадбирлар бўлиб қолмай, балки организмни стимулловчи тадбирлар ҳам хисобланади (чекланган микдорлардаги жисмоний машқлар, харакатли уйинлар, болалар организмини чиниктириш, микроиқлим шароитларини ўзгартириб туриш). Болалар учун тузиб чиқилган оқилона кун тартибининг аҳамияти жуда муҳим бўлиб, шу билан бирга бу ёшдаги болаларни тўғри овқатлантириш, сифатли таомлар билан таъминлаш катта аҳамиятга эга. Бу ёшдаги болаларни атроф муҳитда бор бўлган ходисаларни билишга жуда чанқоқлиги сабабли, уларни ўқишига бўлган муносабатларини асталик билан шакллантириш лозим, аммо нерв системасининг юқори даражадаги лабиллигини инобатга олиб, улар психикасини зуриқтириш мақсадга мувофиқ эмас.

Иккинчи болалак даврида (кичик мактаб ёши) ўсиш темпининг янада секинлашиши кузатилади, аммо мушаклар массаси, юрак мушакларининг массаси ортaborади, ички органлар ҳам яхши ривожланади. Бадан скелетида суяклашиш жараёни жуда жадал кетади ва сут тишлари секин-аста ҳақиқий

тишларга олмашина бошлайди. МНС учун қўзғолиш жараёни тормозланиш жараёнидан устунликка эга бўлади, шунинг учун бу ёшдаги болаларда ақлий иш билан бўлган машғулотлар уларни тез толиқишига сабабчи бўлади ва айниқса бирхил турдаги машқлар уларни тез толиктиради. Скелетлардаги мушаклар, бошқа турдаги мушак гуруҳларининг умумий массасини ортиб бориши билан бирга улар ханузгача ривожланишда ва тўлиқ такомиллашмаганлиги сабабли айрим мушак гуруҳларида (кўл бармоқларининг мушаклари, харакат-таянч органларининг мушакларида толиқиши жараёни юзага келади ва бу ҳолат болаларнинг қадди - қоматини бузилишига сабабчи бўлиб қолиши мумкин. Шунинг учун болаларни мактабларда партада тўғри ўтиришига, парталарнинг размерлари боланинг бўйига мувофиқ танланганлигига эътиборни қаратиш муҳимдир. Бу ёш даврида шахсий гигиена маҳоратларининг ўзлаштирилиши, баданни чиниқтирувчи машқларга мослашабориши, тўғри овқатланишга ўрганабориши билан бир қаторда оптимал кун тартиби ва мактабдаги дарс жадвалларининг тўғри тузилганлиги, ўқув ва жисмоний тарбия машқларини дозаларга мувофиқ ташкил этилганлиги, ўқитиш шароитларининг гигиеник меёrlар асосида оқилона ташкил этилганлиги - хоналарнинг ёритилганлиги, микроиқлим шароитлари, хоналар ҳавосининг шамоллатилиши, парталарнинг тўғри танланганлиги, дарс жадвали).

Ўсмирлик даври энг аҳамиятли ва жавобгарли даврлардан бири хисобланади. Қиз болаларда у 11-12 ёшдан бошланади, ўғил болаларда эса 1-2 ёш кейинроқ. Бу ёш даврида болаларда эндокрин безларнинг фаолияти кескин фаоллашади ва жинсий ривожланиш бошланиб, иккиласмчи жинсий белгилар пайдо бўлабошлайди. Болаларнинг бўй кўрсаткичлари иккинчи марта жуда тез ўсиш жараёнига ўтади, баданинг ҳамма параметрлари тез ривожланабошлайди, тана пропорцияси тез-тез ўзгаради. Бу ёш даврида умуртқа эгилмалари шаклланабошлайди, юракнинг умумий массаси ортади, томирлардаги артериал босим 115\75 мм симоб устунига кўтарилиб, ўпканинг тириклик сифими 2700-3200 см кубгacha кўтарилади. Бу ёшдаги болаларда ички тормозланиш жараёни секинлашади, МНС юқори қўзғолувчанлик ҳолати билан таърифланади, бу эса ўз аксини боланинг хулқатворида номоён бўлабошлайди. Атроф муҳитдаги ходисаларга ноадекват реакция, дунёни максимал адражада тушуниш, кайфиятнинг тез-тез узгариб туриши кузатилади. Бу хусусиятларнинг барчасини хисобга олиб, дарс жадвалларини тузиш, кун тартибини ишлаб чиқиш, иш жойларини тўғри ташкил қилиш ва жисмоний тарбия машқларини ўтказишда эҳтиёткорлик талаб этилади.

Катта мактаб ёшидаги болаларда жинсий етилиш тугалланади, қўзғолиш ва тормозланиш жараёнлари асталик билан мувозанатлашаборади. Шу билан бирга 17 ёшгacha бўлган даврда скелетнинг ривожланиши ханузгача якунланмаган бўлади, баданинг айрим қисмларида диспропорция сакланади яъни бўйга нисбатан бошқа аъзоларнинг ҳолати мувофиқ бўлмайди, умумий

мушак массаси билан юрак мушагининг массаси бир-бирига мос келмайди. Шунинг учун бу ёш даврида юракларда функционал шовқин, артериал қон босимининг қўтарилиш ҳолатлари учраб туради. Кўпинча юқори синф ўқувчилари ўртасида тез-тез учрайдиган патологиялар қаторига миопияни ҳам киритиш керак. Бу даврда бола қадди - қоматининг бузилиши, харакат-таянч органларининг деформацияси кузатилиб, бу патологиялар иш ва ўқиш жойларининг оқилона ёритилмаганлиги, нотўғри танланган мактаб мебеллари, ўқувчиларнинг парталарда нотўғри ўтириши, портфелларни нотўғри қўтариш кабилар асосий сабаблар қаторидан ўрин олади. Юқори синф ўқувчилари ўртасида кўпинча асаб функционал силжишлар қайд қилиниб, улар ўқув дастурларининг, дарс соатларининг нотўғри тақсимоти ва кун тартибининг нотўғри тузилганлиги оқибатида келиб чиқади.

Мактаб ўқувчиларининг кун тартибини тузишдаги асосий принциплар:

- турли фаолият турларининг оптимал давомийлиги (ўқувчиларнинг иш қобилиятларини динамик ўзгаришини хисобга олган ҳолда);
- тоза ҳавода максимал муддатларда бўлиш билан дам олишни ташкил этиш;
- -тўғри ва тўла қийматли овқатланиш;
- -етарлича ва тўла қийматли уйқу;

Бу принципларга тўлиқ амал қилиш, албатта факат ўқувчиларнинг ота-оналари ва мактаб педагогларининг ўзигагина боғлиқ бўлмай, балки маълум даражада ўқувчиларнинг ўзларига ҳам боғлиқдир. Шунинг учун мактабни тугалловчи ҳарбир ўқувчи соғлом турмуш тарзи ҳақидаги маълумотлар ҳақида тўлиқ билимга ва тушунчаларга эга бўлиши керак.

Шундай қилиб, мактаб ёши даври учун муҳим бўлган энг асосий гигиена тадбирлари қуйидагилардан иборат: оқилона тузилган кун тартибига риоя қилиш, ўқув машғулотларининг тўғри тартиби, тўғри овқатланиш тартибини жорий қилиш, ўқищ, жисмоний тарбия ва дам олиш соатларини тўғри ташкил этилганлиги, қаддиқ - қоматининг тўғри бўлишини таъминловчи тадбирлар, нозик кўриш билан боғлиқ бўлган ишларни тўғри ташкил қилиш, ўғил ва қиз болалар учун мувофиқлаштирилган жисмоний тарбия машқларини танлаш, ўқувчиларни гигиеник тарбиялаш кабилар.

6.3.Акселерацияга доир гигиеник муаммолар.

Болалар ва ўсмирларнинг жисмоний ривожланишларини баҳолаш ҳақидаги маълумотларни таҳлил қилиб, кузатувчилар шу нарсага амин бўлдилар-ки, хозирги популяцияга таалуқли болалар ва ўсмирларнинг жисмоний ривожланиш кўрсаткчилари, олдинги авлод болаларининг кўрсаткичларидан анча илгарилаб кетганлигининг гувоҳи бўлдилар. Жисмоний ривожланиш кўрсаткичларининг олдинги авлод болаларидағи ривожланиш кўрсаткичларига қараганда тезлашишини "АКСЕЛЕРАЦИЯ" номи билан аталди. Шунга мувофиқ ҳолда икки турдаги акселерацияни

фарқлаш мумкин: Эпохага (даврга) ва популяцияга доир акселерацияларга бўлинади. Эпохиал акселерация шу кунгача ўтган барча авлодларни ўз ичига олса, бир популяция ичидаги акселерация эса, бир популяцияга таалуқли бўлган 20% шахсларни ўз ичига олади.

Акселерацияга сабабчи бўлувчи 50 дан ортиқ нуқтаи - назарлар ва назариялар илгари сурилган (Гелиоген, радиотўлқин, радиацион, генетик, информацион ва б.к.) бўлиб, бу ходиса ёки жараённинг кўп омилли эканлигидан далолат беради, чунки ҳеч бир назария акселерациянинг сабабларини белгиловчи тўлиқ жавобни бераолмайди. Олиб борилган текширишларнинг якунига кўра акселерациини юзага келишига асосий сабаб, дунё аҳолисининг ижтимоий-турмуш, ижтимоий-гигиеник шароитларининг яхшиланиши оқибатида келиб чиқади деган умумий холосага келиш мумкин. Шу билан бир қаторда ижтимоий – иқтисодий турмуш тарзининг ёмонлашуви, иқтисодий кризислар акселирация ҳолатининг акси – ретродация ҳолатини келтириб чиқаради, масалан, 80 йилларга келиб, экологик аҳволнинг ёмонлашуви ҳамда иқтисодий танқисликлар сабабли Ўзбекистон Республикасининг Қорақалпоғистон регионидаги болалар ва ўсмирларнинг морбофункционал кўрсаткичларининг пасайганлигини кўриш мумкин (Ниязова Г.Т.,2007)

Акселерацияни фақат ижобий ходиса ёки жараён деб бир маъноли жавоб билан чегараланиб қолмаслик керак, аксинча унинг ўзига хос салбий томонлари ҳам бўлиши табиийдир, чунончи акселерация боғлиқ ҳолда ревматизм, болалардаги яқиндан кўриш, қандли диабет, гипертония каби касалликларнинг "ёшариб бораётганлигини" кўришимиз мумкин. Иккинчидан акселерация жараёни бир қатор умумбиолгик ва гигиеник муаммоларни келтириб чиқарди:

- болаларнинг жисмоний ривожланиши ва саломатлигини назорат қилишни такомиллаштиришнинг лозимлиги, жумладан жисмоний ривожланишга доир стандартларни мунтазам қайта кўриб чиқишнинг лозимлиги (ҳар 5 йилда бир марта қайта кўриб чиқиш талаб этилади);
- ёшларни жинсий тарбияга ўргатишнинг заруриятлиги;
- болалар кийимлари, мактабгача ва мактаб муассасаларидаги мебеллар, оёқ кийимлари стандартларини қайта кўриб чиқишнинг лозимлиги кабилар.

Акселерация билан боғлиқ бўлган мухим муаммолардан бири бу болаларни мактабда ўқишига етилганлигини аниқлаш муаммоси хисобланади. Маълум-ки, жуда кўп мамлакатларда болаларни мактабларда ўқитиш, ҳатто 5 ёшдан бошланади. Собиқ Иттифоқ да ҳам 1984 йилдан бошлаб мактабларда ислоҳотларни ўтказиш натижасида болаларни мактабда ўқитишни ёппасига 6 ёшдан бошлаш керак деган фармон чиқарилди ва ҳаётга тадиқ қилинабошланди. Аммо, 6 ёшли болаларни бу ёшдан ўқитишни ташкил қилишда бир қатор янги муаммоларга дуч келинди. Жумладан,

гиgienик йўналишдаги муаммолар: ўқув соатларининг нисбатан қисқалиги, болаларга дам бериш соатларини ташкил қилиш, болаларнинг кундузги уйку соатларини инобатга олинмаганлиги, болаларни оқилона овқалантириш муаммоалари кабилар бўлиб, уларнинг барчаси шунга мувофиқ келадиган шароитларни яратиш билан боғлик бўлган муаммолар қаторига киради. Бундан ташқари, бундаги энг муҳим муаммолардан бири шу бўлди-ки, 60% гача бўлган болаларда жисмоний ва руҳий ҳолатлар уларни мактабда ўқишиган ҳали тўлиқ тайёр эмасликларини кўрсатди. Бу болаларнинг кўпчилигига жисмоний ривожланиш ва саломатлик ҳолатлари яхши эмаслиги аниқланди (7 ёшли болаларга таққослаганда). Шунинг учун 6 ёшли болаларни аввал мактабда ўқишига тайёр эканликларини аниқлаш ва баҳолаш зарур эканлиги маълум бўлди. Горький тиббиёт институтида олиб борилган тадқиқотларнинг якунига қўра ана шундай баҳолаш тестларини 2 босқичда ўтказиш мақсадга мувофиқ деб топилди:

1 босқич - ўқитишини бошлашдан 6-8 ой илгари мактабларда олти ёшлиларни чукурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказиш ва бу мақсадда кўрик комиссиси таркибига ЛОР, офтальмолог, психоневролог, жарроҳ, стоматолог каби тор мутахасисдаги шифокорларини таклиф қилиш тавсия қилинди. Тиббий кўрикда болаларни сўзларни тўғри талаффуз қилишларини текшириш, психофизиологик тестларни (Керн-Ирасек) ўтказиш ва олинган натижаларни болаларнинг шахсий Ф 026 / У карталарига ёзиб қўйиш, шу билан бирга саломатлиги ва руҳий ҳолати талабга жавоб бермайдиган болалар учун соғломлаштириш тадбирларини белгилаш кўрсатилди.

2 босқич - ўқув йилининг апрел-май ойларида иккинчи марта тиббий кўрикни ташкил қилиш ва бунда айниқса биринчи кўриқда саломатлигига бирон бир камчилиги бўлган болаларни чукурлаштирилган кўриқдан ўтказиш лозимлиги тавсия қилинган. Агар бунда бола организмида касаллик ва мактабда ўқишига тайёр эмаслигига доир нуқсонлари топилса, улар учун мактабда ўқишига киришиш муддатини янада кечикириш лозимлиги тавсия қилинган.

ЎзР-да ССВ-нинг 1991 йилдаги маҳсус буйруғига мувофиқ, болаларни мактабларда ўқитишини 7 ёшдан бошлаб амалга оширилади деб айтиб қўйилган.

6.4.Болалар ва ўсмирларга тиббий хизмат кўрсатиши.

Болалар ва ўсмирларнинг жисмоний ривожланишлари ва саломатлигини назорат қилиш уларни динамик тарзда бутун ўсиш ва ривожланиш муддатлари давомида амалга оширилишини назорат қилишни тақозо қиласди.

Бундай назоратни ўтказиш болаларнинг ёш даврларига мувофиқ ўтказилиши лозим: кўкрак ёши даврида ойига марта, 1-3 ёшлиларни 3 ойда 1 марта, 3-7 ёшлиларни 6 ойда 1 марта, мактаб ёшидаги болаларни йилига 1 марта тиббий кўриқдан ўтказиб назорат қилиш талаб этилади. Бундай

назоратларни болалар поликлиникаларида ишловчи болалар врачлари ва ўюшган жамоалардаги врачлар амалга оширадилар. 15 ёшдан ошган ўқувчиларни, ҳамда ишлайдиган ўспиринлар ва академик лицейлар ва колледжлардаги ўқувчиларни катталар поликлиникаларидағи ўсмирлар кабинетларидаги врачлар амалга оширадилар.

Болалар ва ўсмирларнинг саломатлиги ва жисмоний ривожланишларини назорат қилишни ўтказища уларни соғломлик гурухларига бўлиш талаб этилади. Бу нұқтаи-назарда 5 та соғломлик гурухлари мавжуддир:

1 гурух - амалий соғлом болалар

2 гурух - организмида унчалик аҳамиятга эга бўлмаган функционал ва морфологик ўзгаришлари бор бўлган болалар, тез-тез касалланиб турувчи ва ўртача оғирликдаги кўриш функцияси бузилган болалар.

3 гурух - сурункали касаллиги бор, аммо бу касаллик компенсацияланиш даврида бўлган, ҳамда жисмоний ривожланишида бирор бир камчилиги бор бўлган, аммо меҳнат ва хаёт шароитларига тўлиқ мослашаоладиган болалар.

4 гурух - сурункали касаллиги субкомпенсация даврида бўлган, ҳамда яшаш ва меҳнат шароитларига мослашишга тўсқинлик қилувчи жисмоний ривожланиш нуқсонлари бор бўлган болалар.

5 гурух - сурункали касаллиги декомпенсация давридаги болалар, ҳамда 1-чи ва 2-чи гуруқ ногиронлари.

Болаларни соғломлик гурухларига бўлиш уларга даволаш-профилактика тадбирларини табақалаштирилган ҳолда (дифференциялашган) амалга оширишга имкон беради ва уларга шахсий тарзда соғломлаштириш ва гигиеник тадбирларни белгилашга шароит яратади. Бундай йўналишда иш юритиш врачларга ҳам мақсадли фаолият кўрсатишга имкон беради.

Болалар контингентларини назорат қилувчи врачларнинг ишлари серқиррали бўлиб, уларнинг асосий элементларини мактаб врачининг иш режаси мисолида кўриб чиқамиз.

Мактаб врачи-педиатрининг иш режаси қуйидаги асосий бўлимлардан ташкил топган:

1. Даволаш-профилактика ишлари:

-болаларнинг саломатлиги ва жисмоний ривожланишларини назорат қилиш, амбулаторияда даволаш муолажаларини ўтказиш, болаларни диспансер хисобига олиш;

-гельминтоз касаллигига чалинган болаларни аниқлаш ва уларни дегельминтизациялаш тадбирларини ўтказиш;

-соғломлаштирувчи тадбирларни режалаш ва ўтказиш;

-жисмоний тарбия гурухларини аниқлаш;

-режали вакцинация ишларини амалга ошириш;

2. Эпидемиларга қарши ишлар:

-шошилинч вакцинация;

-мактабларда ўқувчиларнинг давоматини текшириш (ўқишга келмаганлик сабабларини аниқлаш ва бу орқали мактабга инфекцияни олиб кирилмаслигини таъминлаш);

-дезинфекция, дезинсекция, дератизация бўйича тадбирларни ташкил қилиш.

3. Санитар-гигиеник ишлар:

УАШнинг бу бўлимга доир вазифалари кўпинча унинг асосий эътиборидан четда қолади, ваҳоланки бу бўлимга таалуқли ишлар болаларни ўқитиши ва тарбиялашдаги муҳим элементлардан бир эканлигини юқорида кўрсатиб ўтилган эди, чунки айнан шу бўлимга оид гигиеник шароитларни ташкил қилиш болаларнинг саломатлиги ва жисмоний ривожланишларини белгилаб берувчи омиллар хисобланади. Бу бўлим ўз таркибига бир қатор гигиеник тадбирларни олиб, уни амалга оширишда туманлар ДСЭНМ ва мактаб маъмурияти билан ҳамкорликда фаолият кўрсатилади.

-мактабларнинг коммунал ободонлаштирилганлигини назорат қилиш (режалаштирилганлигининг тўғрилиги, қурилиш ва синфларни жиҳозлашнинг гигиеник талаблар асосида бажарилганлиги);

-ўқув жараёнидаги гигиеник шароитларнинг назорати (микроиклим шароитлари ва тартиблари, хоналарнинг ёритилиши, шамоллатилиши, ўқув хоналарнинг тозалиги);

-синфларни ўқувчилар билан тўлиқ тўлдирилишини назорат қилиш;

-синфлар ва кабинетларнинг жиҳозланшини назорат қилиш (мебелларнинг тўғри танланганлиги, болаларни ёш ва бўй кўрсаткичлар ва саломатлик ҳолатларига мувофиқ парталарга тўғри ўтказилганлиги ва ўқувчиларни парталарда тўғри ўтиришини назорати);

-мактабда болаларни тўғри овқатлантирилишини ташкил қилинганлигининг назорати;

-жисмоний тарбия машғулотларининг тўғри ўтказилишини назорат қилиш;

-ўқув жаарёнинг ташкил этилиши, ўқув жадвалларининг тўғри тузилганлигини назорат қилиш;

1У. Санитар-оқартув ишлари. Бу ишлар асосан учта йўналишда олиб борилиши керак:

- ўқувчиларни гигиеник тарбиялаш;
- ота-оналар ўртасида санитар-оқартув ишларини қтказиши;
- ўқитувчиларни гигиеник билимларга ўргатиш

Гигиеник тарбиялаш энг асосий ўринни эгаллайди, чунки гигиеник маҳоратлар ва кўнималар ўқувчиларда айнан мактабгача ва мактаб муассасаларида шаклланади ва бутун умр давомида шу кўниммага мослашиш кузатилади. Бу ишларни ўтказиши шакллари турлича бўлиши мумкин: Махсус дарслар, маъruzалар, сухбатлар, кўргазмали машғулотлар (фильмлар, плакатлар, санбюллетенлар, брошюралар). Бунда мавзуларни танлаш болаларнинг ёшларини хисобга олган ҳолда амалга оширилиши мүхимдир. Бундан ташқари қилинадиган ишлар кўргазмали бўлиши, болаларга етарли даражада маълумотларни бераолиши керак.

У. Касбий маслаҳатлар ва касбга йўналтириш ишлари.

Бу йўналишдаги ишларнинг асосий вазифаси шундан иборатки, врач мактабни битирувчи ўқувчилари билан келажакда танланадиган касбларга уларнинг хозирги кундаги саломатлик ҳолатларининг мувофиқ келиши ҳақидаги маълумотларни беришдан иборат. Шу билан бирга мактаб врачи ўтказилган тиббий кўрик натижаларига асосланиб, ҳарбир ўқувчининг саломатлигини билган ҳолда уларга шахсий тарзда ҳарбирига мос келадиган касбларни танлашни маслаҳат беради. Юқорида кўрсатилган барча вазифаларни врач томонидан бажарилишида унга тиббий ҳамшира ёрдамчи бўлиб хизмат қиласи.

Назорат саволлари:

- 1.Болалар ва ўсмирлар гигиенасининг асосий вазифаларини сананг.
- 2.Ўзбекистон ахолиси болалар контингентининг саломатлик кўрсаткичларининг динамикаси ҳакида ахборот беринг.
- 3.Болаларнинг жисмоний ривожланиши, уларни тарбиялаш ва ўқитиши шароитларини мувофиқлаштириш бўйича тадбирлар ишлаб чиқишининг асоси эканлигини тушунтиринг.
- 4.Акселерация, унинг гигиеник аҳамияти, мактабга етуклик тушунчаси.
5. Болалар ва ўсмирларга тиббий хизмат кўрсатишнинг гигиеник асослари.

Фойдаланилган адабиётлар:

- 1.“Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 26 авгуустдаги 393 сонли Қонуни (ЎзР қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 34-сон, 451-модда) -186.
- 2.Румянцев Г.И., Прохоров Н.И., Новиков С.М. ва б. “Гигиена” Учебник для ВУЗов, М., 2009.- 608б.
3. Umumiy gigiyena bilan ekologiya. Amaliy mashg`ulotlar uchun o`quv qo`llanma. L.A.Ponomareva, E.K. Kazakov, L.K. Abduqodirova, B.E.Tuhtarov, I.K.Dravskix, S.A.Sharipova, X.A.Sadullaeva. - Т.,2011.

4. 1. Children's Environmental Health Units, © World Health Organization 2010,
3-4p.

5. ЎзР СанҚваМ лари (2005 - 2015 йиллар)

7-мавзу: Соғлом турмуш тарзи ва психогигиенанинг долзарб муаммолари

Режа:

7.1. Соғлом турмуш тарзи ва уни ташкил этувчи элементлари ҳақида тушунча, шахсий гигиена - соғлом турмуш тарзининг асоси эканлиги

7.2. Бадан гигиенаси ва баданни чиниқтириш

7.3. Психогигиенанинг замонавий муаммолари, фаннинг мақсади ва қисқача ривожланиш тарихи

7.4. Психогигиенанинг асосий бўлимларига умумий таърифлар

Таянч иборалар: соғлом турмуш тарзи, психогигиена

7.1. Соғлом турмуш тарзи ва уни ташкил этувчи элементлари ҳақида тушунча, шахсий гигиена - соғлом турмуш тарзининг асоси эканлиги

Инсоният бугунги кунда на фақат янги аср, балки янги минг йилликка қадам кўйди. Инсоният тарихида ўтган минг йилликлар ичida XX аср энг шиддатли ва турли тасодиф ва ўзгаришларга тўла бўлган аср десак янглишмаган бўламиз. Ўтган юз йилликларнинг ҳеч бирида инсонларнинг фаолиятлари, уларнинг яшаш шароитлари XX асрдагидек шиддатли кечган эмас, шу билан боғлиқ ҳолда яшаш ва турмуш шароитларининг ўзгариши илмий-техника тараққиёти билан туғридан-туғри боғлиқ ҳолда ўзгарган. Бу ўзгаришларнинг режалаштирилган йўналиши фақат инсонларнинг баҳтсаодатига қаратилганлигига ҳеч шак-шубҳа йўқдир. Шу билан бирга ахолининг моддий ва маънавий фаровонлигини жадал суратларда ривожлантириш, янгилик ва тараққиётга бўлган интилиш, инсонларни турли кўринишдаги бало-кулфатлардан халос қилишга қаратилгандир. Инсон ўзи бошлаб берган янгиликлардан келадиган натижаларга кутилганидан ҳам илгарироқ эришди, аммо бир кулфат ўрнига иккинчи кулфат қўшилди десак муболага бўлмайди. Мас., тиббиётда юз берган янгилик ва тараққиётга назар солайлик: инсоният тарихида аҳоли бошига минг-минглаб ўлим ва кулфатларни келтирган энг даҳшатли касалликлар - вабо, ўлат, мохов ва бошка юқумли касалликлар бироз бўлсада чекинган бўлса ҳам, ҳархолда уларнинг ҳавфидан деярли ҳоли бўлинди, чунки бу касалликларга қарши ўтказилиши лозим бўлган профилактик чора-тадбирлар маълум даражада ўз самараларини бермоқда. Аммо, бугунги кунда бу касалликлар ўрнига бошка

кўринишдаги касалликлар пайдо бўлди, бу касалликлар юқумли табиатга эга бўлмаса ҳам, жуда кенг-кўламда тарқалаганлиги билан аҳамиятли бўлиб, хозирги кунда фақат аҳолининг касалланиши буйича бўлмай, балки келтираётган ўлим даражаси бўйича ҳам асосий ўринларни эгалламоқда. Бу касалликлар қаторига юрак-томир патологиялари, турли табиатга эга бўлган жароҳатлар, онкологик касалликлар, хар-хил кўринишдаги нафас олиш органлари касалликлари, модда алмашинишига доир патологиялар, асабрухий силжиш ҳолатлари кабиларни келтириш мумкин.

Бир-бирига ўхшашибулмаган бу касалликларнинг умумий бир томони боруларнинг ҳаммаси ИЛМИЙ-ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ натижасида замонавий турмуш шароитларининг, меҳнат шароитларининг ўзгариши оқибати ва одам организмига кўрсатган таъсири натижасидир. Бу касалликларни 70 йилларнинг охири ва 80 йилларнинг бошида "цивилизацияга оид касалликлар" номи билан аталди, аммо айrim ривожланган давлатлар (АҚШ, Япония, Германия каби) яни юқори цивилизацияга эга бўлган давлатлар мисолида айтиш лозим-ки, бу жамият аъзолари ўртасида юқорида келтирилган касалликларга қарши муваффақиятли кураш олиб бориш мумкин эканлиги номоён бўлди. Шунинг учун бугунги кунда бу касалликларни "цивилизациянинг хатосига боғлиқ бўлган касалликлар" деб номлаш тўғрирок бўлур эди.

Бу касалликларнинг келиб чиқиши эҳтимоли одамларнинг объектив турмуш шароитлари билан бевосита боғлиқ (жамиятдаги ижтимоий-иктисодий ҳолат, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражаси, сиёсий барқарорлик ва б.к.), аммо

Бу касалликларнинг юзага келиши биринчи навбатда одамларнинг ўз организмиларига ва ўз саломатликларига бўлган муносабатларини тўғри баҳо-ламасликлари оқибатида келиб чиқади.

Софлом турмуш тарзи ва шахсий гигиена ҳақида тушунча.

Инсонларнинг ҳаёт тарзи, уларнинг санитарияга доир билимдонлиги, бу билимларни кундалик турмушда қўллай олишлари ва унга қатъиян риоя қилиш-лари, ўз организмлари ва баданларига бўлган онгли муносабатлари, ўз саломат-ликларига бўлган муносабатлари соғлиқни сақлашдаги энг муҳим шароитлар хисобланади. Ана шу элементлар саломатликни, жисмоний ва руҳий фаолликни, узоқ умр кўриш, умрни узайтирувчи омиллар хисобланади. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, ҳарбир муайян шахснинг саломатлиги биринчи навбатда унинг ҳаёт тарзига, ана шу турмуш тарзи элементларига онгли ёндошишига боғлиқдир. Шулар билан боғлиқ ҳолда айтиш лозим-ки, соғлом турмуш тарзининг асосида атроф муҳитда бор бўлган барча омилларнинг организмга таъсир этиш мумкинлиги ҳақидаги маълумотларга эга бўлиш, ва ана шу омиллардан ўзининг саломатлиги учун

фойда келтирадиган томонларидан самарали фойдаланаолиши муҳим аҳамиятга эгадир.

Шунинг учун бугунги кундаги шахсий гигиена тушунчаси аввалдан бизга маълум бўлган тушунчадан бироз фарқ қиласди. Бугунги кундаги шахсий гигиена - ҳарбир одам (шахс)нинг қундалик турмушдаги турли туман гигиеник қоидаларнинг ўзига хос жиҳатларига оғишмай риоя қилиши демакдир. Аммо, шу билан бир қаторда гигиеник билимларга эга бўлган ҳарбир одам ўзининг саломатлиги ва меҳнат қобилиятини ўзи bemalol бошқараолади, бироқ ҳаммамизга маълум бўлган атроф муҳит омиллари шунчалик турли-туман-ки, уларнинг ҳаммасини бир одам бошқараолмаслиги ҳам мумкин.

Гигиеник билимларга эга бўлган ҳарбир онгли одам ўзининг қундалик оқкатланиш тартиби ва овқатли моддаларнинг сифат ва микдор кўрсаткичларини билиши ва унга оғишмай амал қилиши, кун тартибига риоя қилиш, меҳнат ва дам олиш шароитларини яратиши, ўзининг бадани, кийим-кечаги, тураг-жойларини тоза сақлаши, баданини чиниқтириши учун табиий омиллардан унумли фойдаланаолиши, жисмоний тарбия машқларини бажариши, заарли одатларга ўрганмаслик, оилада ва иш жойларида энг мувофиқ психологик муносабатларни ўрнатиш, одамлар билан ўзоро муносабатларни яхшилаш кабиларни ўзи бошқариши мумкин.

Келтирилган омилларнинг тутган ўрнини тўғри баҳолаш ва бу омиллардан ўзининг саломатлиги учун ижобий фойдаланоладиган одамлардан хозирги кундаги кенг тарқалган касалликларни камайтириш мумкинлигини кутиш мумкин. Айтилганлардан келиб чиқсан ҳолда шу нарсани алоҳида қўрсатиш лозим-ки, одамларнинг соғлом турмуш тарзини шакллантириш ҳарқандай давлатдаги соғлиқни сақлаш тизимининг энг муҳим вазифаларидан бири хисобланади. ЎзР Вазирлар Маҳкамаси томонидан ишлаб чиқилган ва Олий Мажлис томонидан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикасида истиқомат қилувчи барча фуқороларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш ҳақида"ги қонуннинг 2 бандида айтилганидек " фуқороларнинг соғлом турмуш тарзини шакллантириш" вазифаси бежиз эмас. Шундан келиб чиқсан ҳолда бугунги кундаги умумий амалиёт шифокорининг иш режасида аҳоли ўртасида тушунтириш, санитария-оқартув ишлари унинг фаолиятидаги асосий вазифалардан бири бўлиб қолиши керак.

Бадан гигиенаси ва баданни чиниқтириш.

Бадан гигиенаси (бадан териси, соч, оғиз бўшлиғи ва тишлар, баданни чиниқтириш) одамларнинг саломатлик ҳолатларини белгиловчи шахсий гигиенанинг муҳим бир қисми хисобланади.

Сизларга маълум-ки, одамнинг бадан териси бир қатор вазифаларни бажаради: - химоя вазифаси - организмни тери орқали микроорганизмларни киришидан, баданни механик, термик ва кимёвий жароҳатлардан сақлади:

-иссиқликни бошқариш жараёнида иштирок этади - тери-ости ёғ қатлами, терлаш, буғланиш, нурланиш, конвекция, кондукция:

-хабар берувчилик (сигнал) вазифаси - нерв охирлари томонидан турли таасуротларни қабул қилиш ва МНС га узатиш:

-чиқарувчилик вазифаси - тер безлари орқали модда олмошинувидан хосил бўладиган чиқиндилар ва заарли моддаларнинг чиқарилиши кабилар:

Бошимиздаги соchlаримиз химояловчи ва иссиқликни бошқарилиш жараёнида иштирок этади.

Бадан териси ва соч қаватимиз юқоридаги вазифларни физиологик нормал ҳолда бўлгандагина бажараолиши мумкин. Оддий ҳолатда бадан териси юмшоқ, силлиқ, эгилувчан, кепакланмайдиган ва ёрилиб кетмайдиган, юпқа ёғ қатлами билан қопланган, муайян РН га эга :

-юз териси ва қўлтиқости терисидаги РН - 6,1-6,8 га teng бўлса,

-баданинг қолган қисмида -4-5 га tengdir.

Сочлар нормал ҳолда эгилувчан, ялтироқ, бир ҳил рангда, учлари тўмтоқ эмас ва бош терсида мустахкам ўрнашган бўлади.

Бадан терси ва сочни нопмал физиологик ҳолатда бўлишини таъминлаш учун уни доимо парвариш қилиш йўллари тўғри танланган бўлиши керак. Бадан териси ва соchlарга тўғри парвариш қилиш учун парвариш қилиш воситаларини ҳам тўғри танлаш лозим. Бунинг учун уни ўз вақтида тозалаб туриш, мойланишини назорат қилиш, ўта мойланиб кетмаслигини назорат қилиш ва вақти-вақти билан ювиб туриш керак. Парвариш қилиш воситалари қаторига тоза сув, шампун, совун, крем (мас., ласьон) лардан фойдаланилади.

Сув бадан териси ва соchlарни қисман механик тозаловчи ва терини ҳўл ҳолатда сақланишини таъминловчи воситадир. Аммо, ҳарқандай сув ҳам бадан терисини ювиш учун яроқли эмас, жумладан қаттиқ сув бадан терсини куритиб, кичик-кичик ёрилишларга ва кепакланиб кетишга олиб келади.

Бадан терсига ишлов беришда энг намунали восита бўлиб совунлар хисобланади. Совунларнинг таркибида ёғлар, ишқорий моддалар, маҳсус қўшимчали моддалар бўлади. Бу компонентларнинг қўшилган миқдорига биноан хўжалик ва ювениш совунларига бўлиш мумкин. Хўжалик ёки оддий тилда кир совунининг таркибида асосан ёғлар ва ишқорий моддалар бўлади, шу билан бирга ишқорий моддаларнинг миқдори 30% гача бўлиши мумкин ва бундай совунлар билан бадан терсига ишлов берилганда терининг шох(мугуз) қатламини эритиб юборади ва натижада бадан терси қуриб

кетади ва терининг ёрилишига сабабчи бўлади. Юваниш совунлари ҳам ўзининг таркиби бўйича бир-биридан фарқ қиласди. Бадан терсини ювиш учун мўлжалланган совунлар таркиби ишқорий модда нисбатан камроқни ташкил қиласди ва бундан ташқари бундай совунлар таркибига маҳсус кўшимчалар кўшилади. Мас., бадан териси қуруқ бўлган одамлар учун совун таркибига глицерин, лецитин, тухум сарифи, ўсимликлардан олинадиган экстрактлар кўшилади. Хозирги кунда синтетик ювиш воситаларидан бадан терсини юмшатувчи ва озукли моддалар билан озиқлантирувчи хўжалик совунлари кенг кўламда реклама қилинмоқда ёки бадан терси юзасида бўладиган микрофлораларни ўлдириш хусусиятига эга бўлган триклозан ва трилокарбон кўшилган совунлар тавсия қилинмоқда. Бундай совунлар бадан терисини тозалаш билан бир қаторда уни дезинфекциялаш хусусиятига ҳам эгадир.

Бадан териси ва соchlарни парвариш қилишда кенг кўлланадиган воситалар қаторига шампунларни киритиш мумкин. Уларнинг таркибига суюқ совун, кўп микдорда қўпик хосил қилувчи моддалар, ёқимли ҳид тарқатувчи ароматизаторлар ва маҳсус кўшмалар кўшилади. Шампунлар кам ишқорий ёки нейтрал реакцияли бўлиб, бадан териси ва соchlардаги ёғсимон моддаларни ва бадан терисидан ажраладиган кепак яъни мугуз парбадаларни яхши тозалайди, Агар шу шампунлар таркибига маҳсус аралашмалар кўшмасдан бироз спирт кўшилган тақдирда бош териси ва соchlарни тез куришига олиб келади. Маҳсус аралашмалар кўшилган шампунлар (ўсимлик экстрактлари, лецитин, тухум сарифи) жуда яхши хусусиятларга эга бўлиб, бадан ва бош териси ва соchlарни яхши тозалабгина қолмай, балки уларни озуқлантириш хусусиятига ҳам эгадир.

Юз ва қўллар терисини тозалаш учун лосьонлардан фойдаланиш мумкин. Суюқ лосьонлар ўз таркибида спирт тутади, шунинг учун уни ёғли терига ишлов беришда қўллаш кўпроқ фойдали хисобланади. Қуруқ терига ишлов бериш учун "Миндальное молочко" (данак мағизи сути) ласьонидан фойдаланиш тавсия қилинади.

Лаблар ҳам маҳсус ишлов беришни талаб этади, Лаб терисини парваришлиш учун лаб мойқаламлари ишлаб чиқилган бўлиб, уларнинг асосий таркибий компоненти лецитин хисобланади, Гигиеник рангиз лаб бўёғи, ҳам эркаклар ва ҳам аёллар учун қўлланиши мумкин. Бундай мойқаламлар лаб терисининг эластиклигини ва юмшоқлигини таъминлайди ва лабларни ёрилиб кетишдан сақлайди.

Оғиз бўшлиғи ва тишларни касалланишдан ҳимоя қилиш учун ҳам уларни парвариш қиласиган воситаларни тўғри танлаш катта аҳамиятга эгадир. Оғиз бўшлиғининг нормал ҳолати деганда - оппоқ ва тоза тишлар, силлиқ ва тоза ҳолдаги оғиз шиллик пардаси, оғиздаги нормал микрофлора тушунилади. Оғиз бўшлиғининг PH муҳити - 6,5 атрофидадир. Оғиз бўшлиғини парвариш қилиш воситаларини 3 та гурухга бўлинади:

-механик воситалар - қаттиқ овқатли моддаларни чайнаш, тиш шеткалридан фойдаланиш, тиш ораларини тозалагичлари кабилар. Бу воситалар тиш оралари ва тиш-милк чўнтакларида қолиб кетадиган овқатлардан тозалаш ва тишларда хосил бўладиган юмшоқ пардаларни йўқотиш учун қўлланади

-физик-механик воситалар - тиш ювиш порошоги ва тиш ювиш пасталари, оғиз бўшлиғидаги тишларнинг физиологик ҳолатларига мувофиқ турли ҳилдаги пасталардан фойдаланиш мумкин. Соғлом тишлар учун оддий гигиеник тиш ювиш пасталарининг ўзи кофоя қиласди, чунки уларнинг таркибида чўқтирилган бўр моддаси, ёқимли ҳид ва таъм берувчи ароматик моддалар (отдушки) ва глицерин моддаси бор. Оғиз бўшлиғи ва тишларда бирон бир касаллиги бор бўлган шахслар учун эса даволовчи-профилактик пасталардан фойдаланиш тавсия қилинади. Бундай пасталар таркибига турли ҳилдаги аралашмалар яъни оғизнинг шиллик пардасини яллиғланишдан сақловчи ва антибактериал воситалар қўшилган бўлади. Бизнинг республикамизда тиш кариеси касаллиги жуда кўп миқдорда учраши муносабати билан профилактик тиш ювиш пасталаридан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир, чунки ичимлик суви таркибида фтор элементи етишмайди, Шунинг учун профилактик тиш пасталари таркибига фтор, кальций ва бошқа микро- ва макроэлементлар қўшилади.

Соғлом турмуш тарзининг муҳим элементлари қаторига баданни чиниктириш ва унда қўлланадиган воситалардан тўлиқ фойдаланиш талаб этилади. Аҳолининг қандай тоифаси бўлмасин, улар ўртасида кузатиладиган касалликларнинг таркибига назар ташлайдиган бўлсак, биринчи ўринда нафас олиш органлари касалликлари туради ва уларни қўпинча шамоллаш касалликлари деб номланади. Бундай ҳолат кўпчилик аҳоли организмининг ўзгариб турувчи иқлим ва об-ҳаво шароитларига мослашаолмаслиги оқибати деб қаралади. Организмни чиниктириш ҳам айнан атроф муҳит омиллари таъсирига организмнинг қаршилик кўрсатиш яъни ҳимояланиш қобилиятини кўтариш учун тавсия қилинади. Баданни чиниктирувчи воситалар - қуёш нури, совукроқ ва тоза сув, тоза ҳаво хисобланади. Бундан ташқари маълум даражада баданни чиниктирувчи воситалар қаторига хаммоларда ва сауналарда чўмилишни ҳам киритиш мумкин, лекин баданни чиниктирувчи воситаларнинг энг асосийси, жисмоний тарбия машқлари билан мунтазам шуғулланиш хисобланади. Баданни чиниктиришда қуйидаги асосий принципларга тўлиқ амал қилиш мақсадга мувофиқдир:

1. Қанчалик эрта бошланган жисмоний тарбия шунчалик юқори самарга эга бўлади
2. Чиникишни аста-секинлик билан давом эттириш яъни юмшоқ ва енгил воситалардан бошлаб, қаттикроқ параметрларга ўтиш талаб этилади
3. Баданни чиниктириш мунтазам тарзда олиб борилиши керак: чиниктирувчи процедуралардаги узилишлар, уни янгитдан бошлаш кераклигини кўрсатади.

4. Чиниқтирувчи воситалардан комплекс фойдаланилгандагина энг юқори са марадорликка эришиш мүмкін.

Психогигиенанинг замонавий муаммолари.

Хаётимиз тарзи шиддатли ва шитоб билан кечеётган асrimизда, техника тараққиёти тез содир бўлаётган хозирги шароитда, ҳамда информациялар (маълумотлар) оқими қундан кунга ортиб бораётган бугунги кунимизда Олий нерв системаси фаолиятининг иш ҳажми ҳам ўлчовсиз тарзда кенгайиб бормоқда. Бундай шароитда асаб-рухий силжиш ҳолатлари жуда кенг тарқалади. Бундай ҳолатнинг ўзи одам организми учун тўғридан-тўғри ҳавфли бўлиб хисобланиши билан бир қаторда, бугунги жуда кенг тарқалган гипертония, атеросклероз, ҳавфли ўсма касалликлари, ошқозоничак яраси касалликлари кабиларнинг этиологияси учун катта аҳамият касб этади. Жуда кўп патологик ҳолатлар турли ҳилдаги асаб-рухий реакциялар билан кузатилади ва бундай ҳолатлар организмдаги асосий касалликни оғирлаштириш билан бир қаторда, уларнинг клиник белгиларини ҳам ўзгартириб юборади.

Одам организмидаги асаб-рухий силжишлар унинг ижодий фаоллигини пасайтиради, ижодий такомиллашиши ва баркамоллик ҳамда эзгуликка бўлган интилиш туйғуларини сўндиради. Бундай ҳолатлар кўпинча кучатасодифлари ва аварияли ҳолатларни, аҳоли ўртасида ва корхонадаги ишлаб чиқариш муҳитида турли табиатга эга бўлган жароҳатланишларни келтириб чиқаради.

Одамнинг руҳий ҳолатида кузатиладиган турли-туман ва биз истамаган ўзгаришларнинг келиб чиқмаслигини олдини олишда психогигиенанинг тутган ўрни бекиёс каттадир.

Психогигиена - бу мустақил ва маҳсус фан йўналиши бўлиб, инсонларнинг руҳий саломатлигини сақлаш ва уни мустаҳкамлашга қаратилгандир. Психогигиена фани гигиена фанининг мухим бир қисми хисобланиши билан бир қаторда, бирқатор бошқа фанларнинг умумий фанларнинг мувофиқ келиши шароитида шаклланган. Бундай фанлар қаторига фалсафа, педагогика, психология, педиатрия, терапия, гериатрия кабилар киради.

Соғлиқни сақлаш тизимидағи энг гуманистик ғоя - "профилактика - терапиядан јахши ва устундир" деган ибора тўлиқ маънода амалиётга қўлланиши мүмкін, қачон-ки, тиббий ҳодимларнинг дикқат - эътиборлари касалликка эмас, балки аҳоли ва шахс саломатлигига қаратилган бўлса. Бугунги кундаги тиббиёт "саломатлик" ва "касаллик" ларнинг аниқ ва том маъноларига бўлган интилиш ва қизиқишни кўп жиҳатдан йўқотди десак муболага бўлмайди. Бундай ҳолат биринчи навбатда инсонга шахс сифатида эмас, балки биологик маҳлуқ сифатида қарааш натижасидир. Бироқ тиббиётдаги айрим соҳаларгина бундай таърифдан мустасно бўлиб, улар қаторига психиатрия ва неврология соҳаларинигина киритиш мүмкін. Чунки

бошқа ҳамма соҳаларда одамнинг МНС яъни инсоннинг руҳий ҳолатига деярли эътибор қаратилмайди, Ахир кўп ҳолатларда одамнинг саломатлигига нисбатан ишончли ва сезиларли шикоятлари бўлгани ҳолда, уни объектив текширилдан ўтказилганда ҳечқандай ўзгаришлар топилмайди. Фараз қилиб кўрайлик, одамнинг сезгиси яъни касалликни сезиш қобилияти, унинг психикасининг иши эмасми, психик жараён эса моддий базасиз (субстратсиз) юзага келмайди. Одам организмидаги барча физиологик ва психик функциялар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ ҳолатда бўлади. Демак, бу организмда кечадиган ҳарқандай психик реакция физиологик реакцияларнинг у ёки бу ҳолатдаги кўриниши билан кузатилар экан.

Ҳар бир шахснинг психик тузилиши шахсийдир ва у қайтарилмайди, у ҳарбир шахснинг психик ҳолати ва психик жараёнлари билан аниқланади. Психик жараёнлар (сезги, идрок қилиш, диққат, хотира, иродади) ва психик хусусиятлар (шахснинг табиати, мижози (темпераменти), маҳорати, ишончи, қизиқиши) кабилар психогигиенанинг диккат - эътиоридаги асосий объектлар хисобланади.

Психогигиенанинг тарихи ўзининг илдизи билан узоқ ўтмишга бориб тақалади. Антиқ дунёдаги Гиппократ ва Галенлар ўз даврларида психогигиенага таалуқли бўлган муҳим масалаларни илгари сурғанлар. Марк Туллия Цицероннинг "Дўстлик ҳақида"га асарида айтилишича, одамлар ўртасидаги дўстлик ришталари саломатликни тикловчи муҳим омиллардан бири деб қаралган. Абу Али Ибн Синоннинг "Тиб қонунлари" китобида психогигиенага таалуқли бўлган муаммолар келтирилган бўлиб, уларнинг одам кайфиятига таъсири ҳақида сўз юритилган. Мас., табиий ёруғликнинг кайфиятга таъсири, бир маромдаги ҳаётнинг аҳамияти, инсоннинг ўз эҳтиросини бошқара олиши ҳақидаги фикрларни уқишимиз мумкин. Буларнинг ҳаммаси одамларнинг руҳий мувозанатини саломатликка қандай таъсир этишини билганликларидан далолат беради.

Хозирги замондаги илмий психогигиена 18- асрнинг охирларида келиб шаклланабошлаган, чунки руҳий касалликлар бошқа турдаги касаллик қаторида тан олинган ва бу касаллик ҳам ўрганилиши, сифатли даволаниши ва касалликни келиб чиқмаслигини олдини олиниши лозимлигини талаб қиласди.

Замонавий психогигиенанинг асосчиси бўлиб Б.Э. Фейтерслебен ("Рухни сақлаш масалалари"), Ф.Шольц ("Жонни сақлаш масалаларига доир"), Вирхов - "ижтимоий психогигиена" ни яратган олимлар хисобланади. Кейинчалик З.Фрейд - психоанализ ва психотерапияга асос солди, И.П.Павлов - Олий нерв фаолиятининг физиологиясини асослади кабилар. Психогигиенанинг ривожланишига Россияда яшаб ижод этган врачлар И.П.Мерjeevский, С.С.Корсаков, В.М.Бехтеров ва бошқалар катта хисса қўшганлар.

1910 йилда психогигиена бўйича Халқоро асоссиация тузилган бўлиб, руҳий касалликларнинг тезлик билан кўпайиши муносабати билан уларни олдини олиш мақсад қилиб қўйилган, аммо 1930 йилларгача дунё миқёсида руҳий касалликлар масаласига етарлича эътибор берилмаган.

1930 йиллардаги дунё миқёсида кузатилган иқтисодий депрессия, ундан кейин иккинчи жаҳон уруши йилларидағи мураккаб ижтимоий давр руҳий касалликларни кескин қўтарилишига сабабчи бўлган. 1948 йилда Лондон шахрида руҳий саломатликка бағишлиланган учинчи Халқоро конгресс бўлиб ўтди ва унда Бутун дунё руҳий саломатлик федерацияси (ВФПЗ) ташкил этилди. 1949 йилда Бутун дунё Соғлиқни сақлаш ташкилотининг Ассамблеяси бўлиб ўтди ва унда дунё халқларининг руҳий соғлигини сақлаш муаммоларига доир кечиктириб бўлмайдиган масалалар қаторида психогигиенага ҳам эътибор қаратилди. ВОЗ таркибида психогигиена бўлими ва эксперталар қўмитаси ташкил қилинди (38 та мамлакатдан 100 та консультант). Комитет ишининг асосий принциплари қўйидагилардан иборат:

1. Ҳарбир давлатнинг соғлиқни сақлаш вазирлиги қошида миллий психогигиена бўлимларини ташкил қилиш;
2. Асосий диққат-эътиборни болалар контингентига қаратиш, чунки бу гурӯҳга кирувчи ахоли профилактик тадбирлар кўлланганда энг яхши самара берувчи гурӯҳ хисобланади;
3. Турли соҳадаги мутахассисларнинг диққат-эътиборини психогигиена соҳасига қаратиш ва ўзларининг иш фаолиятларида ўз соҳаларига доир беморларнинг руҳий ҳолатлари ва олий нерв фаолияти ҳолатидан келиб чиқсан ҳолда даволаш усусларини қўллаш;

1960 йилда эълон қилинган илмий мақолаларнинг бирида (1960 йил Бутун дунё халқлари ўртасида руҳий саломатлик йили деб хисобланган) кўзга кўринган психогигиенист X.Менгнинг ёзишига кўра -"замонавий психогигиенанинг зиммасига руҳий касалликлар эпидемиясини келиб чиқмаслигини олдини олиш, невротик анамалиялар, псевдопараноидли алаҳисираш ҳолатлари, ирқий хурофот ва бидъатларга қарши кураш олиб бориш вазифасини юклаш лозимлиги" айтилган эди. X.Менг жуда кўп руҳий касалликларнинг келиб чиқиши сабабларини ижтимоий ва иқтисодий танглик, ахолининг ишсизлиги сабабли келиб чиқиши мумкинлиги ҳакида ишончли ғояларни илгари сурган.

Вронский ва Кронфельдларнинг ўтказган текширишларининг натижасига кўра, узоқ муддат давомида минимал турмуш таъсири, эртанги кун ва келажакка бўлган ишончнинг йўқлиги таъсирида одамларда бир қатор руҳий ўзгаришларни келиб чиқишини ва унинг психик саломатликка боғлиқлигини кўрстаганлар. Бундай касаллик ҳолатлари аёлларда организмнинг тез қаримсиқ ҳолатга келиши, ташқи таъсуротларга тез берилувчанлик ва тез аччиқланиш ҳолатлари, фаолликнинг сўниши; эркак кишиларда эса - харакат жонсараклиги,

атрофдагилар билан кам мулоқатда бўлиш, атроф муҳит тааъсуротлари ва одамларга бўлган эътиборсизлик, сезгиларнинг асталик билан йуқолиб бориши кузатилади.

Бундай ҳолатлар одатда умумий невроз ҳолатларида, ҳамда шизофрения касаллигининг охирги босқичларида кузатиладиган касаллик белгилариридир.

Хозирги қунда рухий касалликлар бўйича Халқоро федерация (ВФПЗ) 50 дан ортиқ давлатлардан 160 тадан кўп ташкилот вакилларини ўз таркибига олган.

Бизнинг давлатда ҳам психогигиенага доир текширишлар ва муаммоларнинг ҳал этилишини, замонавий талабларга жавоб бермайди деб айтиш мумкин.

В.З.Мартынюк ва Б.М.Штабскийларнинг образли ифодалашларига кўра (1968) собиқ Иттифоқ миқёсида аҳолининг асаб-рухий саломатлик ҳолати "кўз илғамас даражада камтаронадир". Айтиш лозим-ки, бизнинг бугунги кундаги жамиятда рухий соғломлик муаммолари мамлакатимиздаги ижтимоий-иктисодий тифиз шароитда катта эътиборни талаб қиласи ва психогигиенага доир муаммоларни ҳал қилишдан анча йироқда деб хисоблаш мумкин. Бу муаммолар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- энг оптималь шароитларга эга бўлган даволаш муассасаларини яратиш;
- психоз ва неврозларнинг даволаш муаммолари;
- рухий касалликка чалинган bemорларни реабилитацияси ва уларни ижтимоий хаёт ва меҳнат фаолиятига кайтариш;
- психик ва психосоматик касалликларнинг этиологиялари ва патогенезлари муаммолари - бундай ҳолатлар кам таъминланганлик, ижтимоий адолатсизлик, ишсизлик, бир ҳилдаги турмуш тарзи, ижтимоий ҳимояланиш, турли сиёсий ва ижтимоий можоролар, айрим шахсларнинг тақибга олиниши кабилар;
- оила ва меҳнат шароитида юзага келадиган можоролар;
- меҳнат ва дам олиш шароитларини оқилона ташкил этилмаганлиги, ишлаб чиқариш муҳитидаги номувофиқ таъсир этувчи омиллар (шовқин, асаб-рухий зўриқишлиар, гиподинамия кабилар);
- носоғлом турмуш тарзига доир муаммолар.

Кўрсатиб ўтилган муаммоларни ҳал қилишда ҳарбир муайян жойда айрим шахсларнинг танлаб ва ўз ишига мувофиқлигини аниқлаган ҳолда лавозимларга сайлаш, ўтказиладиган профилактик тадбирлар ҳам муайян аҳоли гуруҳи учун қаратилган бўлиши лозими, чунки кўпинча бу тадбирлар

оммавий тарзда ўтказилиши аҳолининг руҳий ҳолатига янада кучлироқ таъсир кўрсатади. Айтилганларнинг барчасини инобатга олган ҳолда психогигиенанинг қуидаги томонлари ва йўналишлари мовжуддир: ёшга доир психогигиена, ақлий ва жисмоний меҳнат психогигиенаси, оила ва никоҳ психогигиенаси, беморлар ва қариялар психогигиенаси.

Психогигиенанинг асосий бўлимларига умумий характеристика.

Ёшга ид психогигиена болалар ва ўсмирлар психогигиенасининг асосий саволларини ўз ичига олади (болаларни тарбиялаш ва ўқитиш психогигиенаси). В.В.Бехтеровнинг фикрига кўра атроф муҳитдаги у ёки бу омиллар ва шароитлар таъсирида болалардаги руҳий ҳолатнинг ўзгариши эрта ёшлидан бошлаб шакллана бошлайди. Эркатойлик, пайпаслаш шароитида ўстирилган болада мақтанчоқлик, арзимаган нарсаларга асабийлашиш, жазаваси тутадиган хусуситялар шаклланади. Ўта талабчанлик руҳида тарбияланган болаларда эса, психоастеник тарзидаги шахслар етишиб чиқади, бундай болаларда мустақиллик элементлари шаклланмайди, шахсий тарзда бирон бир хулосага келиш кузатилмайди, доимо кимларнингдир буйруқлари ва кўрсатмалари бўйича ишлаш мужассамланади.

Шундай қилиб, нотўғри тарбия кўп ҳолларда болаларда невроз ва енгил табиатли психопатларни шаклланишига имкон яратади. Яна шу нарсанни назарда тутиш керакки, болалардаги руҳий фаолиятлар мувозанатлашган бўлиши учун улар билан оиласда фақат тўғри муносабатда бўлишликнинг ўзи етарли бўлмай, балки турли кўринишдаги ўйинлар, турли янги-янги тааъсурот қолдирувчи вазиятли машқалар муҳим ўринни эгаллайди. Агар катталар томонидан болани тўғри йўлга йўналтирувчи кўрсатмалар бўлмаса, у ҳолда болаларда айрим ҳилдаги ўйинлар ва тааъсуротлар кўрқувга сабабчи бўлади ва уларда ана шундай вазиятларда тажовузкорлик ва босқинчилик каби ҳолатларга истак туйғулари шаклланаборади.

Болаларни мактабда ўқишига эрта ёшдан тайёрлаб бориш муҳим аҳамиятга эгадир, чунки мактаб шароитида оиласдаги ёки мактабгача ёшгача бўлган муассасалардаги шароит оиласдаги шароитдан фарқли улароқ болаларда ўқишига бўлган талаб ва вазифаларни бажариш шароитига мажбур қиласди. Болани ўқишига тайёрланмаган тақдирда эса бундай шароитга кўникма хосил қилиш жуда мураккаблик билан боради. Қоида бўйича болалар муассасаларига қатнаган болалар "уй" болаларига қараганда мактаб шароитига тезроқ кўникма хосил қиласдилар.

Ўқиши жараёнида болалар ва ўсмирларни тарбиялашдаги асосий принциплар, ўқишига ва тарбияга доир қўйиладиган талабларни уларнинг ёшига нисбатан МНС фаолиятларининг имкониятларини инобатга олган ҳолда ўрнатиш муҳимдир. Ўқувчиларнинг кун тартиби ва ўқув жараёнларининг барчаси болалардаги ақлий зўриқиши ва толиқишиларнинг келиб чиқмаслигига қаратилган бўлиб ва дам олиш соатларини самарали

ташкил этилишини талаб қилади. Булар қаторига болаларнинг ёшига қараб дарс машғулотларининг давомийлиги, танаффусларнинг давомийлиги, дарс жадвалларининг оқилона тузилганлиги, ўқитувчилар томонидан болаларга тўғри методик ёндошиш, ўқув соатларидан кейинги вақтларни тўғри ташкил қилинишига доир тадбирлар болалардаги меҳнат ва иш қобилиятининг ёшга доир динамик ўзгаришини хисобга олган ҳолда ташкил этилиши талаб этилади. Кўрсатилган ҳолатларнинг барчаси, айниқса ўсмир ёшидаги болалар учун "иссиқхона эфектини" яратмаслиги лозим, шу билан бирга ҳаддан ташқари бўлган ақлий ва жисмоний юкламалар ҳам, ва айниқса бундай юкламалар боланинг қизиқишига мувофиқ келмаса, жуда номувфиқ психогигиеник омил бўлиб таъсир кўрсатади. Бундай номувфиқ ҳолатларга нотўғри тузилган кун тартиби ёки тўғри тузилган кун тартибига риоя қилмаслик, ўта мураккаб ақлий юкламалар, тўла қийматли дам олиш шароитларининг яратилмаганлиги оқибатида юқори синф ўқувчилари, ўрта маҳсус ва олий ўқув юртлари тингловчиларида хозирги кунда тез тез-тез қайд қилинаётган астено-вегетатив, астено-невротик реакцияларни, вегетатив дистония, артериал гипертензия ёки гипотония, ақлий толикиш ва ўта толикиш ҳолатларини келтириб чиқаради.

Шу билан бир қаторда болалар томонидан фанларни ўзлаштиришга бўлган иштиёқнинг йўқлиги, маънавий қизиқиш ва интилиш туйғулари бўлмаса ва бундай болаларга нисбатан зарурӣ чора-тадбирлар кўрилмаган тақдирда, шундай болалар ўртасида гиёҳвандлик ва токсикоманияга ружу кўйиш шароити яратилади ва бундай болаларнинг табиатида қаттиққўллик, кўполлик, агрессивлик, жиноятларни содир қилишга мойиллик жиҳатлари шаклланади.

Ўсмирлик даврининг энг муҳим хусусиятларидан бири жинсий этилиш вақти хисобланади. Бу даврда болалардаги ташки кўринишнинг ўзгариши билан бир қаторда, кўпгина ички органларнинг физиологик такомиллашиши, ҳамда руҳий жараёнларнинг ўзгариши кузатилади. Содда, ғўр, дўлварлик хусусиятлари ўрнига ҳаётӣ муҳитга нисбатан бошқача тарзда қарайдиган муносабатлар пайдо бўлиб, биринчи вақтда хулқ ва табиатдаги нобарқарорлик, қарама-қарши ақлий фикрлашлар кузатилиб, бундай ҳолатлар кейинчалик янгича онг ва тафаккурни, янгича фикрлаш хусусиятларини пайдо қиласди. Аммо, бундай янгича фикрлаш ва воқеаларнинг моҳиятларини англаб этишга оид хусусиятларнинг шаклланиши учун маълум муддат керак бўлади. Шунинг бу даврла ўсмирларда руҳий ҳолат (психика) ноустувор яъни барқарор бўлмайди, харакатланишга бўлган иштиёқнинг кучлилиги, қувончли ва хафалик ҳолатларнинг тез-тез алмашиниб туриши, ўзига тўлиқ ишониш ёки хадиксираш ҳолатлари, пайдо бўлган фикрдан қайтиш ҳолатлари кузатилиши мумкин. Бу даврда ўсмирлар организмига ҳаддан ташқари кўп маълумотларни бериш, уларни таъсуротларга жалб қилмаслик талаб этилади. Акс ҳолда бундай шахсларда улар организмида невротик

холатларни юзага келиши, рухий холатни издан чикиши мумкин. Айтиб ўтилган холатларга ўз вақтида эътибор қаратилмаса, зарурий тадбир-чоралар кўрилмаса ўсимрлар ўртасида заарли одатларга берилиш, нотўғри йўлга кириш, гиёхвандлик, токсикоманлик кабиларга берилиши табиий бир ҳолдир. Шу билан бир вақтда шундай шахсларда ичувчи, чекувчилар кўпаяди, жинсий бузуклик йўлига кириш ҳоллари кузатилади.

Шундай қилиб, ёшга доир психогигиена қўйидагиларни назарда тутиши керак:

- оилада оила аъзолари ўртасида психологик иқлимини мувофиқлаштириш;
- ўсувлари организмнинг физиологик хусусиятларига мос келадиган психологик юкламаларни бериш;
- болалар ва ўсмирларда ўқишига нисбатан ижобий муносабатларни шакллантириш;
- психоастеник, бола табиатидаги невротик хусусиятларни, тажовузкорлик, қаттиқ ўллик, жиноятлар қилишига мойиллик хусусиятларини келтириб чиқарадиган омилларни бартараф қилиш;
- энг оптимал кун тартиби, ўқув машғулотлари ва тўла фийматли дам олиш шароитларини яратиш;
- болаларни маънавий қизиқтириш руҳида тарбиялаш, оилада ва мактабда юқори фаоллик даражасидаги ижодкорликка бўлган қизиқишини уйғотиши.

Ақлий ва жисмоний меҳнат психогигиенаси. Замонавий меҳнатнинг ўзига хос хусусиятларидан бири ақлий меҳнатнинг жисмоний меҳнатдан устунлиги хисобланиб, кундалик турмуш ва ишлаб чиқариш шароитида ҳарқандай меҳнатни автоматлаштириш, механизациялаштириш, роботлаштириш жараёнида одам организмida рухий-асаб зўриқишиларнинг ортиб кетганлиги билан таърифланади. Бундан ташқари, ижодий жараёнларнинг диапозони ҳам кенгайиб, янги-янги ғояларнинг, ихтиrolарнинг, таҳлилий хуросалар сонининг ортиб боришига шароит яратилмоқда. Буларнинг ҳаммаси инсон онгининг ақлий жиҳатдан ривожланишига янги талабларни келтириб чиқаради, юксак заковатли бўлишни талаб қиласди.

Ақл-заковатнинг муҳим сифатлари (аниқ ва мантиқий фикрлай олиш, маълумот ва таъсуротларни ҳар томонлама чуқур таҳлил қила олиш, ўз фикрига танқидий ёндошиш) фақатгина касбий фаолиятлар учунгина муҳим бўлмай, балки атрофдагилар билан ўзининг муносабатларини тугри ўрнатаолиш, ўз имкониятларидан унумли фойдалана олиш хисобланади.

Ақлий меҳнат шароити нотўғри ташкил қилинганда Джериннинг (Франция, 1917) атамасига кўра "мия сезгисининг камчилиги" (дефицит мозговоги чувства) ҳолати келиб чиқади. Бундай ҳолатда одамда фаол

диққат-эътибор тез сарфланади, кўп маълумотларни эсдан чиқариш, хотирианинг пасайиши, кайфиятнинг ўзгариб туриши, бош мияда турли табиатдага шанғиллаш ва бошнинг оғирлашиш ҳолатлари кузатилади. Бундай кўринишлар руҳий касалликлар тоифасига кирмайди, аммо у меҳнат қобилиятини пасайтиради, ўз касбига ва ўзига бўлган ишонч туйғуларини пасаяётгандек сезгиси келиб чиқади, худди оғир касалликка чалиниб қолаётгандек хиссиётлар пайдо бўлади. Баъзиларда худди оғир ва даволаб бўлмайдиган чалингандик туйғулари сабабли, уларда қўрқиш ва касбларини ташлаш, ўзига енгилроқ иш қидириш фикри туғилади, ёки ногиронликка чиқиш истаклари пайдо бўлади.

Мураккаб асбоблар, жиҳозлар, компьютер техникаларига хизмат кўрсатувчи меҳнат билан боғлиқ бўлган ишчиларда юқори даражадаги асаб-рухий зўриқиши ҳолатлари кузатилади. Шундай касбдагилар учун меҳнат шароитларини нотўғри ташкил этилиши, психогигиена элементларига риоя қилмаслик ёки уни инкор этиш туфайли шундай касбдагиларда кўпинча невроз ҳолатлари кузатилиб, юқори даражадаги таъсирчанлик, адекват бўлмаган ва нотўғри реакциялар, уйқунинг бузилиши, тез толикиш каби ҳолатларнинг келиб чиқиши кузатилган.

Юксак ақл-заковатни талаб қилмайдиган ва мураккаб яратилган машина ёки механизмларни бошқармайдиган касбдаги ишчи ва хизматчиларда асаб-рухий зўриқишилар бўлмайди деб айтиш хато бўлади. Олиб борилган кузатишларнинг яқунига кўра номувофиқ омиллар (шовқин, тебраниш, кимёвий омиллар, яхши ёритилмаган иш жойлари, иш жойларини оқилона ташкил этилмаганлиги кабилар) нинг таъсир этиши шароитида, жадал жисмоний меҳнатни бажариш жараённада ишчилар организмида бир қатор невротик ўзгаришлар келиб чиқади, чунончи диққат-эътиборнинг пасайиши, тез толикиш, уйқунинг бузилиши, бош оғриши, организмнинг асталик билан астенизация ҳолатига ўтиши кузатилади.

Ақлий ва жисмоний меҳнатларни бажаришда юзага келадиган невротик силжишларни олдини олишга қаратилган психогигиеник тадбир - чоралар специфик хисобланмайди, балки кўрсатилган ўзгаришларни олдини олишда ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Бундай тадбирлар қаторига қуидагиларни киритиш мумкин:

-оқилона овқатланиш, фаол дам олиш, тоза ҳавода кўпроқ бўлиш ва ўртача жадалликдаги жисмоний ишларни бажариш;

-иш жойларини оқилона ташкил қилиш, иш жойларининг яхши ёритилганлигига эътибор бериш, иш жойининг қулай бўлиши, қўшимча жиҳозларнинг қулай жойлаштирилганлиги;

-ақлий меҳнат учун - аниқ иш режаси ва мақсадига эга бўлиш, диққат-эътиборни асосий ишни бажаришга қаратиш, мақсадли ишни ташкил қилиш;

- касб танлашда шахсларнинг психологик имкониятларини хисобга олиш (асосий ишни жон куйдириб бажариш);
- ишлаб чиқариш дизайнни: хоналарнинг етарли миқдорда бўлиши, асбоблар ва жиҳозларнинг тўғри жойлаштирилганлиги, хона деворларининг энг оптимал рангга бўялиши, иш жойларининг эстетик жиҳозланганлиги;
- керакли жиҳозларга эга булган руҳий хотиржамлаштириш хоналарининг ташкил этилиши, чарчоқ ва зўриқиши тарқатувчи шароит (юмшоқ мебеллар, гуллар, тинч ва ёқимли мусиқий куйлар, қушлар, фавворалар ва б.к.);
- таътил муддатларини оқилона ташкил қилиниши.

Оила ва никоҳ психогигиенаси. Оила-бу кичик жамоа шакли бўлиб, ўзининг бир қатор специфик хусусиятлари ва ўзига хос ананалари, оила аъзоларининг ўзоро муносабатлари, ўзига хос турмуш тарзи, одатлари билан бир-биридан фарқ қиласи. Оилавий муносабатларнинг психогигиеник масалалари жуда кам ёритилган, ваҳоланки бир оила ичидаги ўзоро муносабатлар, ҳарбир шахснинг психик ҳолатини белгилаб ва аниқлаб берувчи омил эканлигини ҳамма билади.

Оилада учраб турадиган турли драма ва психологик ҳолатларнинг келиб чиқишида ота-она ўртасидаги ўзоро муносабатларнинг муносиб эмаслиги, бир-бирини тушуниб етмаганлиги (айниқса катталар ва кичиклар ўртасидаги муносабатда), кўпинча оила бошлиғи хисобланган эркак кишининг ва айрим ҳолларда аёлларнинг ичкиликка ружу қўйишлари оқибатида оила аъзолари ўртасида эгоистик хусусиятларни, бир-бирига ён босмаслик ва ўзоро хурматсизлик хусусиятларини шакллантиради.

Оилавий муносабатлар яхш йўлга қўйилган оилаларда жуда яхши психологик иқлим, яхши муносабатлар юзага келади, бундай оилаларда ота-онага, буважон ва бувижонларга ҳурмат ва эҳтиром, ёшларга нисбатан дикқат-эътибор ришталари шаклланади. Бундай оилаларда оилавий юмушлар оила аъзолари ўртасида teng тақсимланади.

Амалдаги ананавий хусусиятлардан келиб чиқсан ҳолда оиладаги энг асосий шахс ота хисобланади ва у оилани моддий ва маънавий томондан таъминлаб, назорат қилиб боради. Аммо хозирги қунга келиб, оила боши бўлган эркаклар ўз вазифаларни аксарият ҳолларда аёлларга бериб, оилани бошқариш аёлларнинг зиммасига ўтиб қолаётганлиги ҳечкимга сир эмас. Бозор иқтисодиёти шароитида кўпгина ёшлар бозорга ўтиб, оиланинг асосий таъминотчиси вазифасига ўтиб бормоқда, оиладаги эркак эса ўз вазифасини аёлларга бўшатиб бераётганлиги ачинарли бир ҳолдир. Лекин, қандай бўлганда ҳам, оиладаги психологик вазиятни ва айниқса ижобий вазиятни юзага келтирувчи аёл хисобланади. Оилавий муносабатларни яхшилаш, айрим ҳолларда муносабатларни юмшатишида аёлларнинг тутадиган ўрни

беқиёс каттадир. Аёллар оиладаги асосий юмушларни бажарибгина қолмай, балки улар халқ хўжалигининг турли соҳаларида - корхоналарда, илмий ва ўқув муассасаларида, бошқарув органларида фаол иштирок этиб келмоқда. Аммо ҳамма эркаклар ва уйдаги фарзандлар ҳам аёллар ёки ўз оналарининг бундай фаолиятларини кўп ҳолларда ижобий деб баҳоламайдилар ва улар билан бир ҳил шароитда эмасликларини изҳор қиласидилар.

Аёлларни икки томонлама жабрлаш - ҳам оилада ва ҳам иш шароитида ишлаши кўпчилик ҳолатларда оилавий можороларнинг келиб чиқишига асосий сабабчи бўлиб қолмоқда ва оилаларнинг бузилиб кетишига асос бўлмоқда. Оилаларнинг бузилиши факат бир ёки бир нечта давлат миқёсида бўлмай, балки бутун дунё мамлакатларида ҳам бу жараённинг кун сайин ортиб бориши қайд қилинмоқда. Демак, аёлларнинг амалдаги тенгизлигини йўқотиш оиладаги психогигиенанинг энг муҳим тадбирларидан бири хисобланади. Шу билан бир қаторда ёшларни, янги турмуш қуриш ёшига етган йигит ва қизларни бўлажак ҳаётга тайёрлаш ҳам муҳим тадбирлардан биридир. Иккинчидан давлат ва жамият томонидан ёш оилаларни моддий ва маънавий таъминлашнинг аҳамияти жуда каттадир. Оиладаги психологик иқлим кўпинча эр ва хотиннинг ўзаро муносабатига боғлиқ бўлади. Оиладаги тўлиқ гармония ва мутлок равиша жанжалларнинг бўлмаслиги амалда камдан-кам учрайдиган ходисадир, айниқса ҳозирги шароитдаги одамлар учун бунинг акси энг характерли хисобланади. Оилавий ҳаётни таҳлил қилишга доир статистик маълумотларнинг натижасига кўра оила қурилгандан кейинги 3 йил давомида ажрашиб кетганларнинг сони ортиб бораётганлиги аянчли бир ҳолдир. АҚШ-дан олинган маълумотларга кўра уч йил ичидаги ажралишлар 50,9%, 49,1%, 45,7% ни ташкил этилганлиги юқоридаги фикримизга далил бўлаолади. Оиладаги эр ва хотин ўртасидаги можоролар кўп ҳолларда эр ёки хотиннинг оғир невротик ҳолатларга этиб боришига сабабчи бўлувчи омиллар хисобланади; ҳаттоқи оилавий жанжаллар сабабли ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари ҳам учраб туради. Кузатишларнинг якунига кўра оилавий жанжалларнинг келиб чиқишига қуидаги сабаблар асос бўлар экан:

- эр ва хотин ўzlарида бўлган шахсий хусусиятларни яхши тушуниб етмаганлиги;
- эр ва хотин ўртасидаги тенг ҳуқуқийлик талабларига риоя қилинмаганлик;
- оиладаги юмушларнинг тенг тақсимланмаганлиги;
- оилада бўш вақтлардан унумли фойдаланмаслик;
- жинсий муносабатлардаги назокатларнинг йўқлиги ёки бу муносабатларнинг инобатга олинмаганлиги;

- эмансипатия билан боғлиқ бўлган (аёлларнинг озодликка чиқиши, тенг ҳукуқийлиги) ҳолатларини жинсий муносабатларда инобатга олинмаслиги;
- эр ва хотин ўртасидаги интим муносабатларда ўтмишдан қолган одатлар, чеклашларнинг таъсири;
- жинсий муносабатларда очиқ ва илиқ муносабатлар бўлмоғи лозим.

Кўрсатимб ўтилган сабабларнинг ҳарбири эр ёки хотиннинг қандай оиласада тарбия кўрганлигига боғлиқ ҳолда кузатилиши мумкин, шу билан бир қаторда ҳарбир шахснинг характеристи ва оилавий турмушга қандай даражада тайёрланганлигига боғлиқдир.

Оила ва никоҳ масалалари бўйича психопрофилактик ишларнинг муҳим қисми бўлиб, оила муаммоси бўйича ижтимоий институтларнинг яратилиши хисобланади. Республикаизнинг деярли ҳамма вилоятлари, шахарлари, туман марказларида оила ва никоҳ бўйича консультация хоналари ташкил этилган, аммо қўп ҳолатларда уларнинг роли эр-хотин ўртасидаги жинсий муносабатларга диор савол ва жавоблар билан чекланиб қолмоқда. Айтиш лозимки, бундай хизмат хоналари таркибida фаолият кўрсатувчилар ичида психологлар, педагогларнинг бўлиши мақсадга мувофиқ бўлиб, улар ҳарбир муайян конфликтли вазиятларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлашлари, эр ва хотин ўртасидаги муносабатларни яхшилашга қаратилиши керак. Шундай муассаса қаторига "Ишонч хизмати" кабинетлари мисол бўлаолади. Бу муассасаларининг вазифаси ҳарқандай шароитда ҳам мурожаат билан келган оилаларнинг критик вазиятларини таҳлил қилиш ва уларга иобий натижа берадиган маслаҳат ва тадбирларни ишлаб чиқиш вазифаси топширилиши керак.

Психогигиенанинг муҳим қисмларидан бири бўлиб гериатрик психогигиена хисобланади. Хозирги кунда дунёдаги барча мамлакатлар ва давлатлар ахолисининг ўртacha умр кўриш муддати йилдан-йилга ошиб бормоқда; ўз-ўзидан кўриниб турибди-ки, бундай жараён бир қатор муаммоларни юзага келтириб чиқаради. Статистик маълумотларнинг хабарига кўра 80% дан ортиқ қарияларнинг тақдири хозирги кунда жамият ҳаётидан ташқарида қолганлигини кўрсатади, табиий-ки, бундай ҳолат бу ёши ўтган инсонлар организмида руҳий ва физиологик силжишларнинг келиб чиқишига асос бўлади.

Ёши улғайиб бораётган одам организмида шахсий хусусиятларнинг, ноадекват реакцияларнинг тарисформацияси номоён бўлабошлайди; ҳаётга, эртанги кунга ишончсизлик, ўз-ўзидан норози бўлиш хиссиёти, кайфиятнинг бузилиши, яккаланиб қолишдан қўрқиш хиссиёти, моддий қийинчиликларга дуч келиш қўрқуви каби ҳолатлар юзага келади. Ёши ўтаётган одамларнинг кўпчилиги пессимист бўлиб қолади, ҳаётий муваффакиятлардан қувониш пасаяборади, ташки дунёга бўлган қизиқиш камаяди, ўз бадани ва организмига бўлган диққат-эътибори ортаборади. Ёш ўтган сайин одамда

рухий фаоллик пасаяборади, хаётдан, кундалик турмуш безиш, сикилиш ҳолатларни устунликка эришади, невроз ҳолатлари пайдо бўлади ва у узоқ муддат давом этиши мумкин. Жуда кўп ёши ўтган одамларда психопатологик синдромлар: астено-вегетатив ҳолат, алаҳсираш, хотиранинг пасайиши, адашиш ҳолатлари, руҳий ҳолатнинг парчаланиши кузатилади.

Албатта кўрсатиб ўтилган белгилар ҳамма ёши ўтган одамларда бўлиши кузатилавермайди ва ҳаммада ҳам бир қўринишда номоён бўлмайди. Жуда кўп ёши ўтаётган кишиларда қарилик ёши яқинлашиши билан уларда саҳоватлик, ақли донолик, ёшларга нисбатан ғамхўрлик, ҳарбир вазиятли масалага ижобий ёндошиш, маслаҳатгўйлик хусусиятлари юзага келади. Илмли ва ўқимишли кишиларда регрессия даражаси секин ва кўзга кўринмас даражада бўлиб, қоида бўйича бундай ҳолат юқори даражадаги ўқимишли кишиларда ёрқинроқ кўринишга эга. Халқимизда шундай доно бир мақол бор: "Илм билан машғул бўлган кишиларни қарилик четлаб ўтади".

Қари ёшдагилар психогигиенасининг асосида атрофда бўлаётган жараёнларга тўғри ёндошиш хусусияти жуда хосдир.

Ларошфуконинг фикрига кўра қаришни ҳам билиш керак ва бу йўналишда ҳарбир шифокорнинг вазифаси шундан иборат-ки, одамларда физиологик қариш ва кексайишнинг физиологик асосларини одамларга асталик билан уқтириб, ўргатиб бориш хисобланади. Одамларни кексайишга ўргатиш қуйидаги элементларни ўз ичига олади:

-кексайиш - бу объектив жараён, бу жараёнда атроф муҳит омилларига бўладиган талабларни қисқартириш лозим, жумладан, ўз фаолиятини бироз бўлсада қисқартириш, кексайишни куч орқали секинлаштиришга уринмаслик кераклигини ҳарбир одам англаб етиши лозим.

-кексайган чоғда ҳам соғлом ва фаол бўлиш учун юқори даражадаги интеллект, спорт машқлари билан шуғулланиш ёрдам беради

-руҳий кайфият, кексайиш учун руҳан тайёрланиш, бу жараённи оптимистик тарзда кутиб олишга шароит яратади

-жамоат ишида фаолият кўрсатганлардаги кексайиш жараёни, ёлғиз яшайдиганлардагига қараганда кечроқ рўёбга чиқади

-ҳарбир одам ўзини қариликда белгиланадиган нафақага ўз вақтида чиқишига тайёрлаб бориши лозим

-янги қарилик турмуш тарзига мослашиш, илгариги касбдошлари билан алоқаларни узмаслик, моддий таъминланганликнинг аҳамияти жуда каттадир.

Кексайган ва ёши ўтган шахсларда кузатиладиган белгиларга атрофдаги одамлар бефарқ бўлишлари, қарияларга нисбатан ҳурмат ва эҳтиромли бўлиш талаб этилади.

Психогигиенага диор саволларни ёритиш билан бир қаторда хозирги кунда одам организмига таъсир этувчи руҳий зарбалар (стресс) ларнинг аҳамиятини назардан чиқармаслик керак.

Стресс - ташқаридан бўладиган кучли руҳий зарбага нисбатан шу шахс организми томонидан бўладиган жавоб таъсиrlаниш демакдир. Физиологик нуқтаи-назардан стресс - одам организмига ташқаридан бўладиган кучли таъсиrotга чидаш усули маъносини беради.

Замонавий саноати кучли ривожланган жамиятда инсон организми тараққиёт ва цивилизациянинг таъсирига ўзига хос тарзда жавоб қайтармоғи керак. Стресс ўзининг кўринишлари бўйича кўп қирралидир. Шунинг учун одамнинг руҳий ҳолатини ва бир қатор касалликларнинг келиб чиқишида муҳим аҳамият касб этади: маълумки стресс ҳарқандай касалликни келтириб чиқариши мумкин. Аммо, Г.Селье айтганидек, стресс - бу фақат кўрқинч ва кўнгилсиз воқеа бўлмай, балки катта эзгуликдир, чунки стрессиз ва унинг турли- туман таъсиrlарисиз ҳаётимизда келажакка ва муваффақиятларга қараб интилиш содир бўлмаган бўлур эди. Стресс фақат қайғу ва кулфатларни келтириб чиқармасдан, организмимизни турли таасуротларга қарши курашиш ва чиниқтириш тадбирларини қўллашга мажбур қиласди. Унумли ва тўла қийматли ҳаёт кечирадиган ҳарқандай одам турли стрессли вазиятларга учрайди ва уларнинг таъсирида бўлади. Шунинг учун И.С.Аксаков кундалик ҳаёт тарзига мурожаат қилиб шундай ёзади: " Менга бўронлар ва кулфатларни юбор, қайғули кунларни баҳраманд қил, аммо жиноятчилик ва ишсизликдан асра" деган эди.

Психогигиенанинг руҳий зарбалар муаммосига доир вазифалари қаторига стрессор реакциялар, стрессли салбий таасуротларни бироз бўлсада юмшатиш масалалари киради. Бундай стрессли вазиятлар ўткир ёки сурункали бўлиши мумкин; одам организмидаги бундай зарбаларга нисбатан юзага келадиган хасталик кўринишлари, уйқусизлик, энгса соҳасидаги оғриқлар, қорин ва буйин соҳасидаги оғриқлар, кукрак қафасида ёки кўз косаси атрофидаги оғриқлар, кўп терлаш, нафас олишнинг мураккаблашиши, ҳаловатнинг йўқолиши ва бесранжонлик, безовталаниш, тез толиқиши каби белгилар билан таърифланади. Бундай стрессли ҳолатларни юмшатиш учун турли кўринишдаги тадбирларни қўллаш мумкин, улар жумласига:

-дозаларга доир стрессли юкламалар таъсир кўрсатганда унга қарши бадани чиниқтириш;

-стресс таъсирини юмшатиш мақсадида атроф муҳитдаги шароитни ўзгартириш (яшаш ва турмуш шароити, меҳнат ва дам олиш шароитларини мувофиқлаштириш);

-одамлар ўртасидаги ўзоро муносабатларни мувофиқлаштириш, бу масала юзасидан одамлар онгига ўзоро яхши муносабат маданиятини сингдириш, ҳарбир одамнинг ақлий заковатини ривожлантириш орқали амалга оширилиши мумкин

-ўсувчи авлодни ўқитиш ва тарбиялашни тўғри йўлга қўйиш, бу соҳада фақатгина касбий маҳоратларни ўзлаштиришнинг ўзигина кифоя қилмайди, балки одамлар орасида ўзини тўғри тутабилиш, тўғри муносабатларни ўрнатиш, янги муҳитга ва янги жамоаларга мослашиш элементларини ўргатиш муҳим ўринни эгаллади

-можароли ва мураккаб вазиятлардан чиқиб кетиш йўлларини қидиришда ҳарбир одамнинг шахсий хусусиятларини хисобга олиш;

-ҳар бир шахснинг ижтимоий, билим ва ижодий эҳтиёжларини қондириш, салбий стрессларнинг таъсирини юмшатувчи қудратли воситалардан бир хисобаланади.

Назорат саволлари:

- 1.Шахсий гигиена хақидаги замонавий тушунчалар
2. Соғлом турмуш тарзи нима?
3. Соғлом турмуш тарзини шакллантирувчи асосий элементлар
4. Психогигиена нима? Психогигиенанинг замонавий муаммолари ва қисқача ривожланиш тарихи, фаннинг мақсади ва вазифалари
- 5.Психогигиенанинг асосий бўлимларига умумий таърифлар

Фойдаланилган адабиётлар:

- 1.“Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 26 августдаги 393 сонли Қонуни (ЎзР қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 34-сон, 451-модда) -18б.
- 2.Румянцев Г.И., Прохоров Н.И., Новиков С.М. ва б. “Гигиена” Учебник для ВУЗов, М., 2009.- 608б.
3. Umumiy gigiyena bilan ekologiya. Amaliy mashg`ulotlar uchun o`quv qo`llanma. L.A.Ponomareva, E.K. Kazakov, L.K. Abduqodirova, B.E.Tuhtarov, I.K.Dravskix, S.A.Sharipova, X.A.Sadullaeva. - Т.,2011.
4. ЎзР СанҚвам лари (2005 - 2015 йиллар)

IV.АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-амалий машгулот: Инсон организмига атроф муҳит омилларининг таъсири. Хоналарнинг микроиқлим кўрсаткичларини текшириш усуллари.

Ишдан мақсад: тингловчиларга хонадаги харорат тартиби, намлик ва ҳаво харакатининг йуналиши ва тезлиги, ҳамда барометрик босимни, табиий ва сунъий ёритилғанлик тартибининг ахамияти ҳамда амалиётда тутган ўрнини тушунтириш, бу күрсаткичларни улчаш ва уларга баҳо бериш кўникмаларини шакллантириш.

Масаланинг қўйилиши: Тингловчилар групкаларда топшириқни ечишади (Ҳар бир мавзу бўйича топшириқлар V-бўлимда келтирилган).

Физиологик ва санитар аҳамияти нуқтаи-назардан ҳавонинг асосий физикавий кўрсаткичлари қўйидагилар хисобланади: харорат, намлик, ҳаво харакати ва тезлиги, атмосфера босими, электрланганлик ҳолати кабилар. Ёпиқ хоналардаги ҳаво харорати, намлиги, харакати ва тезлиги бошқарса бўладиган омиллар қаторига кириб, бу омилларнинг йиғиндиси биргаликда хоналар микроиқлими тушунчасини таърифлайди.

Айрим муаллифлар микроиқлим омиллари қаторига барометрик босимни ҳам киритадилар. Бироқ герметик (зич) ёпилмайдиган хоналардаги барометрик босим ҳудди ташқаридағидек бўлади ва уни бундай шароитда бошқаришнинг имконияти йўқ. Шунинг учун атмосфера босими қийматини метеолабил одамларга таъсир этиши мумкинлиги ва ҳавонинг мутлоқ намлиги (абсолют)ни хисоблашдаги иштироки нуқтаи-назардан инобатга олиш лозим.

Микроиқлим одам организмига доимий равища таъсир этиб турувчи омиллар қаторига киради. Бу омиллар организмдаги терморегуляция (иссиқликнинг бошқарилиши) учун катта аҳамиятга эгадир, чунки маълум даражада танада иссиқликнинг хосил бўлиши ва иссиқликни ажратилиши жараёнларини (нурланиш, терлаш, ўтказиш, конвекция) ўзгартириш хусусиятига эгадир. Бундан ташқари микроиқлим омилларининг номувофиқ параметрлари кўпгина орган ва системаларнинг функционал ҳолатларини ўзгартириш хусусиятга эга: ЮТС, МНС, ошқозон-ичак йўли, эндокрин система каби. Бундан ташқари, микроиқлимнинг ҳаво харакати каби омили катта санитар аҳамиятга ҳам эгадир. Чунки хоналардаги ҳаво олмошиниши ҳаво харакатининг тезлигига боғлиқдир ва демак, хона ҳавосининг бактериологик ва кимёвий тозалигига бевосита таъсир кўрсатади.

Хоналар микроиқлимининг гигиеник меёrlари турли обьектлар учун ишлаб чиқилган СанҚ ва М да келтирилган. Бу меёrlар билан тингловчилар бу обьектларни текширишга мувофиқ келадиган профилли гигиена кафедраларда танишадилар.

Шуни назарда тутиш керак-ки, фақат хонадаги ҳаво хароратини хисобга олиш хонанинг харорат тартибини тўлиқ таърифлай олмайди. Бундай таъриф бериш учун хонанинг ўртача харорати, хароратнинг вертикал ва горизонтал

йўналишлар бўйича ўзгариши (перепад) ни аниқлаш керак бўлади. Мас., касалхоналарда катталар ётадиган палаталардаги ўртacha харорат полдан 1,5 м баландликда ўлчанса, болалар палатасида 0,8-1,0 м баландликда ўлчанади; ўлчашлар хонанинг диагонали бўйича 3 нуқтада амалга оширилади, сўнгра ўртacha харорат қиймати хисоблаш топилади. Вертикал бўйича харорат градиентини ўлчаш учун хароарт ўлчаш полдан 10 см баландликдан 110 см гача бўлган баландликларда ўлчаш керак бўлади; кўрсаткичлар ўртасидаги фарқ харорат градиентини таърифлайди. Бу қиймат 2,5 градус С дан ошмаслиги керак, чунки бу градиент катта бўлганда хонадаги ўртacha харорат камфорт ҳолда бўлса ҳам, хона бўлган одамларнинг оёқлари совуши мумкин. Горизонтал бўйича харорат градиентини ўлчаш учун полдан 1,5 баланд бўлган икки нуқта – ташқи девордан 1 м ичкарилиқда ва ички девор олдида ўлчанади. Горизонтал бўйича харорат градиенти 1,5 градус С дан ошмаслиги керак, акс ҳолда нурланиш орқали иссиқликнинг узатилиши кескин кўтарилиши хисобига дискамфорт шароити юзага келади.

Ҳаво хароратини ўлчаш симобли ва спиртли термометрлар билан амалга оширилади, зарурият туғилса ҳаво хароратини ёзиб олиш учун термографдан фойдаланиш мумкин.

Ҳавонинг намлиги ҳаводаги сув буғларининг миқдорига боғлиқ. Намликнинг бирнча турлари мавжуд: мутлоф, максимал, нисбий намлик. Намликнинг гигиеник меёри фоизларда берилади, яъни нисбий намлик бирлигига ифодаланади.

Ҳаво намлигини ўлчаш учун психрометрлар ва гигрометр асбобларидан фойдаланилади. Санитария амалиётида ҳавонинг намлигини ўлчаш учун (АССМАН) аспирацион психрометри қўлланади. Аспирацион психрометрдан фойдаланганда асбобнинг «Ҳўл» термометрини дистилланган сув билан хўллаш керак бўлади, сўнгра асбоб вентиляторини юргизиш лозим. Ўлчашни ўтказиш учун асбобни штативга илиб қўйилади. 7-8 дақиқадан сўнг асбобнинг кўрсатиши ёзиб олинади. Ўлчаш натижалари бўйича ҳавонинг намлиги икки усулда хисобланиши мумкин: аспирацион психрометр учун психрометрик жадвал бўйича ва хисоблаш усулида:

1.Мутлоқ намликни хисоблаш: $A = M_{\text{хўл}} - 0,5 (t_{\text{куруқ}} - t_{\text{хўл}}) \times (B/755) \text{ мг/m}^3$, бу ерда

$M_{\text{хўл}}$ – ҳўл термометр кўрсатиши бўйича максимал намлик, жадвал бўйича топилади

$t_{\text{куруқ}}$ – қуруқ термометрнинг кўрсатиши

$t_{\text{хўл}}$ – ҳўл термометрнинг кўрсатиши

0,5 - психрометрик коэффициент

B – ўлчаш вақтидаги барометрик босим, барометр билан ўлчанади

755- ўртacha барометрик босим қиймати

2. Нисбий намликни хисоблаш:

Нисбий намлик = $(A : M\ddot{K}uru\ddot{K}) \times 100\%$, бу ерда

Мқуруқ – қуруқ термометрнинг харорати бўйича максимал намлик, жадвал асосида топилади

Психрометрдан қуруқ термометр кўрсаткичига мувофиқ келадиган харорат кўрсаткичини аниқлаш учун ҳам қўлланиши мумкин.

Ҳавонинг харакат тезлиги ўлчаш учун таҳминий ҳаво харакатининг тезлигига боғлиқ ҳолда турли асбоблардан фойдаланиш мумкин. Катта тезлиқда ҳаво харакатини ўлчаш учун (1 м/сек дан ортиқ) косачали ва қанотли анемометрлардан фойдаланилади. Бундай асбобларни қўллаш масалан, шамоллатиш тизими йўлга қўйилган обьектларда кўпроқ ишлатилади. Ишлаш тартиби иккала турдаги анемометрлар учун ҳам таҳминан бирдек: ўлчашни бошлишдан аввал, асбобнинг кўрсатиши ёзига олинади, анемометрни керакли жойга ўрнатилади ва асбоб косачаси ёки парраги тўлиқ харакатга келгандан сўнг, хисоблагич ишга туширилади ва соат секундомерининг кўрсатиши белгилаб олинади; 3-5 дақиқадан сўнг, хисоблагич ўчирилади. Асбобнинг кўрсатиши ёзига олинади ва бу кўрсаткичдан аввалги кўрсаткич қиймати айириб ташланади. Хосил бўлган фарқ қийматини ўлчаш вақтига (дақиқа, сек) бўлинади, натижада асбобнинг секунддаги айланиш сони топилади. Сўнгра график бўйича секунддаги айланиш сонига боғлиқ бўлган ҳавонинг харакат тезлиги топилади (одатда ҳаво харакатининг мутлоқ тезлиги = асбоб паррагининг секунддаги айланиш сони).

Ҳаво харакатининг кичик тезликлари (0,5м/сек) ўлчаш учун кататермометр (шарсимон ёки цилиндросимон) ёки термоанемометр асбобларидан фойдаланиш мумкин.

Кататермометр билан ишлаганда асбобнинг шар қисмини иссиқ сувга солиш ва юқоридаги бўшлиқнинг ярми спирт билан тўлгунча ушлаб туриш керак. Сўнгра асбобни қуригунча артилади ва уни хондаги керакли жойда штативга осиб қўйилади. Асбоб капилляри бўйлаб спиртнинг 38 дан 35 градусга тушиши учун кетган вақтни секундларда топилади (а). Керакли қийматни топиш қўйидаги формулалар бўйича хисобланади:

1. Ҳавонинг совитиш хусусиятини аниқлаш (H):

$H = F : a$, бу ерда

F – асбобнинг орқа томонига ёзилган асбоб омили

2. Ҳавонинг харакат тезлигини аниқлаш:

$V = / (H:Q - 0,2) : 0,4^2$ м/сек, бу ерда

Q – кататермометринг ўртача харорати (36,5 гр) ва ўлчаш вақтидаги ҳаво харорати ўртасидаги фарқ

0,2 ва 0,4 – эмпирик коэффициентлар

Хоналарнинг инсолацияси ва оқилона ёритилиши катта аҳамиятга эга, чунки табий ёритилиш фақат кўриш функциясини таъминлабгина қолмай, балки сезиларли даражада психофизиологик таъсирга ҳам эга. Шу билан бирга таббий ёруғлик ва айниқса хоналарга тушадиган қуёшнинг тўғри нурлари хоналар ҳавосининг бактериал тозалигини таъминлаб беради. Шунинг учун табий ёритилганлик кўрсаткичларини текшириш ва баҳолаш усуслари санитария врачи томонидан турли хилдаги обьектларни гигиеник баҳолашда кўлланадиган асосий усусларидан бири хисобланади (ўқув юртлари, лойиҳалаш муассасалари, саноат корхоналари, болалар ва даволаш муассасалари ва б.к.). Шунга боғлик ҳолда санитар врачи табий ёритилганлик кўрсаткичларини текшириш ва баҳолашни бажара олиши керак.

Касалхона хоналарининг оқилона инсолацияси ва ёритилганлиги организмнинг физиологик функциялари ва хоналарнинг умумий ҳолатига таъсир кўрсатувчи муҳим омил хисобланади. Хоналарга қуёш нурининг тўғридан-тўғри тушиши хоналарни санация қилишнинг муҳим шарти хисобланади, чунки бактерицид таъсирга эга бўлган ультрабионафша нурлар фақат қуёш радиациясининг тўғри нурлари таркибидагина бордир. Инсолацион тартиб максимал, ўртача ва минимал бўлиши мумкин ва у бинолар (хоналар) нинг ориентациясига боғлик. Жуда кўпчилик хоналари учун шарқий ва жануби-шарқий ориентация энг оптимал хисобланади, чунки бунда хоналарда ўртача ва максимал инсолацион тартиб таъминланади ва хоналар жуда қизиб кетмайди. Ғарбий румблардаги ориентацияда ҳам максимал инсолацион тартиб кузатилади, аммо бизнинг иқлим шароитимизда ёз кунлари ғарбий ориентацияда куннинг иккинчи ярмида хоналарнинг қизиб кетиши кузатилади, шунинг учун бундай ориентация кам мувофиқ хисобланади.

Жанубий ориентацияда хоналардаги инсолацион тартиб ўртача эканлиги билан таърифланади, чунки қуёш нури тушадиган майдон катталиги жануби-шарқий ва ғарбий ориентациялардагидан камроқлиги билан фарқланади. Шимолий ориентацияда инсолацион тартиб минимал бўлиб, хоналарга амалда қуёшнинг тўғри нурлари деярли тушмайди. Бундай тартиб фақат ўзига хос шароитлар учун қўлланиши мумкин, мас., жарроҳлик хоналари, чунки бу хоналарда қўлланадиган никелланган жарроҳлик асбобларидан қуёш нури акс бериб, ходимларнинг қўзини қамаштириши ва чалғитиши мумкин.

Инсолацион тартибни аниқлаш учун компас ёрдамида хона (бинонинг) ориентациясини аниқлаш лозим бўлади, сўнгра жадвал бўйича инсолацион

тартибнинг характеристи, инсоляция вақти ва хонага қуёш нурининг майдони майдони аниқланади.

Касалхона хоналарининг энг мувофиқ табиий ёритилиши фақат беморлар ва тиббий ҳодимларнинг кўриш функциясини таъминлабгина қолмай, балки у бемор ва тиббий ҳодим организмига катта психологик таъсир кўрсатади.

Хоналарнинг табиий ёритилганлиги қуёш нурининг ҳам тўғри ва ҳам тарқалган нури орқали бўлади. Ёритилиш жадаллиги жуда кўп омилларга боғлиқдир: хонанинг ориентацияси, куннинг вақти, об-ҳаво ҳолати, хонанинг майдони (ўлчамлари), дераза ойналарини сони, конфигурацияси ва катталиги, соя солувчи объектларнинг мавжудлиги, дераза ойналарининг тозалиги, хонадаги юзаларнинг нур қайтариш хусусияти кабилар.

Хоналарнинг табиий ёритилиш ҳолатини баҳолашда қуйидаги асосий кўрсаткичлардан фойдаланилади: ёруғлик коэффициенти (ЁК) - қоида бўйича у ДПМ лойихалаштиришда жуда муҳим, табиий ёритилганлик коэффициенти (ТЁК), ҳамда ишчи юзаларга ёруғликнинг тушиш бурчаги.

ЁК - бу деразанинг ойналанган юзасини (майдонини), пол юзасига бўлган нисбатидир, шу билан бирга дераза майдони ҳардоим "1" деб қабул қилинади, шунинг учун ЁК ҳисоблашни формула бўйича амалга оширилади: $\text{ЁК} = 1 : (\text{S}_{\text{пол}} : \text{S}_{\text{деразанинг ойналанган кисми}})$. Касалхона палаталари учун ЁК 1:5, 1:6 нисбатда булиши керак.

ТЁК - бу хона ичида ёритилганликнинг бир вақтнинг ўзидағи ташқаридаги ёритилганликка бўлган нисбат бўлиб, фоизларда ифодаланади (%%).

ТЁК = ($E_{\text{иҷчи}} : E_{\text{ташқи}}$) x 100%. ТЁК меъёри хоналарнинг вазифаси ва у ерда бажариладиган кўрув ишларининг табиатига боғлиқ (КМК 2.01-98)

Ёритилганлик қийматини люксметр асбоби ёрдамида ўлчанади. Люксметр икки қисмдан - қабул қилувчи ва қайд қилувчи қисмлардан иборат. Қабул қилучи қисми селенли фотоэлемент ҳисобланади. Фотоэлементга тушадиган ёруғлик энергияси унда электр энергиясига айланади ва қайд қилувчи қисм-гальванометрга узатилади. Гальванометр шкаласи икки қисмдан ташкил топган бўлиб, юқоридаги шкала бўйича биринчи тутма (100) чани босиш билан 100 люксгача бўлган ёруғлик қийматини олиш мумкин. Иккинчи пастки шкала эса, 30 люксга даражаланган бўлиб, унинг кўрсаткичи иккинчи тутмачани (30) босиш орқали олинади.

Ёритилганликни ўлчашда фотоэлемент устига маҳсус фильтрлар кийдирилади, улар ёруғлик даражасини 10, 100, 1000 мартагача пасайтириб беради. Ёритилганлик даражасини ўлчашда қайси фильтрдан фойдаланган бўлсак, унинг коэффициентини асбоб кўрсатишига кўпайтирилади. Одатда

хоналардаги ёритилғанлик даражасини ўлчаш учун 10 ва 100 фільтрлари ва ташқаридаги ёруғлик даражасини ўлчашда 1000 фільтридан фойдаланилади.

Ёруғликнинг тушиш бурчаги дераза орқали ишчи юзаларга қандай бурчак остида тушишини ифодалайди. Табий ёруғлик энг мувоғиқ бўлади қачонки, унинг қиймати 27^0 дан кам бўлмаса. Ёруғликнинг тушиш бурчагини аниқлаш учун тангенс бурчакдан фойдаланилади. Уни аниқлаш учун ишчи нуқтадан деразагача бўлган масофа (AB) ва В нуқтадан деразанинг юқори нуқтасигача бўлган масофа (BC) топилади. BC : AB нисбати ва изланувчи тангенс бурчакдир, унинг қиймати бўйича Брадис жадвали ёрдамида бурчакнинг қийматини топиш мумкин.

Сунъий ёритилиш кўрсаткичларини аниқлаш, санитар врачининг кундалик ишида назорат остидаги турли обьектларни санитар текширишлардан ўтказишда қўллайдиган энг муҳим текшириш усуллари қаторига киради (ўкув юртларидаги ўкув аудиторияларининг сунъий ёритилиш даражаси, лойиҳалаш муассасалари, саноат корхоналари ва айниқса нозик ва майда ишларни кўриш орқали бажариладиган корхонадаги иш жойлари). Шунинг учун санитар врачи ана шу назорат остидаги обьектлардаги сунъий ёритилғанликни тавсифлаш билан бир қаторда ёритилиш даражасини, ёритилишнинг жадаллиги ва хона бўйлаб бир текис тарқалиши аниқлаши, ҳамда олинган маълумотларга асосланиб хона учун керак бўладиган ёритгичлар сонини хисоблаш усулларини қўллай олиши керак.

Сунъий ёритилиш амалда барча хоналар учун зарурдир, уни таъминлаш учун турли хилдаги электр чироқлари (лампа) дан фойдаланилади. Бундай чироқларнинг асосий турлари қуйидагилардир: чўғланувчи лампалар ва люминисцентли лампалар. Айтиш лозимки, даволаш муассасаларида ранг берувчи ёки рангли лампалардан умумий мақсадлар учун фойдаланиш мумкин эмас, чунки улар рангни қабул қилиш сезгисини ўзгартириши мумкин ва у касалликка ташхис қўйишини қийинлаштиради ва bemorlarning ҳолатини назорат қилишини мураккаблаштиради. Касалхона хоналарини ёритишда энг кўп қўланадиган лампалар ЛДС - кундузги ёруғлик рангини яратувчи лампалар хисобланади, чунки улар яратадиган ёруғлик ўзининг спектарл таркиби бўйича қуёш нарларига яқин келади. Энг мувоғиқ ёритиш шароитини таъминлаш учун турли кўринишдаги ёритгич асблоларидан фойдаланиш қабул қилинган. Ёруғликнинг бир ҳилда ва текис тарқалишини таъминлаш учун ёруғликни бир ҳил тарқатувчи ва қайтган ёруғлик берувчи арматуралар қўлланади. Нозик ишларни бажариш, масалан жарроҳлик хоналари учун ёруғлик нурларини бир йўналиш бўйича тарқатувчи чироқлар қўлланади.

Хоналарнинг вазифаларига ва у ерда бажариладиган ишларнинг табиатига кўра хоналарнинг ёритилиш даражаси турлича бўлиши мумкин. Умумий ёритилишда чироқлар одатда хонанинг шипига (кам ҳолатларда -

деворларда) ўрннатилади; маҳаллий ёритишда эса, нур тутамини йўналтирувчи чироқлардан фойдаланиб, бунда тарқалувчи нурларнинг тутами бир йўналишда концентранади ва иш жойига йўналтирилади. Агар хонада бир вақтнинг ўзида ҳам табиий, ҳам сунъий ёритилганликдан фойдаланилганда, буни аралашган ёритилиш деб номланади.

Сунъий ёритилганлик бир қанча омилларга боғлиқ бўлади: хонанинг катталиги (ўлчамлари), фойдаланиладиган чироқларнинг табиати, қуввати ва сонига, уларнинг созлиги, осилиш баландлиги, тозалиги, арматураларнинг тури, хонадаги юзаларнинг нурни қайтариш хусусиятига боғлиқ бўлади. Хоналарнинг сунъий ёритилиш ҳолатини баҳолашда биринчи навбатда юқоридаги ҳамма омилларни тавсифлаш керак бўлади.

Сунъий ёритилишга бўлган муҳим талаблардан бири ишчи жойларида талаб этиладиган ёритилиш даражасини яратиш, хона бўйлаб бир текис тарқалиши ва кўзни қамаштирмайдиган даражада ёруғ бўлмаслиги хисобланади. Ёритилишнинг талаб этиладиган даражаси бажариладиган ишларнинг турига ва фарқланадиган объектларнинг (деталларнинг катта-кичиклиги) қиймати ва ёруғлик фонининг контрасти бўйича фарқланади. Кўриш орқали бажариладиган иш жойлари учун ёритилганликнинг гигиеник меёrlари КМ ва К 2.01.05 - 98 "Табиий ва сунъий ёритилганлик" бўйича белгиланади. Мас., чўғланма лампалардан фойдаланиладиган палаталар учун умумий ёритилиш даражаси 50 люкс, операция хоналари учун эса, 200 люкс бўлиши керак. Операция майдонидаги ёритилганлик даражаси 10-15 000 люксни ташкил этиши керак.

Ёритилиш даражасини ва унинг хона бўлаб бир текис тарқалишини баҳолаш учун ўлчашлар хонада кам деганда 3-5 нуқтада амалга оширилиши керак (хонанинг катталигига боғлиқ ҳолда). Ўртacha қиймат ёритилишнинг ўртacha даражасини, турли нуқталардаги ёртилиш фарқларининг қиймати эса, ёртилишнинг бир текис тарқалишини таърифлайди. Ёритилганликни ўлчаш учун люксметр асбобидан фойдаланилади.

Бундан ташқари хоналардаги сунъий ёритилганлик қиймати хисоблаш усули билан ҳам аниқланиши мумкин. Аввал хонага қўйилган ва ишлаш ҳолатидаги чироқларнинг йиғинди қуввати хисобланади (А.Вт) ва йиғинди қувватни хона майдонига бўлиш орқали, солиштирма қувват хисоблаб топилади (Б, Вт/кв.м). Кейин жадвал бўйича (Амал. машғулотларга қўлланма, Г.И.Румянцев, 88 бет, 13 жадвал) 10 Вт/кв.м (100 люкс) энергия сарфлайдиган турли турдаги ёритгичлар яратадиган ёртилиш қиймати топилади. Ёритилганликнинг яқинлаштирилган қиймати (Х) кўйидаги формула ёрдамида хисобланади:

$$X = (B \times C) : 10 \text{ люкс}$$

Хисоблаш учун мисол: 36 м² майдонга эга бўлган хонада 3 та лампа иш ҳолатида бўлиб, улар 100 ВТ ли чўғланувчи лампалардир. Лампаларнинг

йифинди қуввати $3 \times 100 = 300$ Вт ни, солиширма қувват эса $300 : 36 = 8,3$ Вт / кв.м ташкил қиласи. 13 -чи жадвал бўйича тўғри тушувчи ёруглик учун (чўғланувчи лампалар) 10 Вт/кв.м 42 люкс га жадалликка эга бўлган ёруғлик оқимини яратишини топамиз. Демак, хонадаги таҳминий ёритилиш даражаси қўйидагини ташкил қиласи:

$$X = (8,3 \times 42) : 10 = 35 \text{ люкс}$$

Туар-жой бинолари, жамоат жойлари, болалар ва даволаш муассасаларини лойихалашда, ҳамда касалхонадаги функционал хоналардаги ёритилиш даражаси етарлича бўлмаган ҳолатларда, ёритилганликнинг гигиеник меёрларини таъминлаш мақсадида хона учун талаб этиладиган лампалар сонини хисоблаш зарурияти юзага келади. Бундай хисоблашни бажариш учун биринчи навбатда жадвал бўйича (Пивоваров Ю.П., 110 бет, 36 жадвал) лампанинг тури, осилиш баландлиги, хонанинг катталиги ва талаб этиладиган ёритилиш даражасини хисобга олган ҳолда кера бўладиган солиширма қувват аниқланади. Топилган солиширма қувватни хона майдонига қўпайтириш орқали талаб этилган йифинди қувват топилади. Топилган қийматни битта лампанинг қуватига бўлиш орқали талаб этиган чироқлар сони топилади.

Хисоблаш учун мисол: Боғлов хонасининг баландлиги 3 м ва майдони 30 кв.м, ишчи юзадаги ёритилиш даражаси 100 люксни ташкил этиш учун хонани чўғланма лампалар билан ёритиш лозим (100 Вт ли лампалар). Жадвал бўйича берилган шароит учун солиширма қувват 31 Вт/кв.м эканлигини топамиз. Зарур бўлган солиширма қувват = $31 \times 30 = 930$ Вт. Чўғланма лампаларнинг талаб этилагн сони: $930 : 100 = 9$ лампа бўлади.

Назорат саволлари:

- 1.Ҳавонинг қайси физикавий хоссалари энг катта гигиеник аҳамиятга эга?
- 2.Хоналар микроиқлими кўрсаткичларига нималар киради?
- 3.Харорат, намлик ва ҳавонинг харакати тезлигининг соғлом ва бемор одам организми учун қандай физиологик аҳамияти бор?
- 4.Атмосфера босими ва унинг организм учун аҳамияти нимада?
- 5.Ҳавонинг харакат тезлиги ва йўналишининг гигиеник аҳамияти нимада?
- 6.Гигиеник меъёрлар ҳақида тушунча беринг
- 7.Хоналарнинг харорат тартиби ҳақида тушунча, бу кўрсаткичларни текшириш усуллари ва уларни баҳолаш тартибини айтинг
- 8.Ҳаво намлигининг турлари, намликни ўлчаш қоидалари ва кўрсаткичларни баҳолаш тартибини айтинг

9.Хонадаги ҳаво харакати тезлигининг санитар ва физиологик аҳамияти, ҳаво харакати тезлигини ўлчаш асбоблари, ўлчаш қоидалари ва натижаларни баҳолаш тартибини айтинг

Фойдаланилган адабиётлар:

- 1.“Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 26 августдаги 393 сонли Қонуни (ЎзР қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 34-сон, 451-модда) -186.
- 2.Румянцев Г.И., Прохоров Н.И., Новиков С.М. ва б. “Гигиена” Учебник для ВУЗов, М., 2009.- 608б.
3. Umumiy gigiyena bilan ekologiya. Amaliy mashg`ulotlar uchun o`quv qo`llanma. L.A.Ponomareva, E.K. Kazakov, L.K. Abduqodirova, B.E.Tuhtarov, I.K.Dravskix, S.A.Sharipova, X.A.Sadullaeva. - Т.,2011.
4. ЎзР СанҚваМ лари (2005 - 2015 йиллар)
5. Environmental health Dade W. Moeller Third Edition Harvard UniversityPress Cambridge,Massachusetts London, England, 2005,1-2, 102, 111р

2-амалий машғулот: Аҳолининг тўғри овқатланиш масалалари

Ишдан мақсад: тингловчиларга соғлиқни сақлаш учун овқатланиш сифатининг аҳамияти, таомнома тузиш қоидалари, соглом овқатланиш тартиби ҳамда унинг амалиётда тутган ўрнини тушунтириш, бу кўрсаткичларни хисоблаш ва уларга баҳо бериш кўнимкамларини шакллантириш.

Масаланинг қўйилиши: Тингловчилар гурӯхларда топшириқни ечишади (Ҳар бир мавзу бўйича топшириқлар V-бўлимда келтирилган).

Аҳолининг тўғри овқатланишига бўлган гигиеник талабларнинг энг муҳими уларнинг одам организми учун ҳавфсизлиги хисобланади, шунинг учун озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва санитар ҳавфсизлигини назорат қилиш ЎзР Давлат санитария-эпидемиология назорати органлари фаолиятидаги энг муҳим вазифалардан биридир.

Овқат маҳсулотларининг тўла сифатлилиги стандартлар тизими бўйича регламентланиб (Давлат Стандартлари, тармоқларга оид стандартлар -ОСТ лар, ТУ-техник шароитлар), уларда муайян маҳсулот турлари ва уларни ишлаб чиқаришдаги технологик жараёнларга бўлган талаблар ўз ифодасини топган. СанҚ ва М 0060-96 “«Озуқа хомашёси ва маҳсулотларнинг сифати ва

ҳавсизлигига оид тиббий-биологик тингловчилар ва санитар мейрлари» шулар жумласидан хисобланади.

Овқат маҳсулотларининг сифати уларнинг бир қатор хусусиятлари ийғиндиси бўйича белгиланиб, бу маҳсулотлардан овқатланиш жараённида фойдаланиш мумкинлиги шу хоссаларга бевосита боғлиқдир:

1. Маҳсулотнинг тўла қийматлилик кўрсаткичлари:

а) озукали қиймати: таом ассортименти, органолептик хоссалари, кўнгилга тегмаслиги, тез ва осон хазм бўлиши, энергетик тўла қийматлилиги

б) биологик қийматлилиги: таркибидаги озукли моддаларнинг микдори, уларнинг таркиби, ўзоро нисбати

2. Санитар-эпидемиологик кўрсаткичларнинг мукаммалиги (хавфсизлиги):

а) тўла сифатлилиги: сасиш ва бижғиш белгилари, мўғорлаш ҳолатларининг йўқлиги ва механик аралашмалардан холи бўлиши

б) ҳавфсизлиги (зарасизлиги): патоген микробларнинг бўлмаслиги, мўғорлар ва гельминт тухумларининг йўқлиги, захарли моддаларнинг бўлмаслиги, омборхона зараркунандалари билан ифлосланмаганлиги

Озиқ-овқат маҳсулотларини экспертизадан ўтказиш ҳам огоҳлантирувчи ва ҳам жорий санитария назорати кўринишида амалга оширилиши мумкин.

Хозирги кунда юзага келган сани тария назорати амалиётида овқат маҳсулотларини огоҳлантирувчи санитария назорати нуқтаи-назардан текшириш асосан шу маҳсулотни ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланиш мумкинлиги ҳақидаги сертификатларни олиш мақсадида ўтказилса, жорий санитария назоратида эса, назорат қилувчи органлар ва идораларнинг маҳсус топшириқлари ёки маҳсус кўрсатмалар – ҳолатлар бўйича (овқатдан захарланиш ходисалари, шубҳали маҳсулотларни истеъмол қилишга боғлик бўлган касалликлар қайд қилинган шароитлар) амалга оширилиши мумкин.

Текширишни ўтказишдаги асосий вазифани хисобга олиб, экспертизани куйидаги турларга бўлиш мумкин:

-Тўла қийматлилик кўрсаткичларини баҳолаш

-Тўла сифатлилигини баҳолаш

-Зарарсизлигини баҳолаш

-Касалликни узатилишида узатувчи омил бўлиши мумкинлигини аниқлаш

-Маҳсулотни корхонада ишлаб чиқариш, уни ташиш, сақлаш жараёнларида гигиеник қоидаларнинг бузилиши билан боғлиқ бўлган ҳолда маҳсулот сифатининг ўзгарганлигини аниқлаш.

Овқат маҳсулотларини экспертизадан ўтказиш “Санитария-эпидемиология хизматига доир муассасаларда озиқ-овқат маҳсулотларини гигиеник экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги №2255-80-чи Кўрсатмага мувофиқ амалга оширилади

Сифатсиз маҳсулотларни милиция органлари томонидан олдиндан олиб кўйилган ҳолатларда бу маҳсулотни экспертизадан ўтказиш амалга оширилмайди. Қолган ҳолатларда экспертизаларни ўтказиш қўйидаги босқичларда бажарилиши мумкин:

- маҳсулот ҳақидаги хужжатлар билан танишиш
- маҳсулотнинг сақланиш ва сотилиш жойида унинг органолептик хоссалари ва умумий текширишдан ўтказиш
- лаборатория текширишлари учун овқат маҳсулотларидан намуналар олиш
- олинган овқат маҳсулотларини лаборатория текширишларидан ўтказиш
- олинган натижаларни умумлаштириш ва санитария экспертиза баённомасини расмийлаштириш

Маҳсулот ҳақида умумий маълумот олиш учун шу маҳсулотларга таалуқли бўлган ҳамма хужжатлар билан танишиб чиқиш талаб этилади (накладнойлар, ветеринар хизматининг гувоҳномаси, сертификатлар ва б.к.), ҳамда маҳсулот кимнинг корхонасида бўлса, шу обьектга таалуқли бўлган мансабдор шахсларни сўровдан ўтказиш. Агар маҳсулот учун керакли хужжатлар бўлмаса, у ҳолда маҳсулот экспертизадан ўтказилмайди, чунки бу ҳолатда маҳсулотни сотиш ёки ундан фойдаланиш қонунга хилоф хисобланади.

Текширишнинг кейинги босқичи жойнинг ўзида маҳсулот партиясини кўздан кечириш ва унинг органолептик хоссаларини аниқлаш хисобланади. Бунда маҳсулотнинг сақланиш тартиби ва шароитига эътибиор қаратилади, маҳсулот идишларининг холати кўздан кечирилади (эзилиши, сиқилиши, деформацияланиши, ифлосланиши, идишнинг очилганлиги белгилари). Сўнгра маҳсулот идишидаги ёрликлар ва огоҳлантирувчи ёзувлар ўрганилади (қачон чиқарилган ва сақланиш муддатлари, қандай корхона томонидан ишлаб чиқарилган, қачон, чиқарилган саналар).

Идишлар кўздан кечирилгандан сўнг, ўралган маҳсулотлар очиб кўрилади. Агар маҳсулот партияси 2-5 ўрамдан иборат бўлса, у ҳолда ҳамма ўрамлар очиб кўрилади, Катта партиядаги маҳсулотларнинг эса, 5-10% даги ўрамлари очилади, ўрам ёки идишлар жароҳатланган ҳолатларда улар албатта очилиши ва текширишдан ўткалиши шарт.

Жойнинг ўзида идиш очилгандан сўнг маҳсулотнинг органолептик кўрсаткичлари текширишдан ўтказилади: ташқи кўриниши, омборхона

зааркунандаларининг бор-йўқлиги, ранги, ҳиди. Махсулотнинг таъми агар унинг ҳавфсизлигига ишонч бўлса ва сифатсизлигига шубҳа туғилмаган ҳоллардагина текшириб кўрилиши мумкин. Агар текшириш жойининг ўзида маҳсулотнинг сифати ҳақида яқуний холоса чиқариш мумкин бўлмаса, лаборатория текширишлари учун шу маҳсулотдан намуналар олинади.

Лаборатория текширишлари учун намуналар шундай олиниши керак-ки, олинган намуна маҳсулотнинг ҳамма партиясининг сифатини акс эттираолсин, шунинг учун ҳарбир маҳсулот учун ўзининг намуна олиш қоидаси мавжуд ва улар маҳсулот турига мувофиқ ДавСтандартларида ўз ифодасини топган: сутдан намуна олиш – ДавСТ (ГОСТ) - 26809-86, гўштдан намуна олиш – 4288-76, балиқдан намуна олиш – 7631-85 ва б.к.

Маҳсулот партиясини кўздан кечириш ва лаборатория текширишлари учун намуналар олиш натижалари ҳақида баённома тузилади ва унда қуйидаги маълумотлар акс эттирилиши керак:

- баённома тузилган жойи ва вақти
- экспертнинг ва экспертизада иштирок этган бошқа шахсларнинг Ф.И.Ш
- гигиеник экспертиза ўтказиш учун нима сабаб
- хужжатлар бўйича маҳсулот ҳақидаги маълумотлар
- жойнинг ўзида ўрамларни ва маҳсулотни кўздан кечириш ҳақидаги маълумотлар
- жойнинг ўзида маҳсулотнинг органолептик текшириш маълумотлари
- намуна олиш тўғрисидаги маълумотлар (намуналар сони, массаси, ўрамлар)

Агар маҳсулот сифатига лаборатория текширишларисиз холоса чиқариш мумкин бўлса, бу ҳақда баённомада тегишли холосалар бўлиши керак.

Олинган намуналарни лаборатория текширишидан ўтказилганда маҳсулотнинг органолептик, физиковий, кимёвий, микробиологик ва биологик текшириш усулларидан фойдаланилади. Усулни танлаш маҳсулотнинг турига ва текшириш мақсадиган мувофиқ амалга оширилади. Масалан, гушт, сут, нон ва ун маҳсулотларини тула сифатлилигини қуйидаги курсаткичлар буйича аникланади:

Маҳсулот тури	Текшириладиган кўрсаткичлар	Текшириш усуллари
Гўшт:	Ташқи қўриниши, ранги, ҳиди, консистенцияси, тиниқлиги ва шўрвасининг хушбўйлиги	Органолептик
	Аммиака, водород сульфид, пероксидазларнинг борлиги	Кимёвий

	Гельминтларнинг борлиги (финналар, трихинеллалар)	Микроскопия
Сут:	Ташқи кўриниши, консистенцияси, хиди, ранги, таъми	Органолептик
	Зичлиги, ёғ миқдори, қуруқ қолдиқ моддалари, механик аралашмалар	Физик-механик
	Нордонлиги, сода, қраҳмал ва пероксидазаларнинг борлиги	Кимёвий
Нон:	Ташқи кўриниши, юзаси, ранги, кесилгандаги ранги, нон ичидаги юмшоқ қисмининг холати	Органолептик
	Намлиги, ғоваклиги	Визуал ва физикавий
	Нордонлиги	Кимёвий
Ун:	Эзиб кўргандаги ғичирлаш	Органолептик
	Омборхона зааркунандалари, металли аралашмалар	Визуал (кўриш), физикавий
	Налиги, клейловчи модданинг миқдори, минерал моддалар	Физикавий
	Нордонлиги	Кимёвий

Лаборатория текширишларининг натижалари баённома кўринишида расмийлаштирилади ва унда ёзмали тавсиф, текшириш натижалари ва яқуний қисм ўз аксини топиши керак

Тавсифий қисмда қуйидагилар кўрсатилади: намунанинг номи ва келтирилган вақти, маҳсулот тури ва ўрами, намнуна қачон ва ким томонидан олинган, намунанинг массаси, маҳсулотнинг жойдаги органолептик хоссалари.

Натижа қисмida маҳсулотнинг физик-кимёвий хоссалари ҳақидаги маълумотлар, бактериологик, микроскопик текшириш натижалари, текширишларни ўтказган шахснинг имзоси бўлишги керак.

Баённоманинг хулоса қисмida текширилган намунанинг сифати ҳақидаги хулоса ва уни овқатланиш учун ишлатиш мумкинлиги баён қилинади.

Баённома лаборатория мудири томонидан тасдиқланади.

Назорат саволлари

- 1.Овқатланиш гигиенаси соҳасидаги стандартлар системаси ва озиқ-овқат маҳсулотларининг тўла қийматлилигини ҳақида тушунча
- 2.Овқат маҳсулотларининг сифат кўрсаткичлари
- 3.Озиқ-овқат маҳсулотларини экспертиза қилиш турлари ва вазифалари
- 4.Озиқ-овқат маҳсулотларини гигиеник экспертизадан ўтказиш босқичлари
- 5.Маҳсулот партиясини кўздан кечириш қоидаси
- 6.Жойнинг ўзида овқат маҳсулотининг органолептик текширишлардан ўтказиш
- 7.Лаборатория текширишлари учун маҳсулотлардан намуналар олиш
- 8.Овқат маҳсулотларини лабортаория текшириш усулларига умумий таъриф
- 9.Овқат маҳсулотларини лаборатория текшириши натижаларини расмийлаштириш қоидалари

Фойдаланилган адабиётлар:

- 1.“Ахолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 26 августдаги 393 сонли Қонуни (ЎзР қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 34-сон, 451-модда) -18б.
- 2.Румянцев Г.И., Прохоров Н.И., Новиков С.М. ва б. “Гигиена” Учебник для ВУЗов, М., 2009.- 608б.
3. Umumiy gigiyena bilan ekologiya. Amaliy mashg`ulotlar uchun o`quv qo`llanma. L.A.Ponomareva, E.K. Kazakov, L.K. Abduqodirova, B.E.Tuhtarov, I.K.Dravskix, S.A.Sharipova, X.A.Sadullaeva. - Т.,2011.
4. ЎзР СанҚвам лари (2005 - 2015 йиллар)
5. Environmental health Dade W. Moeller Third Edition Harvard University Press Cambridge, Massachusetts London, England, 2005,129-132, 142-143p
6. WHO, FOOD SAFETY, FACT SHEET №399, DECEMBER 2015

З-амалий машғулот: Мехнат гигиенаси соҳасидаги муҳим гигиеник мувоффиклар. Ишлаб чиқариш корхоналарида чангланганлик, шовқин-тебраниш даражасини текшириш ва баҳолаш усуллари.

Ишдан мақсад: тингловчиларга ишлаб чиқариш корхоналарида чангланганлик, шовқин-тебраниш даражасини ҳамда амалиётида тутган

ўрнини тушунтириш, бу кўрсаткичларни ҳисоблаш ва уларга баҳо бериш кўнималарини шакллантириш.

Масаланинг қўйилиши: Тингловчилар гурухларда топширикни ечишади (Ҳар бир мавзу бўйича топшириқлар V-бўлимда келтирилган).

Барча турдаги ишлаб чиқариш корхоналарида инсон организмига номувофиқ таъсир этувчи омиллар кўп. Ишлаб чиқариш шароитида механик тебранма ҳаракатлар билан юзага келувчи заарли омилларга шовқин, инфратовуш (ИТ), ультратовуш (УТ), тебраниш киради. Хозирги даврда ҳалқ хўжалигининг турли тармоқларида техник қурилмалар, машиналар, юқори товушли манбаларни кириб келиши аҳоли саломатлигига салбий таъсир этиб, касб касалликларини келтириб чиқармоқда.

Ишлаб чиқариш билан боғлиқ шовқин – бу турли интенсивликдаги (кучдаги) ва частотадаги тартибсиз ўзгарувчан товушларни жами бўлиб, ишлаб чиқариш шароитида юзага келади. Товуш тўлқини манбадан ҳавога тартибсиз равишда тарқалади, у амплитуда ва частота билан ҳарактерланади. Частота – бу 1 секунддаги жами тебранишлар сони. Ўлчов бирлиги – Герц (Гц). Тебраниш амплитудаси товуш босимини катталигини белгилайди. Шунинг учун товуш тўлқини аниқ механик энергия ҳисобланиб, ватт/см.кв да ўлчанади. Тебраниш частотаси товушнинг баландлигини белгилайди: қанчалик тебранишлар частотаси юқори бўлса, товуш шунча баланд бўлади. Лекин инсон қулоғи 20-20 000 Гц бўлган товушларни қабул қиласди. 20 Гц дан кичик товуш – ИТ, 20000 Гц дан катта товуш – УТ деб аталади. Ишлаб чиқариш корхоналарида 50-5000 Гц бўлган товуш частотасини учратиш мумкин.

Шовқин ёки товуш кучини ўлчашда логарифмик шкала – Бел (dB)дан фойдаланилади. Бошланғич сон 0 Бел – товушни қабул қилиш (эшлиши) бўсағаси дейилади. Шовқин ортиб борган сайин, унинг кучи ҳам ортади. Масалан, шивирлаб гапириш – 30 dB, соат чиқиллаши -20 dB, автомобил, трамвай йўлларида – 80-90 dB, самолёт учишида -130 dB шовқин. Шовқин кучи 140 dB га борганда инсон қулоғида нохуш таъсир уйғотади. Бу диапозон оғриқ сезиш бўсағаси дейилади. Субъектив эшлиши хиссиёти товушнинг логарифмига пропорционал равишда ортади. Юқоридаги физик-гигиеник тавсифларни кўриб чиқиб, шовқинни турли белгилар бўйича синфларга бўлиш мумкин.

1. Келиб чиқиши бўйича – аэродинамик, гидродинамик, металл...
2. Спектрал кенглиги бўйича – кенг чизиқли, тонал (ёрқин тонли) Бу хусусияти физика курсида тўлиқ ўрганилган.
3. Вақт бўйича тақсимланишига қараб – доимий ва доимий бўлмаган (вақтинчалик) шовқин турлари фарқланади. Вақтинчалик шовқин узилиб турувчи, импульсли, тебранувчи бўлади (хуштак чалиш, болғани уриш, отишмалар).
4. Частотали таркибиға қараб – паст (1-350 Гц), ўрта (350-800 Гц), юқори (800 Гц ва ундан юқори) частотали шовқин.

Ишлаб чиқаришда шовқинни ўлчаш учун СанҚ ва М 0120-01 “Иш жойларида шовқинни РЭД ги санитар меъёrlари”га мувофик ўтказилади. Шовқинни жадаллигини ўлчаш учун ВШВ-003, ШИ-01 каби асбоблардан фойдаланилади. Ўлчаш доимий иш жойларида ўтказилади. Қабул қилувчи қисми – микрофон ишчининг қулоғи баландлиги, яъни 1,5 м баландликда ва ишчи машиналардан 0,5- 1 м узоқ масофада ўрнатилади. Бунда яна хонадаги барча мавжуд машиналар хам ишчи ҳолда бўлиши керак (4/3 қисми).

Ўлчангандан натижалар махсус қайд қилиш варақасига тўлдирилади ва меъёр билан солиштирилиб, баҳоланади.

Яқин йиллар ичида шовқин таъсири бўлмаган ишлаб чиқариш шароитини топиш қийин. Шовқин инсон организмiga маҳаллий ва умумий таъсири этади. Шовқин таъсири бўлган турли қасб эгаларида эса қасб касалликлари келиб чиқади. Маҳаллий таъсири оқибатида, юқори частотали шовқин таъсирида оғир қулоқлик (карлик) касаллиги пайдо бўлади. Касаллик келиб чиқиш механизмида қулоқдаги Кортиев аъзоси асаб толаларини охирида атрофик жараёнларни ривожланиши сабаб бўлади. Эштиши пасайиши аста-секинлик билан ўсиб боради. Шунинг учун цех врачи тиббий кўриклар вақтида аудиометрия текшируви ўтказиши керак. Бундан ташқари яна бир касаллик тури – қулоқнинг ногора пардаси ва ўрта қулоқни механик жароҳатланиши (юқори шовқин кучи таъсири, портлашлар) хам кузатилади. Шовқиннинг организмга умумий таъсири қўйидаги аъзоларда намоён бўлиши мумкин - юрак қонтомир тизими, ошқозон ичак тизими, эндокрин тизими, асаб тизимида. Ишчиларда бош айланиши, бош оғриши, беҳоллик, тез чарчаш, уйқу бузилиши, А/Б ни кўтарилиши, пульсни секинлашуви, ошқозонни моторик функциясини ишдан чиқиши, хотирани сусайиши ва х.к. кузатилади. Клиникада бундай белгиларни жамлаб, “шовқин касаллиги” деб ташхис қўйилади.

Ишчи организмiga шовқинни таъсирини олдини олиш учун, бир қанча профилактик чора тадбирлар ўрнатилган.

- қонуний чоралар, меъёрий хужжатлар ўрганиш
- шовқинни РЭД да ушлаб туриш, иш соатларини чегаралаш, шовқинсиз мосламаларга алмаштириш, шовқин ютувчи экранлар ўрнатиш
- шахсий химоя воситаларидан фойдаланиш – беруши, антифон, шлемофон (бу ШХВ шовқинни 10-50 дБ гача камайтиради)
- корхоналарда рационал овқатланиши ташкил этиш, дам олиш соатларини бўлиши (тинчлантирувчи камера хоналар)
- дастлабки ва даврий тиббий кўрикларни ташкиллаштириш, тор соҳа мутахассисларини (ЛОР врачи, невропатолог, терапевт врачи) чақириш, аудиометрия ўтказиш, А/Бни ўлчаш, қон тахлили ўтказиш.
- Дам олиш оромгоҳларига йўлланма бериш.

Ишлаб чиқаришда яна бир кенг тарқалган заарли омил – бу тебраниш (вибрация)дир. Тебраниш – ишлаб чиқариш шароитида таранг қаттиқ

жисмларни бевосита одам танасига ёки алоҳида қисмларига берилувчи тебранма ҳаракати бўлиб, салбий таъсир кўрсатади. Масалан, металларга ишлов беришда, пневматик асбоблар (дрель) билан ишлашда, транспорт воситалари бошқаришда келиб чиқади. Тебраниш одам танасига берилишига қараб:

- умумий ва маҳаллий бўлади. Умумий тебраниш таянч аъзоларига берилиб, бутун танага тарқалади. Маҳаллий тебраниш эса, қўл, оёқка берилади.

Ҳосил бўлиш жойига қараб қуидагича бўлинади: - транспорт тебраниши – трактор, бульдозер, самосвал машиналари; транспорт-технологик тебраниш – юк ортувчи экскаватор автомашиналари; -технологик тебраниши – стационар машиналар, иш жойидаги машиналар.

Частота таркибига қараб: паст (2,4,8,16 Гц), ўрта (16, 31,5 ва 63 Гц), юқори (31,5 ва 63, 250, 500 ва.х.к.) тебранишларга бўлинади.

Иш жойларида тебранишни ўлчаш ва баҳолашда ВШВ -003, ИШВ, асбоблари ишлатилади. Тебранишни ўлчашда меҳнат ҳавфсизлиги учун тузилган меъёрий хужжат кўра, З та ўқ йўналиши бўйича ўлчанади. Маҳаллий тебранишни ўлчашда қабул қилувчи қисми (датчик) қўлнинг тебранаётган юзасига маҳкамланади. Умумий тебранишда стационар жихозлар ёнидаги иш жойларида қабул қилувчи майдонча юзасига ёки ўтиргичига ўрнатилади. Олинган натижалар СанҚ ва М 0122-01 “Иш жойларида маҳаллий ва умумий тебранишнинг санитария меъёрлари”га мувофиқ баҳоланади.

Тебранишни организмга кучли биологик таъсир кўрсатади. Маҳаллий тебраниш таъсирида келиб чиқадиган тебраниш касаллигини ўрганишда бир неча босқичлар фарқланади:

1 босқич – бошланғич босқич. Яққол клиник белгилар бўлмайди. Даврий равишда қўлларда оғриқ, бармоқ учларида сезиш хусусиятини пасайиши.

2 босқич – суст намоён бўлган босқич. Қўлларда оғриқ бироз кучайган, бармоқларни сезиш хусусияти барчасида тарқалган, бармоқ териси ҳарорати камайган, кўкариш белгилари.

3 босқич – аниқ намоён бўлган босқичи. Қўллардаги оғриқ кучайган, бармоқлар терлайди, совук.

4 босқич – белгилар тарқалган босқич. Кўп йиллик меҳнат стажига эга бўлган ишчиларда учрайди. Қўл ва оёқ томирларида яққол клиник ўзгаришлар, юрак ва мия томирларида спазм (торайиши) ҳолати кўринади. Тебраниш касаллиги узоқ вақт давом этиши мумкин, ишдан сўнг ва кечқурун оғриқлар кучаяди, “ўлик бармоқлар” белгиси, мушак ва суяқда атрофик ўзгаришлар, невротик симптомлар кузатилиши мумкин.

Умумий тебраниш таъсирида эса, МНС томонидан (бош оғриши, бош айланиши, хотира йўқолиши, қулоқ шанғиллаши), юрак қон томир тизими, таянч-ҳаракат тизими, кичик чаноқдаги органлари томонидан клиник ўзгаришлар кузатилади.

Ишлаб чиқаришда тебранишнинг заарли таъсирини олдини олиш

мақсадида бир қатор чора тадбирларни амалга ошириш керак.

- Қонуний чора тадбирлар, ОСН, ЖСН ўтказилиши;
- техник-технологик чоралар – тебранишни РЭД га келтириш, тебранишни изоляцияловчи, ютувчи мосламаларни ўрнатиш; иш жойида тебраниш даражасини назорат қилиш (виброметр, виброграф);
- шахсий ҳимоя воситалари- маҳсус оёқ кийимлари, қўлқоплар, меҳнат ва дам олишни тўғри ташкиллаштириш,
- профилактик чоралар - рационал овқатланиш, витаминалар истемол қилиш (С ва В гурух), маҳаллий қуруқ ванналар қабул қилиш, қўлларни массаж қилиш, УБН билан физиотерапевтик муолажа, тиббий қўрикларни ташкиллаштириш ва ўтказиш тартиби.

Назорат саволлари:

1. Касб касалликлари нима? Уларнинг келиб чиқишига нималар сабаб бўлади?
2. Тиббий курикни ташкил этишнинг конуний асослари
3. Иш жойларини текширишни (аттестацияси) ким олиб бориши керак?
4. Чангланлик қаерда ва қандай тартибда ўлчаниши керак?
5. Шовқин қаерда ва қандай тартибда ўлчаниши керак?
6. Тебраниш қаерда ва қандай тартибда ўлчаниши керак?
7. Олинган натижаларни қандай баҳоланади?
8. Касалликлар қайд этилган аёллар билан қандай чора тадбирлар қўлланиши мумкин
3. Иш жойларида согломлаштирувчи чора тадбирлар қўллаш ва янги касалликларни қайд этилмаслиги учун Сизнинг тавсиянгиз

Фойдаланилган адабиётлар:

- 1.“Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 26 августдаги 393 сонли Қонуни (ЎзР қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 34-сон, 451-модда) -18б.
- 2.Румянцев Г.И., Прохоров Н.И., Новиков С.М. ва б. “Гигиена” Учебник для ВУЗов, М., 2009.- 608б.
3. Umumiy gigiyena bilan ekologiya. Amaliy mashg`ulotlar uchun o`quv qo`llanma. L.A.Ponomareva, E.K. Kazakov, L.K. Abduqodirova, B.E.Tuhtarov, I.K.Dravskix, S.A.Sharipova, X.A.Sadullaeva. - Т.,2011.
4. ЎзР СанҚвам лари (2005 - 2015 йиллар)

4-амалий машғулот: Болалар ва ўсмирлар гигиенасининг ўзига хос муаммолари. Болалар ва ўсмирларнинг жисмоний ривожланишини текшириш ва баҳолашнинг методологик асослари.

Ишдан мақсад: тингловчиларга болалар ва ўсмирларнинг жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари, уларни текшириш усуслари, ЎзР да яшайдиган болалар ва ўсмирлар жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари ҳамда уларнинг

амалиётда тутган ўрнини тушунтириш, бу кўрсаткичларни ҳисоблаш ва уларга баҳо бериш кўникмаларини шакллантириш.

Масаланинг қўйилиши: Тингловчилар гурухларда топшириқни ечишади (Ҳар бир мавзу бўйича топшириқлар V-бўлимда келтирилган).

Болалар ва ўсмирларнинг жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари кўп жиҳатдан тарбиялаш ва ўқитиш шароитларига боғлиқдир. Шунинг учун врач болалар ва ўсмирларнинг жисмоний ривожланиш кўрсаткичларини текшириш усуллари ва баҳолаш усулларини билиши зарур. Олинган натижалар асосида тарбиялаш ва ўқитиш шароитларини қандай ташкил этилганлиги ҳақида фикр юритиш мумкин бўлади.

Болалар ва ўсмирларнинг жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари оиласда ва ҳамда мактабгача ва мактаб муассаларидағи тарбиялаш ва ўқитиш шароитларининг қандай яратилганлигига боғлиқдир. Бундай энг кўп аҳамиятга эга бўладиган омиллар қаторига болаларнинг овқатланиш сифати, жисмоний юкламаларнинг характеристи ва даражаси, ўқиш жойларининг ташкил этилганлиги, оқилона тузилган ва бажариладиган кун тартиби, мактабдаги дарсларнинг тартиби ва характеристи, болалар муассасаларидағи санитар-техник жиҳозларнинг созлиги, хоналарнинг ёритилиш сифати ва б.к. киради. Шунинг учун врач болалар ва ўсмирларнинг жисмоний ривожланиш белгиларини текшириш ва баҳолай олишни билиши ва олинган натижалар асосида уларга яратилган тарбиялаш ва ўқитиш шароитлари ҳақида фикр юритаолиши керак.

Болаларнинг жисмоний ривожланишини текшириш ва баҳолаш албатта йилига бир марта ўтказилиб, олинган натижаларни ҳарбир боланинг шахсий ривожланиш картасига ёзиб борилиши шарт.

Болалар ва ўсмирларнинг жисмоний ривожланиши ҳақида бир қатор белгилар (кўрсаткичлар) орқали фикр ва хulosha чиқариш мумкин бўлиб, бу кўрсаткичлар учта гурухга бўлинган:

- 1.Соматометрик кўрсаткичлар - бўй, вазн ва кўкрак қафаси айланаси (КҚА);
- 2.Физиометрик кўрсаткичлар- мушаклар кучи, ўпканинг тириклик сифими, А/Б (артериал босим) қиймати, пульс тезлиги, тери ости ёғ қаватининг қалинлиги;
- 3.Соматоскопик кўрсаткичлар - скелетнинг ҳолати, бадан терисининг ҳолати, доимий тишларнинг сони, жинсий ривожланиш формуласи.

Бу белгиларни текширишда айрим қоидаларга риоя қилиниши керак.

Боланинг бўйи ёғочли ёки темирли бўй ўлчагичда аниқланади. Ўлчашларнинг эрталабки соатларда ўтказилиши керак. Ўлчаш вактида бўй ўлчагичнинг вертикал тахтасига бола танасининг қуидаги қисмлари тегиб туриши керак: курак оралигидаги умуртқа пофонаси, думба соҳаси, товоонлар; бош бироз олдинга эгилган ҳолда бўлади. Вазн тиббий тарози ёрдамида аниқланади. Боланинг ёшини хисобга олган ҳолда (бола нонушта қилган бўлиши шарт- таҳминан -0,3 кг) олинган қийматларданқ(овқат учун - 0,3 кг), кийимлардан (йил фаслларига мувофиқ -0,3-0,5 кг) ва вазндан эса -0,5 кг (ёзда) - 1 кг (қишида) олиб ташланади.

КҚА сантиметрли тасма ёрдамида аниқланади, бунинг учун тасма орқа тарафда курак бурчаклари соҳасида, олди томонда эса, ўғил болаларда - 4 қобирға соҳасида, қиз болаларда кўкрак бези айланасининг устки қисмида туриши керак.

Мушаклар кучи қўл динамометри ёрдамида (қўл мушаклари кучи) ёки оёқ динамометри (орқа курак атрофи ва умуртқа пофонаси ёнидаги мушаклар кучи).

Ўпканинг тириклик сигими спирометр асбоби ёрдамида аниқланади. Бунинг учун болага спирометрга қандай пуфлаш (тўлиқ нафас чиқариш) кераклиги ҳақида йўл-йўриқ берилади.

А/Б тонометр ёрдамида, пульс тезлиги эса - пальпатор аниқланади.

Тери ости ёғ-клетчаткасининг қалинлиги маҳсус штангенциркул ёрдамида ўлчаниб, сантиметрлар (см) да ифодаланади.

Соматоскопик белгилар тавсифлаш орқали ифодаланади, жинсий етилиш белгилари эса форма ёрдамида ифодаланади. Ўғил болалар учун бу формулага кўпинча қов ва қўлтиқ остидаги жунларнинг ўсганлик даражасини (мас., P_o , Ax_1 кўринишида, бу демак текширилувчи болада қов соҳасида туклар ҳали чиқмаган, қўлтиқ остида эса, 1 даражали яъни битта-яримта ўсиш бор деганидир). Қиз болаларнинг жинсий ривожланишини ифодалашда кўкрак безининг ривожланганлиги, менстриуация циклининг бошланиш вақти-менархе қўшилади (мас., P_2 , Ax_2 Ma_2 , Me_{13} - бу дегани, текширилувчи қиз болада қов ва қўлтиқ ости соҳасида 2 даражалик ривожланиш, сут бези кўкракдан кўтарилган, менстриуация эса, 13 ёшдан бошланган демакдир).

Болалар ва ўсмирларнинг жисмоний ривожланиш қўрсаткичларини баҳолаш жисмоний ривожланиш стандартлари билан таққослаш орқали бажарилади.

Болалар ва ўсмирларнинг жисмоний ривожланиш стандартлари болаларнинг жинси, ёши, миллати ва яшаш жойига боғлиқ бўлади. Шунинг учун жисмоний ривожланиш ҳолати ҳақида хулоса чиқариш, масалан агар шахар шароитидаги бола учун қишлоқ жойларида яшайдиган болаларнинг стандартлари билан таққосланса, олинган натижа нотўғри хисобланади.

Жисмоний ривожланиш стандартларини тайёрлаш учун текширишлар ўтказилади, олинган натижаларни математик ишловдан ўтказилади. Бунинг учун текширишдан кам деганда ҳар бир жинс ва ёш, бир ҳил миллат ва бир жойда яшайдиган 100 та бола ўтиши керак бўлади. Жисмоний ривожланиш стандартларини ишлаб чиқиш учун олинган маълумотлар статистик ишловдан ўтказиш усули ва олинган стандартларнинг қийматлари ёки регрессия шкаласи, ёки центил шкаласи, ёки биологик ривожланиш стандартлари кўринишида расмийлаштирилиши мумкин.

Жисмоний ривожланишни шахсий тарзда баҳолаш учта усулда бажарилиши мумкин, аммо илгари бундай баҳолашлар 4 усулда амалга оширилар эди: регрессия шкаласи бўйича, комплекс схема бўйича, центил шкаласи бўйича (сигмали оғиш усули-4-чи усул).

Регрессия шкаласи бўйича баҳолаш. Регрессия шкаласи вазн ва КҚА қийматларининг ўзгаришини бўй кўрсаткичи 1 см га ўзгаришини хисобга олган ҳолда баҳолайди, яъни бу усулда ривожланишни белгиловчи кўрсаткич боланинг бўйи хисобланади (ЎзР даги ўқувчилар учун 1998 йилда ишлаб чиқилган регрессия шкаласини намойиш қилиш). Жисмоний ривожланишни шахсий тарзда баҳолаш тартиби:

- боланинг аниқ туғилган вақти ва текширишдан ўтказилган вақтини хисобга олиб, шунга мувофиқ регрессия шкаласи топилади;
- жинс, ёш, миллати ва яшаш жойига мувофиқ бўлган регрессия шкаласи топилади;
- бўйни хисобга олиш билан боланинг ривожланиши қайси қийматларга тўғри келиши аниқланади (ўртача, ўртачадан юқори, ўртачадан паст ва ҳ.к.);
- шкала бўйича шу бўйда вазн ва КҚА қандай бўлиши кераклиги топилади ($M_{+ \delta}$);
- вазн ва КҚА учун $\Delta\delta$ (сигмали оғиш) қийматини аниқлаш. Мас., боланинг амалдаги вазни 30 кг, Жадвал бўйича вазн $32,1 + 3,1$, демак, вазнинг сигмали оғиши $= (32,1 - 30) : 3,1 = 0,7$. Агар сигмали оғишнинг қиймати $+_{-1}$ сигма атрофига бўлса, у ҳолда жисмоний ривожланиш гармоник хисобланади; сигмали оғиш $+_{-1}$ дан $+_{-2}$ сигмагача бўлса дисгармоник, 2 сигмадан ортиқ бўлса кескин дисгармоник деб баҳоланади.

Боланинг шахсий картасига ривожланиш даражаси ва гармониклиги ҳақидаги хулоса ёзиб қўйилади. Масалан, "ривожланиш ўртача гармоник" ёки "ривожланиш ўртачадан паст дисгармоник бўлиб, КҚА кичикилиги хисобига", ёки "ортиқча вазн хисобига ривожланиш ўртачадан юқори дисгармоник" каби.

Жисмоний ривожланишни комплекс схема бўйича баҳолаш Жисмоний ривожланишни регрессия усулида баҳолаганда факат учта ривожланиш

кўрсаткичидан фойдаланилди (бўй, вазн, КҚА), бундай баҳо боланинг ёшга оид биологик ривожланишига мувофиқ даражада эканлигини баҳолашга имкон бермайди. Шунинг учун боланинг жисмоний ривожланишига чукурроқ баҳо бериш керак бўлганда комплекс схемадан фойдаланилади. Бу усулда боланинг морфо-функционал ривожланиши регрессия шкаласи бўйича, биологик ривожланиш даражаси эса - амалдаги физиометрик ва соматоскопик кўрсаткичларни, шу ёш, жинс, миллат, яшаш жойи учун ишлаб чиқилган ривожланиш стандартлари билан таққослаш орқали баҳоланади. Кўпроқ куйидаги кўрсаткичлар бўйича баҳолаш қабул қилинган: бўйнинг йиллик қўшилиши, ўнга ва чап кўл мушакларининг кучи, ўпканинг тириклик сифими, доимий тишлар сони, жинсий ривожланиш формуласи (физиометрик ва соматоскопик кўрсаткичларнинг стандартларини намойиш қилиш).

Боланинг шахсий картасига ҳам морфо-функционал ривожланиш, ҳам биологик ривожланишнинг ёшга мувофиқлик даражаси ёзиб қўйилади. Мас., морфофункционал ривожланиш ортиқча вазн хисобига дисгармоник, биологик ривожланиш мушаклар кучи ва ўпканинг тириклик сифими хисобига орқада қолган".

Центил шкалалари. Жисмоний ривожланиш кўрсаткичларини баҳолашдаги замонавий усуллардан бири центил шкаласи бўйича баҳолаш хисобланади.

Центил шкалалари бу жисмоний ривожланиш кўрсаткичларининг қайтарилиш сонини хисобга олган ҳолда тақсимланишидир (фоизларда, центил сўзи ҳам шундан келиб чиқсан яъни pro centum). Бу кўрсаткичлар болаларнинг жинси, ёши, миллати ва яшаш жойларига боғлиқ ҳолда қайтариладиган қийматлар хисобланади. Кузатиладиган ҳамма қийматлар бирнечта зонага бўлинган (6 та ёки 8) . Амалдаги (фактический) маълумотларни баҳолашдан ўтказишида ўрганилаётган белгиларнинг қийматлари қайси зонага яқинроқ жойлашганлигини аниқлаш керак бўлади. Ана шу зоналарнинг рақамларига боғлиқ ҳолда жисмоний ривожланишни баҳолаш амалга оширилади. Агар текширилаётган кўрсаткичлар:

-1-чи зонага жойлашса - жисмоний ривожланиш жуда паст деб баҳоланиб, тор соҳа мутахассислари томонидан чукур текширишдан ўтказиш кераклиги ҳақида хulosса чиқарилади (эндокринологнинг текширишигача бориши мумкин);

-2-чи зона - жисмоний ривожланиш паст, бунда бола организмида сурункали касаллик борлигини аниқлаш учун чуқурлаштирилган кўрикдан ўтказиш тавсия этилади;

-3 зона - жисмоний ривожланиш ўртачадан паст - бунда боланинг тез-тез касалланиши мумкинлигига эътибор қаратиш талаб этилиб, бола организмини соғломлаштириш тадибирларини белгилаш лозим;

- 4-5 - зона - боланинг ривожланиши ўртача - маҳсус кузатиш талаб этилмайди;
- 6 зона - боланинг ривожланиши ўртачадан юқори - маҳсус назорат қилиш талаб этилмайди;
- 7 зона - ривожланиш юқори, эътибор қаратиш керак;
- 8 зона - ривожланиш жуда юқори, эндокринолог маслаҳати талаб этилади.

Центил шкалалари бўйича баҳолашда учта кўрсатгич (белги) - бўй, ваз, КҚА асосида боланинг ривожланиш соматотипи аниқланади, бунинг учун текширилаётган учта кўрсаткичнинг қийматлари қайси зонага тўғри келишига мувофиқ, шу зоналарнинг рақамлари қўшилади.. Агар олинган қиймат йифиндиси 10 дан кам бўлса - микросоматотип, 11-16 - мезасоматотип, 16 дан кўп бўлса - макросоматотип деб баҳоланади.

Учала белги (кўрсаткич) ларнинг зона рақамлари ўртасидаги фарқ "1" дан ортиқ бўлса боланинг ривожланиши дисгармоник деб баҳоланади.

Шундай қилиб, центил шкаласи бўйича баҳолаш бир қатор устунликларга эга:

- хисоблашларни қилишга ҳожат йўқ;
- ривожланиш даражаси ва гармониклигина эмас, балки ҳарбир болага нисбатан врачнинг тактикасини ҳам белгилаш мумкин;

Болалар ва ўсмирларнинг жисмоний ривожланиш даражаси ва гармониклиги уларни мактабларда ташкил қилинадиган жисмоний тарбия дарсларини ташкил қилишда гуруҳларни аниқлаш учун зарурдир. Ўқувчиларнинг саломатлик ҳолатлари ва жисмоний ривожланиш даражаларига боғлиқ ҳолда улар уч гурухга бўлиниши мумкин:

- 1 гурух - асосий гурух - жисмоний ривожланишида ҳечқандай оғиш бўлмаган амалий соғлом болалар;
- 2 гурух - тайёрлов - ўткир касалликни ўтказган болалар бўлиб, жисмоний ривожланишдаги силжишларни йўқотиш мумкин; ана шу силжишларни изга солувчи машқлар билан шахсий машғулот ўтказиш (енгиллаштирилган ёки кучайтирилган машқлар). Бундай болаларни турли мусобақаларда қатнашиши фақат врач рухсати орқали амалга оширилади. Гурухда машғулотларни ўтказишнинг асосий мақсади - бу болаларни асосий гурухга ўтказиш хисобланади;
- 3 гурух - маҳсус - сурункали касаллиги бор ёки жисмоний ривожланишдаги оғишларни орқага қайтариш мумкин бўлмаган ҳолатдаги болалар, Бундай болалар билан шахсий дастур бўйича машғулотлар ўтказиш

режалаштирилади. Бундай болалар имконияти чекланган тенгдошлари қатори ҳудди шундай болалар билан мусобақалашиши мумкин.

Назорат саволлари:

- 1.Болалар ва ўсмирларнинг жисмоний ривожланиши учун гигиеник ўқитиши ва тарбиялаш шароитларининг аҳамияти
- 2.Болалар ва ўсмирларнинг жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари (белгилари: соматометрик, физиометрик, соматоскопик)
- 3.Болалар ва ўсмирларнинг жисмоний ривожланишини шахсий тарзда баҳолаш усуслари ҳақида тушунча
- 4.Жисмоний ривожланиш стандартлари ҳақида тушунча
- 5.Жисмоний ривожланишни регрессия шкаласи бўйича баҳолаш
- 6.Жисмоний ривожланишнинг шахсий кўрсаткичларини гигиеник аҳамияти
- 7.Болалар жамоаларининг жисмоний ривожланиш даражаларини гигиеник аҳамияти
- 8.Болалар жамоасининг ривожаланиш даражасининг мезонлари

Фойдаланилган адабиётлар:

- 1.“Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 26 августдаги 393 сонли Қонуни (ЎзР қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 34-сон, 451-модда) -186.
- 2.Румянцев Г.И., Прохоров Н.И., Новиков С.М. ва б. “Гигиена” Учебник для ВУЗов, М., 2009.- 608б.
3. Umumiy gigiyena bilan ekologiya. Amaliy mashg`ulotlar uchun o`quv qo`llanma. L.A.Ponomareva, E.K. Kazakov, L.K. Abduqodirova, B.E.Tuhtarov, I.K.Dravskix, S.A.Sharipova, X.A.Sadullaeva. - Т.,2011.
4. ЎзР СанҚваМ лари (2005 - 2015 йиллар)
5. Children’s Environmental Health Units, © World Health Organization 2010, 3-4p.

5-амалий машғулот: Соғлом турмуш тарзи ва психогигиенанинг долзарб муаммолари. Кийим-бош газламаларининг физикавий ва гигиеник кўрсаткичларини текшириш усуслари.

Ишдан мақсад: тингловчиларга кийим-бош газламаларининг физикавий ва гигиеник кўрсаткичларини, инсон организми учун уларнинг аҳамияти ҳамда амалиётида тутган ўрнини тушунтириш, бу кўрсаткичларни ҳисоблаш ва уларга баҳо бериш кўниқмаларини шакллантириш.

Масаланинг қўйилиши: Тингловчилар гурухларда топшириқни ечишади (Ҳар бир мавзу бўйича топшириқлар V-бўлимда келтирилган).

Кийиш учун мўлжалланган ва фойдаланиладиган кийим-бошлар шахсий гигиенанинг муҳим бир қисми ҳисобланиб, организм учун энг мувофиқ (комфорт) ҳолатни таъминлашга хизмат қиласди. Комфортлик ҳолатининг даражаси фойдаланилган матонинг гигиеник хоссаларига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Шунинг учун санитария врачи газламаларни гигиеник баҳолашдан ўтказиш қайси кўрсаткичлар билан текширилиши ҳақидаги маълумотларни билиши керак. Бу кўрсаткичлар эса, шу газламанинг амалиётда қўлланиши мумкинлиги ҳақидаги хulosани чиқаришга асос бўлади.

Кийим-кечаклар асосан инсонга ташқи муҳитнинг турли шароитларида қулай комфорт иссиқликни яратиш учун хизмат қиласди. Бундан ташқари, Ф.Ф. Эрисман фикрига кўра, кийим-кечак ўзига хос “ҳимоя” доираси бўлиб, механик таъсирлардан, ҳашаротлар чақишидан, микробли ёки чангли ифлосланишдан, қуёш нурларидан ва бошқа майший номувофиқ омиллардан ҳимоя қиласди.

Кийим-кечак ўз мақсадига кўра турларга бўлинган: болалар ва ўсмирлар кийими, маҳсус ишлаб чиқаришда кийиладиган кийимлар, ҳарбий кийим-бош, спорт кийимлари, касалхоналарда bemорлар ва тиббий ходимлар учун кийим-кечаклар. Айниқса болалар учун тайёрланадиган кийимларнинг ҳимоя хусусиятларида қуидагилар муҳим:

- бола организмида иссиқликни бошқариш механизmlари мукаммал эмас, шунинг учун организмнинг қизиб кетиши ва совуққотиши ҳолатлари саломатликка салбий таъсир этиши мумкин;
- болалар серҳаракатлилиги билан ажralиб туради, бунда иссиқлик ҳосил бўлиш даражаси 2-4 марта ошади;
- болалар териси нозик ва енгил шикастланади;
- катталарга нисбатан болаларда организмнинг алмасиниши жараёнларида тери орқали нафас олишнинг солиштирма оғирлиги юқоридир.

Қўлланилиши ва характеристига боғлиқ бўлмаган ҳолда, кийим-кечак қуидаги физик-гигиеник талабларга мувофиқ келиши керак:

- кийим ости микроклимини меъёрда сақлаши, яъни комфорт шароит бўлиши керак;
- нафас олишни, қон айланишини қийинлаштираслиги, бажариладиган ҳаракатларни чекламаслиги керак;
- физик ва кимёвий хусусиятлари бўйича одам учун заар келтирмаслиги керак;
- ифлосланганда тез ва осон ювилиши керак;

- одам тана массасининг 8-10% ини ташкил этиши керак;
- статик электрланишга эга бўлмаслиги керак.

Одам тана юзаси ва кийим орасидаги қатламини кийим остки қатлами дейилади. Бу қатlamдаги микроиқлим кўрсаткичларини доимо назорат қилиб бориш кийим-кечакларнинг сифати ва гигиеник хоссаларини муҳим таснифи ҳисобланади. Бизга маълумки, ташқи муҳитда ҳаво ҳарорати $18-22^{\circ}$ С бўлганда, кийим остки қатламида ҳарорат $32,5 - 34,5^{\circ}$, нисбий намлик 55-60 %, CO эса 1-1,5% ни ташкил қилади. Бундай ҳолатда организмнинг функционал даражаси, иссиқликни сезиш ҳолати меъёрда бўлади. Мос танланган кийим-кечак кийиш ҳисобига одам организмидан иссиқлик ажралишини тезлашуви ёки секинлашуvigа эришиш мумкин.

Кийим-кечакларнинг гигиеник хоссалари газламаларнинг турига, кийимнинг тикилиш бичимиға боғлиқ. Газлама эса толалардан иборат бўлиб, улар орасида ҳаво бўлади. Газлама турларидаги камчиликларни аниқлашда энг аввал толаларнинг физик-кимёвий хусусиятларини ўрганиш лозим (ҳаво ўтказувчанлиги, сув ўтказувчанлиги, гигроскопиклиги, иссиқлик ўтказувчанлиги).

Газламаларнинг тайёрланишида табиий ва сунъий толалар ишлатилади. Табиий толалар икки хил: органик (пахта, каноп, зиғир, жун, шойи), анорганик (кимёвий синтетик) тури бўлади (1-илова). Табиий органик толалардан тайёрланган газламалар энг қадимги ва кенг тарқалган материаллар ҳисобланади. Масалан, пахта ва зиғирдан тайёрланган газламалар юқори гигроскопик ва ҳаво ўтказувчанлик хусусиятига эга, улардан турли ички кийимлар ва ётоқхона чойшаблари тайёрланиши мумкин.

Қалин жунли газламалар ғоваклилиги ва гигроскопиклиги юқори бўлгани учун, улар иссиқликни кам ўтказади ва иссиқликни сақлаш хусусияти юқори бўлади. анорганик (минерал) газламалар эса маҳсус кийим-кечакларни тайёрлашди ишлатилади. Дунё бўйича кимёвий турдаги толалардан газламалар ишлаб чиқаришда асосан органик келиб чиқишига эга бўлган материаллар қўлланилиб, улар шартли равишда икки гурухга бўлинади:

Сунъий ва синтетик. Сунъий материаллар (вискоза, ацетат ва х.к.), синтетик (капрон, нейлон, перлон, лавсан, орлон ва б.).

Сунъий толали матолар – целлюлоза ва бошқа табиий материалларни кимёвий қайта ишлаш йўли билан олинади. Бу газламалар ўз юзасида сув буғларини ушлаш хусусиятига эга (юқори даражада нам ютиш хусусияти). Ацетатдан тайёрланган матолар эса гигроскопиклиги ва нам ютиш хусусияти анча паст. Шунинг учун у терига текканида электростатик зарядланиш чақиради.

Синтетик толалар – келиб чиқиши бўйича органик турда бўлган нефть, кўмир, газ моддаларини кимёвий синтезлаш йўли билан олинади. Ҳозирги

вақтда синтетик газламалар турли хилдаги кийимларни тикишда құлланилади.

Бу газламаларнинг ижобий томони шундаки, улар механик чидамли, ювишда қулай ва чидамли, кимёвий, физик омиллар таъсирига чидамлилигидир. Асосий камчилиги эса, гигроскопиклик хусусиятининг паст эканлиги. Буни натижасыда организмдан ажраладиган тер ва бошқа ажралмалар чиқиб кетмай, толалар орасыда ушланиб қолади, ҳаво алмашинувига түсқинлик қиласы.

Санитария амалиётида газламаларни гигиеник хусусиятларини текшириш асосан қуйидаги дастур бўйича ўтказилади:

1. Газлама намуналарини текширувга тайёрлаш.
2. Намуналардан қирқиб олиш.
3. Газламаларнинг баъзи физик кўрсаткичларини аниқлаш, шу жумладан зичлигини ва оғирлигини.
4. Газламаларнинг асосий гигиеник кўрсаткичларини текшириш:
 - А. Ҳаво ўтказувчанлиги, ғоваклилиги;
 - Б. Сув шимиш (намланиш) хоссаси, гигроскопиклиги, толалар бўйлаб сувни капилляр кўтарилиши, ёпишқоқлик хусусияти;
 - В. Нам ва қуруқ ҳолатда иссиқлик ўтказувчанлик ҳолати;
 - Г. Ифлосланиши (кирланиш ҳолати) – механик, кимёвий ва бактериологик.

Газламаларни бундай текширишдан аввал, уларнинг келиб чиқиши характеристерини аниқлаш керак.

Бунинг учун газламани микроскопик текширишга тайёрлаш зарур.

Текширилаётган мато намунасидан **1X1** см ҳажмда кесиб олинади ва четки толалари кўндаланг ва бўйлама чизиқ бўйлаб чиқариб олинади. Қайчи билан кесиб олинган толалар буюм ойначасига қўйилади, сув томизилади. Нина учи билан тола титиб олинади ва ёпқич ойна билан ёпилади. Тайёр препарат микроскоп остига қўйилиб катталаштирилган ҳажмда қўрилади. Пахта толалари ичи тўлиқ лентага ўхшаш бўлиб, эгилган бўлади. Жунли толалар ўзига хос кўринишга эга: тола юзаси бўйлаб тангача бўлиб, устмасуст жойлашган бўлади. Сунъий шойи мато толалари бир хил ингичка, ичи бўшлиқдан иборат бўлиб кўринади.

Толаларни келиб чиқишини аниқлашнинг яна бошқа усуллари ҳам мавжуд. Толаларни бир-биридан ажратиш учун асосан учта усулдан фойдаланилади.

1. Органолептик усул – толанинг ташқи кўриниши ва синдириш билан аниқлаш.
2. Микроскопик усул – юқорида ўрганилди.
3. Кимёвий усул.

Биринчи усулда толанинг ташқи кўриниши бўйича аниқланади, агар аниқлашнинг иложи бўлмаса (м: бўялган) толани кенг тарқалган усуллардан мато толасини ёқиб кўриш синамаси. Толани ёндириш жараёнида учта хусусиятига аҳамият берилади. 1-ёниш характери, 2-хиди, 3-ёнишдан қолган кули. Бунда жунли ва шойи толалар ёнганда, тери ёки пат куйгандаги ҳидни таратади. Пахта, зигирли толалар эса ёнганида, қоғоз ҳидини таратади.

Назорат саволлари:

- 1.Кийим-бошлар қандай гигиеник талабларга жавоб бериши керак?
- 2.Қишки фаслда кийиладиган устки кийимлар учун қандай матолардан фойдаланиш керак?
3. Газламаларни синовга қандай тайёрланади?
4. Газламанинг физик хоссаларини кўрсатинг:
5. Газламанинг зичлиги деб нимага айтилади ва уни аниқлаш учун қайси кўрсаткични билиш керак?
6. Жунли матоларнинг физик-механик хоссаларини санаб беринг?
7. Газламанинг табиий ёки сунъий толадан тайёрланганлигини билиш учун қайси усуллардан фойдаланилади?
8. Газламанинг гигиеник хоссаларини кўрсатинг?
9. Ҳаво ўтказиш коэффициентини ҳисоблаш учун нималарни билиш керак?
10. Ички енгил кийим учун газламалар танлашда тўқималарнинг қайси физик-механик хоссаларини инобатга оласиз?
11. Газламанинг сув ушлаш хусусияти деб нимага айтилади?
12. Газламанинг гигроскопиклиги деб нимага айтилади?

Фойдаланилган адабиётлар:

- 1.“Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 26 августдаги 393 сонли Қонуни (ЎзР қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 34-сон, 451-модда) -186.
- 2.Румянцев Г.И., Прохоров Н.И., Новиков С.М. ва б. “Гигиена” Учебник для ВУЗов, М., 2009.- 608б.

3. Umumiy gigiyena bilan ekologiya. Amaliy mashg`ulotlar uchun o`quv qo`llanma. L.A.Ponomareva, E.K. Kazakov, L.K. Abduqodirova, B.E.Tuhtarov, I.K.Dravskix, S.A.Sharipova, X.A.Sadullaeva. - T.,2011.

4. ЎзР СанҚвам лари (2005 - 2015 йиллар)

V.КЕЙСЛАР БАНКИ

1-амалий машғулот: Инсон организмига атроф мухит омилларининг таъсири. Хоналарнинг микроиклим кўрсаткичларини текшириш усуллари.

1.Кичик гурухлар билаш усули гурухдаги тингловчиларни 4 кичик гурухга бўлишни кўзда тутади (3 тадан тингловчи), ҳар бир кичик гурух мавзуни муҳокамаси ва ўқитувчи томонидан асбоблар билан танишириш ва ишлаш тартиби бўйича тушунтириши тугагандан сўнг шахсий топшириқларни оладилар:

-1 кичик гурух – хонадаги инсоляцион тартибни аниқлаш, текшириш баённомасини расмийлаштириш

-2 кичик гурух – ўқув аудиториясидаги ЁК ўлчаш ва унга баҳо бериш, текшириш баённомасини расмийлаштириш

-3 кичик гурух – ўқув аудиторияси мисолида ТЁК ўлчаш ва баҳолаш, текшириш баённомасини расмийлаштириш

-4 кичик гурух – ўқув аудиторисидаги иккита ишчи нуқтасида ёруғликнинг тушиш бурчагини аниқлашни бажариш (1-чи ва 2-чи қатордаги иш жойлари)

Кичик гурухларда амалий ишлар якунлангандан сўнг, ҳарбир гурухча ўзларининг текшириш натижаларини тақдим этадилар – текшириш натижалари ва хисоблаш натижаларининг баённомасини ўқийдилар. Сўнгра гурухдаги ҳамма тингловчилар барча текшириш натижаларини ўз дафтарларига ёзиб оладилар ва кейин ўқитувчининг маслаҳати билан олинган натижаларга баҳо берадилар (ўқув аудиторияси учун табиий ёритилганлик кўрсаткичларининг гигиеник меъёrlари)

Сунъий ёритилганлик бир қанча омилларга боғлиқ бўлади: хонанинг катталиги (ўлчамлари), фойдаланиладиган чироқларнинг табиати, қуввати ва сонига, уларнинг созлиги, осилиш баландлиги, тозалиги, арматураларнинг тури, хонадаги юзаларнинг нурни қайтариш хусусиятига боғлиқ бўлади. Хоналарнинг сунъий ёритилиш ҳолатини баҳолашда биринчи навбатда юқоридаги ҳамма омилларни тавсифлаш керак бўлади.

Ёритилиш даражасини ва унинг хона бўлаб бир текис тарқалишини баҳолаш учун ўлчашлар хонада кам деганда 3-5 нуқтада амалга оширилиши керак (хонанинг катталигига боғлиқ ҳолда). Ўртача қиймат ёритилишнинг ўртача даражасини, турли нуқталардаги ёртилиш фарқларининг қиймати эса, ёртилишнинг бир текис тарқалишини таърифлайди. Ёритилганликни ўлчаш учун люксметр асбобидан фойдаланилади.

Бундан ташқари хоналардаги сунъий ёритилганлик қиймати хисоблаш усули билан ҳам аниқланиши мумкин. Аввал хонага қўйилган ва ишлаш ҳолатидаги чироқларнинг йиғинди қуввати хисобланади (А.Вт) ва йиғинди қувватни хона майдонига бўлиш орқали, солиштирма қувват хисоблаб топилади (Б, Вт/кв.м). Кейин жадвал бўйича (Амал. машғулотларга қўлланма, Г.И.Румянцев, 88 бет, 13 жадвал) 10 Вт/кв.м (100 люкс) энергия сарфлайдиган турли турдаги ёритгичлар яратадиган ёритилиш қиймати

топилади. Ёритилганликнинг яқинлаштирилган қиймати (X) кўйидаги формула ёрдамида хисобланади:

$$X = (B \times C) : 10 \text{ люкс}$$

Хисоблаш учун мисол: 36 м² майдонга эга бўлган хонада 3 та лампа иш ҳолатида бўлиб, улар 100 Вт ли чўғланувчи лампалардир. Лампаларнинг йиғинди қуввати $3 \times 100 = 300$ Вт ни, солиштирма қувват эса $300 : 36 = 8,3$ Вт / кв.м ташкил қиласи. 13 -чи жадвал бўйича тўғри тушувчи ёргулук учун (чўғланувчи лампалар) 10 Вт/кв.м 42 люкс га жадалликка эга бўлган ёргулук оқимини яратишини топамиз. Демак, хонадаги таҳминий ёритилиш даражаси қўйидагини ташкил қиласи:

$$X = (8,3 \times 42) : 10 = 35 \text{ люкс}$$

Туар-жой бинолари, жамоат жойлари, болалар ва даволаш муассасаларини лойиҳалашда, ҳамда касалхонадаги функционал хоналардаги ёритилиш даражаси етарлича бўлмаган ҳолатларда, ёритилганликнинг гигиеник меёrlарини таъминлаш мақсадида хона учун талаб этиладиган лампалар сонини хисоблаш зарурияти юзага келади. Бундай хисоблашни бажариш учун биринчи навбатда жадвал бўйича (Пивоваров Ю.П., 110 бет, 36 жадвал) лампанинг тури, осилиш баландлиги, хонанинг катталиги ва талаб этиладиган ёритилиш даражасини хисобга олган ҳолда кера бўладиган солиштирма қувват аниқланади. Топилган солиштирма қувватни хона майдонига кўпайтириш орқали талаб этилган йиғинди қувват топилади. Топилган қийматни битта лампанинг қуватига бўлиш орқали талаб этиган чироқлар сони топилади.

Хисоблаш учун мисол: Боғлов хонасининг баландлиги 3 м ва майдони 30 кв.м, ишчи юзадаги ёритилиш даражаси 100 люксни ташкил этиш учун хонани чўғланма лампалар билан ёритиш лозим (100 Вт ли лампалар). Жадвал бўйича берилган шароит учун солиштирма қувват 31 Вт/кв.м эканлигини топамиз. Зарур бўлган солиштирма қувват = $31 \times 30 = 930$ Вт. Чўғланма лампаларнинг талаб этилагн сони: $930 : 100 = 9$ лампа бўлади.

Кичик гурухлар билан ишлаш гуруҳдаги тингловчиларни 3 гурухчага (ҳар гурухчада 4 та тингловчи) бўлишни қўзда тутади ва машғулот мавзусини тўлиқ муҳокамаси, асбоблар ва жиҳозлар билан танишиш ва ўқитувчининг кўрсатмаларидан сўнг ҳарбир гурухча алоҳида топшириқ олади.

-1 гурухча – хоналарни сунъий ёритиш учун фойдаланиладиган ёритиш асбобларининг турини тавсифлаб бериш (ўқув аудиторияси мисолида)

-2 гурухча – ўқув аудиториясининг 3 тадан кам бўлмаган нуқтасида сунъий ёритилганлик даражасини ўлчашни ўтказиш, текшириш баённомасини расмийлаштириш

Фаолият кетма-кетлиги:

-фильтрли фотоэлементни тайёрлаш x10

-иш жойларида кам деганда уч нуқтада ёритилиш даражасини кетма-кет ўлчаш (сунъий ёритилишнинг ёқилган қв ўчирилган вақтада)

-ҳарбир нуқтада иккита ўлчаш ўртасидаги фарқни аниқлаш

-хисоблаш ва ёритилганликнинг ўртача даражасини баҳолаш

-ёритилишнинг бир текис тарқалганлигини баҳолаш

-3 гурӯхча – ўқув аудиторияси учун керак бўладиган ёритгичлар сонини хисоблашни бажариш

Фаолият кетма-кетлиги:

-жадвал бўйича чўғлатма чироқлар учун гигиеник меёрни (100лк), ҳонанинг ҳажми ва унинг баландлигини хисобга олиб керак бўлган солиширима қувватни жадвал бўйича аниқлаш

-керак бўладиган умумий қувватни хисоблаш

-100 вт бўйича керак бўладиган чироқлар сонини хисоблаш

Кичик гуруҳларда иш тугатилгандан сўнг, ҳарбир кичик гуруҳ ўзининг иш натижаларини баённомаси ва бажарилган хисоблаш бўйича доклад қиласди. Кейин ҳамма тадабалар бошқа гуруҳчалар бажарган иш натижаларини ҳам умумлаштириб умумий баённома ёзадилар (ўқув аудиториясининг сунъий ёритилиш кўрсаткичларининг гигиеник меъёрлари) олинган натижалар баҳоланади.

2-амалий машғулот: Аҳолининг тўғри овқатланиш масалалари

Машғулотнинг амалий қисми 2-та кичик гуруҳлар билан ишлаш орқали ўтказилади ва уларнинг ҳарбири алоҳида топшириқ оладилар:

1КГ – тавсия этилган сут намунасининг органолептик ва айрим физико-кимёвий текширишларини ўтказиш (ранги, ҳиди, консистенцияси, зичлиги, нордонлиги, аралашмаларнинг бор-йўқлиги – сода, крахмал)

2КГ – тавсия этилган гўшт намунасини қўйидаги кўрсаткичлар бўйича текширишдан ўтказиш: ранги, ҳиди, консистенцияси, аммиакнинг борлиги, гельминтларнинг борлиги

Сутнинг тўла сифатлилигини баҳолаш унинг органолептик, физикавий, кимёвий ва микробиологик кўрсаткичларини текшириш орқали амалга оширилади.

Сутнинг органолептик хоссаларига ранги, ҳиди, консистенцияси, таъми киради. Тўла сифатли сутнинг ранги оўй, бироз сарғиши тусли, ёқимли сут

ҳиди, суюқ (аммо сув каби суюқ эмас) консистенцияли, ёқимди ва енгил хушбўй ҳидга эга бўлади.

Физикавий кўрсаткичларига унинг зичлиги (солиштирма оғирлиги), ёғнинг миқдори ва механик аралашмаларини киритиш мумкин.

Кимёвий сифат кўрсаткичларига унинг янгилиги ва табиийлиги, ҳамда сутнинг қалбакилаштириш мақсадида қўшилиши мумкин бўлган кимёвий аралашмалари киради (сода, крахмал).

Сутнинг микробиологик кўрсаткичларига микрофлораларнинг миқдори ва уларнинг табиатини киритиш мумкин.

Сутнинг юқорида баён этилган кўрсаткичларини текширишда қўлланадиган асосий усууллар жадвалда келтирилган:

Кўрсаткичлар	Аниқлаш усули	Гиг.меёри
Зичлиги (солиштирма оғирлик) Зичлиги паст – суюлтирилган сут, юқори зичлик –сутнинг ёғи олинган	Лактоденсиметр ёрдамида	1,028-1,034 20°C хароратда
Ёғнинг миқдори (%)	Бутирометр ёрдамида	2,8-3,7%
Механик аралашмаларнинг борлиги	Тоза дока орқали сузиш ва кейин докали фильтрни кўриш	Механик аралашмалар бўлмаслиги керак
Сутнинг янгилиги: А)нордонлиги Б)чириш намунаси	0,1н NaOH билан титрлаш усули Кайнатиш	18-24 ⁰ Тернера Чириши мумкин эмас
Сода аралашмаси	Розол кислота билан сифат реакцияси	Розол кислота билан сариқ ранг
Крахмал аралашмаси	Краҳмалга сифат реакцияси	Сариқ ранг
Бактериологик кўрсаткичлар	Овқатли муҳитларга экиш, микроскопик текшириш	Патоген флоралар бўлмаслиги керак

Гўштнинг тўла сифатлилигини баҳолаш қуйидаги кўрсаткичлар орқали амалга оширилади: органолептик (ранги, ҳиди, консистенцияси,

шўрвасининг таъми), кимёвий (аммиак, водород сульфид, т кислоталари), микробиологик (гельминтларнинг борлиги). Гўшт қўрсаткичларини баҳолаш 25 балли тизимда амалга оширилади, яъни агар гўштнинг йиғинди баллари 21-25 ни ташкил қиласа, гўшт янги, 10-20 балл бўлса – янгилиги шубҳали, ё 10 баллдан паст бўлса – гўшт янги эмас:

Кўрсаткичлар	Текшириш усуллари	Кўрсаткичларни баҳолаш
Органолептик: -ранги -консистенцияси -ҳиди	Визуал Бармоқ билан босиш Қиздирилган пичоқ намунаси	Оғиш бўлса: -рангида - 2 дан 5 баллгача чегириш; консистенциясида – 2 дан 5 баллгача чегириш; ҳидда-2 дан 7 баллгача
Кимёвий: -учувчи ёғ кислоталарининг борлиги -аммиакли азотнинг борлиги	Мис сульфат намунаси Несселер реактиви билан ижобий	Бор бўлса 4 балл чегириш Бор бўлса – 2 балл чегириш
Микробиологик: финна ва трихи-неллаларнинг борлиги	Эзилган препаратларни микроскопдв кўриш	Бор бўлса – 2 балл чегириш

Кичик гурӯхларда иш тугагандан сўнг, ҳарбир гурӯх ўз ишининг натижасини тақдим этади – текшириш баённомалари ўқилади. Ҳамма текшириш натижаларини жамлаб якуний баённомани тузиш, сўнгра ўқитувчи маслаҳати ёрдамида олинган натижалар баҳоланади

З-амалий машғулот: Мехнат гигиенаси соҳасидаги мухим гигиеник муаммолар. Ишлаб чиқариш корхоналарида чангланганлик, шовқин-тебраниш даражасини текшириш ва баҳолаш усуллари.

Чангланганлик, шовқин ва тебраниш ишлаб чиқариш мухитида кенг тарқалган омиллардан ҳисобланади, шунинг учун бу омилларга боғлиқ бўлган касалликлар касбий касалликлар таркибида мухим ўринни эгаллайди. Шунинг учун хам шифокор ишлаб чиқаришдаги шовқин ва тебраниш

даражасини аник билиши, уни асбоблар ёрдамида ўлчай олиши, хамда РЭД билан солишири олиши лозим. Олинган натижалар асосида ишчиларни ишлаб чиқариш заарларидан муҳофаза қилиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиши керак. Айнан ана шу муаммоларни олдини олиш йўлларини ишлаб чиқиш ўқитиши технологиясининг асосий мақсади ҳисобланади. Ушбу технология амалий вазиятларни ҳал этиш жараёнида ўрганилган ўқув мавзуси бўйича билимларни мустаҳкамлашга, муаммоларни таҳлил қилиш ва қирраларни якка тартибда ёки гуруҳларда қабул қилиш кўникмаларини эгаллашга, ижодий ва ўрганиш қобилияtlари, мантиқий фикрлаш, нутқ ва мухит шароитларига мослашиш қобилияtlарини ривожлантиришга ҳамда қарорларни мустақил қабул қилишга ва ўз-ўзини назорат қилишга ёрдам беради.

Қуйидаги усул- *Шовқин-тебранишили вазиятларни тўғри баҳолай олишини*, чукур ва замонавий билим, мустақил фикрлаш салоҳиятига эга бўлишни, шовқин таъсирида келиб чиқадиган касалликларнинг олдини олиш йўлларини ишлаб чиқишга имкон яратади.

Тавсия этилган усулни ечиш қуйидаги натижаларга эришишга имкон яратади:

- ўзлаштирилган мавзу бўйича билимларни мустаҳкамлаш;
- муаммонинг ҳамда қабул қилинган ечимнинг индивидуал ва гуруҳий таҳлилида билим ва кўникмаларни қайта топшириш;
- мантиқий фикрлашни ривожлантириш;
- мустақил равища қарор қабул қилиш кўникмаларини эгаллаш;
- ўқув ахборотларини ўзлаштириш даражасини текшириб қўриш.

Иш жойида шовқин даражасини ШИ -01 асбоби билан ўлчаш ҳаракат алгоритми.

1. ШИ-01 асбобини ишга тайёрланади.
2. Вкл. тугмасини босиб, кутамиз «Измерение» Сервис сўзи чиқади. Бунда кучланиш (напряжение) 5 дан катта бўлиши керак
3. Ввод тугмасини босиб кутамиз. Агар голограмма паст бўлса учбурчак белгили тугмани босиб, голограммани 3-4 полоскалар орасига чиқарамиз.
4. Асбоб дБ – режимида кўрсатади.
5. «Запись» тугмасини боссак, олинган натижалар хотирага (память) ёзилади
6. Режим АВС стрелкалар билан ўзгариши мумкин.
7. Олинган натижаларни СанҚ ва М 0120-01 “Иш жойларида шовқинни РЭД ги санитар меъёрлари”га мувофиқ баҳоланади.

Иш жойида тебранишини ВШВ – 003 асбоби билан ишлаш ҳаракат алгоритми

1. ВШВ -003 асбоби ишга тайёрланади.
2. Иш жойларига вибродатчикни ўрнатилади ва асбоб ўлчашга тайёрланади.
3. тебранишини ўлчаш: тумблерни “вибрация” холатига келтирилади,

- ўлчаш тумблерини “пин”, ишлаш тумблерини “тез” холатига ўтказилади.
4. тебранишни спектрал таркибини ўлчаш учун “Фильтр” холатига ўтказилади
 5. Олинган натижалар ҳисобланади ва СанҚ ва М 0122-01 бўйича баҳоланади.

ВАЗИЯТЛИ МАСАЛА

1 масала. «Малика» корхонасининг тикув цехида ишловчи 150 та ишчи даврий тиббий кўриқдан ўтказилганда, янги 4 та Кохлеар неврит холати аниқланди:

- Адхамова М. 40 ёш, цехда ум. иш стажи – 12 йил
- Ганиева Х. 38 ёш, иш стажи – 10 йил
- Дадабоева Р., 42 ёш, иш стажи – 15 йил
- Зокирова И. 35 ёш, иш стажи – 13 йил.

120 кв. м майдонга эга тикув цехида 50 та иш ўринлари жойлаштирилган (тикув машинаси, стул, тайёр маҳсулотларни солиш учун коробкалар). Иш ўринларидан яқинида тайёр маҳсулотларни ўтказиш учун харакатланувчи конвейер жойлашган. Цехни ҳар бир бурчагида умумий олиб кетувчи вентиляторлар ўрнатилган.

1. Холатни ўрганиб чиқинг, саволларга жавоб беринг ва ишлаб чиқариш мухитида соғломлаштириш чора-тадбирлари режасини тузинг.

2. Саволлар:

9. Юқорида кўрсатилган касалликлар келиб чиқишига нималар сабаб бўлганини айтинг.
 10. Сизни тахминингизни қандай текшириш мумкин?
 11. Иш жойларини текширишни (аттестацияси) ким олиб бориши керак?
 12. Шовқин қаерда ва қандай тартибда ўлчаниши керак?
 13. Олинган натижаларни қандай баҳоланади?
 14. Касалликлар қайд этилган аёллар билан қандай чора тадбирлар қўлланиши мумкин
3. Иш жойларида согломлаштирувчи чора тадбирлар қўллаш ва янги касалликларни қайд этилмаслиги учун Сизнинг тавсиянгиз.
- 1.

2.

3. ва х.к.

2 Масала. Темир бетон махсулотлари ишлаб чиқариш заводининг блокларни формага солиш цехидаги ишчиларни даврий тиббий кўриқдан ўтказилганда 2 та янги вибрацион касаллик аниқланди:

- Самандаров М. 46 ёш, блокни формага солувчи, иш стажи – 14 йил
- Ибрагимов А, 49 ёш, катта темир бетонли трубаларни тебранма харакат билан текисловчи оператор, иш стажи – 24 йил

Бу цех 600 кв.м майдонга эга бўлиб, машиналар кириши учун катта очик эшиклар бор (тайёр махсулотларни юклаш учун). Блокларни формага солиш жараёни ўз ичига олади: блок учун арматуралар тайёрлаш, уларни формали идишларга ўрнатиш, трубалар ётқизиш (механик-сварка ишлар), цемент-қумли аралашмаларни идишларга қуиши, тебранма харакатлар билан бетонни текислаш, уни қуритиш (иссик нам хаво юбориш орқали), идишлардан тайёр махсулотни автомашиналарга юклаш.

Кўл меҳнати умумий ишнинг 60 % ини ташкил килади. Дистанцион бошқариш қурилмалари йук. Совук кунларда иш жойидаги хаво ҳарорати 5^0 дан 24^0 гача бўлади. Иситиш мосламалари ўрнатилмаган. Ишчилар оддий иш кийимларида.

1. Ҳолатни ўрганиб чиқинг, саволларга жавоб беринг. Иш жойидаги согломлаштирувчи чора тадбирлар режасини тузинг.

2. Саволар:

1. Юқоридаги касалликларни келиб чиқишига сабаб нима бўлган?
2. Сизнинг тахминингизни қандай текшириш мумкин?
3. Иш жойларида текширувни (аттестацияни) ким олиб бориши керак?
4. Тебраниш даражасини ўлчаш қандай тартибда ва қаерда олиб борилиши керак?
5. Олинган натижалар қандай баҳоланади?
6. Ишчилардаги касаллик холатини аниқланганда, қандай чоралар кўрилиши керак?
3. Иш жойларида соғломлаштирувчи чора-тадбирлар режасини тузиш бўйича Сизнинг тавсияларингиз.

1.

2.

3. ва .х.к.

4-амалий машғулот: Болалар ва ўсмирлар гигиенасининг ўзига хос муаммолари. Болалар ва ўсмирларнинг жисмоний ривожланишини текшириш ва баҳолашнинг методологик асослари.

1.3-4 та тингловчида жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари аниқланади (бўйи, вазни, кўкрак қафасининг айланаси, мушаклар кучи, ЎТС –ўпканинг тириклик сифими)

2.2-3 та боланинг жисмоний ривожланишини баҳолашни ўтказиш (вазиятли масалалар) регессия шкаласи бўйича

Қадамба-қадам харакат алгоритми:

- берилган вазиятли масалага мувофиқ шу ёш,жинс, миллат ва яшаш жойи учун регрессия шкаласи кўрсатиш
- бўй кўрсаткичи бўйича ривожланиш даражасини аниқлаш
- тана вазни ва КҚА қийматларини аниқлаш, ҳамда шу бўйга мувофиқ «±δ» қийматини топиш
- тана вазни ва КҚА учун шахсий сигмали оғишни хисоблаш
- хисоблаб топилга оғиш қийматларига боғлиқ ҳолда ривожланишнинг гармоник эканлигини баҳолаш

5-амалий машғулот: Соглом турмуш тарзи ва психогигиенанинг долзарб муаммолари. Кийим-бош газламаларининг физикавий ва гигиеник кўрсаткичларини текшириш усуллари.

Толаларнинг келиб чиқиши характери аниқлангандан сўнг, уларни гигиеник текширувга тайёрланади. Текшириш ишлари нормал микроиқлим шароитида ўтказилиши керак.

Намунани тайёрлаш.

1 литр иссиқ сувда 15 грамм хўжалик совуни ва 10 грамм кир ювиш содаси солиниб, аралаштирилади. Намуна бу эритмада 10 минут қайнатилади. Эритма массаси мато массасидан 50 марта кўп бўлиши керак, сўнгра намуна матосининг иплари (толалари) йўналишига кўндаланг равишда сиқилиб, шу эритмада ювилади ва 30 марта сиқилади. Намунани қайтадан янги совули

эритмада 10 минут қайнатилади, илиқ дистилланган сувда обдон чайилади ва очик ҳавода қуритилади.

Намунани қирқиб олиш

Методан намуна олишда аввал андоза олинади. Бунинг учун қалин картон қофозга намунани қўйиб, 10x10 см ни қалам билан белгилаб олинади. Шаблонни олиб, матони қайчи билан қирқилади, 10x10 см ўлчамда 10-12 та намуна кесиб олинади. Бунда газламанинг бўйи ва энини аниқлаш ҳам аҳамиятга эгадир. Буни аниқлаш учун, қўл билан чўзиб кўрилганда, қийин чўзилган томони унинг бўйини (бўйлама ип) билдиради.

Турли хилдаги газлама ёки матолар ҳар хил физикавий ва гигиеник хоссаларга эга бўлиб, турли кийимларни тикиш учун фойдаланилиши мумкин:

Газлама тури	Газламанинг асосий хоссалари	Фойдаланишга тавсия
Юпқа пахта толали газлама	Массаси кичик; Қалинлиги - 0,2 -0,9 мм; Зичлиги - 0,2г куб см; Ғоваклилиги- 45% дан кам; Ҳаво ўтказиши -0,3-0,5 сек; Гигроскопиклилиги-11-14%; Сув тутиши -13-14% ИҚН ўтказиши (тўқилиши ва берилган рангига мувофиқ)- 60-65%	Ички ва ёзги кийимлар учун тавсия этилади
Қалин пахта толали газлама	Массаси унинг қалинлигига боғлиқ Қалинлиги - 0,7-0,9 мм; Зичлиги-0,15-0,2 г.см.куб; Ғоваклилиги-50-70%; Ҳаво ўтказиши -40-70 сек; Гигроскопиклиги-17-20%;	Устки кийим учун (аммо пальто учун эмас)

	Сув ушлаши - 60-66%	
Ипак толали газлама	Массаси кичкина; Қалинлиги-0,1-0,15 мм; Зичлиги-0,1-0,15 г/см.куб; Ғоваклилиги-40% дан кам; Ҳаво ўтказиши-0,2-0,3 сек; Сув тутиши-10-12%; Гигроскопиклиги-18-20%; ИКН ўтказиши (хон-атлас) - 40-45%	Ички ва ёзги кийимлар учун
Жунли мато	Массаси қалинлигига боғлик; Қалинлиги - 1-2,6 мм; Зичлиги-0,1-0,18г/см.куб; Ғоваклилиги-78-92% дан кам; Ҳаво ўтказиши-3-18 сек; Сув тутиши-45-50%; Гигроскопиклиги-25-30%	Устки кийимлар учун
Табиий мўйна	Массаси турига боғлик; Қалинлиги-1-6 см; Зичлиги-0,1 г/см.куб дан кам; Ғоваклилиги-94-96% дан кам; Ҳаво ўтказиши – бир неча минут; Сув тутиши-30-60%; Гигроскопиклиги-20-25%	Устки кийимлар учун

Газламанинг асосий физикавий хоссаларини аниqlаш:

1. Газламанинг қалинлиги, қалинликни ўлчовчи маҳсус асборларда текширилади. Бунда асборнинг 2 та пластинкаси орасига ўрганилаётган мато

жойлаштирилади. Юқориги пластинка ҳаракатчан бўлиб унда стерженлар тумо бўлиб, ундаги нониус орқали 2 та пластинкалар орасидаги масофа 0,005мм аниқлик даражасида аниқланади. Турли хил толаларнинг қалинлиги 0,1 мм дан бир неча миллиметрлар оралиғида бўлиши мумкин. Агар қалинликни ўлчаш асбоби бўлмаса қўйидаги усулдан фойдаланиш мумкин: янги қаламнинг диаметри аниқланади, кейин қаламни текширилувчи газлама намунаси билан зич айлантирилади (5 ёки 10 марта) ва яна қаламнинг газлама ўралгандан кейинги диаметрини ўлчанади, қаламнинг диаметри олиб ташланади ва икки ўлчаш ўртасидаги фарқни ўралган газлама сонига нисбатан (5 ёки 10 марта ўралиш) 10 ёки 20 га бўлинади.

2. Газламанинг зичлигини аниқлаш. Газламанинг зичлиги қилиб - 1 куб смато хажмининг массасига айтилади (г). Турли хил матолар ҳаво ва матонинг зич қисми аралашмаси ҳисобланади, шу сабабли матонинг зичлиги ундаги зич қисмининг қўплигига тўғри боғлиқликда бўлади.

Аниқлаш тартиби: $10 \times 10 \text{ см}$ ли мато бўлакларнинг 5 та табиий қалинликдаги массаси топилади ва 100 см^2 матонинг массасига ҳам аниқланади. Топилган массаси 100 см^2 матонинг массасига бўлинади ва 1 см^2 матонинг массасига топилади. Сўнг 1 см^2 мато массасига қараб, 1cm қалинликдаги массаси аниқланади (1cm^2 даги) ва қўйидаги формула бўйича топилади:

$$D = (10 \times b) : (n \times m), \quad \text{бу ерда}$$

D -газлама зичлиги , г/см.куб;

10 - см.кв. ни см куб га ўтказиш;

b - намунанинг ўртача массаси - г;

n - газлама намунасининг ўлчами, кв.см;

m - газлама қалинлиги, мм

Масалан, 100 ли трикотаж массаси 1,9 г, қалинлиги 0,99 мм. Унда зичлиги (1 см ли қалинликдаги мато)

$$\frac{10 \times 1,9}{100 \times 0,99} = 0,19 \text{ г/см}^3$$

Жунли матолар ўртча зичлиги 0.1 , пахтали мато 0.2

3.Газлама намунасининг массасини аниқлаш. Газлама массаси деб 1 кв.м газламанинг оғирлигига айтилади. Газламанинг массасини аниқлаш учун ҳар хил жойлардан кесиб олинган (чети, кесилган жойи, ўртаси) бир нечта газлама намунаси олинади. Намуналарнинг вазни аналитик ёки торсион

тарозида тортилади (0,1г аниқликда) ва битта намунанинг ўртача массаси ҳисобланади. Газламанинг массаси қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$D = (B \times 1000000) : (l_1 \times l_2), \text{ бу ерда}$$

M - газлама массаси, $\text{г}/\text{м}^2$;

B - намунанинг ўртача массаси, г ;

1000000 - мм ни м^2 га ўтказиш;

l_1 -намуна узунлиги, мм ;

l_2 - намунанинг кенглиги, мм

4. Газламанинг ғоваклилигини аниқлаш. Қуйидаги формула ёрдамида ҳисоблаш орқали аниқланади:

$$P = [1 - (D : d)] \times 100, \text{ бу ерда}$$

P - ғоваклиги (газлама ғовакларининг ҳажми), $\%$;

D - газламанинг ўртача зичлиги;

d - толанинг зичлиги, шартли равишда 1,3 деб қабул қиласиз;

100 - фоизларга ўтказиш, $\%$

Масалан, матонинг ўртача зичлиги 0.19, уни мато зичлигига 1.3 га бўлсак, 1 см^3 даги зич модда ҳажми топилади.

$$\frac{0.19}{1.3} = 0.14 \text{ см}^3$$

Бундан 1 см^3 матода ғоваклик ҳажми $1 - 0.14 = 0.86$. Уни фоизларда ифодаласак 86%.

Ғоваклик ҳажми катта диапозонда фарқланади. Масалан, жунли матода ғоваклик 92.3%, жунли адеялаларда 87%

5. Кийим-бош матоларининг асосий гигиеник кўрсаткичларини аниқлаш.

Газламанинг ҳаво ўтказувчанлигини аниқлаш. Ҳаво ўтказувчанлик - бу газмағоваклари орқали ҳавони ўтказиш хусусиятидир. Газламаларининг ҳаво ўтказувчанлиги матода ҳаво алмашиниш хусусиятини белгилайди. Ҳаво ўтказувчанлиги паст бўлган газламалар шамолга чидамли ҳисобланади. Газламаларнинг ҳаво ўтказувчанлиги толанинг таркибига, зичлигига ва матога ишлов берилишига боғлиқ.

Табиий нозик толалардан тайёрланган матолар кимёвий толалардан тайёрланган матоларга нисбатан ҳаво ўтказувчанлиги анча юқори. Таркибига кирувчи толалар турига боғлиқ бўлмаган ҳолда матонинг йирик тўқилиши ҳам яхши ҳаво ўтказувчанликка сабаб бўлади.

Ҳаво ўтказувчанликни таърифловчи энг муҳим кўрсаткичлардан бири ҳаво ўтказиш коэффициенти ҳисобланади. Уни аниқлаш учун газлама намунасини газлама ўрнатиладиган мослама айланаси бўйича кесиб олинади. Газламани мослама ўрнаштирилади, бунда газламанинг кўп чўзилиб кетмаслигига эътибор қаратиш лозим (клей ёрдамида маҳкамланади). Мослама (аллонж)ни сув манометрига уланган ва 0,42 мм сув устунига тенг бўлган босимга мослаштирилган аспираторга уланади. Газлама орқали 1 л ҳаво ўтишга сарфланган вақт аниқланади.

Ҳаво ўтказиш коэффициенти қуйидаги формула билан ҳисобланади:

$$K = (t \times S \times 10) : (V \times P), \text{ бу ерда}$$

K - ҳаво ўтказиш коэффициенти, сек;

T - газлама орқали ҳаво ўтиш муддати;

S - газлама ўлчами, см²

10 - мм ни см га ўтказиш;

V - газлама орқали ўтказилган ҳаво ҳажми, см³

P - газламанинг қалинлиги, мм

Газламанинг гигроскопиклигини аниқлаш. Газламанинг гигроскопиклиги деб, унинг ҳаво таркибидаги сув буғларини ўзига адсорбциялаш хусусиятига айтилади. Гигроскопиклик табиий шароитда ва ҳавонинг 100% сув буғига тўйинтириш шароитида аниқланади. Табиий микроиқлим шароитидаги газламанинг гигроскопиклиги асосан ички кийимларни тикиш учун танланадиган газламалар учун жуда аҳамиятлидир, максимал гигроскопиклиги эса, устки кийимлар, кузги, баҳорги ва қишки кийимлар учун мато танлашда муҳимдир. Оддий ҳарорат-намлик шароитида пахта толасидан тайёрланган газламалар 7-10%, лён - 9-11%, жунли матолар - 13-16 %, ацетатли - 4-5%, вискоза - 11-13%, капрон - 2- 4 %, лавсан - 1 %, хлоринли - 0,1 % дан кам нам ушлайди. Ҳўл мато юқори иссиқлик ушлаш

қобилиятига эга, шунинг учун танадан иссиқликни тезда ютади, бу эса организмни совукқотиши ва қизишига олиб келади.

Максимал гигроскопикликни аниқлаш: газлама намуналарини қуритиш шкафидаги доимий оғирлиги ҳолатигача қуритилади, 3-5 намунанинг оғирлиги аниқланади ва қуритилган намуналарнинг ўртача оғирлиги ҳисоблаб топилади. Сўнгра намуналарни 100% намлик ҳолатига келтирилган эксикатордаги ҳаво мұхитига жойлаштирилади. 1 ва 24 соатдан сўнг, намуналарнинг оғирлиги яна тортилади ва уларнинг ўртача оғирлиги ҳисобланади. Газламанинг максимал гигроскопикликини қуидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$H = (M_{\text{уруқ}} - M_{x_{\text{ўл}}}) : M_{\text{уруқ}} \times 100, \quad \text{бу ерда}$$

H - максимал гигроскопиклик, %;

M_{уруқ} - намунанинг доимий оғирлиги;

M_{x_{ўл}} - 100% намлик шароитида бўлган намунанинг оғирлиги

Газламанинг сув ушлаш хусусияти. Газламанинг ўзида сув ушлаш хусусияти деб газлама таркибидаги ғовакларда сувни ушлаши тушунилади. Бу қиймат қуидаги формула ёрдамида ҳисобланиши мумкин, аммо бунда газламанинг ғоваклигини ҳисобга олиш зарур: сув ушлаш хусусияти газламадаги қовакларнинг ҳажмига tengdir (ўртача зичлик x 100). Лаборатория шароитида сув ушлаш хусусияти маълум вақт бирлиги ичida, мас., 2 соат давомида текширилиши мумкин.

Аниқлаш тартиби: газлама намунаси аналитик тарозида 0,1 г аниқликкача тортилади. Тортилган газлама намунасини дистилланган сув солинган Петри косачасига 2 соатга солиб қўйилади, сўнгра ундаги сув томчиларини фильтр қофози ёрдамида енгил қуритиб олинади, аммо сиқилмайди. Намуна яна тортилади. Газламанинг сув ушлаши қуидагича ҳисобланади:

$$P = [(M_2 - M_1) : M_1] \times 100, \quad \text{бу ерда}$$

P - сув ушлаши, %;

M₁ -намунанинг қуруқ ҳолатидаги массаси;

M₂ -намунанинг сувда бўлгандан кейинги массаси (2 ёки 24 соат)

Газламанинг капиллярилигини аниқлаш. Ички кийим, кўйлаклар, чойшаб ва сочиқлар тайёрлашда газламаларнинг сув шимиш хоссаси мухим аҳамиятга эга. Ушбу хоссанинг асосий кўрсаткичи бўлиб газламанинг капиллярик хусусияти ҳисобланади. Энг юқори капиллярик хусусиятига пахта толаси ва лёндан тайёрланган газламалар эгадир (110- 120 мм/соат ва ундан юқори).

Газлама лента шаклида кесилади (5 x 30 см), унинг икки томонига шиша таёқча тиқиб қўйилади ва бир томонини штативга осиб, иккинчи томонини дистилланган сув солинган Петри косачасига солиб қўйилади. 1 соатдан сўнг сувнинг газлама бўйлаб юқорига шимилиш баландлиги ўлчанади (мм).

Газламага лаборатория шароитида тўлиқ таъриф бериш учун юқоридагилардан ташқари газламанинг хўлланишга бўлган чидамлилиги, газламанинг ёпишқоқлиги, қуришга бўлган хоссаси, ўзидан инфрақизил ва ультрабинафша нурларни ўтказиш хусусияти кабилар аниқланиши талаб этилади. Бу кўрсаткичларнинг аниқланиш зарурияти текшириш мақсадига мувофиқ танланиши (тўлиқ ёки қисқартирилган текшириш), ҳамда газламанинг қандай мақсадларда фойдаланишига қараб белгиланади.

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ БЎЙИЧА ТИНГЛОВЧИЛАР УЧУН ТОПШИРИҚ

1. Ўз мутахассислингиз бўйича муаммоли вазиятни шакллантиринг.
2. Унга интернетдан жавоб изланг.
3. Олинган натижаларни таҳлил қилинг ва тушунтириб беринг.

VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

Мустақил ишни ташқил этишнинг шакли ва мазмуни.

Тингловчи мустақил ишни муайян модулни хусусиятларини ҳисобга олган холда қуидаги шакллардан фойдаланиб тайёрлаши тавсия этилади:

- ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;

- тарқатма материаллар бўйича маъruzалар қисмини ўзлаштириш;

- автоматлаштирилган ўргатувчи ва назорат қилувчи дастурлар билан ишлаш;

- маҳсус адабиётлар бўйича модул бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;

- тингловчининг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган модул бўлимлари ва мавзуларни чуқур ўрганиш.

Мустақил таълим мавзулари:

Овқатланишнинг адекватлигини ўрганиш ва баҳолаш (шахсий тарзда овқатланиш мисолида)

ДПМларда bemorларнинг овқатланишини ташкил этиш ва унинг назорати.

Ўқувчиларни гигиеник тарбиялаш (мавзу ҳозирги вақтда долзарб бўлган муаммолар бўйича)

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида кенг тарқалган нозологик шакллар бўйича касалликларнинг бирламчи, иккиламчи ва учламчи профилактикаси.

Халқ саломатлигини сақлашга (мактабларда, талабалар-тураржойларида, академик лицейларда санитар тарғибот ишлари)

Соғлом турмуш тарзининг гигиеник асослари

VII. ГЛОССАРИЙ

Термин	Ўзбек тилидаги шарҳи	Инглиз тилидаги шарҳи
аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги	аҳоли соғлиғининг ҳолати бўлиб, бунда инсонга яшаш мухити омилларининг зарарли таъсири мавжуд бўлмайди ва унинг ҳаёт фаолияти учун қулай шарт-шароитлар таъминланади;	a sanitary and epidemiological welfare of the population is the state of health of the population, in which there is no adverse impact of environmental factors on human and provided favorable conditions for its life;
давлат санитария назорати	аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисидаги қонун хужжатлари бузилишларининг олдини олишга, уларни аниқлаш ва бартараф этишга доир фаолият;	a state sanitary supervision is activity on warning, exposure and removal of violations of legislation about sanitary-epidemiology prosperity of population;
инсоннинг яшаш мухити	инсоннинг ҳаёт фаолияти шарт-шароитларини белгилайдиган объектлар, ҳодисалар ва атроф-мухит омиллари мажмui;	a human environment is a collection of objects, phenomena and environmental factors determining human living conditions;
санитария-гигиена тадбирлари ва эпидемияга қарши тадбирлар	юқумли ва паразитар касалликлар пайдо бўлишининг ҳамда тарқалишининг олдини олишга ва уларни бартараф этишга қаратилган ташкилий, маъмурӣ, муҳандисликтекник, тиббий-санитария чоратадбирлари ҳамда бошқа чоратадбирлар;	a sanitary-hygienic and anti-epidemic measures are organizational, administrative, engineering, health and other measures aimed at preventing the emergence and spread of infectious and parasitic diseases and their elimination;
санитария-эпидемиологик вазият	аҳоли яшаётган мухитининг ва соғлиғининг муайян ҳудуддаги, кўрсатилган аниқ вақтдаги ҳолати;	a sanitary-epidemiological situation is the state of the environment and the

		health of the population in a certain area at the specified time;
санитария-эпидемиология хизмати	аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги фаолиятни амалга оширувчи давлат санитария-эпидемиология назорати марказларини, ортирилган иммунитет танқислиги синдромига (ОИТСга) қарши курашиш марказларини, дезинфекция станцияларини, ўлат, карантин ва ўта хавфли инфекцияларни профилактика қилиш марказларини, илмий-тадқиқот муассасаларини ўз ичига олган ягона тизим;	a sanitary and epidemiological service is a single system, which includes the centers of state sanitary and epidemiological supervision centers for the fight against acquired immunodeficiency syndrome (AIDS), disinfection stations, centers of plague prevention, quarantine and especially dangerous infections, research institutions operating in the sanitary and epidemiological welfare of the population
чекловчи тадбирлар (карантин)	юқумли ва паразитар касалликлар тарқалишининг олдини олишга қаратилган, хўжалик фаолияти ва бошқа фаолиятнинг алоҳида тартибини, ахоли, транспорт воситалари, юклар ва (ёки) товарлар ҳаракатланишининг чекланишини назарда тутадиган маъмурий, тиббий-санитария чора-тадбирлари ва бошқа чора-тадбирлар;	restrictive measures (quarantine) - administrative, health and other measures aimed at preventing the spread of infectious and parasitic diseases, providing a special regime of economic and other activities, the restriction of movement of people, vehicles, cargoes and (or) goods;
юқумли ва паразитар касалликлар	инсонга у яшаётган мухитнинг биологик омиллари таъсир кўрсатиши ҳамда касалликка чалинган инсондан ёки ҳайвондан соғлом инсонга касаллик юқиши мумкинлиги сабабли пайдо бўладиган ва	infectious and parasitic diseases - human diseases, the occurrence and distribution of which is caused by human exposure to biological

	тарқаладиган касалликлари	инсон	environmental factors and the possibility of disease transmission from an infected person or animal to a healthy person.
Гигиеник меъёрлар	доимо таъсир кўрсатувчи ва инсон учун керакли омиллар		Hygienic norm - as a rule, are permanent and necessary for human factors.
Гигиеник коидалар	табиятда бор бўлган у ёки бу омилга бўлган гигиеник талабларнинг оғзаки таърифи		Hygiene rules - a verbal (verbal) description of hygienic requirements to a particular factor
Гигиеник регламентлар	одам организмига негатив таъсир кўрсатувчи омилларга нисбатан ўрнатилидиган меъёрлар		Hygienic reglament- are among the factors that can have a negative effect on the body.
Овқат рациони	овқат маҳсулотларининг таркиби ва микдори		Diet - the number and composition of the food products that are part of the daily human diet
Оқилона овқатланиш	физиологик меъёрлари	овқатланиш	Proper nutrition - it is a diet that provides the body's need for nutrients and energy, promotes harmonious development, the preservation of high efficiency and the body's resistance, prolongs the active period and the duration of human life.
Овқатланишнинг физиологик меъёрлари	овқат моддалар ва энергия микдорилари бўлиб, организмнинг ёши, жинси, мехнат фаолиятининг турига мувофик организмнинг физиологик эҳтиёжини қондиради		Physiological norm of power - is the amount of nutrients and energy, designed to meet the physiological needs of the body, depending on the age, sex, nature of

		work.
алиментар касалликлар	овқатланишнинг физиологик меъёрларини бажармаслик, ҳамда бошқа гигеник талабларга риоя қиласлик натижасида ривожланган касалликлар	Nutritional Meals disease population that does not match the requirements of a balanced diet, and leads to more widespread diseases, directly or indirectly related to food quality
Мехнат гигиенаси	ишлаб чиқариш муҳитида бўладиган заарли омилларнинг ишчилар организмига таъсир этиш хусусиятларини ўрганиб, унинг асосида ишчилар ўртасида кузатиладиган касалликларнинг олдини олишга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқади ва ҳаётга тадбиқ қиласди	Occupational Hygiene - the science that studies the influence of harmful factors of environment on the body work and develop on this basis, measures aimed at the prevention of diseases of workers, their exhaustion and fatigue, increase in labor productivity.
тиббий-санитария кисми	ишчи ва хизматчиларга малакали ва ихтисослаштирилган тиббий-хизмат кўрсатиш, ҳамда профилактик тадбирларни амалга оширади	Medical care part - has qualified and specialized medical care work, and also carries out preventive measures
ишлаб чиқариш муҳитидаги омиллар	ишлаб чиқариш муҳитидаги омиллар	Factors of production environment - a set of production factors, which may be either indifferent to the body working and have a negative impact on it.
касб касалликлари	ишлаб чиқариш муҳитидаги омиллар таъсирида келиб чиқадиган касалликлар	Occupational diseases - a disease that develops due to the impact specific to the work of the working conditions

		of factors
Болалар ва ўсмирлар гигиенаси	ўсуви организмга атроф мухитда бор бўлган турли омилларнинг таъсирини ўрганиш ва олинган маълумотлар асосида болалар ва ўсмирлар организмига мослаштирилган ҳолда илмий асосланган гигиеник нормативларни, тавсияларни ишлаб чиқиш ва шунга мувофиқ соғломлаштириш тадбирларини ишлаб чиқиб ҳаётга тадбиқ қиласди	Hygiene of children and adolescents - is studying the impact of the growing body of environmental factors and developing hygiene guidelines and recreational activities for children and teenagers.
акселерация	Жисмоний ривожланиш кўрсаткичларининг олдинги авлод болаларидағи ривожланиш кўрсаткичларига қараганда тезлашиши	Akseleration- process more rapid physical development and its higher performance in contemporary generations compared with previous generations
соғлом турмуш тарзи	атроф мухитда бор бўлган барча омилларнинг организмга таъсири этиш мумкинлиги ҳақидаги маълумотларга эга бўлиш, ва ана шу омиллардан ўзининг саломатлиги учун фойда келтирадиган томонларидан самарали фойдалана олиши	Healthy human life- is a skill that is the ability to perform specific actions (or vice versa, to refuse to perform any), are aimed at preserving and improving the health and disease prevention
Психигигиена	инсонларнинг руҳий саломатлигини сақлаш ва уни мустаҳкамлашга қаратилган	Psychohygiene - the science of preservation and promotion of mental health, the prevention of the emergence and development of mental illness
Касалланиш	аҳоли орасида ёки унинг айrim гурухлари ичида тарқалган касалликлар.	diseases which prevalence among population or in some groups of one's

Хавф омиллари	инсон саломатлигига хавф туғдирувчи, касалликларни келиб чиқишига, ривожланишига, ёмон оқибатларга олиб келувчи - биологик, генетик экологик, тиббий-ижтимоий ҳарактерга эга бўлган, ташқи муҳит, ишлаб чиқариш шароити, турмуш тарзи билан боғлиқ омиллар гуруҳидир.	a risk factor is any attribute, characteristic or exposure of an individual that increases the likelihood of developing a disease or injury. Some examples of the more important risk factors are underweight, unsafe sex, high blood pressure, tobacco and alcohol consumption, and unsafe water, sanitation and hygiene.
PubMed	бу электрон қидирув системаси NLM да ишлаб чиқилган. PubMed ўз ичига олади: - MEDLINE (медлайн) - PreMEDLINE - Нашриётлар баёни.	this electronic search system was developed in the National Library of Medicine (NLM). PubMed includes: - MEDLINE - PreMEDLINE - Description of publications
MEDLINE	тиббиёт маълумотларининг базаси, у 1960-йилдан бошлаб 22 миллиондан ортиқ бутун дунё бўйича тиббий маълумотлар нашрларининг библиографик баёнларини ўз ичига олади. Ҳозирда MEDLINE белул интернетдан маълумот қидиришга ёрдам беради.	<u>MEDLINE</u> is the National Library of Medicine (NLM) journal citation database. Started in the 1960s, it now provides more than 22 million references to biomedical and life sciences journal articles back to 1946. MEDLINE includes citations from more than 5,600 scholarly journals published around the world.

VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Махсус адабиётлар:

- 1.“Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 26 августдаги 393 сонли Қонуни (ЎзР қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 34-сон, 451-модда) -18б.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Республика санитария-эпидемиология хизмати фаолиятини ва уни малакали кадрлар билан таъминланиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари” тўғрисидаги 2015 йил 26 июнданги 170-сонли Қарори.
- 3.Румянцев Г.И., Прохоров Н.И., Новиков С.М. ва б. “Гигиена” Учебник для ВУЗов, М., 2009.- 608б.
4. Umumiy gigiyena bilan ekologiya. Amaliy mashg`ulotlar uchun o`quv qo`llanma. L.A.Ponomareva, E.K. Kazakov, L.K. Abduqodirova, B.E.Tuhtarov, I.K.Dravskix, S.A.Sharipova, X.A.Sadullaeva. - Т.,2011.
- 5.Environmental health Dade W. Moeller Third Edition Harvard University Press Cambridge, Massachusetts London, England, 2005
6. ЎзР СанҚвам лари (2005 - 2015 йиллар)

Кўшимча адабиётлар:

- 1.Мельниченко П.И., Архангельский В.И., Козлова Т.А. ва б. “Гигиена с основами экологии человека”, Дарслик. М., 2009. -752б.
2. Румянцев Г.И., Прохоров Н.И., Новиков С.М. ва б. “Гигиена” Учебник для ВУЗов, М., 2009.- 608б.
- 3.Большаков А.М. “Общая гигиена” М. 2009, -736 б
4. Кича Д. И., Дрожжина Н. А., Фомина А. В. “Общая гигиена руководство к лабораторным занятиям”. 2009.-288 б.
5. Демиденко Н.М. таҳрири остида. “Гигиена” Т.2004. -615б.
6. Камилова Р.Т. Болалар ва ўсмирларнинг жисмоний ривожланишини баҳолаш учун регрессия шкаласи. Т., 1998, -75б.
7. Камилова Р.Т. Болалар ва ўсмирларнинг жисмоний ривожланишини баҳолаш учун центил шкаласи. Т., 1998, -50б.

Интернет ресурслар

1. [www.minzdrav.uz;](http://www.minzdrav.uz)
2. www.tma.uz

3. www.Ziyonet;
4. www.hygiene.uz;
- 5.www.healthnet.org